

СТИВЕН КИНГ

МЕРГАН

Роман



ТОШКЕНТ
«О‘ЗБЕКISTON»
2017

УЎК 821.111-31
КБК 84(7Амер)6
К 43

**Рус тилидан Саиджалол Саидмуродов
таржимаси**

Кинг, Стивен

К 43 Мерган [Матн] К 1: роман / С. Кинг.
— Тошкент: «O‘zbekiston», НМИУ 2017.
— 320 б. — (Қора минора)

Замонамизнинг энг машхур америкалик ёзувчиларидан бири, «Шуъла», «Ўлик ҳудуд», «Яшил йўлак», «Рита Хейворт ёхуд Шоушенкдан қочиш», «Чекишни ташланг корпорацияси» сингари бир-бирдан ажойибу ғаройиб роман ва қиссалар, бетакрор ҳикоялар муаллифи Стивен Кинг аллақачон Ғарбда ўз ўқувчиларини топиб ултурган. Адибнинг ўзбек китобхонларига тақдим этилаётган «Қора Минора» туркумининг биринчи китоби ҳисобланмиш «Мерган» романининг бош қаҳрамони Роланд — «жойидан силжиган дунё»даги сўнги олижаноб мерган. У нима бўлган тақдирда ҳам куч-қудрат ўчоғи, коинотнинг пойдевор тоши — Қора Минорани излаб топиши керак. Бир кун келиб бу Минорани топади ҳам, лекин ҳозирча унинг чекига сеҳргарлик ила бошқарилмиш, баъзан бизнинг оламимизга-да эшик очилиб туриладиган дунё бўйлаб саёҳатга чиқиш юки тушган...

ISBN 978-9943-28-901-7

**УЎК 821.111-31
КБК 84(7Амер)6**

ISBN 978-9943-28-901-7

© Саиджалол Саидмуродов (тарж.), 2017
©«O‘ZBEKISTON»НМИУ, 2017

*Ушбу китобни қўрқув ва таваккал
билан бобма-боб кўриб чиққан
Эд Ферманга¹ бағишлайман*

КИРИШ

Ўн тўққиз ёшингда бошингдан ўтадиган кечинмалар (ва нафақат бу ҳақда)

I

Ўн тўққиз ёшга тўлганимда (ҳозир сиз кўлингиздаги ўқимокчи бўлиб турган асар учун аҳамиятли ёш), хоббитлар² ҳамма ёқни босиб кетганди.

Катта Вудсток³ фестивали бўлиб ўтаётган Макс Ясгур фермасининг лойга ботган майдо-нида олти-еттита Мерри ва Пиппинлар⁴, улардан икки марта кўп Фродолар⁵ санғиб юришар-

¹ *Эд Ферман* — АҚШда чоп этиладиган «The Magazine of Fantasy and Science Fiction» («Фантастика ва илмий фантастика») журналида 1966 йилдан 1991 йилгача бош муҳаррир бўлиб ишлаган.

² *Хоббитлар* — инглиз шоири ва ёзувчиси, тилшунос олим Жон Рональд Руэл Толкиэн (1892–1973) қаламига мансуб афсонавий «Хоббит ёхуд борса-келмас» ва «Узуклар ҳукмдори» эпопеяларининг бош қаҳрамонлари.

³ 1969 йилнинг 15–18 августида Нью-Йорк штатида ўтказилган мусиқа ва санъат фестивали.

⁴ «Узуклар ҳукмдори»нинг қаҳрамонлари.

⁵ *Фродо* — «Узуклар ҳукмдори»нинг асосий қаҳрамони.

ди, хиппича¹ кийинган Гэндальфлар²ни-ку санаб адофига етолмасдинг. Ўша вақтда Ж.Р.Р.Толкиеннинг «Узуклар ҳукмдори» ғоятда машҳур бўлиб кетганди, гарчи мен Вудстокка бормаган бўлсам-да (минг афсус), хиппи бўлмасам-да, хар ҳолда чала хиппи эдим. Лекин шунинг ўзи мен мансуб бўлмиш авлод одамлари томонидан «Узуклар ҳукмдори» таъсири остида ёзилган (Стив Дональдсон³нинг «Томас Кавинантнинг ўтмиши», Терри Брукс⁴нинг «Шанаранинг қиличи») «Қора минора» каби узундан-узоқ эртак-фэнтезиларни ютоқиб ўқиш ва уларга меҳр қўйиш учун етарли эди.

Гарчи «Узуклар ҳукмдори»ни 1966–67 йилларда ўқиган бўлсам ҳам ўзимнинг оламимни қоғозга туширишдан аранг тийилиб турардим. Толкиеннинг хаёлотига чин қалбдан қанот ёйиб кириб келдим. Лекин мен ўзимнинг оламимни ёзишни истардим, агар ўшанда ёзишни бошлаганимда, турган гапки, ўзимникини эмас, унинг асарини қоғозга туширган бўлардим. Бу эса, Абжир Дик Никсон айтганидек, бутунлай нотўғри йўл эди. Жаноб Толкиеннинг шарофати ила XX аср ўзининг афсунгарлари ва эльфларига⁵ эга бўлди.

¹ *Хиппи* — ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШда пайдо бўлган субмаданият вакиллари.

² *Гендальф* — «Узуклар ҳукмдори» қахрамонларидан бири.

³ *Стивен Ридер Дональдсон* — илмий фантастика, фэнтези, мистик насрда ижод қилувчи америкалик ёзувчи.

⁴ *Терренс Дин Брукс* — америкалик фантаст ёзувчи.

⁵ *Эльфлар* — германо-скандинав ва кельт фольклорида: сеҳргар халқ; «Узуклар ҳукмдори»нинг қахрамонлари.

1967 йили менинг хикоям қандай бўлишини ҳали тасаввур қилолмасдим, бироқ бу унчалик муҳим эмасди; чунки ёзмоқчи бўлган асаримни кўчада учратиб қолсам, дарров таниб олишимга ишончим комил эди. Мен ўшанда ўн тўққиз ёшли ўзига ишонган йигитча эдим. Типирчиламасдан, жимгина илҳом париси ва дурдонамни (бу дурдона бўлишига қаттиқ ишонардим) кутиш учун ортиқ даражада ўзимга ишонардим. Ҳайтовур, ўн тўққиз ёшдалигингда ўзингга ишонишга ҳаққинг бор: олдинда бир талай вақтинг бор, қўрқмасанг ҳам бўлади. Вақт — маккор душман. Кантри¹ услубида куйланган бир машҳур кўшиқда айтилганидай, у сочларингни юлиб олади, оёқдан қолдиради; аслида эса вақт бундан-да кўпроқ нарсани тортиб олади. 1966–67 йилларда ушбу ҳаёт ҳақиқатидан беҳабар эдим, мабодо билганимда ҳам ўша чоғларда мен ҳаммасига тупурардим. Қачонлардир қирққа киришимни хаёлимга ҳам келтиролмасдим. Эллик ёш-чи? Йўқ. *Олтмишичи?* Ҳеч қачон! Олтмиш ёш — ахир бунга ақл бовар қилмайди-ку. Ўзи ўн тўққиз ёшда ҳаммада шундай бўлади. Ўн тўққиз ёшдалигингда шундай дейсан: «Ҳой, ҳаммангиз менга қаранг. Динамит ичиб, тротил² чекиб олганман. Стив деганлари йўлга тушди. Агар жонларингдан умидларинг бўлса, яхшиси, йўлимдан қочинглар».

¹ *Кантри* — АҚШнинг жануби-ғарбидаги қишлоқ минтақаларида тарқалган мусиқа тури.

² *Тротил* — кучли портловчи модда.



Ўн тўққиз ёш — худбинлик ёши. У пайтда одам фақат ўзи ҳақида ўйлайди, бошқа нарса-лар унга чикора. Камина баланд чўққиларни кўзлар, шу нарса мени тўлқинлантирарди. Нафсониятимдан бошқасини ўйламасдим. Менинг ёзадиган машинкам бор эди, уни кўтариб ғарибона бир кулбадан бошқасига кўчиб ўтардим. Чўнтагимда бир қути сигарет қапайиб турар, юзим эса табассумдан порларди. Ўрта ёшнинг муроса йўли шунчалик узоқ туюлар, кексалик дардлари эса етиб бўлмас манзилдай эди, гўё. Боб Сегер¹нинг қўшиғи қахрамони сингари (эндиликда халқ турли лаш-лушларни сотиб олиши учун Бобни ҳар бир дўконда «сайратишмоқда») битмас-туганмас куч ва чексиз некбинликка эга эдим; чўнтагимда ҳемири ҳам йўқ, аммо каллам тезроқ дунёга ошкор қилишим керак бўлган ғояларга тўла эди, юрагим эса бир-биридан ажойибу ғаройиб ҳикояларга тўлиб тошганди. Ҳозир бу гаплар жўн туюлади; лекин ўшанда булар мени аллаларди. Мен ўзимни зўр деб билардим. Ҳаммасидан ҳам китобхонлар билан менинг ўртамдаги деворни ёриб ўтгим келарди — шунда ҳам биргина сўзнинг қудрати билан. Бу қўлимдан келишини, айнан шунинг учун дунёга келганимни ич-ичимдан хис этардим.

Бу сўзларнинг жаранглашини қаранг. Жуда мағрурона! Ёки унчалик ҳам эмасми? Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзимни оқламоқчи эмасман. Мен ўн тўққиз ёшда эдим. Соқолимда

¹ *Боб Сегер* — америкалик рок мусикачи.

бир тутам ҳам оқ мўй йўқ эди. Менинг уч жуфт жинси шимим, бир жуфт ботинкам бўлиб, дунёда турли-туман имкониятлар эшиги борлигига ва бу эшиклар мен учун очилишига ишончим комил эди. Кейинги йигирма йил ичида содир бўлган ҳодисалар ноҳақ эканлигимга ишонтиролмади. Йиллар ўтиб ўттиз тўққизни ҳам қораладим, ҳаммаси ана ўшанда бошланди: ичкиликбозлик, наркотиклар, чўлоқланиб қолишимга сабаб бўлган ЙТХ¹ ва ҳ.к. Бу ҳақда кўп ва хўп ёзганман, шундай экан тафсилотларга берилиб ўтирмайман. Бу нимага ҳам керак бўларди? Шундоғам ўзингиз жуда яхши биласиз, тўғрими? Эҳтимол, сиз ҳам шундай воқеани бошингиздан ўтказгандирсиз? Ҳаёт вақти-вақти билан биз елдай учиб, ким бошлиқ эканлигини кўрсатиб қўймаслигимиз учун зolim патрулчини жўнатиб туради. Ишончим комилки, сиз ҳам унга дуч келгансиз (ёки дуч келасиз); мен уни учратганман ва биламанки, у яна қайтиб келади. Унда менинг манзилим бор. У — баджаҳл йигит, ёмон полициячи, турли бемаънигарчиликларнинг, «камтарин» сўқинишларнинг, шуҳратпарастликнинг, кибр-ҳавонинг, баланд мусиқанинг, умуман, ўн тўққиз ёшингда сенга муҳим туюлган нарсаларнинг ашаддий душманидир.

Аммо мен ҳанузгача бу ёшни жуда маъқул ёш деб санайман. Балки, энг аълосидир. Туни билан сурункасига вақтичоғлик қилиш мумкин, лекин мусиқа тиниб, пиво тамом бўлганда ҳам

¹ ЙТХ — йўл транспорти ҳодисаси (аббр).



миянг ишлаб туради. Хатто олис уфқларни кўзлаш мумкин. Охир-оқибат, золим патрулчи барибир думингдан тутиб олади ва қанот ёзишингга имкон бермайди. У золим ишини битиргач, кулинг кўкка созурилади. «Хўш, яна битта валакисаланг!» дейди-да, ён дафтаридаги рўйхатига қараб, йўлида давом этади. Шундоқ экан, озроқ (ёки кўпроқ) манманликнинг зарари йўқ, гарчи онангиз бунинг аксини такрор-такрор таъкидласа-да. Менинг онам доимо таъкидларди. «Калондимоғлик яхшиликка олиб келмайди, Стивен», дерди у... Ўн тўққизни икки марта урганимда онамнинг ҳақлигига имон келтирдим. Сени осмондан ерга тушириб қўйишмаса ҳам, ҳар ҳолда бирон бир зовурга итариб юборишади. Ўн тўққиз ёшингда бармен шахсни тасдиқловчи гувоҳномангга қараб, ёшингни текшириши ва мулойимлик билан «Тошингни тер» дегандай бардан чиқиб кетишингни сўраши мумкин. Аммо сурат солишга, шеър ёки китоб ёзишга ўтирганимда, биров ёшингни суриштириб ўтирмайди. Агар сен (айни дамда ушбу китобни ўқиётган йигитчани назарда тутяпман) хали ёш бўлсанг, ўзларини ақлли ҳисоблайдиган катталарга бу фикрингдан қайтаришларига йўл қўйма. Эҳтимол, сен хали Парижда бўлмагандирсан? Памплон¹даги буқаларнинг олатасир югуришида ҳеч қачон

¹ *Памплон* — Испаниянинг қадимий шаҳарларидан бири; шаҳар ўзининг кўчаларида энсьерро, яъни 12 та қутурган буқани қўйиб юборилиб ўтказиладиган югуриш билан дунёга машхур (бу ҳақда Эрнест Хемингуэйнинг «Қуёш барибир чиқаверади» асарида батафсил ўқишингиз мумкин).

қатнашмагандирсан? Ҳа, сен ҳали уч йил аввал мўйлари сабза ура бошлаган йигитчасан. Хўш, нима бўпти? Агар сен улкан мақсадларни кўзламасанг, агар ўзинг ҳақингда фикринг яхши бўлмаса, ниятингга қандай эришасан? Бошқаларни қўйгин-да, менга қулоқ сол: ҳаммасига қўл силтаб, ўтир ва оёқларингни бир жойга қўй.

II

Менимча, ёзувчилар икки хил бўлади, чунончи, тажрибасиз, бошловчи муаллифлар. 1970 йили мен ҳам шундайлар сирасидан эдим. Ўзларини адабийроқ ёки «жиддий» адиблар қаторида кўрувчилар барча сюжет ва мавзуларни қўйидагича савол билан кўриб чиқишади: «Бу китобнинг менга қандай аҳамияти бор?» Пешонасига оммабоп китоблар ёзиш битилганлар эса саволни кўндалангига қўйишади: «Бошқалар учун бу китобнинг нима аҳамияти бор?» «Жиддий» муаллифлар жумбоқ ва калитни ўзларидан излашади; «оммабоп» ёзувчилар эса китобхонни излашади. Униси ҳам, буниси ҳам тенг равишда худбиндирлар. Бунақаларнинг сон мингтасини танийман, исталган нарсага баҳс бойлашим мумкин. Таъбир жоиз бўлса, ҳамёним ва соатимни довга тикаман.

Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, ҳатто ўн тўққиз ёшимда-да Фродо ҳақидаги чўпчак ва унинг Чексиз Ҳукмронлик Узугидан қутулиш йўлларини излаши иккинчи тоифага киришига фаҳмим етарди. Бу шимолий мифологик декорациянинг гира-шира фонидаги ўтакетган



британ сайёҳ-зиёратчиларнинг саргузаштлари эди. Менга излаш гоёси ёқиб тушганди, бироқ Толкиеннинг на азамат дарахт персонажлари (бу, улар менга ёқмади, дегани эмас, лекин ростдан ҳам улар менга ёқмаганди), на унинг ўрмонзорлардан иборат скандинав пейзажлари кизиқиш уйғотолганди. Башарти ўша руҳда бирон нима ёзишга уриниб кўрганимда, кўнгилдагидек чиқмаган бўларди.

Шунинг учун мен кутдим. 1970 йили йигирма иккига тўлдим, соқолимга ҳам битта-яримта қиров оралади (бу кунига икки ярим кути «Pall Mall» чекканимдан бўлса керак, деб ўйлайман), лекин ҳатто ёшинг йигирма иккида бўлса ҳам кутишинг мумкин. Йигирма икки ёшдалигингда, гарчи золим патрулчи кўшнингникида дўқ-пўписа билан сени суриштираётган бўлса-да, вақт сен томонда бўлади.

Кейин эса деярли бўм-бўш кинотеатрда (агар бу кимгадир қизиқ бўлса, Мэн штатининг Бангор шаҳарчасидаги «Vijou» кинотеатрини назарда тутяпман) Сержио Леоне¹нинг «Яхши, ёмон, ёвуз» фильмини томоша қилдим. Фильмнинг ўрталарига келганда, толкиенча афсунгарлик билан суғорилган, лекин Леонинг мухташам вестерн-декорацаяси, бошидан-охиригача излаш саҳнаси жой олмиш китоб ёзмоқчи бўлганимни тушундим. Агар сиз бу телбанамо вестернни фақат телевизор орқали

¹ *Сержио Леоне* — италиялик кинорежиссёр, айниқса, «Яхши, ёмон, ёвуз» вестерн (асосий воқеалари Ёввойи Фарбда кечадиган кино ва адабий жанр) кинофильми орқали машҳур.

қўрган бўлсангиз, мен ҳозир нима ҳақда гапираётганимни умуман тушунмайсиз — мени маъзур тутгайсиз, лекин бу ҳақиқат. Кинотеатрнинг каттакон экранида «Яхши, ёмон, ёвуз» «Бен Гур»¹ билан бемалол беллаша оладиган улкан эпопеядир. Клинт Иствуд² ўн саккиз фут³ бўй-басти билан қаршингизда девқомат бўлиб кўринади, юзидаги соқол-мўйловларини нақ чангалзор дейсиз. Ли Ван Клифнинг⁴ лабидаги ажинлар худди дарадек чуқур-чуқур, ҳарбир «дара»нинг тубида иблис ётгандир-ов («Сехргар ва кристалл»га⁵ қаранг). Сахро нақ Нептун сайёрасигача чўзилгандек туюлади. Ҳар бир револьвернинг стволи Голландия туннелидек узун-узун.

Аммо асосийси декорация эмас. Ҳаммасидан ҳам мана шуларни эпик кўламда, апокалиптик кенгликларда етказиб беришни хоҳлардим. Леоне Америка жўрофияси ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслиги (фильм қаҳрамонларидан бирининг айтишича, Чикаго Аризона штатида, Феникснинг⁶ ён-атрофида жойлашган эмиш) бутун фильмга сингиб кетган аралаш-қуралаш

¹ 1959 йили америкалик ёзувчи Лью Уоллес романи асосида суратга олинган эпик фильм.

² *Клинт Иствуд* — америкалик актёр, кинорежиссёр, бастакор; актёр «Яхши, ёмон, ёвуз»да «Яхши» образини яратган.

³ Фут — 30,48 см.га тенг узунлик ўлчови.

⁴ Ли Ван Клиф — «Яхши, ёмон, ёвуз»да «ёвуз» образини яратган америкалик актёр.

⁵ «Сехргар ва кристалл» — «Қора Минора» туркумининг тўртинчи китоби.

⁶ Аслида Чикаго шаҳри АҚШнинг Иллинойс штатида жойлашган.



воқеликка мос тушарди. Илҳом парисига тўлиб-тошиб (ўйлашимча, бу кайфият кўпроқ ёш йигитларда бўлади) мен оддийгина *жуда узун* китоб эмас, *тарихда энг узун, машҳур китоб* ёзмоқчи бўлдим. Ҳалоллик билан тер тўкиб, меҳнат қилган бўлсам-да, бу қўлимдан келмади, лекин баъзи бир нарсаларни қоралаб қўйдим: «Қора минора»нинг барча етти томи — бу бир бутун китоб, яхлит қиссадир ва биринчи тўрт томи, агар юмшоқ муқовали нашрини оладиган бўлсак, икки мингдан зиёдроқ саҳифани эгаллайди. Охирги уч томи, агар қўлёмани ҳисобга олсак, у ҳам икки ярим минг саҳифадан иборат. Сон сифатга ўта мос тушади, деб оёқ тираб туриб олмайман; шунчаки узун эпос ёзишни истагандим, холос ва қайсидир маънода мақсадимга эришдим. Мабодо сиз мендан *нима учун* шуни хоҳлагандинг, деб сўрасангиз, жавоб беролмайман. Чунки нима деб жавоб беришни билмайман. Балки бу Америкада туғилиб-ўсганим важдандир: баландроқ қур, чуқурроқ кавла, узунроқ ёз. Сендан: «Хўш, нима учун керак бу?» деб сўрашса, ошқовоқ каллангни қашиб, ўйлашиб қоласан. Бу нимадан дарак? Билишимча, бу ҳам америкалик эканимизга бориб тақалади. Алал оқибат, биз шундай деб жавоб берамиз: «Ўша пайтда бу менга ажойиб ғоя бўлиб туюлганди».

III

Ўн тўққиз ёш кўпчилик у ёки бу маънода бир жойда қотиб қолиши билан (жисмоний жиҳатдан бўлмаса ҳам ҳиссий ва ақлий

жихатдан) хусусиятлидир. Йиллар ўтаверади ва бир куни кўзгуга қараб донг қотиб қоласан: «Бу ажинлар қаёқдан пайдо бўлди? Манави қаппайган қорин-чи? Жин урсин, ахир мен бор-йўғи ўн тўққиздаман-ку!» Ўзига фикр бўл-маса ҳам ҳайрон қолаверасан киши.

Вақт деганлари соқолингни оққа бўяйди, ерга урса, осмонга сапчийдиган кучингни тортиб олади, сен, тентаквой эса, у ҳамон мен тарафда, деб ҳисоблайверасан. Ақлинг-ку бунинг нотўғрилигини тасдиқлаб туради, аммо юрагинг бунга ишонмайди. Мабодо «омадинг» келиб қолса, тезликни оширганинг ва ортиқча қўнғилхушлик қилиб юборганинг учун сени койиб қўйган золим патрулчи бурнингга сув киргизиб қўяди. Сирасини айтадиган бўлсам, шунга ўхшаш воқеа мен билан ҳам йигирманчи асрнинг охирларида бўлиб ўтди. Золим патрулчи «плимут» микроавтобуси қиёфасида келиб мени уриб юборди ва чоҳга итарди.

Ушбу автоҳалокатдан сўнг уч йил ўтиб, Мичиган штатининг Дирборнидаги «Borders» дўконида «Худди «бьюик»дек» номли китобимга дастхатлар ёзиб берардим. Шунда бир йигит қошимга келиб, тирик қолганимдан ғоятда хурсанд эканлигини айтди. (Менга «Ўша жойдаёқ нега ўлиб қўя қолмадинг?» деган саволдан кўра шу гапни тез-тез айтиб туришади.)

– Сизни машина уриб юборганини хабар қилишганда бир ўртоғим билан ўтирардим, – деди ўша йигит. – Биз, икки аҳмоқ, бошимизни чайқаб: «Энди «Минора» нима бўлади? Ахир у кулаб тушади-ку, э, воҳ, энди у ҳеч қачон охи-



рига етмайди», деб такрорлаганимиз такрорлаган эди.

Худди шу фикр менинг ҳам хаёлимга келганди — миллионлаб ўқувчилар билан бирга-ликдаги жамоавий тасаввурда Қора Минорани тиклабманми, токи у хақида ўқувчилар ўқишни ишташаркан, Минорани асраб-авайлашим зарур. Балки бу беш йилга чўзилар; балки беш юз йилга, билмадим. Фэнтези жанридаги китобларнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам (ҳозир ҳам камоли ишонч билан айта оламанки, кимлардир «Монах»¹ ёки «Варни-вампири»²ни ўқийдилар) узоқ яшайди, шекилли. Роланд Минорани ўз-ўзича ҳимоя қилади: у Минорани сақлаб тургувчи Нурни хавф-хатардан холи қилишга интилади. Мен эса уларнинг барчасини ҳимоя қилишим керак, мен буни мерган хақидаги асаримни тугатиб, автоҳалокатга учраганимдан сўнг тушундим.

«Қора Минора»нинг илк тўрт томини ёзганим ва уларнинг чоп этилиши орасидаги узоқ муддатли танаффусдан сўнг «Ай-яй-яй, уят эмасми?» ва «Виждон азобидан қийналмайсизми?» қабилида юзлаб мактублар олдим. 1998 йили (бошқача айтганда, мен хали-хануз ўн тўққиз ёшдаман, деган хато тасаввур билан яшаб, ижод қилаётганимда) 82 ёшли бувижондан «Муаммоларим билан бошингизни оғритмоқчи эмасман-у, аммо ўзимни жуда

¹ Инглиз ёзувчиси М.Г.Льюиснинг шу номдаги готик романи назарда тутилмоқда.

² Америкалик ёзувчи Томас Престнинг даҳшат ва фэнтези жанрида яратилган асари.

ёмон ҳис қиляпман» деган мазмунда хат келди. Кампиршо номасида бу ёғига узоқ яшамаслигини, нари борса бир йил умри қолганини («У ёқ-бу ёғи билан 14 ой, саратон аъзои баданимни еб қўйди»), бу фурсат ичида Роланднинг саргузаштларини тугата олишимга умид ҳам қилмаётганини, унинг ўзи учун истисно тариқасида асар нима билан тугашишни қисқача қилиб ёзиб юборишимни илтимос қилиб айтганди. Ҳаммасидан ҳам бу ҳақда «бирорта тирик жонга оғиз очмаслиги» қабилидаги қасам ичиб айтган ваъдаси кўнглимни ийдириб юборганди (бу билан дарҳол асарнинг давомини ёзишга тушдим, демоқчи эмасман). Бир йилдан кейин — агар хотирам панд бермаса, автоҳалокатдан сўнг, касалхонада инқилаб-синқилаб ётганимда — референт¹ларимдан бири бўлмиш Марша Ди Филиппо ё Техас, ё Флоридада ўлимга маҳкум қилиган бир кишидан хат олди, у ҳам бу қисса нима билан тугашини айтиб юборишимни ўтиниб сўрабди. (Маҳкум бу сирни ўзи билан гўрга олиб кетишига сўз берганди, бу эса мени ларзага солди.)

Агар қўлимдан келса, бу кишиларнинг илтимосини бажо келтириб, Роланднинг кейинги саргузаштларини қисқача баён қилиб жўнатиб юборган бўлардим, лекин минг афсуски, бунга қодир эмасдим. Негаки мерган ва унинг дўстларининг келажаги ўзимга ҳам қоронғу эди. Бунни билиш учун ёзишим керак эди. Ав-

¹ *Референт* — раҳбар топшириқларини бажарувчи, маълум масалалар бўйича маслаҳат берувчи шахс.



валбошда тахминий режам бор эди, бироқ у ёдимдан кўтарилди. (Э, жин урсин ўша режани, барибир арзирли эмасди.) Узук-юлуқ кайдлар қолганди, холос. Шундай қилиб, узок танаффусдан кейин, 2001 йили яна «Қора Минора»ни ёзишга киришдим. Бу вақтга келиб ёшим ўн тўққизда эмаслигини, хасталикка чалинишим ва омонат қилиб берилган жисму жоним ҳам дармонсизланиб бораётганини англаб етгандим. Кун келиб олтмиш ва ҳатто етмиш ёшни уриб қўйишимни аллақачон тушунгандим. Сўнги марта золим патрулчи пайдо бўлмасидан аввал ўз қиссамни тугатиб қўйиш хисси пайдо бўлди менда. Асарим «Кентербери хикоялари»¹ ва «Эдвин Друднинг сири» сингари ёдда қоладими-йўқми, бу мени умуман қизиқтирмасди.

Асар сенинг қаршингда турибди, Садоқатли Ўқувчим! Биринчи томни ўқишни бошладингми ёки бешинчи томними, ишим сенга ёқадими-йўқми, Роланд ҳақидаги қисса якунига етди. Умид қиламанки, у сенга хузур бахш этади.

Шахсан мен уни хузур қилиб ёздим.

*Стивен Кинг,
2003йил 25 январ*


¹ «Инглиз назми отаси» Жеффри Готфрид Чосернинг 22 та шеърий ва 4 та насрий новелладан иборат асари.

СЎЗБОШИ

Аксар ёзувчиларнинг ўз асарлари ҳақида ёзганларининг турган-битгани сафсата¹. «Ғарб цивилизацияси ҳақида юзта буюк сўзбоши» ёки «Америкаликларнинг сеvimли сўзбошилари» каби китоблар шунинг учун ҳам йўқ. Бу менинг шахсий фикрим, кам деганда элликта сўзбоши ёзиб (ёзувчилик маҳоратига бағишланган бутун бошли китобимни айтмасам ҳам бўлади), фикримни баралла эълон қилишга ҳақлиман деб ўйлайман. Яна шундай ҳисоблайманки, ушбу китобга ёзган сўзбошим — муаллиф диққатга сазовор ненидир айтиши мумкин бўлган ва камдан-кам учрайдиган ҳолатдир, деб турган бир пайтимда сиз бемалол менга қулоқ осишингиз мумкин.

Бир неча йил бурун «Қарама-қаршилик» номли асаримнинг тўғирланган ва қўшимчалар киритилган талқинини тақдим этиб, ашаддий ўқувчиларимни ҳайратга солиб, камтаргина муваффақият қозондим. Аслида, бу китобнинг тақдири менинг ич-этимни ерди ва бу ўринли эди, нега десангиз, «Қарама-қаршилик» ўқувчиларимнинг энг сеvimли кито-

¹ Сафсата Омили ҳақида батафсилроқ билиш учун 2000 йили «Scribner» нашриётида чоп этилган «Китоб қандай ёзилади?» («On Writing»)га қаранг. (Муаллиф изоҳи).



би бўлиб қолган (агар 80-йилларда ўлиб-не-тиб қолганимда, «Қарама-қаршилик»нинг энг тиришқоқ ўқувчилари мотам тутиб ўтириш-масди; уларнинг фикрича, бу билан дунё ҳеч нима йўқотмас экан).

Ўқувчилар нуқтаи назари бўйича, «Қарама-қаршилик» билан тенглаша оладиган Кингнинг ягона китоби — бу Роланд Дискейннинг Қора Минорани излаб бошидан кечирганлари ҳақидаги қиссалар бўлса керак. Мана, гали келиб, уни ҳам қайтадан кўриб чикдим.

Тўғрисини айтсам, асарни қайтадан ёзмадим, шунчаки устида бироз ишладим. Шуни билиб қўйишингизни истайман. Дарвоқе, бу ишни нима учун қилганимни ҳам билишингизни хоҳлайман. Сиз учун, эҳтимол, бу унчалик эмасдир, лекин мен учун бу аҳамиятга эга. Мазкур сўзбоши нима учун «кингча» Сафсата Омилидан истисно бўлганининг сабаби ҳам шу.

Биринчидан, шуни ҳисобга олингки, «Қарама-қаршилик»нинг илк нашрида қўлёзма-масига нисбатан кўплаб қисқартиришлар бўлганди — бу ҳам бўлса, нашриётдагиларнинг хархашаси вазидан эмас, молиявий нуқтаи назардан. (Бошқа чекланишлар ҳам бўлганди, лекин буларга тўхталиб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим.) Саксонинчи йилларнинг охирида қўшган қўшимчаларимнинг барчаси аввалбошдаги матннинг қайта ишланган қисмлари эди. Шунингдек, бутун бошли китобга тузатишлар киритдим, биринчи галда — асарнинг ОИТС вабосига мос тушиши учун, орадан саккиз-тўққиз йил ўтиб, «Қарама-қаршилик»нинг

илк нашридан қайта ишланган ва тўлдирилган нашри дунё юзини кўрган даврда бу касаллик роса авж олганди. Натижада биринчи нашрдан 100.000 та сўз кўпроқ мустаҳкам «иншоот» пайдо бўлди.

«Мерган» масаласига келадиган бўлсак, илк матн кичикроқ эди ва мен тўкқиз минг сўзга яқин атиги ўттиз беш саҳифа қўшдим. Агар «Мерган»ни илгари ўқиган бўлсангиз, янги нашрида фақатгина икки-учта янги саҳналарни кўрасиз, холос. «Қора Минора»нинг чинакам мухлислари (бундай мухлислар кўплаб топилади — Интернетга бирровга назар ташласангиз бас) афтидан, китобни янгитдан ўқишни ич-ичларидан хоҳлашаётган бўлишса керак. Уларнинг кўпчилиги китобнинг тузатилган талқинини синчковлик ва биров жажл билан ўқиб чиқишади-ёв. Мен уларга ҳавас қиламан, аммо тан олишим керакки, мени кўпроқ Роланд ва унинг катети¹ билан таниш бўлмаган китобхонлар ташвишга солади.

Гарчи, Миноранинг садоқатли мухлислари бўлса-да, ўқувчиларим орасида у ҳозиргача «Қарама-қаршилик»дек кенг ёйилмаган. Гоҳида китобхонлар билан бўладиган учрашувларда залдагилардан жила қурса битта китобимни ўқиган ўқувчи бўлса, қўлларингни кўтаринглар, деб сўрайман. Модомики, улар мени эшитиш учун келган эканлар — баъзида бу қўшимча ноқулайликлар ва чиқим билан боғлиқ бўлади:

¹ Катет — тақдир билан чамбарчас боғланган одамлар. (Муаллиф изоҳи).



болага кўз-қулоқ бўлиб турадиган энага топиш, эски «седан»ни¹ созлаб қўйиш керак — залдагиларнинг кўпчилиги қўлларини кўтаришади. Кейин эса «Қора Минора»дан биронта китобни ўқиганлар қўлларингни кўтарган ҳолатда колдиришлар, дейман ва ҳар сафар қўлларнинг ярми туширилади. Хулоса ўз-ўзидан маълум: Минора устида ўттиз уч йил, аниқроғи, 1970 ва 2003 йиллари орасида тер тўкиб, меҳнат қилган эсам-да, нисбатан уни кам ўқишади. Лекин бу туркумни ўқиганлар унга дарров меҳр қўйишади. Ўзим ҳам уни жуда яхши кўраман — мана шу муҳаббатнинг ўзи Роландни барча бахтиқаро персонажлар йўл оладиган бадарғаликка (Кентербери йўлидаги чосерча сайёҳларни ёки Чарлз Диккенснинг тугалланмаган сўнгги романи «Эдвин Друднинг сири» қахрамонларини эсланг) жўнатмаслигим учун етарли бўлди.


Мен ҳамиша шунга ишонардимки (онгости даражасида, чунки бу ҳақда обдон ўйлаганимни негадир эслолмайман), Минорани тугатиш учун етарли вақтим бўлади ва белгиланган соатда Яратган Эгам мусиқали шошилиночнома жўнатади: «Динг-динг, динг-динг / Қўлингга қалам ол, Стивен / Минорани яқунла». Қайсидир маънода шундай бўлди ҳам, фақат бу мусиқали шошилиночнома эмас, «плимут» мини-автобуси билан биринчи даражадаги тўқнашув эди. Нима бўлган тақдирда

¹ *Седан* — енгил автомобилларнинг юкхонали усти ёпик кузови.

ҳам мен тағин қўлимга қалам олиб, ёзишга киришдим. Агар йўлда мени уриб юборган ўша фургонча сал каттароқ бўлганда, агар ёнбошимдан эмас, пешанамдан зарба еганимда, ҳаммаси азадорларга гул олиб келмасликни ўтиниб сўраш ва «Кинглар оиласи таъзия билдирганингиз учун сизга миннатдорчилик билдиради» қабилида тугармиди?! Роланднинг изланишлари ҳам ниҳояланмай қоларди. Кимдир уни тамомлаб қўйган бўларди балки, лекин камина эмас.

2001 йили сал-пал ўзимга келгач, Роланд қиссасини тугатиш фурсати етганига амин бўлдим. Барча ишларни четга суриб, охириги уч том устида иш бошладим. Одатдагидек, буни нафақат асар давомини оёқ тираб сўраётган ўқувчилар учун, қолаверса, ўзим учун қилдим.

Ҳозир 2003 йилнинг қиши. Мен ҳали охириги икки томнинг сўнгги таҳририга киришганим йўқ, аммо китоблар таппа-тайёр, десам ҳам бўлаверади. Уларни бултур ёзда ёзиб тугатдим. Бешинчи («Кальи бўрилари») ва олтинчи («Сюзаннанинг қўшиғи») томларнинг кам-кўстларини тузатиш орасида аввалбошга қайтиб, биринчи китобларга тузатиш киритсаммикин, деб ўйлаб қолдим. Нима учун, дейсизми? Шунинг учунки, туркумнинг барча етти томи — булар алоҳида-алоҳида қиссалар эмас, яхлит, узун бир қиссанинг, ибтидоси интиҳоси билан мос тушмайдиган «Қора Минора» номли улкан романнинг қисмларидир.



Асарларим таҳририга бўлган ёндашувим аввалгидек қолган. Биламан, кўп муаллифлар «йўл-йўлакай» тузатиш киритишади, лекин менинг услубим — шитоб билан сиқувга олишдир: китобнинг ичига кирасан ва воқеа-ходисалар тиғи ҳар доим ўткир бўлиб қолиши учун жуда катта тезликда китобнинг ичида еласан, ўткир бўлиши учун эса у доимо ҳаракатда бўлиши зарур, шу билан бирга барча ёзувчиларнинг баттол ғаними бўлмиш шубҳадан ўзиб кетишга тиришасан. Асарингни қайтадан кўриб чиқаркансан, ёмғирдан кейин бодраб чиққан қўзиқоринлардек саволлар галаси пайдо бўлади: «Қаҳрамонларим қай даражада ҳақиқатга яқин?», «Умуман олганда, китоб қизиқарлими?», «Китоб яхши чиқдими ёки бемаъними?», «Ёзганларим кимнидир тўлқинлантира оладими?», «Ўзимни ҳам ҳаяжонлантироладими?»

Китоб ёзилиб бўлгач, уни маълум бир фурсат четга олиб қўяман — чала-чулпасию нуқсонлари билан — пишиб етилиши учун имкон бераман. Қанчадир вақтдан кейин — ярим йил, бир йил, икки йил, аслида бунинг унчалик аҳамияти йўқ — четга суриб қўйилган китобга қайтаман, хотиржам нигоҳ билан уни қайтадан кўриб чиқаман, ана шундагина тузатишларни бошлайман. «Минора»нинг қисмлари ҳар бири ўз номи билан алоҳида-алоҳида китоб бўлиб чиқди, ҳар бирини алоҳида тузатдим, еттинчи китоб — «Қора Минора»ни тугатганимдан кейингина ишни яхлит равишда баҳолай олдим.

Биринчи томни — қўлингиздаги китобни — диққат билан қайта ўқиганимда, учта очиқ-ойдин кўриниб турган ҳақиқатни англадим. Биринчидан, модомики «Мерган» жуда ёш муаллиф томонидан ёзилган экан, ёш адибларга хос бўлган барча муаммолар мавжуд. Иккинчидан, биринчи китобларда кўплаб ноаниқликлар ва фальстартлар¹ учрайди, айниқса, кейинги томларнинг дунёга келишида². Учинчидан, «Мерган» бошқа китобларга қараганда ўзгачароқ янграйди — тўғриси айтсам, уни ўқиш қийин. Мен тез-тез ўқувчилар олдида бунинг учун узр сўраганман ва агар улар биринчи томдан эсон-омон ўтиб олишса, «Учовлонни қутқариш»да асар ўзининг чинакам овозига эга бўлишини кўришлари мумкинлигини айтганман.

«Мерган»нинг қаеридадир Роланднинг қуйидагича тасвири учрайди: бу шундай инсонки, номаълум меҳмонхона хужрасидаги сурат қийшайиб қолган бўлса, уни тўғирлаб қўйган бўларди. Мен ўзим шунақаман, қайсидир маънода ўзимнинг китобимни тузатиш шунга бориб тақалаяпти: қийшайган суратларни тузатиш, полларни чангютгичда тозалаш, ҳожатхонани ярқиратиб қўйиш. «Мерган» масаласида бу катта тозалаш ишларига айланиб кетди. Анча

¹ *Фальстарт* — буйруқ берилмасдан олдин олинган старт.

² Мана улардан биттаси: «Мерган»нинг биринчи талкинида Фарсон — бу шаҳарнинг номи. Лекин кейинги китобларда бу ном ўз-ўзидан Роланд туғилиб-ўсган шаҳар-давлат — Гилеаднинг қулашини амалга оширган исёнчи Жон Фарсоннинг исмига айланган. (*Муаллиф изоҳи*).



тер тўкишимга тўғри келди, бироқ ҳар қандай адиб тугалланган, аммо силлиқлаш ва созлаш зарур бўлган асари билан қилмоқчи тузатиш ишларидек имкониятни қўлдан бой беришни истамасдим. Яқун нима билан тугашини билар экансан, аввалбошга қайтиб, барчасини бир бутун қилишга мажбурсан. Бу нафақат синчков ўқувчи учун, балки ўзинг учун ҳам зарурдир. Шунинг учун ҳам «Мерган»ни қайта ишлашга жазм қилдим; аммо шу билан бирга тузатишларим ва қўшимчаларим охирги уч томда маълум бўлувчи, баъзиларини ўттиз йил давомида сабрбардош билан сақлаб келган сирларим очилиб қолмаслигини кузатиб бордим.

Бир пайтлар ушбу китобни ёзишга аҳд қилган ёш йигит ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман. Бу йигит ёзувчиликка оид жуда кўп семинарларга қатнашди ва бир куни семинарларда муаллиф ўзи учун эмас, бошқалар учун ёзиши, китобнинг тили сюжетдан муҳимлиги, ноаниқлик — ҳамма нарса тўғридан-тўғри қабул қилинувчи калтафаҳмлик белгиси саналмиш соддалик ва равшанликдан аъло эканлиги каби ҳақиқатларни ўзлаштириб олди. Шундай экан, дастлабки «Мерган» ортиқча тамтароқликлардан холи эмаслигини аниқлаганимда, лолу ҳайрон бўлиб ўтирмадим (кераксиз юзлаб лаҳжаларни-ку айтиб ўтирмайман). Мен барча бекорчи гапларни олиб ташладим ва қисқартириб ташлаган биронта сўзим учун йиғи-сиғи қилиб ўтирмайман. Қайсидир жойларда, агар одатий муҳаррирлик тузатишлари ҳисобга олинмаса, матнни ўзгар-

тиришларсиз қолдирдим — булар баъзи бир ўзига мафтун қилувчи воқеаларга берилиб кетган жойларим эди ва мен шу ўринларда ёзувчилик семинарларида қулоқларимизга қуйишган ғояларни эсдан чиқарардим. Бир уринишдаёқ муваффақиятга эришиш фақат Тангригагина хосдир.

Нима бўлганда ҳам, «Мерган»нинг услубини тубдан ўзгартирмоқчи эмасдим. Чунки барча камчиликлари билан биргаликда унинг қандайдир ўзгача жозибаси бор. Асарни таниб бўлмас даражада ўзгартириш бир вақтлар, аниқроғи, 1970 йил баҳорининг сўнгги кунлари ва ёзнинг бошларида шу китобни ёзган одамни рад этиш демак эди.

Ниятим — китобнинг охирги томи дунё юзини кўргунга қадар — «Қора Минора» билан танишиш арафасида турган янги ўқувчиларга (қолаверса, ибтидони эслашни истаётган эски ўқувчилар учун ҳам) Роланднинг дунёсига кириш енгилроқ ва оддийроқ бўлишини таъминлаш эди. Ўқувчилар кейинги томларнинг асосий сюжет чизиқларига ишора берувчи китобни қўлларига олишларини истагандим. Умид қиламанки, бу вазифани муваффақиятли амалга оширдим. Мен ҳозир Минора дунёси билан таниш бўлмаганларга мурожаат қиляпман: умид қиламанки, бу китобдаги мўъжизалар кўнглингизга ёқиб тушади. Чунки Роланднинг дунёси — мўъжизалар дунёси, у ҳақидаги қисса эса, узоқ давом этувчи эртақдир. Мен уни айнан шундай тасаввур қилганман. Агар Қора Минора сизни оз-моз бўлса-да, ўзига шайдо қила



СТИВЕН КИНГ

олса, демак, мен 1970 йилда бошлаб, 2003 йили нуқта қўйган ишимнинг урдасидан чиқибман. Роланднинг ўзи, қандайдир ўттиз йил нима бўлибди, деган бўларди. Аслида ҳам агар сен Қора Минорани излашга тушдингми, вақт сени ташвишга солмайди.


6 февраль, 2003 йил.



МЕРҒАН

19

ЯНГИЛАНИШ



...тош, япроқ, топилмаган эшик; тош, япроқ ҳақида, эшик ҳақида. Ва барча унутилган инсонлар ҳақида.

Ялангоч ва ёлғиз келурмиз дарбадарликка. Онамининг қоронғу қурсоғида унинг юзини танимасмиз; унинг жисмидаги чоҳдан бу дунёнинг таърифга сизмас гум-гурс зиндонига келурмиз.

Қай биримиз ўз оғасини танирди? Қай биримиз ўз отасининг қалбига назар солган? Қай биримиз абадул-абад зиндонга ташланмаган? Қай биримиз умрбод бегона ва танҳо қолмас?

...О, йўқотилган ва шаънингга шамол кўзёш тўккан кўланка, қайтгил, қайтгил.

Томас Вульф.

«Ўз уйингга назар ташла, фаришта».

1 б о б

МЕРГАН

I

Қора кийимли одам саҳрога кириб кетди ва мерган унинг изидан йўлга тушди.


Барча саҳроларнинг улуғи бўлмиш бу саҳро нақ уфққача етиб борган, тўрт томонга чўзилган оппоқ, кўзни қамаштирувчи, қақроқ чексизликдан иборат эди. Фақатгина уфқда ўрқач-ўрқач тоғлар сароби ғира-шира кўзга ташланар, онда-сонда уйқуга, алоғ-чалоғ тушлар ва ўлимга элтувчи ажина-ўтларнинг қовжираган тутамлари чиқиб қоларди. Камдан-кам учрайдиган қабртошлар йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қиларди. Бир вақтлар аравалар юриб турган асосий ва эски йўлдан шўрхоқ ерларнинг катқалоқлари ўтувчи торгина сўқмоқ қолганди.

Шундан бери дунё жойидан қўзғалди. Олам хувиллаб қолди.

Гоҳ-гоҳида мерганнинг ичи ағдарилгудай кўнгли айниб, дунё ўткинчи ва омонат туюлиб, боши айланиб кетарди. Бош айланиши тўхтаб, устки қатламида ҳозир ўзи кетаётган дунё сингари мерган ҳам жойидан силжиди. Мерган жимгина, шошилмай, лекин вақтни ҳавога совурмай олға кетарди. Белидаги қайишига сув солинган мешча осиб олганди. Мешча сувга тўла бўлиб, биққигина колбасани эслатади. Мерган узоқ йиллар *кхефе*¹ билан шуғулланиб, бешинчи даражага эришганди. Мэннидан² чиққан тақводор бўлганида эди, ташналикни умуман ҳис этмасди; у ўшанда совуққонлик ва хотиржамлик ила бадани қандай қилиб сув йўқотаётганини кузатган, онги унга ишора бергандагина бу жисмнинг коваклари ва қурукшаган ерларини намлаган бўлармиди. Бироқ у мэнни эмасди, Одам Исога ҳам чўқинмасди, умуман, ўзини тақводор ҳисобламасди. Бошқача айтганда, у энг оддий мусофир эди ва чанқашдан бошқасини билмасди. Албатта, ҳозироқ сувга ёпишиб, ютоқиб ичадиган даражада ташна эмасди. Қайсидир маънода бу унинг ўзига ҳам ёқаётганди. Бу

¹ Инсоннинг узоқ йиллар давомида эришиладиган бир неча даражалардан иборат (масалан, еттинчи ёки саккинчинчи даражада инсон чанқоқни сезмайди) ғайритабиий қобилиятлари.

² *Мэннилари* — қўпчиликдан ажралган гуруҳ, бир мазҳабдаги кишилар; мэннилари бошқа оламларга сакраб ўтиш қобилиятига эга бўлганлар.



ташналик ўлкасида хамиша шундай бўлиб қолган, мерган бутун умри давомида шарт-шароитларга мослашиб келди. Ҳа, бу унинг қўлидан келади.

Мешча тагига револьверларини яшириб олган. Револьверлари худди қуйиб қўйгандек қўлларига мос тушарди. Қуроллар отасидан мерос қолган, отаси паканароқ, жуссаси ҳам кичикроқ бўлиб, револьверларни металл пластиналар билан вазминроқ қилишга тўғри келганди. Икки жуфт қайиш белини маҳкам ушлаб турибди. Иккита тўппонча қини жазирама қуёшда ёрилиб кетмайдигандек қилиб мойланган. Револьверларининг яхшилаб сайқалланган сариқ дасталари энг аъло сандал ёғочидан ясалган. Қайишига маҳкам қилиб боғланган ва чала қуриган теридан ясалган тўппонча қинлари ҳар қадамда белига урилар, жинсисининг шу ерлари ейилиб, табассумга ўхшаш иккита ёй пайдо бўлганди. Патронташидаги¹ мис гильзалар қуёшда йилтиллар, ўқлар ҳам санокли қолганди.

Кўйлаги униққан, ёқаси очиқ. Шляпаси аллақачонлар йўқолган. Бурғуси ҳам. Бурғу ўлаётган одамнинг қўлидан сирғалиб тушганди. Мана, энди ўша иккала буюм ҳам мерганга керак бўляпти.

У қумтепаликнинг бир бурчида тўхтади (нафсиламрини айтганда, бу саҳрода қумнинг ўзи йўқ — нуқул тошдай қаттиқ сланецлар² уч-


¹ *Патронташ* — патрон сумка.

² *Сланец* — қатлам-қатлам тузилишга эга бўлган, юққа пластиналарга ажраладиган метаморфик тоғ жинси.

райди; кеч тушиши билан елувчи шиддатли шамол тозаловчи кукун сингари тоқат қилиб бўлмас даражада ачиштирадиган чанг-тўзонни кўтаради) ва кичикроқ гулханнинг топталган четларини шамолга қарши томондан кузатди. Майда-чуйда белгилар — қора кийимли одамнинг инсоний аломатларидан дарак берувчи нишонлар — унга бениҳоя даражада ҳузур бағишларди. Мерганнинг саҳро жазирамасида куйиб кетган лаблари жилмайгандек тортилди. Табассум синиқ ва заҳил чиқди. У чўккалаб ўтирди.

Қора кийимли одам ажина-ўт ёққан кўринадиди, бошқа илож ҳам йўқ-да. Бу ерларда ажина-ўт — ягона ёнувчи нарса. Жуда аста, хира тусда аланга олади. Чегарага туташ ерлардаги одамлар унга иблис ҳатто ўтнинг оловида ҳам яшашини айтишганди. Улар ажина-ўтни ёқишар, лекин алангасига қарашмасди. Уларнинг айтишича, алангага қарасанг, иблис сени афсунлаб, ўзи билан олиб кетаркан. Кейин эса битта-яримта оловга қараган аҳмоқ аланга ичиди сени кўраркан.

Аллақачон куйиб кул бўлган ўт гулхан ўрнини титкилаётган мерганнинг қўлларида сочилиб кетди. Кул орасида куйинди бекон бўлагидан бошқа нарса йўқ эди. Мерган ўйчанлик билан беконни тишлади. Ҳар доим шундай: мана, икки ойдирки, у саҳро ора-лаб, бепоён бўшлиқ аросати аро қора кийимли одамни таъқиб қилади, аммо ҳалигача ҳеч нима тополмади: фақатгина гулхандан қолган кулнинг гигиеник-стерилланган идеограммала-



ри¹. Бирон марта банка-манками, шиша ёки мешчага дуч келмади (мерганнинг ўзи илон пўстини ташлагандек тўртта мешни ташлаб юборди). Нажас ҳам учрамади. Афтидан, қора кийимли одам ичини бўшатиб, кўмиб кўяди.

Балки бу гулхан ёқилган жойлар — Олий лаҳжадаги бир бутун мактубдир? Ҳар сафар битта ҳарфдан иборат. Нима деб ёзилганини ким билади? *Масофани сақла, биродар*. Балки: *Тез орада ҳаммаси тугайди*, дейилгандир. Ёки «*Мени тутиб кўр-чи*»дир? Сирасини айтганда, бунинг энди аҳамияти йўқ. Бу хатларда (шулар хат ҳисобланса агар) нима деб ёзилгани мерганни ташвишга солмасди. Уни бошқа нарса ўйлантирарди: етиб келганида, бошқалари каби бу гулхан ўрни ҳам совиб қолибди. Барибир у манзилга яқинлашиб қолди. Бу турган гап, лекин буни қаёқдан билишига ўзи ҳам хайрон. Балки, савқитабиййсидир? Бунинг ҳам аҳамияти йўқ. У токи бирон нима ўзгармагунча олға кетаверади. Башарти, ўзгариш бўлмаган тақдирда ҳам олға интилаверади. Кексалар айтишганидек, Худо берса, сув ҳам бўлади. Агар Худо хоҳласа, ҳатто саҳрода ҳам сув пайдо бўлади. Мерган ўрнидан туриб, қўлидаги кулни қокди.

Бошқа ҳеч қандай из-пиз йўқ; тигдек ўткир шамол қаттиқ сланецда қоладиган изларни учириб кетибди. Ҳеч вақо йўқ. На нажас, на ах-

¹ *Идеограмма* — бутун сўз ёки тушунчани ифодаловчи ёзув белгиси.

лат, на бирор-бир ерга ўрнатиб қўйиладиган кўрсатмалар. Хеч нарса. Фақатгина жануби-шарққа олиб борувчи кўхна ва текис йўл четидаги совиб қолган гулханлар ва ўзининг миясидаги қатъий масофа ўлчагич. Шубҳасиз, яна бошқа нарса ҳам бор: жануби-шарққа тортиш кучи — бу шунчаки ғарбий йўналишдаги ҳаракат ва оддий оҳанграбо эмас.

У ўтириб, мешдан сув ҳўплади. Боши айланиб кетганини эслади. Ўшанда у ўзига ўзи дунёга дахлдор эмасдек туюлганди. Қизик, бу нимадан дарак? Нима учун боши айланиши билан бурғуси ва аллазамонлар Ерихо Тепаликлариди¹ йўқотган иккала дўстини ёдга олдийкин? Ахир, револьвери ўзи билан-ку, қурол бурғу, ҳатто дўстларидан ҳам муҳимроқ-ку.

Ёки йўқми?

Бу ғалати, ташвишга солувчи савол, аммо жавоб барибир битта ва аниқ эканлигидан мерган бошини қотириб ўтирмади. Эҳтимол, кейинроқ бу борада фикр юритиб кўрар. Лекин ҳозир эмас. У саҳрога аланглаб, уфқ ортига яширинаётган, аммо эндиликда машрикқа ботмаётган (бу ҳам хавотирли ўй) қуёш томон кўз тикди. Ўрнидан туриб, қайиши тагидан титиғи чиқиб кетган қўлқопларини олиб кийди ва ўзига гулхан ёқиш учун ажина-ўт юлишга тушди. Қора кийимли одамдан қолган кул атрофига олов ёқди. Бунда ҳам ташналикнинг аллаловчи сурури янглиф аллатовур истеҳзосимон недир бор эди. Аччиқ, лекин ёқимли ҳис.

¹ Исо Масих кўп бора кароматлар кўрсатган тепалик.



У чакмоқтошини олишга шошилмади. Кундузнинг сўнгги шуълалари пирпираб йўқ бўлмагунча ва оқ-қора уфқ тўқ сариқ тарам-тарам тусга кирмагунча кутиб турди. Жануби-шарқдаги тизма тоғларга тикилганча сабр қилиб ўтирди. Бирон нимани кутаётгани ҳам йўқ. Бошқа гулхандан паға-паға бўлиб тепага ўрлаётган тутунни ёки оловнинг қизғиш учқунини кўриб қолишга ҳам умид қилмасди. У шунчаки олисларга кўз тикканди. Бунинг ҳам ўзига яраша гашти бор. «Ниманидир кўриш учун қараш керак, тушундингми, хомкалла, – дерди Корт. – Тангри таоло бизга кўзни кўриш учун берган. Шундай экан, пўстакнинг йиртигини яхшилаб оч».

Тоғларда ҳеч нима кўринмади. Ҳа, у мўлжалга яқинлашиб қолди, лекин бу яқинлашув нисбий. Шом ғира-ширасида тутун ё гулханнынг кизғиш шуъласини кўриш учун бу етарли эмас.

У болалигидаги эски афсуннинг бефойда сўзларини минғирлаб, бир боғ қуруқ хас-хашакни чакмоқ билан ёндирди:

– Зулмат учқуни, учқунжон, айтолмайсанми, қаерда менинг хожам? Бардошим етармикин? Уринишларим зое кетмасмикин? Туман ичра аланга олсин гулхан.

Жуда қизиг-а: одам ўсиб-улғаяди, ёшлиқни маросим-паросимларию болалиқнинг дуолари билан унутади – ҳаёт йўлингда кўп нарса йўқотасан, лекин барибир нимадир қолади, ми-янгни чангаллаб, хиппа ёпишиб олади ва сен бу юкни бутун умр кўтариб юрасан, юк эса йилдан-йилга оғирлашиб бораверади.

У гулхандан шамолга рўпара томон билан ерга чўзилди, йўкса маст қилувчи дуд алоғ-чалоғ тушларга сабаб бўлиши мумкин. Шамол гоҳ-гоҳида чанг-тўзонни гирдоб қилиб кўтариб, бир маромда эсади.

Милт этмаётган юлдузлар ҳам самода бир маромда ёришиб туради. Миллионлаб оламлар ва қуёшлар. Бошни айлантирувчи юлдузлар туркуми, совуқ ёлқинлар. Мерган кўкка тикиларкан, қорамтир-бинафшаранг осмон қора тусга кирди. Кўхна Она устидан оловли ёй қолдириб, зулматда учар юлдуз ярқ этди ва ўчди. Гулханнинг ёлқини тун қоронғусига ажабтовур сояларни улоқтиради. Ажина-ўт янги-янги нақшлар (идеограмма эмас, галаёнли даҳшат солаётган тилим-тилим чизиқлар) ясаб, аста-секин ёниб битади. Мерган ҳеч нимани ўйламасдан оловга хашак ташлаб турибди. Асосийси, ёниб турса бас. Бироқ нақш барибир пайдо бўлаверди. Нақш оқ ва қора ҳақида, номаълум меҳмонхона хужрасидаги сурат қийшайиб қолган бўлса, уни тўғрилаб қўйиши мумкин бўлган одам ҳақида сўйларди. Гулхан аста, бир текис ёнар, чўғ бўлиб олов марказида шарпалар рақсга тушарди. Мерган уларни кўрмасди. У уйқуга кетганди. Шамол ич-ичини саратон кемираётган ялмоғиздек увиллайди. Шамолнинг шўхликлари унда-бунда маст қилувчи тутунни даст кўтариб, айлана-айлана, мерганни силаб ўтади. Илло, у афюнни ичига ютарди. Афюндан мерганнинг тушига алламбало даҳшатлар кирар, ахён-ахёнда шамол билан бирга инграб қўярди. Бироқ юлдузлар жангу



жадалларга, чормих қилишларга ва қайта тири-
лишларга лоқайд қараганларидек, унинг нола-
ларига ҳам бекфарқ эдилар. Бунда ҳам аламли
жозиба мавжуд.

II

У сўнги адирдан тушиб келди, ортидан жа-
зирамада кўзлари шишиб, озиб-тўзган хачир-
ни эргаштириб олган. Уч хафта олдин охир-
ги шаҳарни ортда қолдирганди, кейин эса би-
ронта тирик жон кўринмайдиган катта йўлга
чиқди, яна-тагин чегара ёнидаги қишлоқ — то-
мига чим бостирилган кулбалар учраб турди.
Яъни бу ерлар қачонлардир қишлоқ эди, ле-
кин аллақачонлар моховлар ва девоналар кун
кўрувчи алоҳида овулга айланганди. Унга,
айниқса, телбалар маъқул эди. Ўшалардан бит-
таси мерганга зангламайдиган пўлатдан ясал-
ган «Силва» компасини бериб, бу матоҳни
Одам Исога бериб қўйишни тайинлади. Мер-
ган жиддий қиёфага кириб компасни олганди
ўшанда. Агар учратса, сўзсиз компасни Унга
тутқизади. Шубҳасиз, у Исони учратиши туя
хаммомни орзу қилгандек гап, лекин ҳаёт-
да ҳар нарса бўлиши мумкин. Кунлардан бир
куни у тахинни кўрганди — бу қузғун калла-
ли одам эди — бояқишни чақирганди, бадбу-
руш қағиллаганча қочиб қолганди. Эҳтимол, у
қарғанган бўлса керак.

Эгаси бор охирги кулбани мерган беш кун
бурун ортда қолдирганди. Бу ёнига ҳеч қанақа
кулба-пулба бўлмаса керак, аммо шамол ялаб

ташлаган тепалик ўрқачига чиқиб, қўзи томига чим бостирилган таниш кулбага тушди.

Кулба эгаси (ғарқ пишган қулупнай рангидаги паҳмоқ сочлари белигача тушган йигитча) маккажўхори ниҳолларини жазава билан ўтоқ қиларди. Хачир шикоятмуз хангради, йигитча бошини кўтарди; у мерганга нишонга олаётгандек боқди. Қуроли йўқ. Ҳайтовур, кўринмаяпти. Йигитча истар-истамас илтифотсизлик билан саломлашгандек иккала қўлини кўтарди ва тагин ишига уннаб, ажина-ўт ва сўлиб қолган маккажўхори пояларини юлиб, елкаси оша ирғита бошлади. Узун сочлари шамолда хилпирайди. Бу ерларга шамол тўппа-тўғри саҳродан еларкан.


Мерган сув тўла меш ортилган хачирини эргаштириб, тепаликдан шошилмай тушиб келди. Маккажўхори пайкали четида туриб, сувдан ҳўплади, оғзини чайқаб, тупурди.

– Хирмонга барака!

– Бор бўл, – деб жавоб қайтарди йигитча. Қаддини ростлаганда, йигитчанинг беллари қирсиллаб кетди. У мерганга чўчимасдан назар солди. Унинг юзи, аниқроғи, кокиллари ва соқоли орасидан кўриниб турган юзининг бир қисми соғлом, мохов чанг солмаган кўзлари, тўғри, оз-моз ёввойи кўринса-да, оддий одамни кидек экан. – Кунларинг узун, тунларинг хайрли бўлсин, эй, мусофир одам.

– Сенга ҳам шуни тилайман.

– Бу сал мушкул-ов. – Йигитча пиқ этиб кулиб қўйди. – Ловия ва маккажўхоридан бошқа ҳеч вақом йўқ. Маккажўхорини сувтекинга бе-



раман, ловиянинг эвазига эса бирон нима олишим керак. Ловияни бир киши олиб келади. Ловия ўшаники. Баъзида бу ерларга бош суқиб кўяди, лекин кўп қолиб кетмайди. — Йигитча яна кулиб кўйди. — Арвоҳлардан кўрқади. Яна куш-одамдан ҳам.

— Мен уни кўрганман. Куш-одамни айтяпман. У мендан қочиб кетди.

— Ҳа, бўлса бордир. У адашиб қолган. Ўзининг айтишича, қандайдир жойни излаётганмиш. Ўша жойнинг номи Алгул Сьентомиш, гоҳида уни Кўк Само ёки Фалак деб атайдди. Қаердалигини мен умуман билмайман. Мабодо, сен билмайсанми?

Мерган бош чайқади.

— Ҳа, майли... у тишламайди, бировга зиёни тегмайди, ҳаҳ, жин урсин уни. Сен ўзинг тирикмисан ёки ўликмисан?

— Тирикман. Сен худди мэннига ўхшаб гапиряпсан.

— Мен мэнни бўлганман, бироз вақтга. Тез орада бу менга тўғри келмаслигини англадим; назаримда, уларнинг улфати эканлигинг одамга овир ботади, қачон қарама, дунё тешиқларини излаб юришади.

«Бу айни ҳақиқат, — деб ўйлади мерган. — Мэннилар — буюк сайёҳлар».

Биз зум улар бир-бирига тикилиб қолишди, кейин эса йигитча мерганга қўлини узатди.

— Менинг исмим Браун.

Мерган унинг қўлини сиқиб, исмини айтди. Шу чоғ бир ориқ қарға том тепасида қатиллади. Йигитча қушни кўрсатиб:

– Бу эса Золтан, – деди.

Ўзининг отини эшитиб, қарға яна бир бор қағиллаб қўйди ва томдан ҳавога кўтарилиб, тўппа-тўғри Брауннинг бошига қўниб, хурпайган саватсочни тирноқлари билан чангаллаганча ўрнашиб олди.

– Бутун вужудинг илма-тешик бўлиб кетсин, – дея дона-дона қилиб қағиллади қарға. – Сенинг ҳам, байталингнинг ҳам.

Мерган дўстона бош ирғаб қўйди.

– Ловия, ловия, бундан-да жаранглайдиган овқат йўқ, – мерганнинг самимиятидан илҳомланган қарға сўзларини яна-да ифодалироқ баён қилишга тушди, – қанча кўп есанг, шунча кўп варанглатиб ел чиқарасан.

– Бу гапларни сен ўргатяпсанми?

– Чамамда, у шулардан бошқасини ўрганишни хоҳламаяпти, – деди Браун. – Бир-икки бор уни «Бизнинг осмондаги Отамиз»¹га ўргатмоқчи ҳам бўлдим. – У нигоҳи билан сахро томон имо қилди. – Аммо «Бизнинг осмондаги Отамиз» бу ўлкалар учун эмасга ўхшайди. Сен мергансан, тўғримми?

– Ҳа. – Мерган чўккалаб, тамаки халтасини чиқазди. Золтан Брауннинг бошидан мерганнинг елкасига учиб ўтди.

– Мерганлардан асар ҳам қолмаган, деб ўйлагандим.

– Мана, биттасини кўриб турибсан.

– Сен Ичкари дунёданмисан?

Мерган бош силкиди.

¹ Инжилда: Худога ибодат қилишнинг илк жумлалари.



– Фақат анчадан бери у ерда бўлмадим.

– У ерда ўзи бирон нима қолдими?

Мерган жавоб бермади. Юзида шундай ифода пайдо бўлдики, яхшиси, бу мавзуни очмаган маъкул, деган маънони уқиш мумкин эди.

– Афтидан, бошқа дунёдаги одамни таъқиб қиляпсанми дейман.

– Ха, – деди мерган ва шу заҳоти: – Бу ердан ўтганига анча бўлдими? – деб сўради.

Браун кифтини учириб қўйди.

– Қайдам. Бу ерда вақт сал бошқачарок, сал галатироқми-ей. Йўналиш ҳам, масофа ҳам. Икки ҳафтадан ошди. Лекин бир ой бўлгани йўқ. Менга ловия келтириб берадиган киши ўшандан бери икки марта ўтди. Демак, олти ҳафта бўлибди. Яна билмадим, янглишаётгандирман.

– Қанча кўп есанг, шунча кўп варанглатиб ел чиқарасан, – дея гапга аралашди Золтан.

– Бу ерда тўхтадимми? – деб сўради мерган.

Браун бош ирғади.

– Сен каби тамадди қилиб олиш учун тўхтаб ўтди. Тушунишимча, сен ҳам овқатланмоқчисан. Биз у билан ўтириб, ҳангомалашдик.

Мерган ўрнидан турди, қарға норози бўлгандай қағиллаб, яна томга қўнди. Мерганни олдиндан ниманидир сезгандек ёқимли титроқ босди.

– У сенга нималар деди?

Браун ҳайрон бўлгандай қошларини чимирди.

– Арзирли ҳеч нарса. Бу ерларда ёмғир ёғадими, қачон бу ерга кўчиб келдим, хотинимни кўмдимми, шуларни сўради. Хотининг

мэннимиди, деб ҳам сўради, мен, ха, дедим, чунки назаримда, у шундоғам биларди буни. Гапиришни ёқтирмасам ҳам кўпроқ мен лақилладим. – Браун жимиб қолди, фақат шамолнинг увиллашигина ўлик сукунатни бузарди. – У афсунгар, шундайми?

– Шунақа деса ҳам бўлади.

– Мен ўша заҳотиёқ билгандим. У енгини силкитиб, ичак-чавоғи тозаланган, барра куёни чиқазди. Худди «олгин-у, қозонга ташла» дегандай. Сен-чи?

– Афсунгарманми? – Мерган тиржайди. – Йўқ, мен оддий одамман.

– Сен ҳеч қачон унга етолмайсан.

– Ҳечқиси йўқ, етволаман.

Ўртада меҳрга ўхшаш илиқлик пайдо бўлганди ва улар бир-бирининг кўзига тикилиб қолишди: қақраган ерда чангга ботган кўчманчи ва саҳродан келган мерган.


Мерган чакмоқтошини чиқазди.

– Ма, ол. – Браун чўнтагидан учига олтин-гугурт сурилган чўпчани олиб, дағал тирноғига ишқалаб ёқди. Мерган қўлбола папиросини оловга яқинлаштириб, чуқур тортди.

– Раҳмат.

– Мешларингни тўлдириб олишинг керакдир? – сўради кўчманчи ўгирилиб. – Уйнинг орқасида булоқ бор, том нишаби тагида. Бориб, ейишга ул-бул тайёрлай.

Мерган эҳтиёткорлик билан маккажўхори уватларидан хатлаб, орқа ҳовлига ўтди. Булоқ қўлда кавланган қудуқнинг тубида экан, сув тупроқни емириб ташламаслиги учун қудуқ



атрофига тошлар териб қўйилибди. Мерган омонат турган нарвондан тушар экан, ичида икки йил олдин тошлар роса дахмаза бўлганини ўйлади: тошларни йиғасан, ташийсан, ўрнаштирасан. Сув тиниқ экан, аммо жуда секин оқаркан, шунинг учун мешларни тўлдиришга гўёки бир аср кетгандай бўлди. Иккинчисини тўлдираётганда, Золтан сўлоқмондай бўлиб қудуқ четига қўнди.

– Бутун баданингни илма-тешик қиламан. Сенинг ҳам, байталингнинг ҳам, – «таклиф» қилди куш.

Мерган чўчиб кетиб, тепага қаради. Ўн беш фут чуқурлик, ундан кам эмас. Браун пастга тош улоқтириб, мерганнинг бошини ёрса бўларди, кейин эса лаш-лушларини ўзиники килиб оларди. На телба, на мохов бундай иш тутмаган бўларди, лекин Браун жинни ҳам эмас, касал ҳам эмас. Шундай бўлса-да, Браун унга ёқиб қолганди, мерган миясидан бу аҳмоқона фикрни қувиб юборди ва мешларни сувга тўлдириб олди. Худо хоҳлаганди, сув ҳам пайдо бўлди, Худо яна нималарни хоҳлаши билан эса ка¹ бош қотирсин. Ўзининг иши эса арзимайдиган иш.

Мерган зинапоядан пастга тушиб кулбага кирганда (хоналар ер тагига қурилган, шу билангина тунги салқинни сақлаш мумкин), Браун кичкина ўчоқ ёнида ўтириб, маккажўхори сўтасини қайирарди. Лаби учган иккита ликоп

¹ Ка – (туркийча қут) қадимги Мисрда ҳаётий кучқувватни ўзида мужассамлаштирган инсоннинг илоҳий руҳи, маънавий олами.


полга ёзилган бўзранг адёлнинг икки четида турибди. Ловия пишириш учун сув энди қайнай бошлабди.

– Сувга ҳам ҳақ тўлайман.

Браун бошини кўтариб ҳам қўймади.

– Сув — Тангри таолонинг неъматиди. Ловияларни эса Док ота олиб келади.

Мерган мийиғида кулиб, деворга суяниб, полга ўтирди. Қўлларини кўксига қўйиб, кўзларини юмди. Бу орада хона бўйлаб қовурилган маккажўхорининг иси таралди. Браун қонзонга бир қоғозхалта қуруқ ловияларни ташлади, улар шақирлаб кетди. Ора-орада тақ-тақ-тақ деган товуш эшитилиб турарди — Золтан томда безовга бўлиб юрган кўринади. Мерган холдан тойганди; баъзида шундай бўлардики, йўлида учраган охириги Талл шаҳарчасида юз берган мудҳиш воқеадан узоқроқда бўлиш учун у кунига ўн олти-ўн саккиз соатлаб йўл босарди. Устига устак, сўнгги ўн икки кун пиёда юрди; хачирнинг ҳам силласи қуриган. Қандай қилиб ҳозиргача тирик юрганига ўзи ҳам тушунмайди. Оёқлари юравериб одатланиб қолганидан бўлса керак. Бир пайтлар мерган Шими исмли болақайни биларди. Шимининг хачири бор эди. Шими энди йўқ; ҳеч ким қолмади. Икки киши қолди, холос: мерган ва қора кийимли одам. Қулоғига бошқа заминлар, бу ўлканинг нариёғидаги яшил водийлар ҳақидаги алағда миш-мишлар чалинганди (у ерларни Оралиқ дунё дейишади), лекин бунга ишониш қийин. Бу сахро ўлкасида яшил замин ҳақида гап очиш — болаларча чўпчакнинг ўзгинаси.



Тақ-тақ-тақ.

Икки ҳафта, деди Браун, кўпи билан олти ҳафта. Аслида бу муҳим эмас. Таллда тақвим бор эди. Улар қора кийимли одамни эслаб қолишди. Чунки у бир чолни даволаганди. Чол кўкнори чекавериб, ажал ёқасига келиб қолганди. Чол ўттиз бешга кирганди, чоғи. Агар Браун адашмаётган бўлса, қора кийимли одам ўшандан бери кучини сарфлаб бўлди, мерган эса масофани қисқартирди. Аммо сахро ҳали-вери тугаганича йўқ. Сахро ҳали дўзахга эврилади.

Тақ-тақ-тақ...

Қанотингни менга бер, эй, қушжон. Мен уларни кенг-кенг ёзиб, энди кўтарилмиш оқим тарафга учиб кетаман.

Мерган ухлаб қолди.

III

Браун уни бир соатдан кейин уйғотди. Қоронғу тушибди. Ўчоқдан чиқаётган тўқ қизғиш шуълагина ягона ёруғлик эди.

– Хачиринг узок умр кўришингни айтиб кетди, – деди Браун. – Таъзиямни қабул айла. Кечлик тайёр.

– Қандай қилиб, ахир?

Браун елка қисди.

– Қовурилди ва қайнатилди, бошқа қанақа қилиб бўлмаса? Жуда инжиқтабиатмисан, дейман-а?

– Йўқ, мен хачирни айтяпман.

– Шунчаки ётди-ю, қайтиб турмади. Қариб қолгани кўриниб турганди-ку. – Браун жимиб,

кейин узрхоҳлик билан сўз қотди. – Золтан кўзини чўқилаб еб қўйди.

– Ҳа, шунақа дегин.

– Буниси тайин эди.

– Ҳа, майли, бўлганича бўлар.

Дастурхон вазифасидаги адёл атрофига ўтиришгач, Браун ёмғир, соғлиғи ва кўнгли ёришгани учун Тангрига шукрона келтириб, мерганни яна бир бор ўзига маҳлиё қилди.

– Қабр ортидаги ҳаётга ишонасанми? – деб сўради мерган Браун унинг ликопига уч дона буғи чиқиб турган маккажўхори сўтасини қўйганда.

Браун бош ирғади.

– Қўрқаманки, бу ерлар айнан шунинг ўзи.

IV

Ловиялар тошдай қаттиқ, маккажўхори ҳам улардан қолишмаскан. Ташқарида ерга тегай-тегай деб қолган қия томга урилиб, шамол чийиллайди. Мерган ора-чора сув симириб, ошалаб овқатланарди. Нақ тўрт дўлча сув ичди. Ҳали овқатини еб бўлмаганди ҳамки, кимдир пулемётдан тириллатиб отгандай эшик тақиллади. Браун туриб, Золтanni ичкарига киргизди. Қарға хона бўйлаб учиб, ковоғидан қор ёғиб, бир бурчакка ўрнашди.

– Ловиядан оҳангдорроқ овқат йўқ, – деб тўнғиллаб қўйди.

– Мабодо, уни сўйиб ейишни сира ўйлаб кўрмаганмисан? – деб сўради мерган.

Браун тишининг оқини кўрсатди.



– Забони бор хайвонларни ейишмайди, – деди у. – Қушлар, шалпанқулоқ-ишқалчилар, ловия-одамлар. Уларнинг гўшти қаттиқ бўлади.

Қорин тўйғач, мерган Браунга тамакисидан мулозамат қилди.

«Ҳозир, – деб ўйлади ичида мерган. – Ҳозир саволлар ёмғири бошланади».

Бироқ Браун ҳеч қандай савол бермади. У оғзига толқон солганча, узоқ йиллар Гарленда етиштирилган тамакини чекарди. Кулба ичи совиб қолди.

– Нафс балосидан Ўзинг халос эт бизни, – дея қағиллади Золтан. Бу худди оятдек янгради.

Мерган худди кимдир унга ўқ узгандек бир сапчиб тушди. Бу шайтон васвасаси эмасми, деган ўй пайдо бўлди унда. Қора кийимли одам телба-тесқари ишоралар воситасида ўзининг тилсимларини юбориб, недир демоқчи бўлмасин тагин.

– Талл деган жойни эшитганинг борми? – деб сўради мерган.

Браун бош силкиди.

– Бу ёққа келаётганимда, бир кириб ўтгандим. Кейин яна бир марта маккажўхори сотиб, виски сипқориш учун киргандим. Ўша йили ёмғир ёғди. Ўн беш дақиқача қуйганди ўзиям. Ишонасанми-йўқми, ер ёрилиб, жамики ёмғир сувини ичиб юборгандек бўлувди. Бир соатдан кейин ер яна қакраб, оппоқ тусга кириб қолган. Ўзи ҳар сафар шунақа бўлади. Лекин маккажўхорилар... Ё Раббим, Эгам, маккажўхорилар! Бўй чўзиб ўсаётганини кузатсанг бў-

ларди. Қулинг ўргилсин, маккажўхорини эшитсанг бўларди, гўё ёмғир унга овоз бергандек. Лекин ғамгин овоз. Ер тагидан бош кўтариб, ютоқиб-ютоқиб нафас олиб, инграгандек бўлганди. – Браун яна жимиб қолди. – Лекин бир дунё хосил берди. Ортиқчаси билан. Обориб сотдим. Док ота, кел, бўтам, мен сота қолай, овора бўлиб юрасанми, деб таклиф қилди. У мени чув тушириши мумкин эди. Шу боис ўзим сотдим-қўйдим.

– У ер сенга ёққанмиди?

– Йўқ.

– У ерда мени сал қолса ўлдириб қўйишарди, – деди мерган.

– Қанақасига?

– Мен Худонинг ўнг қўлига тегинмоқчи бўлган бир кишини ўлдириб қўйдим. Фақат ҳалиги Худо эмасди. Бояги одам эса енгидан қуён чиқарган афсунгар эди. Қора кийимли одам.

– У буни атайин уюштирган. Сени тузокқа туширган.

– Тўғри айтасан. Ҳақиқатни айтганинг учун ҳам раҳмат сенга.

Улар нимкоронғуда бир-бирларига қарашди. Бу карахт сукунатда кўп нарса маълум бўлди.

«Хозир саволлар бошланади».

Бироқ Браун аввалгидек ҳеч қандай савол бермади. У папиросини чўзиб-чўзиб тортиди, мерган тамакиҳалтага уриб қўйиб, чекишни таклиф қилганди, Браун йўқ дегандай бош чайқади.

Золтан нимадир демоқчи бўлгандек қанотларини қоқди, лекин индамади.



– Мен сўйлайми? – сўради мерган. – Умуман олганда, гапга унчалик ҳам чечан эмасман, бироқ...

– Баъзан ичингдагини гапириб чиқариб ташлаш керак. Гапиравер, кулоғим сенда.

Мерган оғиз очишга уринди-ю, гапни нимадан бошлашни билмади.

– Ёзилиб келай.

Браун бош силкиди.

– Маккажўхоризорга, хўпми?

– Тушунарли.

У зинадан кўтарилиб, тун бағрига сингди. Кўкда юлдузлар милтиллайди. Шамол бир суръатда эсмоқда. Пешоб тизиллаб қақраган далага сачради. Уни бу ерга қора кийимли одам авраб олиб келди. Балки, Браун қора кийимли одамнинг ўзидир. Балки...

У ўзидан бу ваҳимали, бемаъни хаёлларни хайдади. У ҳар қандай нарсанинг уддасидан чиқади, фақат ўзининг жиннилиги тутиб қолса, бу даргумон. У кулбага қайтиб кирди.

– Хўш, нима гап? Мени шайтоннинг васвасаси деб ўйляяпсанми ёки йўқми? – сўради Браун.

– Ҳозирча шуни ўйлаб кўрмоқчиман. Нима, ростдан шунақамисан?

– Агар сен айтганча бўлса, ўзим бундан беҳабар эканман.

Жавоб тасалли бермаса-да, лекин чидаса бўлади.

– Шундай қилиб, Талл ҳақида гапираётгандим.

– Шаҳарда одам кўпайяптими?

– Шаҳар энди йўқ. Уларнинг барчасини ўлдирдим, – деди мерган ва кўнглидан: «Энди эса сени ҳам ўлдираман, жилла қурса, мизғиб олиш важдан, йўқса, сендан кўз-қулоқ бўлишим керак. Қушуйқу бўлиб пинакка кетиш жонимга тегди», деган ўйни ўтказди. Шунчалик разилликка бориши нимаси? Башарти ғанимига ўхшаб қолган бўлса, қора кийимли одамни қувишдан не ҳожат?

Браун:

– Сендан менга ҳеч нарса керакмас, мерган. Бу ерни тарк этганинда, тирик қолсам бас. Менга шафқат қил, деб ёлвормайман, лекин бу яшашни истамайман деганим эмас, – деди.

Мерган кўзини юмди. Боши ғувиллаб кетди.

– Айт-чи менга, кимсан? – хириллаб сўради мерган.

– Оддий одамман. Беозор ва сенга ёмонликни раво кўрмайдиган одамман. Ҳамонки ҳалиги ҳикоянгни сўйлашни истар экансан, жон деб эшитаман.

Мерган миқ этмади.

– Майли, майли, тушундим. Илтимос қилмагунимча, гапирмайсан, – деди Браун. – Сен айтганча бўла қолсин. Талл ҳақида сўйлаб бер, илтимос.

Бу ёғига сўзлар ўзидан-ўзи қуйилиб келаверди. Чертиб-чертиб сўзлаётганига мерганнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлди. У ҳикоя қилишга тушди. Аввалига бир зўр бериб, кейин сусайди, аммо ҳикоя оз-оздан бир оқимга тушиб қолди. Мерганнинг боши тиниқлашди. Уни ғалати ҳислар чулғаб олди. Мерган узоқ, ярим тунгача



сўзлади. Браун унинг сўзини бўлмасдан эшитди. Қарға ҳам.

V

Хачирни Прайстаунда сотиб олди, Таллга етиб келишганда, хачир ҳали кучга тўла эди. Қуёш бир соат олдин тоғлар ортига бекинди, бироқ мерган шаҳарнинг чарақлаган чироқларига, сўнгра қовоқхона пианиносида чалинаётган «Хой, Жуд» куйига мўлжал олганча юришда давом этди. Йўл сезиларли даражада кенгайди. Йўл четларида учкун разрядли чироқлар ўрнатилган симёғочлар қаққайиб турар, аммо чироқлари аллақачон ўчганди.

Мерган ўрмон қачон тугаб, қачон ортда қолганини эслолмади. Бу ёнига ўрмон прериялар¹нинг маъюс, бир хилдаги манзарасига алмашганди: пакана буталар ва отқўноқлар ўсган ташландиқ далалар, фақирона уйлар, юракка ваҳима солувчи эгасиз ер-мулклар, ичкарисида, шубҳасиз, жин-ажиналар базм қилаётган алохида-алохида уйлар; қийшайиб қолган хароба уйлар, афтидан, уй эгалари ё ўзларининг хоҳишлари билан, ё бировларнинг тазйиқи остида бу ерларни тарк этишган; кўчманчиларнинг онда-сонда учраб қоладиган кулбалари тун қоронғусида милт-милт ёниб турган нуқта бўлиб кўринса, қундузи насли бузилган оила касаллик оралаган далада миқ этмасдан ишлаётгани яққол кўриниб турардики, бу кишида кўнгилни ваш қиладиган кайфият уйғотарди. Бу ерлар-

¹ Прериялар – Шимолий Америкадаги кенг чўллар.

га, асосан маккажўхори, ловия, нўхот экишаркан. Бир-бир тоб ташлаган, уадаси чиқиб кетган латта тўсиқлар тешигидан сигирми, бузоқми мерганга мўраларди. Тўрт марта ёнидан почта каретаси физиллаб ўтиб кетди: иккитаси қарши тарафдан, иккитаси мерган кетаётган тарафга қараб юрарди. Мерганни қувиб ўтган кареталарда йўловчилар кўринмади; карама-қарши тарафга, шимол ўрмонларига кетаётганларида эса одам кўп эди. Гоҳида шалоқ араваларда фермерлар ҳам ўтиб қоларди. Улар револьверли дайди билан кўз уриштирмаслик учун нигоҳларини дарҳол четга буришарди.

Мунгли, хунук ўлка. Мерган Прайстаунни тарк этганидан буён икки марта ёмғир ёғди, иккала сафар ҳам эзмаланиб ёғди. Ҳатто ўтқўноқлар ҳам сарғайган, сўлиган эди. Бу юртда яшаб бўлмайди, тез-тез юриб ўтиб, эрдан чиқариш лозим. Қора кийимли одамнинг қораси ҳам кўринмайди. Эҳтимол, каретага ўтириб кетгандир.

Йўл ёйсимон қайрилди. Мерган бурилишда тўхтаб, пастга, Таллга қиё боқди. Шаҳарча косасимон водийда жойлашганди. Қаердадир чироқ ёнган, чироқлар, асосан мусиқа янграётган ерда ғуж бўлганди. Кўчалар тўртта, шекилли, учтаси тўғри бурчак остида қовоқхонага олиб боради ва яна битта шоҳкўча. Балки бу ерда кичикроқ ресторан бордир? Ким билади, лекин ҳечдан кўра... Мерган хачирни «хих-хих»лади.

Йўл четидаги уйлар борган сари кўпайди, лекин ҳамон эгасиз. Мерган кичикроқ қабрис-



тондан ўтди. Моғорлаган, тоб ташлаган ёғоч қабртошлар ажина-ўтлар ичида деярли кўмилиб кетибди. Беш юз футдан кейин мерган занг босган, «ТАЛЛ» деб ёзилган кўрсаткичга етиб келди.

Бўёғи кўчиб тушган, шу сабаб кўрсаткичдаги ёзувни ўқиш амримаҳол бўлиб қолибди. Сал нарида яна битта кўрсаткич чиқиб қолди, аммо нима деб ёзилганини ўқиёлмади.

Мерган шаҳарчага кирганда, маст-аластларнинг овозлари «Хой, Жуд»нинг «Ла-а-ла-а-ла-а, ла-а-ла-ла-ла... хой, Жуд» нақоратида чўзилди. Овозлар дарахтнинг чириган ковагида фувиллаётган шамол каби ўлик эди. Қовоқхона пианиносининг паст овозда тинғиллаганигина мерганни қора кийимли одам шаҳарчани арвоҳларга тўлдирмадимикин, деган гумондан аранг йироқлаштирди. Бу ўйдан унинг юзида нимтабассум пайдо бўлди.

Кўчаларда одамлар сандироқлашади. Улар кўп эмас-у, лекин ҳайтовур, бор-да. Учта хоним — қора шим, узун ёқали бир хил блуза¹да — кўз қири билан мерганга қараб, йўлнинг нариги четидан ўтиб кетишди. Юзлари жимирлаб кўринар, худди бўздай оппоқ шарга кўзлар ўрнатиб қўйилганди. Баққоллик дўконига кираверишдаги соябонли пиллапоядан похол шляпасини бошининг қоқ учига қўндириб олган маъюс чол уларни кузатиб турарди. Охирги мижози билан банд бўлган ориқ чевар киши бир лаҳзага мерганга нигоҳини

¹ *Блуза* — аёлларнинг кенг хонаки қўйлаги.

бурди; синчиклаб кўриш учун ҳатто деразага чироқ тутди. Мерган бош ирғаб қўйди. На чевар, на мижоз жавобан бош силкишди. Мерган уларнинг нигоҳи белидаги тўппонча қинида сирғалаётганини сизди. Ўн уч яшар ўсмир ва қиз (балки синглисидир, балки севган қизи) кўчани кесиб ўтишди, орада бир лаҳза тўхтаб олишди. Оёқлари тагида чанг кўтарилди. Шаҳарчада чироқлар ёник, фақат электр чироқлар эмас; чироқларнинг шишаси қалин мойли сўхтадан хиралашиб қолганди. Бир-икки ердаги чироқлар синдирилибди. Бу ерда пулли отхона ҳам бўлиб, афтидан, шаҳарчада почта кареталари учун хизмат қилади. Отхонага кираверишдаги бурчакда уч нафар болакай чўккалаганча жим ўтиришар, маккажўхори сўтаси кукунидан қўлбола папиросларни смолашарди. Уларнинг узун-узун соялари ховлига ёйилганди. Биттаси чаён думли шляпа кийиб олибди. Иккинчисининг чап кўзига оқ тушибди.

Мерган уларнинг ёнидан ҳачирини етаклаб ўтиб, отхонанинг рутубатли саҳнини кўздан кечирди. Ягона чироқ аранг тутаб турибди. Чироқнинг хира нурида кўланка сапчиб тушди — яланғоч баданига комбинезон ташлаб олган бесўнақай дароз чол паншахага катта-катта пичан боғларини илиб, қулочкашлаганча пичанхонага ирғитарди.

– Ҳей! – деб чақирди уни мерган.

Чол гижиниб ўтирилди.

– Ўзинг «ҳей»сан!

– Менда ҳачир бор.

– Баракалла, қуллуқ бўлсин.



Мерган четлари ғадир-будур тилла танга ирғитди. Танга сомон сепилган тахталарга урилиб, жингиллаб, йилтираб кетди.

Отхона хўжайини эгилиб, тиллани олди, мерганга шубҳаланиб қаради, нигоҳлари мерганнинг камарбандида бир онга тўхтаб, истаристамас бош ирғади.

– Хачирингни кўпга қолдирасанми?

– Бир-икки тунга. Балки кўпроққадир.

– Сенга қайтим беролмайман.

– Қайтим керак эмас.

– Ўқ еган пуллар, – деб минғирлади чол.

– Нима?

– Ҳеч нима. – Чол юганни қўлига олиб, хачирни пичанхонага олиб кириб кетди.

– Хачиримни яхшилаб ювинтириб қўй! – деб бақирди мерган орқасидан. – Келиб текшираман!

Чол қайрилиб ҳам қўймади. Мерган кўчада ўтирган болаларнинг олдига чиқди. Сездики, болалар унинг мункиллаган чол билан ғавғосини ижирғаниб кузатишяпти.

– Кунларинг узун, тунларинг хайрли бўлсин, – деди мерган гап бошлаш учун.

Жавоб йўқ.

– Шу ерда, шаҳарчада яшайсизларми, болалар?

Жавоб йўқ. Бироқ чаён думли шляпа кийган бола бош ирғагандек бўлди.

Болалардан бири оғздан яхши ўралмаган папиросни чиқариб, қўлида яшил шарчани вижимлаб (бола мушуккўз экан) ерга чизилган доира ўртасини кўзлаб зарб билан отди. Шар-

ча «бакажон»га урилиб, майдондан ташқарига учуриб юборди. Болакай тошини кўтариб, янги «отишма»га шайланди.

– Бу ерда тамадди қиладиган жой борми? – сўради мерган.

Болалардан энг кичиги бошини кўтариб қарашга журъат этди. Шамоллаган шекилли, оғзининг атрофига учуқ тошиб кетибди. Лекин кўзлари қувликдан йироқ, содда боқаркан. Нафсиламрини айтганда, бу сасиган ерда боланинг соддалиги узоққа бормади. У мерганга ҳам кўнгилни ийдирадиган, ҳам бироз ваҳимали нигоҳ билан қаради, яна-тағин ҳайронлигини ҳам яширолмади.

– Шебникада ҳар доим бифштекс бўлади.

– Анави қовоқхонадами?

– Ҳа.

Бошқа болалар ўқрайиб қарашди. Болакай бегона киши билан самимий гаплашгани учун товон тўлашига тўғри келмаса бўлгани.

Мерган бошидан шляпасини олиб, миннатдорчилик билдирди:

– Ташаккур, йигитлар. Бу шаҳарчада овоз ва сўзни жуфтлай оладиган одамларни эшитиш бирам мароқли бўлдики!

Мерган пастга, Шебнинг қовоқхонасига қараб юрди. Ортидан болаларча ингичка, лекин нафратли овози янгради:

– Ўтхўр! Анчадан бери синглингга тегажонлик қиласанми, Чарли? Ўтхўр!

Кейин эса шапалоқ ва йиғи овози янгради.

Қовоқхонага кираверишда учта керосин лампалар — иккитаси икки ёнда ва биттаси қўш



табақали қийшайган эшик тепасида — ёниб турарди. «Хой, Жуд»ни куйлаётган хор тиниб, пианинодан эски баллада дингилларди. Ичкарида шивир-шивир авжида эди. Мерган залга тикилганча, остонада туриб қолди. Полга пайраха сочилган, шалоқ столларда — тупдон. Ўртада оддий ёғоч устун ўрнатилган. Унинг ортидаги ифлос кўзгудан букчайган тапёр¹ айлана курсида ўтиргани кўриниб турарди. Пианинонинг олд ёғоч-тахтаси йўқ, сознинг тўқмоқчалари тепага-пастга бориб-келарди. Бармен — кир кўйлак кийган малла сочли аёл экан. Битта елка боғлагичи юлиб олинганми, нима бало, инглизларнинг тўғноғичини қадаб олибди. Тахминан олти нафар одам — ҳаммаси шу ерлик шекилли — зал ичкарисида ғуж бўлиб, оғизларини тўлдириб кавшанишар ва эринчоқлик билан «Эснама» ўйинини ўйнашарди. Яна беш-олтита хўранда пианино атрофига тўпланиб олишибди, тўрт-бештаси устунга суянишган. Оқ оралаган сочлари хурпайган бир чол эшик тагидаги столга ялшайволиб, ухларди. Мерган ичкарилади.

Хўрандалар бирданига эшикка ўгирилишди. Нигоҳлар мерганга ва унинг револьверига қадалди. Бир зумга жимжитлик чўкди, фақатгина паришонхотир тапёр ҳеч нимадан хабари йўқ, пианиносини тингиллатишда давом этаверди. Пештахта ортидаги аёл афтини буриштирди ва яна ғала-ғовур бошланди.

— Эснама, — деди қиморбозлардан бири ва тўртлик қарға билан учлик таппонни уриб, барча қарталарини шап этиб ташлади. Уч-

¹ *Тапёр* — тунги қовокхоналарда куй чалувчи созанда.

лик қартасини бой берган ўйинчи ғазаб билан сўкинди-да, пулларни стол ўртасига сурди ва қарталар янгитдан сузилди.

Мерган пештахтага яқинлашди.

– Гўшт борми? – деб сўради.

– Бўлмасам-чи, – аёл мерганнинг кўзларига тикилди. Қачонлардир бу аёл лобар эди, лекин у даврлар ўтиб кетди. Дунё ўрнидан силжиган. Энди аёлнинг юзлари ийиғи чиқиб, салқиб қолган, манглайида нафармон қайрилма чандиқ манаман деб турарди. Аёл чандиққа қалин қилиб упа суртган бўлса-да, бу хийласи чандиқни беркитолмаган, аксинча, баттар эътиборни тортарди. – Барра гўшт бор. Молники. Фақат пул туради-да.

Барра мол гўшти. Демак, хожатхонага югуриш имкони туғиларкан-да, деб хаёл қилди мерган. Совутгичингда ётган «барра» гўшт бир вақтлар олти оёқлаб югуриб, учта кўзи билан олайган бўлса керак, хоним афанди.

– Хўш, бўлмаса, менга учта бифштекс ва пиво беринг.

Яна сув қуйгандек жимжитлик. Учта бифштекс. Атрофдагиларнинг оғзидан сувлари оқиб, тамшаниб қўйишди. Учта бифштекс-а! Одам бир ўтиришда учта бифштекс еганини қаерда кўргансиз?

– Сендан беш бъикс. Бъикс борми ўзи?

– Доллар, демоқчимисиз?

Пештахта ортидаги аёл бош силкиди. Демак, бакс¹ни назарда тутган.

¹ Бакс — долларнинг жаргонча аталиши.



– Пиво билан биргами? – сўради мерган ил-жайиб. – Ёки пивога алоҳида тўлайманми?

Аёл хўмрайди.

– Олдин пулни кўрсат, кейин пиво бўлади.

Мерган пештахтага тилла танга ташлади. Барчанинг нигоҳи тангага қадалиб, кўзлари бақрайди.

Кўзгудан чап тарафда, пештахтанинг тўғри-сидаги кўчма печкада кўмир тутаб ёнарди. Аёл тор хоначага бош суқиб, қоғозга ўралган гўшт билан қайтиб келди. Гўшдан учта кичик-кичик бўлак кесиб олиб, кўмир тепасига ётқизилган панжарага ташлади. Гўшнинг иштаҳани китик-лайдиган иси хўрандаларни ақдан оздираёзди. Пианинонинг ижро мароми ўзгарди, қартабозлар ўйиндан тўхтаб қолишди, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда тайёрларнинг кўзлари ола-кула бўлди. Мерган атрофда нима бўлаётганига эътибор бермай, ўзини гўлликка солди.

Бир тақирбош мерганга орқадан писиб кела бошлаганди, мерган уни кўзгуда кўриб қолди. Тақирбош қайишига қадалган қиндаги ов пи-чоғини маҳкам сиқиб ушлаб олганди.

– Жойингга ўтир, – деди мерган. – Бошингга бало ортгирма, ошна.

Тақирбош жойида таққа тўхтади. Қопағон итга ўхшаб ириллаб, тишининг оқини кўрсатди. Ҳамманинг дами ичига тушди. Сўнгра тақир-бош жойига бориб ўтирди ва ҳамма ўз ишига андармон бўлди.

Аёл дарз кетган шиша бокалда пиво узатди.

– Қайтимим йўқ, – деди бармен аёл кишининг гашига тегадиган қилиб.

– Қайтими керак эмас.

Мерганнинг пули кўплигини очикдан-очик намоиш қилиши аёлнинг ҳамиятига теккан-дек аччиқланиб бош ирғаб қўйди. Ҳар ҳолда тилла тангани олиб, бир неча дақиқадан сўнг чала ювилган ликонда четлари сингиб пишмаган бифштексни келтирди.

– Туз борми?

Аёл пештахта тагидан туздонни олиб узатди. Туз юмалоқ-юмалоқ бўлиб қолибди, мерган туз-ни қўли билан эзиб, майдалади.

– Нон-чи?


– Нон йўқ.

Мерган аёлнинг алдаётганини билиб турса-да, сабабини сўраб ўтирмади. Тақирбош мерганга кўзлари қинидан чиқиб кетгудай олайиб қарар, қўллари мушт бўлиб тугилган, анқиётган гўшт исини тўйиб-тўйиб хидлаётгандек бурун катаклари торайиб-кенгаярди. Ҳа, майли, хидласа, хидласин. Ҳидлаганга пул тўланмайди-ку.

Мерган овқатланишга тушди. У шошмасдан, худди мазасини ҳис қилмаётгандай бифштексни майдалаб овзига солар, ҳозир еяётган гўшти қачонлардир сўйилган молники эканлигини ўйламасликка тиришиб, чайнарди. Бармен аёл, барра гўшт, деди. Ҳа-да, бўлмасам-чи!

Мерган овқатланиб бўлиб, тагин пиво буюртирмоқчи ва папирос ўрамоқчийди, кимдир елкасидан ушлади.

Зал яна жимиб, тигиз пайт бошланганини сизди. Мерган ўгирилиб, қовоқхонага кирганда, эшик тагида ухлаётган қариянинг юзига кўзи тушди. Чол ниҳоятда бадбашара, қўр-



кинчли эди. Аъзoi баданидан ажина-ўтнинг хиди анқирди. Онгостининг қўланса ботқоқликларидан кўтарилмиш бемаъни, тийиксиз тушлар туфайли юмилмайдиган кўзлари ваҳимали, ичига ботиб кетган, худди лаънат теккан одамнинг кўзлари каби эди.

Пештахта ортидаги аёл билинар-билинемас «ох» урди.

Порс-порс ёрилган лаблар буришиб, мох босгандай ям-яшил тишларни кўрсатиб очилди. Мерган: «У ахир ажина-ўтни чекмаяпти, худди чайнаяпти-я. Ҳа, чинданам чайнаяпти».

«Ахир, у ўлик-ку. Ўлганига бир йил бўлган-ов».

«Бу ҳам қора кийимли одамнинг иши. Усиз иложи йўқ эди».

Ақлдан озаёзган мерган ва чол бир-бирига тикилиб қолишди.

Чол тилга кирди. Гилеаднинг Олий лаҳжасида ўзига мурожаат этишганидан мерган тахта бўлиб қолди.

– Эҳсон қил, марҳаматли мерган. Бир тилла чақангни аяма. Бир чақа сен учун арзимаган нарса-ку.

Олий лаҳжа. Аввалбошда мерганнинг мияси бу йўсиндаги мурожаатни ҳазм қилолмади. Ахир, орадан қанчадан-қанча йиллар ўтди — Ё Раббим, Эгам! — асрлар, неча-неча минг йилликлар ўтиб кетди-я; ҳеч ким Олий лаҳжада сўзлашмайди. У — сўнггиси. Сўнгги мерган. Қолганлари эса...

Эсанкираб қолган мерган кўкрак чўнтагига қўл солиб, тилла танга олди. Қорасондан доғ-

доғ бўлган, ёрилавериб чатнаб кетган, шилинган қўл чўзилиб, тиллани олди ва силаб-сийпалади, кейин керосин лампаларнинг мойли милт-милти аксланишини кўриш учун тиллани баланд кўтарди. Тилла танга ҳам гердайгандай заррин-заррин бўлиб, қип-қизил қон тусида товланиб кетди.

– О-о-о-х-х-х... – чол англаб бўлмайдиган тарзда хузурланди. У бир чайқалиб, тангани кўз олдида ушлаганча столига бориб ўтирди. Тангани унақасига ҳам, бунақасига ҳам айлан-тириб, шу ердагиларга мақтаниб қўйди, гўё.


Қовоқхона тезда бўшаб қолди. Эшик табақалари қарсиллаб ёпилди. Тапёр чолғу асбобининг қопқоғини ёпиб, чиқиб кетаётганларнинг ортидан катта-кенг қадамлар билан масхарабоз юриш қилиб эргашди.

– Шеб! – дея кичқирди бармен аёл унинг ортидан. Аёлнинг овози қахр ва қўрқув аралаш янгради. – Шеб, ҳозироқ изингга қайт! Бу нима деган гап?!

Чол ўзининг столида ўтирар, ғадир-будур столда тилла тангани айлантирарди. Нимжон кўзлари тангадан узилмасди. Танга тўхтаса, яна ва яна айлантираверди. Кейин қовоқлари офирлашди. Тўртинчи марта айлантиргандан сўнг танга тўхтамасидан аввал чолнинг боши столга шилқ этиб тушди.

– Ана, – илондек вишиллади бармен аёл. – Барча мижозларни кўрқитвординг. Кўнглинг жойига тушдимми энди?

– Қайтиб келишади, қаёққаям боришарди, – деди мерган.



– Фақат бугун эмас.

– Ким бу? – мерган нашаванд чолни кўрсатди.

– Бориб, тошингни терсанг бўлмайдами?

– Билишим шарт. У...

– У сен билан шундай кулгили гаплашдики, – деди аёл. – Норт хаётида сира бундай гаплашмаганди.

– Мен бир одамни изляяпман. Уни танишинг керак.

Аёл мерганга зимдан тикилиб, жаҳл отидан туша бошлади. Миясида бир нималарни хомчўт қилди, сўнгра кўзларида ёш пайдо бўлиб, йилтиллаб кетди. Омонат турган қовоқхона гичирлаб кетди. Аллақаерда ит аянчли акиллади.

Мерган кутарди. Аёл унинг тушунганини кўриб-билиб турарди. Бир пулга қиммат савлату гурур чорасизлик, гунг истак билан ўрин алмашди.

– Менинг нархимни билсанг керак, – деди аёл. – Илгарилари мен эркакларга эмас, улар менга ташланишарди. Лекин у замонлар ўтиб кетди. Бугун эса...

Мерган аёлга синчков боқди. Қоронғуда чандиғи кўринмайди. Унинг баданини на сахро, на қум, на ҳар кунги офир меҳнат букчайтиролмаган. Аёлнинг жисми шалвираган эмас, аксинча, хипчабел ва нозик эди. Қачонлардир аёл дуркун ва ҳатто гўзал эди. Лекин энди бунинг аҳамияти йўқ. Ҳатто аёлнинг қуруқшаб қолган, бепушт танасининг ич-ичини гўристон қуртлари ғимирлаб кемирганда ҳам барибир шундай бўлиши тайин эди. Барчаси олдиндан маълум эди. Кимнингдир қўли билан қисмат китобига ёзиб қўйилган.

Аёл юзини қўллари билан бекитди. Хали аёлнинг кўзёшлари қуриб қолмабди.

– Қарама! Менга бундай қарама! Мен кўчада қолган ифлос фоҳиша эмасман.

– Кечир, – деди мерган. – Бу хаёлимнинг кўчасига ҳам кириб чиққани йўқ.

– Ҳаммангиз шундай дейсизлар!

– Қовоқхонани ёпиб, чирокни ўчир.

Аёл юзларини бекитганча йиғларди. Қўллари билан юзини ёпгани мерганга ёқиб тушди. Чандиқ сабаб эмас, йўқ, шунчаки бу қилиғи аёлга бокиралигини бўлмаса-да, қизлик ибосини қайтарганди. Елка боғичини ушлаб турган тўғнағич чироқ нурида ялтиллади.

– Чол бирон нимани ўғирлаб чиқиб кетмайдими? Агар хоҳласанг, хайдаб соламан.


– Йўқ, – деб шивирлади аёл. – Норт ҳеч қачон ўғирлик қилмаган.

– Ундай бўлса, чирокни ўчир.

Аёл мерганнинг ортига ўтгандагина қўллари юзидан олди. Кейин барча чироқларни ўчириб чиқди. Пиликларни бураб, шамларни пуфлаб, зал бўйлаб айланиб чиқди. Сўнг қоронғуда мерганнинг қўлидан ушлади. Аёлнинг қўллари илиқ экан. Зина бўйлаб юқорига олиб чиқди. Тепада чироқ йўқ экан.

VI

У қоронғуда иккита папирос ўраб, биттасини аёлга берди. Хонани аёлдан таралаётган настарин ифори тутиб кетди. Аммо сахро ҳиди бу ифорни ортга чекинишга мажбур қилди.



Мерган олдинда ўзини кутиб турган саҳродан чўчиётганини ҳис этди.

– Унинг исми Норт, – деди аёл. Ҳатто ҳозир ҳам унинг овози майинлашмаганди. – Шунчаки Норт. У – ўлик.

Мерган жимгина унга қулоқ осди.

– Унга Худонинг ўнг қўли теккан.

– Мен бирон марта ҳам Уни кўрмаганман.

– Эсимни танибманки, у хар доим шу ерда бўлган... Нортни назарда тутяпман. – Аёл жилмайиб қўйди. – Бир замонлар у гўнг ташиб тирикчилик қилган. Кейин ичишни ўрганди. На ша хидлашга ўтди. Кейин чекишни бошлади. Болалар унга тинчлик бермай, итларга тала тиб, ортидан қолишмасди. Яшил шалворидан шунақанги бадбўй хид келардики, одам қайт юборай дерди. Тушуняпсанми?

– Ҳа.

– Кейин ажина-ўт чайнашга ўтди. Бориб-бориб ҳеч нима қилмасдан жимгина ўтирадиган одат чиқарди. Овқатланмай ҳам қўйди. Ўзини қирол деб ўйлади, шекилли. Болалар унинг масхарабози, итлар эса аёнлари эди, гўё.

– Ҳа, шунақа дегин.

– У остонада жон берди. Кўчада этигини шалп-шулп қилиб кетиб борарди... этиги ҳам аскарларники эди, кийилавериб адо бўлган... этикни эски полигондан топиб олибди... хуллас, кўчада кетиб борар, одатдагидек, болалар ва итлар изма-из эргашишганди. Афт-ангори ўша-ўша. Симдан ясалган илгакка ўхшаб, буришиб-тиришиб, букчайиб қолганди. Кўзларида жаҳаннам ўти ёнар, ўзи эса тиржайгани-тир-

жайган. Биласанми, мана бундай қилиб тишининг оқини кўрсатарди... болакайлар Катта Ҳосил сайли арафасида ошқовокдан шунақанги башараларни ўйиб ясашади. Қўланса хидини айтмайсанми, эсласам, ҳозиргача кўнглим ағдарилади. Уст-боши кир-чир, баданидан йиринг оқиб ётар, ўзидан нашанинг ҳиди анқирди. Наша аралаш сўлак, биласанми, оғзининг четидан оқиб турарди. Ўйлашимча, ўшанда ич-карига кириб, Шебнинг ижросини тингламоқчи бўлган. Чоли тушмагур бошини азод кўтариб, останадаёқ қотиб қолди. Мен уни каретанинг келаётганини эшитиб тўхтаб қолдими деб ўйлабман, зотан каретанинг келишига анча вақт бор эди. Кейин эса қон аралаш қора қусуқ оғзидан отилиб чиқди. Юзидаги табас-сумга ўласанми шундай вазиятда. Сасиганини айтмайсанми... ақлдан озганинг маъкулроқ, чин сўзим, ишонавер. Қўлларини кўтарди-ю, шилқ этиб ерга йиқилди. Тишининг оқини кўрсатганча, ўзининг қусуғи устида ўлди-қолди.

– Жуда ёқимли ҳикоя экан.

– Нимасини айтасан? Жойига қараб ҳикоя ҳам шунақа бўлади-да.

Аёлни титроқ босди. Ташқарида шамол тўхтамаганди. Қаердадир эшик қарсиллади, товуш узоқ-узоқдан келди. Томда сичқонлар тимирскиланишарди. «Бу ер сичқонлар моли-мардумхўрлик қиладиган шаҳардаги ягона бино бўлса керак», деб ўйлади мерган. У қўлини аёлнинг қорнига қўйди. Аёл сесканиб кетди.

– Қора кийимли одам, – деди мерган.



– Барчасини унутиб, ухлай қолсак бўлмай-
дими? Тушунишимча, миридан сиригача айтиб
бермагунимча мени тинч қўймайдиган кўри-
насан.

– Мен билишим зарур.

– Хўп, майли, гапириб бераман. – Аёл мер-
ганнинг кафтини қўллари орасига олиб, ҳамма-
сини сўзлаб берди...

VII

У Норт ўлган тунда пайдо бўлди. Ўша тун-
да шамол зўрайгандан зўрайди: ернинг устки
қатламини кўчириб, чанг-тўзон кўтарди, дум-
булларни юлкиб олди. Хьюбал Кеннерли от-
хонани ёпди, савдогарлар дўкон деразаларини
ёпиб, тахта тирашди. Осмон сарғимтил, қора
булутлар гўёки уларни недир чўчитиб юборган-
дай чексиз сахро узра осмону фалакда тез-тез
сузиб ўтардилар.

У усти парусина¹ билан қопланган ара-
вада шамолдай ғувиллаб келди. Унинг оғзи
қулоғида эди. Одамлар ундан кўз узишмасди.
Кекса Кеннерли дераза тагида бир қўлида ши-
шани, иккинчисида эса бадахлоқ қайноқ бадан-
ни (аниқроғи, иккинчи қизининг кўкрагини)
маҳкам сиққанча, уни кузатар ва агар эшикни
тақиллатса, очмасликка қарор қилганди. Эшик-
ни очмагандан кейин уйда ҳеч ким йўқ экан,
деб ўйлайди-да.

Аммо қора кийимли одам отхона ёнидан
хатто тўхтамасдан ғизиллаб ўтиб кетди. Ара-


¹ *Парусина* — канопдан тўқилган қалин мато.

ва филдираклари чанг ирғитиб тинмай айланар, бевош шамол чанг-тўзонни ерга туширмай, узоқларга учуриб кетарди. Эғнидаги бутун калласи ва юзини бекитиб турган қайтарма қалпоқли қора ридосига қараганда, у роҳиб ёхуд руҳоний бўлса керак. Ридоси шамолда ҳилпирайди. Этаги тагидан салмоқдор тўқали оғир этигининг чорбурчак учлари кўриниб турибди.

У Шебнинг қовоқхонасида тўхтади. Отини боғлади. От дарров тумшуғи билан қуп-қурук ерни искашга тушди. Қора кийимли одам эскириб кетган йўл халтасини елкасига ташлаб, қовоқхонага кирди.

Элис очикчасига унга кўз олайтирди, лекин унинг ичкарига кирганини бошқа биров пайқамади. Ҳамма отиб олганди. Шеб узукюлуқ регтайм мақомида методик куйларни чаларди. Ўша куни бўроннинг ўтиб кетишини кутиш ва марҳум Нортни ёд олиб, май ичиш учун эртароқ тўпланган соч-соқоли оппоқ тақасалтанглар аллақачон хуррак отишарди — узукун бўкиб ичиб, овозларини баралла қўйиб ашула айтишдан бошқа ишлари йўқ бўлса, нима қилишсин? Ўлгудай маст ва ўзи хали ҳаёт билан видолашмаганидан тўлқинланиб кетган Шеб зўр ғайрат билан куй чалар, қўллари клавишлар узра ўзидан-ўзи ўйноқларди.

Хириллаган бақир-чақирлар ташқаридаги шамолнинг увиллашини босиб кетолмас, бироқ баъзида одамларнинг гулдурак овозлари дадиллик ила шамолни курашга даъват этаётгандек бўларди. Эми Фельдон билан бир бурчакка



тикилиб олган Захари унинг юбкасини бошига кийдириб, тиззасига Катта Ҳосил байрамининг рамзларини чизарди.

Яна бир неча аёллар қўлдан-қўлга ўтарди. Афтидан, ҳамма қайноқ эхтиросга чўмганди. Ўтган кундан қолган ва ора-чора эшикдан мўралаётган бўрон уларнинг устидан қаҳ-қаҳ ураётгандек эди.

Залнинг ўртасига бирлаштириб қўйилган иккита стол устига Нортни ётқизишганди. Унинг аскарча этикларининг учлари сирли «V» ҳарфини эслатарди. Пастки жағи масхараомуз кулимсираётгандай осилиб қолган, кимдир фурсатини топиб, қўзларини танга-чақа билан ёпиб қўйибди. Кўксида чирмашган қўлларига бир кучоқ ажина-ўт кистирилган. Ундан қандайдир заҳарли ҳид келарди.

Қора кийимли одам қайтарма қалпоғини ечиб, пештахтага яқинлашди. Элис ўзига таниш, қалбининг туб-тубида яширин, қоникмай қолган истак аралаш хавфни ҳис этиб, уни кузатарди. У ҳеч қандай диний ташкилотнинг алоҳида нишонини тақмаган, аммо хулоса чиқаришга ҳали эрга.

– Виски, – деди у мулойим, ёқимли товуш билан. – Фақат яхшисидан бўлсин, жонгинам.

Элис пештахта тагида тимирскиланиб, «Стар» шишасини олди. Аслида маҳаллий сивухани¹ қўярда-қўймай унга ўтказса бўларди-ку-я, лекин барибир яхши вискини чиқарди. Элис вискидан қуйгунча қора кийимли одам

¹ *Сивуха* – паст сифатли ўткир спиртли ичимлик.

унга тикилиб турди. Катта-катта кўзлари порлади. Кўзларининг рангини аниқлаш учун ичкари сал қоронғуроқ эди. Маст-аластларнинг бақир-чақирлари бир зумга ҳам тинай демасди. Ахта қилинган, ҳеч нарсага ярамайдиган Шеб Исо лашкарлари ҳақидаги мадҳияни чалар, бу орада кимдир Милли холани куйлашга кўндирди. Унинг чийилдоқ овози эркакларнинг гулдурак ола-ровурига кушхонада бузоқчанинг бош чаноғига бориб теккан ўтмас болтадай бориб урилди.

– Ҳой, Эли!

Элис нотаниш одамнинг сукутига маҳлиё бўлиб ва унинг ғалати кўз қарашларидан нафсонияти таҳқирланиб (бунинг устига човидаги ловуллаш ҳам босилай демасди) буюртма олгани кетди. Элис ўзининг истак-хоҳишларидан кўрқарди. Ахир улар тийиқсиз. Бу хоҳиш-истаклар катта ўзгаришларнинг, ўз навбатида, кириб келаётган кексаликнинг аломатлари бўлиши мумкин, Таллда кексалик қиш оқшомидай ўта қисқа ва аччиқ бўлади.

Пиво бочкаси бўшаб қолибди. Элис яна биттасини очди. Шебга буюргандан кўра ҳаммасини ўзи қилгани маъкул. Шеб, албатта, чақирган захотинг лайча итдай югургилаб келади, келишга келади-ю, ё қўлини кесиб олади, ё пивони тўкиб юборади. Нотаниш одам аёлдан кўзини узмасди. Элис танаси бўйлаб унинг нигоҳлари сирғалаётганини сезиб турарди.

– Одам кўп экан сизларда, – деди у Элис жойига қайтиб келганда. Вискисини ҳали ич-



мабди, гўё ичимликни иситиш учун кафтларида стаканни гир-гир айлантирарди.

– Маъракамиз бор эди.

– Ўликни кўрдим.

– Ҳеч нарсага ярамайдиган одамлар булар, – Элиснинг оғзидан аччиқ-тизиқ сўзлар отилиб чиқди.

– Бу нарса уларни тўлқинлантиради. Негаки у ўлди, улар эса ҳали тирик.

– Улар бояқишнинг ҳаётлигида устидан кулишарди. Ҳеч қурса, ҳозир масхара қилишни бас қилишса бўларди. Бу яхши эмас. Бу... – Элис фикрини қандай ифодалашни билолмай дудукланиб қолди: нима бу ўзи ва нима учун бу қабихлик?

– Нашавандмиди?

– Ҳа! Шундан бошқа ҳаётида нимаям овуноғи бор эди у бечоранинг?

Элиснинг овозида қоралаш яққол эшитилди, лекин нотаниш одам кўзини олиб қочмади, аёл бирдан юзларига қайноқ қон қуйилганини сизди.

– Мени маъзур тутгайсиз. Сиз ҳойнаҳой руҳоний бўлсангиз керак? Буларнинг барчаси нафратингизни қўзғаётгандир?

– Мен руҳоний эмасман, нафратим қўзғаётгани ҳам йўқ. – У бир сипқоришда стаканни бўшатди, ҳатто афти буришмади ҳам. – Яна битта қуйинг, илтимос. Қўшни оламда айтишганидек, чин қалбдан яна битта қуйинг.

Аёл бу нимани англитишини тушунмади, бироқ сўрашга қўрқди.

– Олдин пулни кўрсатинг. Мени маъзур тутгайсиз.

– Узр сўрашга хожат йўқ.

Нотаниш одам пештахтага бир томони қалин, бир томони юпқа қийшиқ-мийшиқ кумуш танга ташлади. Элис кейинроқ айтганидек:

– Қайтимим йўқ, – деди.

У жавоб тариқасида бош ирғаб қўйди ва Элис виски қуйгунча паришонхотирлик билан стаканга тикилди.

– Бу ерга йўл-йўлакай кирдингизми? – сўради Элис.

У узоқ жим турди. Аёл саволини такрорлашга тараддудланганди, бош силкиб қўйди.

– Ўлим оралаган пайтда бундай гапларни гапириш ўринли эмас.

Элис хафа бўлиб, тилини тишлади. У ўзини рухоний эмасман, деб айтганда, аниқ лақиллатган, синаб кўриш учун алдаган.

– У сенга ёқарди, – деди нотаниш одам бир маромда. – Шундайми?

– Ким? Нортми? – Аёл уялганини яшириш учун заҳарханда кулди. – Менимча, сиз яхшиликча...

– Сен меҳрибонсан ва кўрқяпсан, – сўзида давом этди нотаниш киши. – У наша чайнарди. Орқа эшикдан жаҳаннамга мўраларди. Мана, энди аҳволини кўриб турибсан. У кетди, ортидан эшик қарсиллаб ёпилди, ўйлайсанки, ўзингнинг навбатинг келмагунча, эшикни очишмайди. Тўғрими?

– Маст бўлиб қолдингизми?

– Жаноб Нортон туёғини узатди, – қора кийимли одам қуйлагандек сўзлади, бундан овози ҳақоратомуз чиқди. – У ўлди. Худди бу ердигилар каби. Сенга ўхшаб. Ҳаммаларинг каби.



– Йўқолинг бу ердан.

Элисни нафратнинг совуқ титроғи босди, бироқ киндиги остида ҳарорат кучайгандан кучайиб, тобора бўшашиб борарди.

– Ҳаммаси жойида, – деди қора кийимли одам. – Шошма. Шошма, ҳозир кўрасан.

Элис унинг кўзига разм солди: мовийранг. Гангитадиган дори ичгандек боши айланиб кетди.

– Ҳаммангизга ўхшаб у ўлик, – гапини такрорлади нотаниш одам. – Кўряпсанми?

Элис беихтиёр бош ирғади, қора кийимли одам эса қаҳ-қаҳ отиб кулди. Ҳамма бирданига унга қаради. У залга назар солди. Нотаниш одам ногоҳ ҳамманинг диққат марказига айланганди. Милли хола тутилиб, жимиб қолди, чийилдоқ овоз ҳавода муаллақ қолди. Шебнинг бармоқлари титраб, чалишдан тўхтади. Ҳамма хавотир билан бегонага тикилди. Ташқарида деворга қум урилиб шивилларди.

Сукунат чўзилди. Элиснинг нафаси ичига тушиб кетди. Кўзларини пастга туширганди, қўллари пештахта тагидан қорнини рижимлаётганини кўрди. Ҳамма бегонага тикилар, қора кийимли одам ҳам уларга боқарди. Кейин яна кулокни батанг қиладиган қаҳ-қаҳа янгради. Ундан бошқа ҳеч ким кулмасди.

– Мен сизларга мўъжиза кўрсатаман! – деб бақирди у. Улар нотаниш кишига мўмин-қобил болалар сингари бақрайишар, фақат мўъжизага ишониш учун улар эндиликда анча катта одамлар эди.

Қора кийимли одам илкис олдинга қадам ташлади, Милли хола кўрқиб орқага чекинди. Қора кийимли одам тишларини ваҳшиёна ир-

жайтириб, Милли холанинг катта қорнига шاپатилади. Милли хола ғайриихтиёрий равишда хиҳилади. Қора кийимли одам:

– Шуниси яхши, тўғрими? – деб сўради.

Милли хола яна хиринглаб, қўққис хўнграб юборди ва апир-шапир қўчага отилди. Қолганлар унинг ортидан қараб қолишди. Бўрон кўтариладиганга ўхшайди: қора булутлар кўк гумбазида тўлқинлар каби бир-бирини қувиб, зув-зув ўтиб турибди. Пианино ёнидаги бир эркак ногаҳон «ох» урди.


Қора кийимли одам Нортнинг тепасига келиб, унга назар ташлади-да, ишшайиб қўйди. Ташқарида шамол увиллар, чийиллар, қисқаси, ғазаб отига минганди. Катта ва оғир нимадир қовоқхона деворига урилиб қайтди. Устун ёнида турган бир киши бир чўчиб тушиб, ташқарига йўналди. Уйимда бежавотирроқ бўлман, деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Момақалди роқ бирон бир тоби қочган илоҳнинг зўриқиб йўталишига ўхшаб кетди.

– Яхши, – қора кийимли одамнинг оғзини таноби қочди. – Ажойиб. Хўш, демак, ишга киришамиз.

Обдон мўлжаллаб, у Нортнинг бетига тупуришга тушди. Тупук марҳумнинг пешанасида ялтиллаб, қирғий бурнида дона-дона марвариддай томчилади.

Элиснинг пештахта тагидаги қўллари баттар қорнини гижимлади.

Шеб кулавериб букчайиб қолди, йўтали тугиб, ёпишқоқ балғамини тупуриб ташлади. Қора кийимли одам маъқул дегандай унинг ел-



касига қаттиқ-қаттиқ шапати урди. Шеб тилла тишини кўрсатиб тиржайди.

Яна кимлардир қочиб кетди. Қолганлар Нортнинг тепасига йиғилишди. Нортнинг башарасию ажиндор бўйни ва кўкраги нам бўлиб кетганди, ҳа, намлик бу қақроқ ўлкада бебаҳо ҳисобланади. Кейин тупук ёмғири тинди. Фақат оғир-оғир нафас олиши эшитиларди.

Қора кийимли одам олдинга энкайиб, мурданинг устидан худди учиб ўтди. Бу сув чайқалгандек чиройли чиқди. У қўлларига таяниб қўнди ва бир ирғиб оёқларида туриб олди, мийиғида тиржайиб, яна ўликнинг устидан сакради. Текин томошатаблардан биттаси чапак чалиб юборди, аммо дахшатдан кўзлари олайиб, юзлари докадек оқариб, ортга тисарилди. Қўли билан оғзини беркитиб, кўчага отилди.

Қора кийимли одам учинчи марта сакраб ўтганда, Норт кимирлай бошлади.

Томошатаблар орасида яширин норозилик пайдо бўлди. Аниқроғи, бир марта оғир хўрсиниқ эшитилди-да, яна ўчиб қолди. Қора кийимли одам бошини орқага ташлаб, увиллай кетди. Унинг кўкраги тез-тез нафас олганидан лорсиллаб кетди: ичига гўё ҳаво тўпларди. У борган сари тезроқ сакрай бошлади — Нортнинг жасади устидан стакандан стаканга қуйилаётган сувдай ирғийверди. Ўлик сукунат аро қора кийимли одамнинг ўпкаси вижирлаши ҳамда яқинлашиб келаётган бўроннинг гумбур-гумбури эшитилиб турарди.

Ниҳоят, Норт чуқур нафас олди. Қўллари калтираб, столга тапир-тупур урила бошлади.


Шеб чинқириб, ташқарига отилди. Ортидан бир аёл ҳам югуриб чиқиб кетди.

Қора кийимли одам Нортнинг устидан яна бир марта сакради. Икки марта, уч марта. Стол устидаги танага титроқ югурди. Норт ҳозир жонланаётган каттакон қўғирчоққа ўхшарди. Йиринг аралаш сийдик-нажаснинг бадбўй хиди хона бўйлаб тарқалди. Нортнинг кўзлари очилди.

Элис оёқлари ўзига бўйсунмай, ортга чекинаётганини сизди. Орқаси билан бориб кўзгуга урилди. Титраб, бутун вужудини ваҳима босди. У оёғини қўлга олиб ташқарига чопди.

– Мана, сенга мўъжиза, – деди Элиснинг ортидан чиққан қора кийимли одам ҳансираб. – Бу сенга совға. Энди бемалол ухлайверасан. Бунақасини такрорлаб бўлмайди. Бинобарин, буларнинг бари... жин урсин... бирам кулгилики! – Қора кийимли одам яна хахолади. Қахқаха овози Элисни таъқиб қилиб, пиллапоядан кўтарилди ва аёл хонаси эшигини ичкаридан ёпгандагина эшитилмай қолди.

Элис деворга суяниб, чўккалади. Олдинга орқага тебраниб, асабий кула бошлади, кулгиси увлашга айланиб, шамолнинг ғувиллашига кўмилиб кетди. Пастда тирилиб кетган Нортнинг гўёки тобут қошқасига ураётгандай столга муштлаётганини эшитди. Элис Нортнинг ўзи буларни кўрдимикин, деб ўйлади? Бирон нимани эслаб қолдимикин? Кейинроқ сўзлаб берармикин? Балки, пастда қабр орти дунёсининг сирлари ошкор бўлиб қолар? Бунга Элиснинг ўзи ҳам жуда-жуда қизиқаётгани эди.



Пастда эса, Норт ўша-ўша паришонхотирлик билан қовоқхонадан кўчага чиқиб, ажинаўт тергани бўронга сингиб кетди. Эҳтимол, қовоқхонада қолган ягона мижоз — қора кийимли одам уни нигоҳлари ила кузатиб қолгандир? Эҳтимол, у ўша-ўша менсимаётгандай тиржаяётгандир?

Тун яримлаб қолганда, Элис ўзини ўзи мажбурлаб, аста пастга тушди. Қора кийимли одам кетибди. Араваси ҳам кўринмайди. Лекин Норт эшик тагидаги столда ҳеч нима бўлмагандай боқибеғамлик билан ўтирарди. Ундан наша ҳиди гупиллаб келмаса ҳам, ҳар қалай, сасирди.

У Элисга қараб, синиқ жилмайди.

– Салом, Элли.

– Салом, Норт.

Элис Нортдан кўзини узмай чироқларни ёқишга тушди.

– Менга Тангрининг ўнг қўли тегди, – деди бироздан сўнг Норт. – Энди мен ҳеч қачон ўлмайман. У шундай деди. У ваъда берди.

– Сен учун хурсандман, Норт.

Элисининг титроқ қўлларидан пайрахачи роқ тушиб кетди ва аёл уни олгани энгашиди.

– Биласанми, мен наша чайнашни ташламоқчиман. Барибир кўнглимни ёзмапти. Тангрининг ўнг қўли теккан одамга бундай оғуни чайнаш ярашмайди.

– Бўпти-да, чайнашни бас қил, тамом-вассалом. Сенга нима халал беряпти?

Элис дабдурустан ғазабланиб кетди. Бу ғазаб Нортнинг сиймосида тириклар олами-

га чақирилган дўзахи махлукни эмас, одамни кўришга ёрдам берди. Унинг қаршисида заҳар чайнайвериб адойи тамом бўлган, гунохкорона қараш қилаётган оддий эркак турарди. Элис энди ундан чўчимай кўйди.

– Аъзои баданим зирқираб кетяпти. Яна наша чайнагим келяпти. Ўзимни тўхтатолмаяпман. Элли, сен доим менга нисбатан меҳрибон бўлгансан... – Норт бирдан ҳўнграб юборди. – Ҳатто иштонимни ҳўллаб қўйишни ҳам бас қилолмаяпман. Мен кимман? Нимаман ўзи?

Элис Нортнинг ёнига келиб, нима дейишни билмай тараддудланиб қолди.

– У мени наша чайнамайдиган қилиб қўйса бўларди, – деди Норт ҳиқиллаб. – Мени тирилтирибдими, демак, буниси ҳам қўлидан келарди. Нолиётганим йўқ... Буни хаёлимга ҳам келтирмаяпман... – сўнг атрофга аланг-жалаңг қилиб, шивирлади: – Агар нолисам, мени ўлдиришини айтиб пўписа қилди.

– Балки, ҳазиллашгандир. Ҳазилни тушунадиган кўринувди.

Норт кўйнидан тамаки халтасини олиб, бир ҳовуч ажина-ўт кукунидан чиқазди. Элис беихтиёр унинг қўлига урди ва шу заҳоти қўлини тортиб олди.

– Қўлимдан ҳеч нарса келмаяпти, Элли. Ҳеч нарса... – Беўхшов ҳаракат билан Норт қўлини тамаки халтага солди. Элис уни тўхтатиб қолса бўларди, бироқ қўл қовуштириб тураверди. Бунинг ўрнига нари кетиб, чироқларни ёқишда давом этди. Ўзиям ўлгудай чарчабди. Мижозлар қорасини ҳам



кўрсатишмаяпти. Биргина кекса Кеннерли кириб келди. Текин томошадан қуруқ қолган бўлса-да, Нортни кўриб, пинагини ҳам бузмади. Оқизмай-томизмай ҳаммасини етказишган кўрнинади. Кеннерли пиво буюртирди, Шебни сўради ва Элисни қучиб қўйди.

Бироздан сўнг Норт Элиснинг ёнига келиб, калтироқ қўллари билан тўрт букланган хатни узатди.

– У хатни сенга бериб қўйишимни тайинлади. Сал қолса ёдимдан кўтариларди. Эсимдан чиққанида борми, қайтиб келиб, аниқ гирибонимдан оларди.

Хат нархи қиммат қоғозга битилганди, бундай қоғозлар озмунча турмайди. Шундай бўлса-да, Элис хатни қўлига олгиси келмай, нафратланиб кетди. Қоғоз негадир салмоқли ва одамни чўчитадиغان эди. Хатнинг устига:

Элис

деб ёзилганди.

– Исминни қай гўрдан биларкан? – деб сўради Нортдан, аммо Норт елка қисиб қўйди, холос.

Элис хатни очиб, ўқий бошлади:

Ўлим ҳақида билгинг келаётгандир?! Мен унга бир сўз қолдирдим. Бу сўз – ЎН ТЎҚҚИЗдир. Бу сўзни унга айтсанг, онги ярқ этиб очилади. У сенга чегара ортида нималар борлигини айтиб беради. Кўрганларини сўзлаб беради.

Сўз: ЎН ТЎҚҚИЗ.

*Билмоқчи бўлганларингни билиб оласан.
Бу билиш сени ақлдан оздиради.
Эртами-кечми сен, албатта, сўрайсан.
Ўзингни тийиб туrolмайсан.
Омад!:)*

Уолтер о'Дим

PS: Сўз: ЎН ТЎҚҚИЗ.

Сен буни унутишга ҳаракат қиласан, лекин бу сўз қачондир лоп этиб оғзингдан чиқиб кетади. Қусуқ янглиғ отилиб чиқади.

ЎН ТЎҚҚИЗ

Ха. Ё, Раббий! Шундай бўлишини билганди-я. Бу сўз унинг лабларида ўйноқламоқда. *Ўн тўққиз. Норт, эшит: ўн тўққиз.* Ўлимнинг сирини — тириклик чегарасидан минг чақирим наридаги дунё унга намоён бўлади.

Эртами-кечми сен, албатта, сўрайсан.

Эртасига яна ҳаммаси ўз ҳолича давом этди, фақат болакайлар Нортга эргашишмади. Яна бир кундан сўнг эса масхаралар ҳам, таҳқирлашлар ҳам янгитдан бошланди. Барчаси ўз ўрнига тушди. Бола-бақра бўрон юлиб ташлаган маккажўхориларни теришди, Нортнинг қайта тирилганидан бир ҳафта ўтиб, йиғилган маккажўхори пояларини шоқкўчага олиб чиқиб ёқишди. Гулхан гуриллаб ёнди, ҳамма ерда ҳозир нозир майхўрлар қийшайганча томоша қилишга чиқишди. Улар оловни илк бор кўриб анграйиб қолган ибтидоий одамларга ўхшашарди. Уларнинг юзлари гулхан шуъласида жимирлаб, худди сузиб юргандай кўри-

нарди. Иттифоқо, бу одамларни кузата туриб, Элли юракни гижимлайдиган иложсизликни кўрди. Қайғули кунлар ташриф буюрди. Ҳаммаси парча-парча бўлиб кетди. Замин ўз ўқидан чиқиб кетди. Қаердадир нимагадир пуртур етди, энди ҳаммаси тамом. У хаётида уммонни кўрмаганди. Кўрмайди ҳам.

– Агар кўркмаганимдайди, – деб ўзига ўзи пичирлади Элис. – Агар кўркмаганимдайди...

Унинг овозини эшитиб, Норт бошини кўтарди ва кулиб қўйди. Дўзахдан чиққан табасум. Лекин Элли кўркмади. Жасорат деганлари унда топилмасди. Бор бисоти қовоқхона пештахтасию пешанасидаги чандиқ. Ҳа, яна анави сўз. Қаттиқ қимтилган лаблар ортидаги сўз. Агар Нортни ҳозир ёнига чақириб, бадбўй хидига қарамасдан, қулоғига ўша сўзни шивирлаб айтса, нима бўларкин? Унинг кўзлари бошқача кўра бошлайди. Қора ридоли одамнинг кўзларига ўхшаб қолади ва Норт Эллига заминий ҳаёт ҳамда қабр қурт-қумурсқалари чегараси ортидаги Ўлим Водийси ҳақида сўзлаб беради.

Мен унга бу сўзни ҳеч қачон айтмайман.

Бироқ Нортни тирилтирган одам унга хат қолдирган — ўқланган револьвер мисоли қолдирган, худди шартта олади-да, чаккасига тираб, тепкини босади — шундай бўлишини у баттол билади.

Ўн тўққиз сирни ошкор қилади.

Ўн тўққизнинг ўзи тилсим.

Элис паришонлик билан пештахтага тўкилган пиво билан ЎН ТЎҚҚИЗ деб ёзаёт-

ганлигини пайқаб қолди ва Нортнинг нигоҳини сезиб, ҳалқоб сувни артиб ташлади.

Гулхан тезда ёниб битди. Мижозлар қовоқхонага қайтишди. Элли ўзига «Стар» вискисидан қуйиб ичди. Ярим тунга бориб кетини кесиб кетишса ҳам сезмайдиган даражада маст бўлиб қолди.

VIII

Элли ҳикоясини якунлади. Мерган сўз қотмагандан кейин у ухлаб қолибди деб ўйлади. Ўзининг ҳам кўзи илина бошлаганди, мерган:

- Бўлдими? Шуми? – деб сўради.
- Ҳа. Бори шу. Вақт алламаҳал бўлибди.
- Ҳм-м... – Мерган яна битта папирос ўради.
- Тамакинг билан тўшагимни ифлос қилма.
- Ҳўп.

Жимжитлик. Папирос чўғигина қоронғуда йилтирарди.

– Тонг сахарда кетасан, – деди Элис қовғини уйиб.

– Шунақага ўхшайди. Бу ерда қолмаслигим керак. Менимча, у менга тузоқ қўйган.

– Агар бу рақам чиндан ҳам...

– Ақл-хушингдан айрилмоқчи бўлмасанг, бу сўзни Нортнинг олдида тилиннга олма. Умуман эсингдан чиқар, агар қўлингдан келса. Ўн саккиздан сўнг йигирма келишига, ўттиз саккизнинг ярми ўн етти эканлигига ўзингни ишонтир. Уолтер о' Дим деб имзо қўйган одам ким бўлса ҳам ёлғончи эмас.

– Лекин...



– Агар жуда сабринг чидамай қолса, хонангга чиққин-да, адёл ичига кириб, керак бўлса ўша сўзни бақириб айт. Айтгинг келмай қолгунча, бақиравер.

– Бир кун келиб бу хошишдан қутулолмайдиган бўлиб қоламан.

Мерган индамади: Элиснинг ҳақлигини билиб турарди. Бу ҳам бир тузоқ. Агар сенга тукқан онангни яланғоч намойиш қилиш мумкин эмас, йўқса, тўппа-тўғри жаҳаннамга тушасан, дейишса (болалигида катта болалардан биттаси шундай деганди), турган гап, мумкин бўлмаган ишни қиласан. Хўш, нима учун? Чунки сен онангни яланғоч ҳолатда бегона кўзларга кўрсатгинг келмайди. Чунки дўзахга тушишни истамайсан. Агар пичоқ ва ўша пичоқни ушлаш учун қўл бор экан, кун келиб пичоқни қўлингга олишинг муқаррар. Йўқса, ақдан озасан. Ва сен ўша пичоқни ушлайсан. Буни хоҳлаётганинг учун эмас, аксинча, хоҳламаётганинг учун қиласан. Бир кун келиб Элли Нортни чақиради-да, унга ўша сўзни айтади...

– Кетма, – деди Элис.

– Майли, кўрамиз.

У Эллига орқа ўгириб, ёнбошлади. Элли хотиржам тортди. У қолади. Узоқ вақтга бўлмаса-да, барибир қолади. Эллини мудроқ босди.

Уйқуга кетаркан, Элли Нортнинг ўзига мурожаат этиб, ғалати-ғалати гапирганини ўйлади. Элли мерганнинг, янги хушторининг ҳис-туйғуларини ошкор қилганини сира кўрмади.

Мерган ҳатто қовушганларида ҳам миқ этмади. У сеҳрли эртақ ёки афсоналардаги нотаниш, хавфли мавжудот эди, гўё. Балки, у аёлнинг истакларини бажо келтирар? Ҳа, шундай. Мерган унинг истагини бажарди. Эртага у кетмайди. Шу ерда қолади. Бироз вақтга бўлса-да. Бу бахтиқаро чандиқли қирчанғига ҳозирча шунинг ўзи етарли. Эртага иккинчи ва учинчи истакларини ўйлаб кўриши учун фурсат бўлади. Элли уйқуга кетди.

IX

Эрталаб Элли унга сулидан ёрма пишириб берди. Мерган миқ этмай пок-покиза туширди. У диққатини бир жойга жамлаб, Элис ҳақида ўйламасдан овқатланди. У кетиши кераклигини биларди. Бу ерда беҳуда ўтказаятган ҳар бир дақиқаси сайин қора кийимли одам узоқлашаверади. Эҳтимол, у аллақачон саҳрога чиқиб олгандир. У ҳозиргача собитқадамлик билан жануби-шарқ томон йўл босаяпти. Негалигини мерган билади.

– Сенда харита борми? – деб сўради мерган овқатдан бош кўтариб.

– Шу шаҳарникими? – жилмайиб сўради Элли.

– Йўқ. Бу ердан жануби-шарқдаги ўлкаларнинг.

Эллининг юзидаги табассум ўчди.

– У ерлар қуруқ саҳродан иборат. Сен яна бироз вақтга қоласан деб ўйлагандим.

– Саҳронинг ортида нима бор?

– Мен қаёқдан биламан? Ҳали ҳеч бир зот саҳрони босиб ўтмаган. Эсимни танибман-



ки, биров бунга журъат қилмаган. – Элли қўллари пешбандига артиб, қўлқопни кийиб, сув қайнаётган қўшқулоқ челакни оловдан олди ва озгинасини ошхона чаноғига тўқди. Қайноқ сувдан буғ кўтарилди. – Қора булутлар ўша томонга сузади. Худди уларни нимадир сўриб оладигандек...

Мерган ўрнидан турди.

– Қаёққа? – Эллининг овозида қўрқув сезилди ва бу қилиғидан ўзининг жаҳли чиқди.

– Отхонага. Отбоқарнинг олдига. – Мерган қўлини аёлнинг елкасига ташлади. Қўллари каттиқ, ҳам иссиқ эди. – Хачиримнинг ҳисоб-китобини қилиб келай. Бу ерда қоладиган бўлсам, жониворга яхшилаб қараб туришлари керак. Йўлга тушиш зарур бўлганда, шай туриши учун.

Қачондир, фақат ҳозир эмас. Элли бошини кўтарди.

– Бу Кеннерли деганлари билан эҳтиёт бўл. Ўзини гўлликка солиб турса ҳам бўлар-бўлмас сафсата тўқиб-бичишга уста.

– Раҳмат, Элли.

Мерган кетгач, Элли идиш ювишга тушди. Қўзларидан шашқатор ёш оқарди – миннатдорчилик ёшлари. Аёл қачон охирги марта унга «Раҳмат» дейишганини эслолмасди. Ахир, кимдир унга бефарқ эмас.

Х

Қариб қуйилмаган, тишлари битта қолмай тўкилиб тушган чол – Кеннерли иккита хотинини тупроққа топширганди. Ҳали балоғатга

етмаган икки қизалоқ чанг босган отхонадан туриб мерганга бақрайиб қарашди. Она сути оғзидан кетмаган бахтиёр болакай тупрокқа беланиб, сўлаги оқарди. Бўйи етиб қолган, малласоч, ҳис-туйғуга берилувчан, пала-партиш кийинган қиз отхона ҳовлисидаги сўрма қувурдан гижир-гижир қилиб сув тортар экан, мерганга маънодор қараш қилди. Қиз мерганнинг ўзига назар ташлаганини кўриб қаддини ростлади-да, кўкрак учларини чимдиб кўйиб, кўз қисиб кўйди ва тагин сув тортишда давом этди.


Отбоқар мерганни отхонага кираверишда қарши олди. Унинг афт-ангорида ҳам очикча ёвқараш, ҳам кўрқув аралаш ялтоқланиш билиниб турарди.

– Қўлдан келганча унга кўз-қулоқ бўлиб турибмиз, – деди отбоқар ва мерган лаб жуфтлашга улгурмасиданоқ қизига кескин ўгирилиб, мушт ўдағайлади: – Уйга кир, Суби! Пишт! Кимга айтяпман!

Суби қовоғини уйганча, челакни кўтариб отхонанинг рўпарасига қурилган кулбага кириб кетди.

– Хачиримни назарда тутяпсанми? – сўради мерган.

– Ҳа, жаноб, хачирингизни назарда тутяпман. Бунақанги ювош, тўрт мучаси соғ хачирни анчадан буён кўрмовдим... – Отбоқар рўй-рост гапираётганини ёки шунчаки ҳазил қилаётганини кўрсатиш учун юзини буриштириб, кўзларини қисди. Мерган унинг коса тагида нимкоса қабилида сўзляптими ё киноя



киляптими, тушунмади, гарчи ҳазил-ҳузулга хуши бўлмаса-да, буни ҳазил деб қабул қилди. – Шундай замонлар бўлгандики, уй ҳайвонларини қаёққа ҳайдашни билмасдинг, кейин эса дунё э йўқ, бе йўқ ўз жойидан силжиди. Шунча ҳайвон қаёққа кетди, билмайсан энди. Битта-иккита шохдор молу почта отлари қолди, холос... Суби, терингга сомон тикаман, Худо ҳаққи!

– Қўрқманг, қизингизни тишлаб олмайман, – деди мерган.

Кеннерли итоаткорона қисинди. Унинг кўзларида мерган «Ўлдираман» деган сўзни уқди. Бу сайисдан қўрқмаса-да, мерган кўрганларини қимматли маслаҳатлар китобининг керакли саҳифасини буклаб қўйишдек қабул қилди.

– Гап сизда эмас. Асло. – Отбоқар ишшайди. – Шунчаки қизим туғилганидан таъсирчан. Ичида иблис яшайди. Ёввойи. – Чолнинг кўзи қорайиб кетди. – Охирзамон яқинлашиб қолди, жаноб. Муқаддас китобда ёзилган ҳақиқатни билсангиз керак: «Фарзанд отага бўйсунмас халқни ўлат маҳв этажак». Хатибимизга қулоқ солсак, ҳаммаси ойдинлашади.

Мерган бош ирғаб қўйиб, жануби-шарққа ишора қилди.

– У ёқларда нима бор?

Кеннерли сарғайган тишларини кўрсатиб беўхшов илжайди.

– Қўчманчилар. Ажина-ўт. Сахро. Бошқа яна нимаям бўларди? – Отбоқар хахолаб, совуқ нигоҳи билан мерганнинг бошидан оёғигача разм солди.

– Сахро каттами?

– Катта. – Кеннерли тиришиб ўзини жиддийликка солди. – Минг чақирим, йўқ, икки минг чақиримча келади. Аниқ айтолмайман, жаноб. Ажина-ўту яна иблислардан бўлак ҳеч вақо йўқ у ерларда. Саҳронинг ичкарисида гапирувчи доира ҳам бор дейишади. Менимча, бу ёлғон бўлса керак. Хув, ўша, Норт оғриб қолганда, уни даволаган киши сахро ичкарисига қараб кетди.

– Оғриб қолганда? Уни ўлган деб эшитгандим.

Кеннерли тиржайишини қўймади.

– Балким... Лекин биз кап-катта одамлармиз.

– Шундай бўлса-да, сен иблисларга ишонсан.

Кеннерли бирдан хижолат тортди.

– Бу бошқа нарса. Хатибнинг айтишича...

Кеннерли шундай сафсата сўқидики, бундан ҳатто илон пўст ташларди. Мерган шляпасини ечиб, манглайдаги терларни артди. Қуёш аямай қиздирмоқда. Аммо жазирама мерганга чикора. Отхона деворидан тушаётган энсиз кўланкада ўтирган қизалоқ зўр бериб бетига лой чапларди.

Ниҳоят, сафсата эшитиш мерганнинг бадига урди ва Кеннерлининг оғзидан гапини олди:

– Сахро ортида нима борлигини билмайсанми?

Кеннерли кифт учирди.

– Нимадир бўлса керак. Эллик йил аввал ўша ёқларга файтон қатнарди. Дадам гапириб

берарди. Дадамнинг айтишича, сахро ортида тоғлар бормиш, бошқа бировлар махлуқларга тўла мовий уммон бор, дейди. Яна бошқаси у ерда ер тугайди, кўзни қамаштирувчи нур ва Илохий комдан бўлак ҳеч нарса йўқ, дейди. Ўша ком ким ўша ёққа борса, ютиб юборармиш.

– Бўлмагур гап.

– Мен ҳам шуни айтаман-да, – деб Кеннерли итоаткорона таъзим билан мерганнинг гапини маъқуллади. Унинг бу тилёғламалигида ҳам ҳадик, ҳам нафрат бор эди.

– Ҳа, майли. Ҳачиримга яхшилаб қарагин.

Мерган Кеннерлига танга ирғитганди, отбоқар илиб олди.

– Яхшилаб қараймиз, хотирингиз жам бўлсин. Бу ерларда узоқ қолмайсиз, шекилли.

– Шунақага ўхшайди. Худо хоҳласа...

– ...Сув ҳам бўлади. Ҳа, албатта-да. – Кеннерли яна тишининг оқини кўрсатди, бу сафар баҳри дили очилмай қулди. Унинг кўзларида мерган тагин ўлдириш истагини кўрди. Йўқ, ундай эмас, мерган уни оёқларига ўликдай йиқилишини хоҳларди. – Бу Элли деганлари нақ шайтоннинг ўзи, агар хоҳласа, жуда-жуда ёқимтой ҳам бўла олади, тўғрими?

– Нимадир дедингми? – деб сўради мерган хаёли қочиб.

Кеннерлининг кўзларида даҳшат акс этди.

– Йўқ, жаноб, ҳеч нарса. Оғзимдан бирон ножўя гап чиқиб кетган бўлса, афв этгайсиз. – Субининг деразадан бошини чиқарганини кўриб, қизига ташланди: – Аниқ терингга со-


мон тикаман, қанжиқбашара! Худо ҳаққи қасам ичаман. Мен сени...

Мерган нари кетди. Агар ҳозир ортига ўгирилганда, отбоқарнинг асл башарасини кўрган бўларди. Садқаи сар, ўлиб кетмайдими! Мерган шундоқ ҳам мункиллаб қолган отбоқарнинг афтида аламли нафрат манаман деб турганини биларди. Ҳа, майли. Мерган ундан ўзига кераклисини билиб олди. Сахро ҳақида аниқ билгани — бу сахронинг ниҳоятда улканлигидир. Бу шаҳар ҳақида билгани эса шундан иборатки, бу ерда ҳали ҳамма ишлар амалга оширилганича йўқ.

XI

Шеб қўлида пичоқ билан эшикни тегиб очиб, учиб кирганида, у Элли билан тўшакда ётарди.

...Орадан тўрт кун ўтди. Улар худди туман ичра ғойиб бўлишганди. Мерган еб-ичар, ухлар, Элли билан бирга бўларди. Эллининг скрипка чалишини билганидан сўнг ўзи учун бирон-бир куй чалиб беришга кўндирди. Аёл мерганга ён томондан дераза тагида ўтирар, юзларини тонг қуёшининг заррин нурлари ювар, чалаётган куйи зўрама-зўраки, чалкаш-чулкаш чиқарди. Агар машқ қилиб турса, дурустгина чалар экан. Ногоҳ мерган аёлни тобора кўпроқ ёқтириб қолаётганини англади (ҳис-туйғулари ярим-ёрти бўлса ҳам майли-да). Бу балки қора кийимли одам қўйган тузоқ эмасмикан, деган хаёлга ҳам борди. Гоҳида мерган ҳаво алмаш-



тиргани ҳам чикиб турарди. У ҳеч нарсани ўйламасди.

У хатто нимжон тапёр зинапоядан кўтарилаётганини ҳам эшитмади — сезгирлигини йўқотган кўринади. Бироқ ҳозир унга осмон узилиб, ерга тушса ҳам барибир эди, бошқа пайт, бошқа жойда бўлганида ҳазилакам ташвишга тушмаган бўларди.

Элли ечиниб, кўрпани белигача тортганча, тўшакда ётарди. Улар эндигина ишқ ўйинларига киришмоқчи эди.

Эшик тарақлаб очилиб, пакана тапёр бос-тириб кирди. Тиззалари ичкарисига қайрилганмиди-ей, лапанглаб кириб келди. Шебнинг қўлида саккиз дюймли¹ қассоблар пичоғи бўлса ҳам Элли дод-вой қилмади. Шеб битта-яримта шўринг қурғур балчиққа ботаётгандай англаб бўлмас овозлар билан гўлдирарди. Тапёр пичоқни икки қўллаб чангаллаганча сермади. Мерган унинг билагидан ушлаб, шартта қўлини қайирди. Пичоқ учиб тушди. Шеб занглаган эшик каби фингшиди. Тирсаги чиққан қўллари бузуқ қўғирчокникидай лиқиллаб қолди. Шамол қумни кўтара солиб деразага урди. Девордаги сал хирароқ ва кийшиқроқ кўзгуда бутун хона намоён бўлиб турарди.

– У меники эди! – бўзлади Шеб. – Энг аввало меники эди! Меники!

Элли унга бир қўз ташлади. Устига халатини ташлаб, каравотдан турди. Оний фурсатга

¹ Дюйм – 25,5 мм.га тенг узунлик ўлчови.

мерган қачонлардир ўзиники бўлган мулкидан айрилган бу ночор одамга ачиниб кетди. Шунда мерган тапёрни қаерда кўргангани эслади. Ахир, уни аввал танирди-ку.

– Ҳаммаси сени деб бўлди, – ҳиқиллашда давом этди Шеб. – Сени деб бўлди, Элли. Сен менинг кўз очиб кўрганим эдинг. Мен... мен... ў, меҳрибон Эгам... – Унинг оғзидан чиқаётган сўзлари ҳиқ-ҳиқ йиғи овозига араллашиб кетди. Шеб синган қўлларини қорнига тираганча, теб-ранарди.

– Бўлди, бўлди. Секинроқ. Қани, бир кўрайчи. – Элли Шебнинг олдига чўнқайди. – Ха, си-нибди. Шеб, ўтакетган аҳмоқсан-да. Энди қандай қилиб пианино чаласан? Қандай қилиб тирикчилик қиласан? Эҳ, сени қара-ю, ожизлигингни билмасмидинг? – Элли уни оёққа туришига кўмаклашди. Шеб юзини кафтлари билан яширишга уринди, аммо қўллари ўзига бўйсунмади. У очикчасига йиғларди. – Кел, манави стулга ўтир-чи. Бирон нима қилишга уриниб кўраман.

Элли уни ўтиргизиб, тирсагига тарашадан тахтакач қўйди. Шеб пиқиллаб йиғларди.

– Межис, – деди мерган. Тапёр бир сесканиб, кўзларини катта-катта очиб, унга ўгирилди. – Межис. Зумрад дарёда.

– Хўш, нима бўлибди Межисда?

– Сен ўша ерда эдинг.

– Хўш, нима бўпти? Сени эслолмаяпман.

– Лекин қизни эслайсан, тўғрими? Сюзан исмли қизни. Бир эслаб кўр, Катта Ҳосил сайли оқшомида. – Мерганнинг овози кескинлашди. – Гулхан атрофида бўлганмисан ўшанда?



Тапёрнинг лаблари пирпиради. Нигоҳидан ҳаммасини тушуниб турганини уқиш мумкин эди. Ётоқхонага пичоқ қўтариб отилиб кирганидан қўра ҳозир у ўлимга яқинроқ турибди.

– Кет бу ердан, – деди мерган.

Шеб ҳаммасини эслади.

– Сен худди ўша болакайсан! Сизлар учта эдинглар! Туёқ санагани келгансизлар. Элдред Жонас ҳам ўша ерда эди, тобут ичида ётган овчи ва...

– Имкон борида кет, – деди мерган.

Шеб синган қўлларини лиқиллатиб чиқиб кетди.

Элли тўшакка қайтди.

– Буни қандай тушунишим керак?

– Буни сенга дахли йўқ.

– Бўпти-да... Хўш, нимада тўхтагандик?

– Ҳеч нимада, – деганча мерган орқа ўгириб ётди.

Элли сабр билан тушунтиришга тушди:

– Шеб билан мен ҳақимда билардинг-ку. У қўлидан келганини қилди. Бор гап шу. Бошқа нима ҳам бўлиши мумкин? – Элли мерганнинг елкасига қўлини теккизди. – Шундай бақувватсанки...

– Ҳозир эмас.

– Ўша қиз ким? – деб сўради Элли ва жавобни кутиб ўтирмасдан: – Сен уни севгансан, – деди.

– Қўй, шу гапларни.

– Мен сени бахтиёр қила оламан...

– Йўқ. Бу қўлингдан келмайди.

XII

Якшанба куни қовоқхона очилмади. Муқаддас шанба кунидай Таллда дам олиш кунни эди. Мерган қабристондан унча узоқда бўлмаган, деворлари нурай бошлаган кичикроқ черковга йўл олди, Элли эса қовоқхонани тозалаш учун қолди.

Чор атрофни оқшомнинг арғувон, ажабтовур ранглари қоплади, ичкарисидан ёритилган черков агар йўлдан туриб қаралса, ловуллаётган ўтхонани эслатарди.

– Мен бормайман, – деди Элис. – Ваъз ўқийдиган хола динни тарғиб қилмайди, одамларни заҳарлайди. Шаҳарнинг мухтарам кишилари бора қолсин ўша черковга.

Мерган бутхона даҳлизида ўзини сояга олиб, ичкарига назар солди. Ўриндиқлар кўринмайди, тақводорлар тикка туришибди. (У Кеннерлини ва отасидан ажралмайдиган қизларини, шаҳарчадаги ягона фақирона атторлик дўкони соҳиби Кастнер ва унинг қоқсуяк хотинини, аввалари ўзи кўрмаган бир неча шаҳарлик аёлларни ва энг ажабланарлиси, Шebни кўрди.) Улар пайдар-пай аллақандай а *sarpella*¹ мадҳиясини чўзиб айтишарди. Мерган минбар ортида турган қулоч етмас даражада билқиллама холага кўзи тушди. Элли мерганга: «У хотин ёлғиз ўзи яшайди, ҳеч ким билан учрашмайди. Фақат якшанба кунлари дўзах алангасига хизмат кўрсатиш учунгина ёруғликка чиқади. Унинг исми Сильвия Питт-

¹ Мусика жўрлигисиз (лот.).



стон. Ақли жойида эмас, лекин шахарликларни ўз измига солиб олган. Энг қизиғи, бу уларга ёқади. Бундан жуда мамнунлар», деганди.

Бу аёлни ёрқин бўёқларда тасвирласанг ҳам ундан заррача латофат топилмасди. Кўкраклари тупроқ девор каби, бўйни бақувват устунмонанд, салқиган юзидаги иккита чақчайган ва қоп-қора кўзлари тубсиз кўлнинг ўзи эди. Нўноқлик билан тугилган қора-қўнғир сочларини сихдай тўғноғич ушлаб турарди. Эгнида қоп-қанордан тикилган оддий кўйлак. Капантахтадай кўлларида Псалтир¹. Териси ҳайрон қоларли даражада тоза ва сип-силлик экан. Мерган хотиннинг вазни уч юз қадок чикса кераг-ов, деб ўйлади. Иттифоқо, уни юракни куйдирадиган шахвоний хирс чулғади. Вужудини титроқ босди. Дарров терс ўгирилиб олди.

*Биз борурмиз дарёга,
У дарё гўзал дарё,
Бирлашурмиз дарёда,
Даргоҳида, илоҳо.²*

Сўнгги банддаги оҳанг ҳавода муаллақ қолди. Товонлар бир-бирига урилиб, йўтал овозлари эшитилди.

Ҳамма тинчлангач, хотин бутун қавмга қарата уларни дуо қилаётгандай кўл чўзди. Бу хотираларни уйғотувчи ишора эди.

– Исо қавмидаги азиз опа-сингилларим, оғаниларим!

¹ Инжилнинг тўрт китобларидан бири, псаломлар китоби.

² Шеърий мисралар таржимаси Шахноза Назарованики.

Унинг овозида таниш оҳанг уфуриб турарди. Бир онга мерганни ўтмиш соғинчи аралаш кўрқув ҳисси чулғаб олди ва буларнинг барчаси дежа-вью¹ эди. Мерган буларни тушимда кўрганман, деб ўйлади. Ёки тушида эмасмикин? Аммо қаерда? Қачон? Межисда эмаслиги аниқ. Ҳа, Межисда эмас. Мудҳиш ҳисларни ҳайдаб солиш учун бошини чайқатди. Йигирма беш кишидан иборат диндорлар чуқур сукутга толишганди. Барчанинг нигоҳи минбардаги хотинга қадалган.

– Бугун биз Шайтони лаин ҳақида гаплашамиз.

Унинг овози кумуш мисол жарангдор, ёқимли эди.

Халойиқ бир гулдираб олди.

– Менга шундай туюладики, – ўйчанлик билан сўз бошлади Сильвия Питтстон, – Муқаддас Китобда сўз юритиладиган барчани танийдигандекман. Сўнги беш йил ичида учта Библияни бошидан-охиригача ўқиб чиқдим. Гарчи бу завола етган дунёда китобларнинг нархи осмонда бўлса ҳам. Бу Битикни қош-кўзимга суртаман. Шу Китоб бўйича иш тутадиганларни ёқтираман. Дониёл билан қўл ушлашиб арслонлар ила ўрага тушганман. Бат-Шуа ҳовузда яланғоч чўмилиб Довудни йўлдан оздирганда, унинг ёнида эдим. Шадрах, Мисоил, Озория² билан чўғ бўлиб турган печда бўлганман.

¹ Инсон ўзининг бир замонлар муайян аҳволга тушганлигини ҳис этиши билан боғлиқ руҳий ҳолат.

² Бутга сифинишни рад этганликлари учун шоҳ Навуходоносор томонидан оловли печга солинган кишилар.



Самсон билан биргаликда икки мингта жанг-чини ер тишлатганман ҳамда Дамашқ йўлида Шоул билан бирга илохий нурдан кўзимиз кўр бўлаёзган. Марям билан Гўлготада¹ ўкириб йиғлаганман.

Сафлар орасида енгил бир «ох» тортилди.

– Мен уларни чин дилдан севдим. Ўша буюк драманинг фақат бир (Сильвия кўрсаткич бармоғини юқорига кўтарди), фақат биргина актёри мен учун жумбоқ бўлиб қолмоқда. Зулмат ичра юзини беркитиб турган ягонадир у. У бутун вужудимга титроқ солиб, қалбимни кемиради. Мен ундан кўрқаман. Унинг нияти менга қоронғу. Мен Шайтони лаиндан кўрқаман.

Яна бир хўрсиниш. Аёллардан бири ҳозир бақириб юборадигандай оғзини кафти билан беркитди ва қаттиқроқ тебрана бошлади.

– Бу ўша, судралиб юрувчи илон қиёфасида Момо Ҳавони авраган Шайтони лаиндир. Бу ўша, Мусо алайҳиссалом Синай тоғига чиқиб кетганда, Исроил ўғлонлари ёнига келиб, олтин бузоқдан ўзларига бут ясаб, унга сифинишни, шаккоклик ва қабоҳатга чорлаган Шайтони лаин эмасми?

Ох-воҳлар янгради, бошлар чайқалди.

– Шайтон! У лаин Йирмияху билан биргаликда айвонда туриб, подшоҳ Ахав ўз ажалига дучор бўлганини кузатган, итлар Ахавнинг хали совиб улгурмаган қонини чалпиллатиб ичаётганда, икков хурсандчилик қилишган. О,

¹ *Гўлгота* — «бошсуяги» маъносини берувчи ушбу тепаликда Исо чормих қилинган.

менинг оға-ини, опа-сингилларим, у Шайтони лаиндан эҳтиёт бўлинг.

– Ҳа, марҳаматли Исо Масихо... – деб хўрсинди похол шляпали чол. Бу чолни мерган Таллга кираверишда учратганди.

– У ҳамиша ёнгинамизда, азизларим. У орамизда. Аммо унинг ниятлари номаълум. Сизларга ҳам. Унинг яширин қора ниятлари сузиб юрмиш рутубатли зулмат, бу кибр, бошикетти йўқ куфр томон ким ҳам қадам ташлай оларди?! Ва инсон руҳлари кириб қолиб, уларни ботинан қурт каби кемирувчи, жирканч, гуноҳкорона майл-истакларни туғдирувчи унинг фирибларини ҳам унутманг!

– О, Халоскор Исо...

– Халоскоримизни ажал тепалигига олиб борган ҳам *ўша*...

– Ҳа...

– Унга заминий лаззатларни ваъда қилиб, йўлдан оздирган ҳам *ўша*...

– *Ҳа-а-а*...

– Охирзамонда *у* қайтади... Охират эса, азизларим, яқинлашиб қолди. Сезяпсизларми?

– *Ҳа-а-а*...

Тақводорлар зор-зор йиғлаб, денгиздек чайқалишга тушди. Минбар ортидаги аёл бир вақтнинг ўзида ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўрсатаётгандай ҳам, ҳеч кимга имо қилмаётгандай ҳам туюларди.

– У кўзлари қонга тўлмиш Дажжол каби келади ва одамларни ловуллаб турган чоҳга, абадий азоблар оловига, гуноҳи азимнинг қонли ботқоғига чорлайди, гўдаклар бадани яра-чақа



бўлади, оналар қорнидан махлуқлар туғилади, инсон қўли қонга ботади...

– О-о-о...

– О, бор Худо-ё...

– О-о-о-ооо...

Бир аёл полга йиқилиб, ёғоч тўшамани тақиллата кетди. Кимнингдир туфлиси учиб кетди.

– Ҳар қандай баданий лаззат ортида *у* туради... *у!* Ла-Мерк тамғали дўзах машиналарини *у* яратган. Шайтоннинг иши!

Ла-Мерк. Ёки Ле-Маркмиди? Бу сўз мерганга таниш туюларди-ю, лекин қаерда эшитганини эслолмасди. Ҳар эҳтимолга қарши бу сўзни хотирасига муҳрлаб қўйди. Қувваи ҳофизаси яхши эди.

– Ҳа, Раббим! Ҳа! – фигон чекишарди тақводорлар.

Бир эркак қаттиқ фарёд кўтариб, бошини чангаллаганча, тиз чўкди.

– Ичаётганингда, ким шишани тутиб туради?

– *Шайтон!*

– Қиморга ўтирганингда, ким қарталарни сузади?

– *Шайтон!*

– Кимнингдир баданини истаб, фаҳшга берилганингда, қалбингни кимга сотасан?

– *Унга...*

– *Шайтони...*

– Ё, Қудратингдан...

– ... *лаинга*

– *А... а... а...*

– Аммо ким у – Шайтон? – деб бақирди ваъзхон аёл, гарчи хотиржам кўринса-да. Мерган унинг ғалаёнли оломон устидан ҳукмронлигини сезиб турарди. У даҳшат ва ишонч билан: «Ўзини Уолтер деб таништирган одам бу хотиннинг қорнига иблис уруғини сочиб кетган», деб ўйлади. Бу аёл савдойи. Мерган вужудига кўркув аро яна шахват нафси ёпирилиб кирганини сизди. Бу Уолтер Элисга қолдирган сўз каби тузоқ эди.

Бошини чангаллаган эркак олдинга ирғиб чиқди.

– Жаҳаннам оловида ёнай! – деб қичқирди у ваъз ўқийётган аёлга. Унинг юзи териси остида илон ғимирлаётгандай пир-пир учарди. – Мен зиного ботдим! Қартабозлик қилдим! Наша чекдим! Мен гуноҳ қилдим! Мен... – Унинг овози оломоннинг ғўнғир-ғўнғирини босиб кетди. У боши ҳозир тарс ёрилиб кетадигандай чангаллаб олганди.

Бутун черков тош қотди.

Сильвия Питтстон минбардан тушиб, унинг бошига кўлини қўйди. Хотиннинг қўллари бошига тегиши биланоқ эркакнинг фифонлари тинди. У Сильвияга анграйиб қолди.

– Гуноҳ қилганингда, сен билан ким бирга эди? – деб сўради хотин унинг кўзига қараб. Бу мулойим, совуқ, теран маъноли кўзларга ғарқ бўлсанг арзийди.

– Ша... Шайтон.

– Қайсики...

– Иблис, – деди эркак бўғиқ овозда хиқ-хиқ йиғи аралаш.



– Ундан воз кечишга тайёрмисан?

– Ҳа! Ҳа! О, Халоскорим Масих!

Сильвия унинг бошини кўтарди; у хотинга ўтакетган мутаассибнинг нигоҳи билан боқди.

– Агар у ҳозир манави эшикдан кириб келса... – хотин мерган турган нимқоронғи даҳлизни кўли билан бигиз қилиб кўрсатди, – башарасига қараб, сендан тонаман, деб айта оласанми?

– Онам ҳаққи қасам ичаман!

– Исонинг мангу муҳаббатига имон келтирасанми?

Эркак ҳўнграб юборди.

– Агар ишонмасам, қозикқа ўтирғизинглар...

– У гуноҳингдан ўтди, Жонсон.

– Раббимга ҳамд-санолар бўлсин, – деди Жонсон йиғи аралаш.

– У гуноҳ қилишга ўжарлик билан ёпишиб олганларни қора зулмат қаърига қувиб юборишини билганимдек сенинг ҳам гуноҳингдан ўтиши менга беш қўлдай маълум.

– *Раббимга ҳамд-санолар бўлсин*, – тантанавор ҳайқирди оломон.

– Бу Шайтони лаин, Иблис яксон қилинишини ҳам биламан... Жонсон, уни эзиб-янчиб ташлайсанми?

– Ҳа! Раббимга шукрлар бўлсин! – Жонсон тинмай кўзёш қиларди. – У маразни оёғим билан янчиб ташлайман!

– Сизлар-чи, оға-ини, опа-сингилларим, уни енга оласизларми?

– Ҳа-а-а...

– Агар эртага уни кўча-кўйда учратиб қолсанглар, тор-мор келтира оласизларми?

– Ўзинга ҳамд-санолар бўлсин, ё, Раббим!..
Мерган ўзини ёмон ҳис қила бошлади.
Кўчага чиқиб, шаҳарга йўл олди. Ҳавода сах-
ронинг иси кезиб юрарди. Тез орада йўлга ту-
шади.

Оз қолди.

Лекин ҳозир эмас.

XIII

– У сени қабул қилмайди, – деди Элли, ово-
зида негадир ҳадик бор эди. – Умуман ҳеч ким-
ни қабул қилмайди. Фақат якшанба кунлари-
гина ҳаммани ўлгудай кўрқитиш учун кўриниш
беради.

– Анчадан бери шу ердами?

– Ўн икки йилдан бери. Балки, икки йилдан
беридир. Вақтга ўзи бир бало бўлган. Ўзинг
ҳам биласан-ку буни. Кел, у ҳақда гаплашмай-
лик.

– Қаердан келган? Қайси томонлардан?

– Билмайман.

Алдаяпти.

– Элли?

– Билмайман, дедимми, билмайман!

– Элли?

– Ҳа, хўп! Хўп! Кўчманчилар орасидан кел-
ган. Сахродан!

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. – Мер-
ган сал бўшашди. Бошқача айтганда, жануби-
шарқдан келган. Ўзи йўл олаётган томон-
дан келган. Аҳён-аҳёнда само гумбазида кўзга
ташланувчи кўринмас йўлдан келган. Мерган

Сильвия Питтстонни кўчманчилар орасидан, сахродан келганига негадир шубҳаланарди. У сахро ортидаги ерлардан келгани аниқ. Бироқ қандай қилиб? Йўл узоқ эканлиги турган гап. Эҳтимол, биронта эскитдан қолган машинада келганмикин? Балки, поезддадир?

– Қаерда яшайди ўзи?

Элли шивирлаб сўзлади:

– Агар айтсам, меники бўласанми?

– Буни ҳар қандай тақдирда ҳам амалга оширамиз. Шунчаки билишим зарур.

Элли хўрсинди.

– Унинг уйи черковнинг орқасида. Хароба кулбача. Қачонлардир... қачонлардир у ерда чинакам руҳоний яшарди. Кейин у бизни тарк этди. Хўш, энди кўнглинг жойига тушдими?

– Йўқ. Ҳозирча йўқ.

Мерган Эллига ташланди...

XIV

Мерган бугун охирги кун эканлигини биларди.

Қонталаш осмон тонгги шафақнинг илк нурларида машъум шуълаларга бурканган. Элли беором арвоҳ сингари хонада ивирсирди: чироқларни ёқиб, товада пишаётган зогора нонга қараб-қараб кўяди. Элли мерганга керак бўлганларни сўзлаб бергач, мерган уч ҳисса гайрат билан маъшуқасини «жазолади». Элли ҳам мерган билан биргаликдаги ишқ эртақлари якунига етаётганини сезгандай, уни ҳар доимгидан кўра суйиб-эркалар, маҳкам-маҳкам

кучоқлар, минг бир тўлғонишу чиранишлар эвазига лаззат онларини узоқроқ чўзишга уринар, бу билан тонг отишини кечиктираётгандай бўларди. Тонгга бориб Эллинг рангида ранг қолмади.

Элли жимгина мерганга нонуштасини узатди. Мерган нонни шоша-пиша, оғизкуйдирар қаҳвага қўшиб ямламай ютарди. Элли эшик кесакисига суяниб, эринчоқлик билан сузиб келётган паға-паға булутлар лашкарига тикилиб қолди.

– Бугун тўзонли бўрон бўладиган кўринади.

– Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.

– Сен ўзи ақалли бирон нарсадан хайратлансанми? – деб сўради Элли ва ортига ўгирилди. Мерган шляпасини қўлига олиб, бостириб кийганча, эшикка йўналди.

– Баъзида хайратланиб тураман.

Мерган Элдини тирик ҳолда энди фақат бир мартагина кўради.

XV

Сильвия Питтстоннинг кулбасига етиб келганда, шамол тиниб қолганди. Бутун дунё кутиш илинжида тўхтаб қолганди, гўё. Мерган бу саҳройи ўлкада етарлича яшаб кўрди, шундай экан, жимжитлик қанча узоқроқ чўзилса, бўрон ҳам шунча кучли бўлишини билиб олганди. Теварак-жавониб заъфарон рангга бурканганди.

Бир томонга оғиб қолган, хароба уйга каттакон ёғоч хоч қоқилганди. Мерган эшик қоқ-



ди. Бирпас кутди. Тиқ этган товуш йўқ. Яна тақиллатди. Жавоб йўқ. Орқага бироз тисарилиб, эшикни зарб билан тепди. Ичкаридан кичикроқ лўкидон учиб кетгани эшитилди. Эшик ланг очилди. Қарсиллаган товушдан каламушлар тумтарақай бўлиб кетишди. Даҳлиз ўртасида қора ёғочдан ясалган тебранма оромкурсида Сильвия Питтстон ястаниб ўтирарди. Катта-катта бойўғли кўзлари мерганга хотиржам боқар, момақалдироқдан олдинги шуьлалар унинг юзига ваҳимали кўланка ташлаб турарди. Елкасига шолрўмол ташлаб олибди. Оромкурси арз қилгандай қисир-қисир овоз чиқариб кўярди.

Улар бир-бирларига узоқ тикилиб қолишди.

– Уни икки дунёда ҳам тутолмайсан, – деди Сильвия. – Ёвузлик йўлидан кетяпсан.

– У сенинг қошинга келибди-да.

– У мен билан ётди. Олий лаҳжада гаплашди мен билан. У...

– У сени ишғол қилибди-да. Тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам.

Сильвия ҳатто пинагини ҳам бузмади.

– Сен ёвузлик йўлидан кетяпсан, мерган. Сояда қолиб кетяпсан. Кеча оқшомда ҳам кўланкада тургандинг, муқаддас даргоҳнинг соясида. Мени кўрмайди, деб ўйлаганмидинг?

– Нима учун у нашавандни даволади?

– У – Тангрининг фариштаси. Ўзи менга шундай деди.

– Умид қиламанки, шундай деганда, ҳеч бўлмаса, жилмайган.

Сильвия ажал тишининг оқини кўрсатаётгандай тиржайди.

– Изидан келишингни айтганди. Нима қилиш кераклигини тайинлади. У айтдики, сен – Дажжол экансан.

Мерган бош чайқади.

– У бу гапни айтмаган.

Сильвия мийиғида кулиб қўйди.

– Яна айтдики, сен мен билан ётишни истаркансан. Тўғрими?

– Ўзи сен билан ётишни истамайдиган эркакни учратганмисан?

– Менинг баданим қиммат туради. Хаётинг билан бадал тўлайсан, мерган. Мен ундан ҳомиладор бўлдим... бу шунчаки бола эмас, улүф хукмдорнинг наслидир. Агар сен менинг танамни ишғол этсанг... – У фикрини мийиғида кулиш билан тугатди. Билқиллама сонларини кимирлатиб қўйди.

Мерган револьверига қўл югуртирди.


– Ичингдаги қирол эмас, иблис. Лекин сен қўрқма. Мен уни суғуриб оламан.

Мерганнинг сўзлари ўз кучини кўрсатиб, Сильвия тебранма оромкурисига маҳкамроқ ёпишди. Шу ҳолатида хурпайган сувсарга ўхшаб қолганди.

– Менга тегинма! Яқинлаша кўрма! Тангрининг Малагига қўл теккизолмайсан.

– Гаров ўйнашасанми? – деди тиржайиб мерган ва Сильвия томон бир қадам қўйди. – Эски бир қартабоз айтганидек, эснамасдан текшириб кўр.

Зилдай тана чайқалиб кетди. Сильвиянинг юзида карикатура ниқобидай даҳшат қотиб қолди. Панжаларини кериб, мерганга Кўзнинг шаклини кўрсатди.



– Сахро, – деди мерган. – Сахро ортида нима бор?

– Сен уни ҳеч қачон тутолмайсан! Ҳеч қачон! Сен ёниб кул бўласан! Ҳа, оловда ёнасан! У шундай деди!

– Мен уни, албатта, тутаман. Буни иккаламиз ҳам билиб турибмиз. Сахро ортида нима бор?

– Айтмайман!

– Жавоб бер!

– Йўқ!

Мерган шартта эгилди-да, Сильвиянинг оёқлари орасини чангаллади. Сильвия эса оёқларини исканжа тахтачасидек жон аччиғида қисиб олди ва чинқириб юборди.

– Иблис бўлса кераг-а? – деди мерган. – Қани, бу ёққа чиқ-чи, иблис.

– Йўқ...

Бир силташда мерган унинг оёқларини кериб очди ва револьверини чиқазди.

– Йўқ! Йўқ! Йўқ! – Сильвия хириллаб нафас ола бошлади.

– Жавоб бер. Айт деяпман.

Сильвия типирчилай кетди, оёқ остидаги пол зириллади. Лабларидан дуонинг ва тушунарсиз лаънатларнинг ярим-юримта сўзлари учиб чиқди.

Мерган револьвери стволини ниқтади. Сильвия унинг чангалидан чиқишга ҳаракат қилиб, бошига муштлаб урар, типирчиларди. Бир вақтнинг ўзида бу ҳайбатли вужуд совуқ қуролни ичига сўриб олишга интиларди. Бу олишувга қонталаш осмондан бўлак ҳеч ким гувоҳ бўлмаётганди.

Сильвия қулоқни батанг қилар даражада алланима деб бақирди.

– Нима?

– *Тоғлар!*

– Тоғларда нима бор?

– У ўша ёқда тўхтайди... О, *меҳрибон Эгам!*.. К-к-к-куч тўплаш учун. Муруқабачилиш учун... тушуняпсанми? О... мен... мен...

Кейин бирдан Сильвия эгилиб, қаттиқ чинкириб, човларини ушлаб қолди.

– Ҳа, ана, – деди мерган ўрнидан туриб. – Иблисининг ҳам хизматини қилдик, а?

– Кет! Йўқол! Қиролнинг боласини ўлдирдинг! Лекин ҳали бунинг учун жавоб берасан. Хотиринг жам бўлаверсин. Энди эса кет. Кўзимдан йўқол!

Остонада мерган тўхтаб ўгирилди.

– Ҳеч қанақанги чақалоқ ҳам, фариштаю шахзода ҳам, иблислар ҳам йўқ энди, – деди.

– Мени тинч қўй.

Мерган кетди.

XVI

Мерган отхонага келди. Шимолий уфқ хиралашиб қолди – чанг-тўзон кўтарилган. Лекин Талл ҳозирча тинч, ўлик сукунатда эди.

Кеннерли уни отхонанинг похол сочилган тахтасупасида кутиб олди.

– Кетяпсизми, дейман? – Кеннерлининг лабларида мулозаматли табассум ўйноқлади.

– Ҳа.

– Бўрон ўтиб кетишини кутмай-а?

– Бўрон бошланмасидан олдинроқ кетаман.



– Шамол ҳар қандай отликдан ҳам шиддатлироқ. Очиқ текисликда у сизни ҳалок қилади.

– Хачиримни олиб чиқ.

– Хўп бўлади.

Бироқ Кеннерли жойидан жилмади, лаганбардорларча, нафрат тўла нигоҳини мерганга қадаб тураверди. Кейин нигоҳи мерганнинг елкаси оша қаёққадир сирғалди.

Мерган ўзини четга олиб, ортига ўтирилди. Унга Суби суқланиб қараётган экан, қизнинг қўлидаги тарашалар сочилиб кетди. Пичанхонадаги қалдирғочлар чўчиб кетиб, пир этиб учиб кетишди.

Мерган нигоҳини Кеннерлига бурди. Отбоқар беўхшов тиржайди. Кўзлари ўйноқлади.

– Мен... – деб чайнала бошлади Кеннерли.

– Хачирим, – дея эслатди мерган.

– Ҳа, ҳа, албатта, – деб ялтоқланди Кеннерли. Сўнг ичкарига имиллаб кириб кетди.

Отбоқар хачирни олиб чиқиб, жиловни мерганга тутқазди.

– Қани, бор, синглинга қара, – деб пўнғиллади Кеннерли Субига қараб.

Суби бош чайқаб, жойида тураверди.

Мерган ота-болани ифлос, тезакка ботган отхонада қолдирди. Ота синиқ тиржайганча, кизи қайсарлиги тутиб, бир-бирига тикилганича қолишди. Ташқари ҳали-ҳануз дим эди. Жазирама мерганнинг бошига болға мисол уриларди.

XVII


Мерган хачирини оёқ остида чанг кўтариб тош ётқизилган йўлга олиб чиқди. Хачирга ортилган сув тўла мешлар шалоп-шулуп қилиб борарди.

Қовоқхонага бош сукқанди, Элли кўринмади. Умуман ҳеч ким йўқ экан. Деразаларга бўрондан сақланиш учун тахталар тираб қўйилибди. Элли ўтган тундан кейин ҳам ҳеч ерни супуриб-сидирмабди. Ҳамма ёқ ивирсиб ётар, бутун зални ачиган пивонинг хиди тутиб кетганди.

Мерган йўл халтасини қуритилган ва қовурилган маккажўхорига тўлдирди. Музлаткичдан хом гўшт олди. Пештахтада тўрт тилла танга қолдирди. Элли ақалли пастга ҳам тушмади. Мерган билан биргина Шебнинг пианиноси хайрлашди. Кўчага чиқиб, хачирнинг устидаги юкларни маҳкам боғлади. Жони хиқилдоғига келиб қолганди. У тузоқдан қочиб қутулса бўларди, фақат бунга имкон кам эди. Сирасини айтганда, у ахир, Шайтон.

Мерган сукунат чўккан уйлар ёнидан ўтар экан, тешик-тирқишларда ўзига қадалган нигоҳларни аллақачон пайқаганди. Қора кийимли одам Таллда ўзини Худо деб танитган. У Алвон қирол, қизил шаҳзода ҳақида сўзлаган. Лекин бу нима эди ўзи: тақдир ҳазилими ёки чорасизлик далолатими? Ўринли савол.

Иттифоқо, орқадан қулоқни тешиб юборадиган қичқириқ эшитилди. Барча эшиклар гийқиллаб очилди. Бир зумда кўча одамларга тўлди. Узун этак сюртук, ифлос ишчи кийи-



мидаги эркаклар, шим, униқиб қолган кўйлак кийган хотин-халаж ва ҳатто ота-оналари кетидан бола-чақа, ҳар бири кўлига илинган нарса – таёқми, пичоқми олиб, гуррос-гуррос чиқаверишди.

Мерган шу заҳоти қўлларига револьверларини олиб, ўғирилди. Туғма сезгирлик ишга тушди. Юзлари буришиб кетган Элли ўзи томон аста-секин келарди. Эллидан бошқаси ҳам келолмайди-да. Эллининг пешанасидаги чандиқ пўртанадан олдинги ғира-шира шуълада қирмизи тусга кириб ловуллаб кўринарди. Мерган ҳаммасига тушунди: Элли — асира. Эллининг ортида ялмоғизнинг қўлга ўргатилган кўшпаги сингари Шебнинг хунук башараси кўринди. Элли у разилга қалқон бўлаётганди. Мерган ўлик сукунат аро ҳаммасини аниқравшан кўриб турарди ва бехос Эллининг овозини эшитди:

– Ўлдир мени, Роланд, от! Мен унга ўша сўзни, *ўн тўққизни* айтдим, у эса... *Мен бунга дош беролмайман, йўқ...* ота қолсанг-чи!

Мерганнинг қўллари нима қилиш кераклигини биларди. Ахир, у энг сўнггиси. Сулоланинг сўнгги вакили. У нафақат Олий лаҳжада сўзлаша олади, балки... жарангдор, пақа-пақ ўқ овози янгради. Эллининг лаблари пирпираб, танаси шалвираб қолди. Яна ўқ отилди. Шебнинг калласи орқага ташланди. Иккаласи ҳам чангга беланиб, йиқилишди.

«Улар Ўн тўққиз ўлкасига равона бўлишди, – деб ўйлади мерган. – Бу нималигини билмайман-у, аммо улар ўша ёқда энди».

Унга қаратилган таёқлар ҳавога учди. Мерган орқага чекинди. Михи чиқиб турган бир таёқ учиб келиб, қўлини тилиб юборди. Сочсоқоли тиканак, қўлтиқ ости қора терга ботган бир эркак қўлида ўтмас ошпичоқ билан унга қараб отилди. Мерган тепкини босди. Эркак ер тишлаб қолди. Ясама жағи оғзидан чиқиб кетди. Тишларининг фижирлагани эшитилди. Оғзидан қон аралаш сўлаги оққанча кимирламай қолди.

– ИБЛИС! – деб қичқирди кимдир. – МУРТАД! ЎЛДИРИНГЛАР УНИ!


– ШАЙТОН! – яна бир овоз янгради. Мерганга тагин таёқлар отилди. Битта пичоқ этигига тегиб, нарига бориб тушди. – ШАЙТОН! ДАЖЖОЛ!

Оломон орасидан ўзига йўл очди. Қўллари беихтиёр нишон танларди. Ўлик таналар бирин-кетин ерга қуларди. Икки эркак ва аёлни кулатиб, ўзини ўша ёққа урди.

Оломон унинг ортидан ғарибона дўконлар, Шебнинг қовоқхонаси рўпарасидаги сартарошхона оралаб югурди. Мерган тахта йўлакка қўтарилиб, бостириб келаётган оломонга қарата ўқ узди. Узоқда Шеб, Элли ва бошқаларнинг жасади қум ва чангга беланган ҳолда ётарди.

Гарчи ҳар бир ўқ нишонга беҳато тегаётган бўлса-да, оломон қалқмади ҳам, бир онга-да чекинмади ҳам, улар, эхтимолки, умрларида револьвер кўришмаган, чоғи.

Мерган ўзи томон учиб келаётган таёқ, пичоқларга чап бериб, раққосдек бир текис ҳаракатланарди. Йўл-йўлакай револьверини қайта-



дан ўқлаб олишга ҳам улгурарди. Абжир қўллари тез ва аниқ ҳаракатланарди. Оломон йўлакка кўтарилди. Мерган дўконга кириб, эшикни ёпди. Ўнг тарафдаги пешойна чил-чил синди. Дўконга уч киши бостириб кирди. Мутаассибларнинг кўзларида ўт чақнади. Мерган учовини ҳам, уларнинг ортидан кирган икки кишини ҳам гумдон қилди. Уларнинг таналари пешойнадаги синиқ ойналарга осилиб қолишди. Йўл бекилди.

Оломон ёпирилиши оқибатида эшик қарсиллаб кетди. Фала-фовур орасидан мерган унинг овозини таниди:

– ҚОТИЛ! ИБЛИСНИНГ ТУЁФИ!

Эшик ошиқ-мошиғидан чиқиб кетиб, ичкарига бир тўда одам мўр-малахдай ёпирилиб кирди. Хона чанг-тўзонга тўлди. Таёқлар учди. Мерган иккала ўқдонни ҳам ўққа тўлдириб улгурганди. Ўқ еган одамлар тап-тап йиқилдилар. Мерган сартарошхонага чекинди, йўл-йўлакай ун тўла бочкани улар томонга итариб, думалатди. Тагида иккита ўткир писка ётган тосдаги қайноқ сувни уларга қарата сешиб юборди. Аммо оломон ола-фовур билан исканжага олиб келаверди. Орқадан Сильвия Питтстоннинг қичқириғи етиб келди. У оломонни гиж-гижлар, чинқироқ овози гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасаярди. Мерган совун ва киртишлаб олинган сочлар ҳамда панжалари учудаги қадоқлардан таралаётган куйинди исини ҳидлаб, ҳали совиб улгурмаган ўқдонларга ўқларни жойларди.

Мерган орқа эшикдан ташқарига чиқди. Орқа тарафда деярли бутун шаҳарчани босиб

кетган буталар чакалакзорига дуч келди. Уч эркак бурчакдан чиқди, уларнинг дарғазаб афт-башараларида маккорона кулгу ўйноқларди. Рақиблар бир-бирларини кўришди. Юзларидаги кулгу мерган уларни ер тишлатишидан бир лаҳза олдинроқ ғойиб бўлишга улгурди. Кейин бўйдор, хўппасемиз бир аёл бўри мисол увиллаб чошиб келди. Кунда-шунда майхўрлар уни Милли хола деб аташарди. Мерган тепкини босди. Милли хола учиб кетиб, оёқларини керганча, чалқанчасига йиқилди. Юбкаси кўтарилиб, оёқлари орасига ўралашиб қолди.

Мерган сахро томон чекина бошлади. Ўн кадам. Йигирма кадам. Сартарошхонанинг орқа эшиги гумбурлаб очилди. Оломон ташқарига отилди. Мерган Сильвия Питтстонга кўзи тушди-ю, ўт очди. Одамлар бирин-кетин, кимдир юзтубан, кимдир чалқанчасига қулади. Улар кип-қизариб турган фалак остида соя ташламасдилар. Ана шундагина мерган бақираётганини пайқаб қолди. Талотўп бошланганидан бери бақираётган экан. Таъбир жоиз бўлса, фақатгина кўзлари «ишларди». Оёқлари ёғочдай қотиб қолган, қулоқларига кўрғошин куйилгандай эшитмас эди.

Ўқдондаги ҳамма ўқларни отиб тугатди. Оломон мўр-малахдай бостириб келаверди. Мерганнинг бутун вужуди Кўз ва Қўлга айланганди, гўё. Ҳамон бақиринишда давом этиб жойида тўхтаб қолди ва револьверини қайтадан ўқлади. Онги шуури ўчиб қолмадику-я, аммо қурол ишлатишнинг минг бир ҳадисини олган қўлларни ўз ҳолига ташлаб, узокроққа че-



кинди. Қанийди, у hozир қўлларини баланд кўтариб, бетизгин оломонни тўхтатиб қолса-ю, уларга минг йиллар давомида ўрганган хунари, совуқ қурол қолдирган қонлар ҳақидаги хикоясини сўзлаб беролса... Фақат буни сўз билан тушунтириб бўлмайди. Қўлларининг ўзи бу хикояни ранг-баранг қилиб «сўзлаб» турарди.

Қуролларини ўклаб бўлганда, оломон жуда яқин келиб қолганди. Бир таёқ учиб келиб, мерганнинг пешанасини ёрди. Қон оқа бошлади. Бир неча сониядан сўнг уни тутиб олишди. Сафнинг олдида Кеннерлини, отбоқарнинг ўн бир яшар кенжа қизини – Субини, ковокхонадаги ҳозиру нозир икки эркакни, Эми Фельдон исмли фохишани кўрди. Уларнинг хаммасини отиб ўлдирди. Орқадагиларни ҳам. Одамлар тутдай тўкила бошлади. Қон ва мия катиклари дарё бўлиб оқарди.

Қолганлар ваҳимага тушиб, бир зумга таркалиб, типирчилаб қолишди. Қандайдир эркак дод-вой солиб, бир жойда айлана бошлади. Қўллари яра-чақа аёл кўкка қараб, жазавага тушиб хахолади. Мерган Таллга илк бор кириб келганда кўрган чол (ўшанда қария пештахта зинасида ўтирарди) кўрққанидан иштонини хўллаб қўйди.

Мерган бу сафар битта револьверинигина қайта ўқлашга улгурди.

Сильвия Питтстон ёғоч хочларни силкитиб, мерган томон бўрондай елиб келарди.

– ИБЛИС! ИБЛИС! ИБЛИС! БОЛАЛАР ҚОТИЛИ! МАХЛУҚ! ЎЛДИРИНГЛАР УНИ! ШАЙТОННИ ЎЛДИРИНГЛАР!

Мерган олти марта тепкини босди. Ҳар бир хочга биттадан ўқ аталганди. Ёғочлар парча-парча бўлиб кетди. Яна тўртта ўқни Сильвиянинг бошига жойлади. Сильвия ғужанак бўлиб, жазирама сароби каби дириллади.

Мерганнинг панжалари қурооларни қайта ўқлар экан, ҳамма бир лаҳзага сувратлардаги актёрлар сингари Сильвияга тикилганча қотиб қолишди. Мерганнинг бармоқ учлари думалок бўлиб куйибди.

Энди улар камчилик қолишди. Раҳнамо аёлнинг ўлиmidан кейин улар юрак ютиб ташлана олишмайди, деб ўйлаганди мерган, аммо кимдир пичоқ отди. Пичоқнинг дастаси мерганнинг нақ кўзлари ўртасига бориб урилди. Мерган йиқилди. Оломон далага ёпирилаётган чигирткадай бостириб келаверди. Бўш гильзалар ўртасида ётганча мерган навбатдаги ўқларни отди. Унинг боши айланиб, кўз олди қоронғулашди. Ўн бир кишини асфаласофилинга жўнатди. Битта ўқи хато кетди.

Тирик қолганларнинг барчаси мерганга ташланишди. Ўқлашга улгурган тўртта ўқини отиб қолди. Оломон мерганни уриб-тепар, тиф санчишга уринарди. Чап қўлига ёпишган иккитасини итариб юбориб, ўзини четга олди. Қўллар ўз ишини қойилмақом қилиб бажарарди. Ил-кис елкасида жиз этиб қаттиқ оғриқ турди. Кимдир елкасига пичоқ сукқанди. Яна кимдир орқадан кучли зарба берди. Кимдир биқинига тепди. Кетига кимдир паншаха сукқандай бўлди. Қандайдир мишиқи бола оломон орасидан суқилиб ўтиб, болдирини тилиб юборди.



Тиф чуқур ботди. Мерган бир ўқ билан бола-нинг пешанасидан дарча очиб қўйди.

Шиддатли хужум сусая бошлади. Мерган тасира-тусур ўқ отишни тўхтатмади. Омон қолганлар секингина шамол емириб ташлаган уйларга чекина бошладилар. Лекин мерганнинг қўллари икки қутурган ит каби ўз ишини мохирлик ила бажаришда давом этаверди. Қўллар ажал уруғини сепарди, гўё. Одамлар қочиб кетаётган жойларида тап-туп йиқилардилар. Охирги одам сартарошхонанинг орқа эшигига кираверишдаги зинапояга чиқишга улгурди. Мерганнинг ўқи учиб бориб энсасига тегди. Эркак қичқирганча, ерга қулади.

– А-а! – Бу Таллдаги сўнгги одам овози эди.

Яна-тагин чинакамига ўлик сукунат теварак-жавонибни чулғади.

Мерганнинг танасидаги яралардан қон томчилаб турарди. Жароҳатлари йигирматадан кўпроқ. Болдиридагини ҳисобга олмаса, яралар чуқур эмас. Қўйлагидан бир парча латта йиртиб олиб, оёғидаги ярани боғлади, кейин қаддини ростлаб, ўзининг қирғинбарот ишлари натижасига кўз югуртирди.


Ўликлар сартарошхона эшиги тагидан мерган турган жойгача иланг-биланг бўлиб чўзилиб ётарди. Улар турли ҳолатларда тош қотганди. Ҳеч бири ухлаётганга ўхшамайди-я.

Мерган жасадларни санашга тушди. Дўконда бир эркак дарз кетган қўзани маҳкам ушлаганча, полда ётарди. Йиқилаётганда қўлига илинган, шекилли.

Мерган қирғин бошланган ерда — шохкўча ўртасида тўхтади. Ўттиз тўққиз эркак, ўн тўрт аёл ва беш нафар болани отиб ўлдирибди. Бутун бошли Талл аҳолисини бир ўзи гумдон қилибди.

Бирдан шамол кўтарилиб, аллақаяқлардан кўнгилини беҳузур қиладиган ҳидни олиб келди. Мерган ўша тарафга бурилиб, бошини кўтарди ва бош ирғаб қўйди. Шеб қовоқхонасининг тахта томида Нортнинг жасади ёғоч қозикларга тортилганча узала тушиб ётарди. Оғзи ва кўзлари очиқ қолибди. Қир пешанасида айри туёкнинг изи қизариб турибди.

Мерган шаҳарчадан чиқди. Бироз йўл юргандан кейин ҳачирини ортга буриб, Кеннерлининг отхонасига олиб келиб боғлади. Ўзи эса қовоқхонага кирди. Орқа қазноқдан томга чиқиб, Нортни тушириб олди. Жасад бир боғлам хашакдан ҳам енгил эди. Мерган Нортнинг мурдасини пастга олиб тушиб, ўзи ўлдирган одамларнинг таналари ёнига ётқизди. Сўнгра қовоқхонага кириб, уч ҳисса пиво ичди. Қош қорайди. Ташқарида қум шиддат билан ҳавога кўтарилди. Ўтган кеча у Элли билан ишқ ўйинларига фарқ бўлиб, мана шу каравотда ётганди-я. Мерган ҳеч қандай туш кўрмади. Субҳи козибга бориб шамол тинди. Заминий ишларга бефарқ қуёш яна чарақлаб чиқди. Кечаси шамол жасадларни худди хас сингари жанубга учириб кетибди. Баданидаги жароҳатларни қайтадан боғлаб, мерган ҳам тушга яқин йўлга отланди.



XVIII

Мерган Браунни ухлаб қолди деб ўйлади. Ўчоқдаги кўмир милт-милт қилар, Золтан эса калласини қанотлари остига тикиб олганди.

Мерган ўрнидан туриб, бир бурчакка ўзига жой солмоқчи бўлиб турган эди, туйқус Браун тилга кирди:

– Ҳа, ана. Ҳаммасини оқизмай-томизмай сўзлаб бердинг. Энди кўнглинг хотиржам тортди-ми?

Мерган бир сапчиб тушди.

– Нима учун мени ўзини ёмон ҳис қиляпти, деб ўйлаяпсан?

– Ахир, сен одамсан. Ўзинг айтдинг-ку. Иблис эмассан. Ёки мени алдадингми?

– Алдаганим йўқ. – Мерганнинг кўнглида ажиб бир ҳис қалқди. Браун унинг кўнглига ўтиришганди. Браунни сира алдамади. Сира. – Ўзинг асли кимсан, Браун?

– Мен – шунчаки менман, – жавоб берди Браун хотиржам. – Нега сен тирноқ тагидан кир кидираверасан?

Мерган жимгина тамаки тутатди.

– Фаҳмимча, қора кийимли одамга жуда яқин қолдинг, – сўзида давом этди Браун. – У аллақачон мушқул аҳволга тушиб қолгандир?

– Қайдам.

– Сен-чи?

– Ҳозирча йўқ. – Мерган билинар-билинемас гердайиб қаради. – Мен қаёққа бориш керак бўлса, ўша ёққа кетяпман ва қилишим керак бўлган нарсани қиляпман.

– Унда ҳаммаси жойида экан. – Браун нариги ёнбошига ўгирилиб, уйқуга кетди.

XIX

Эргалаб Браун унинг қорнини тўйдириб, йўлга чиқариб қўйди. Куннинг ёруғида Брауннинг ботиқ кўкраги, қуёш жизғанақ қилган қизғиш сочлари ажиб кўринарди. Қарға унинг елкасига ўрнашиб олган.

– Хачирим-чи? – деб сўради мерган.

– Мен уни пишириб ейман, – деди Браун.

– О'кей.

Браун қўлини чўзди, мерган сиқиб қўйди. Браун жануби-шарқ томонга имо қилди.

– Майли, оқ йўл. Кунларинг узун, тунларинг хайрли бўлсин.

– Айтганларинг ўзингга икки баравар қайтсин.

Улар бир-бирига бош ирғаб қўйишди. Элли «Роланд» деб атаган одам ўзига содиқ револьверлари ва сув тўлдирилган мешлари билан йўлга чиқди. У бир мартагина ортига ўгирилиб қўйди. Браун ўзининг кичкина дала-сида маккажўхорилар тагини жон-жаҳди билан юмшатарди. Қарға эса гаргўйл¹ сингари ертўла уйнинг пастак томида ўтирарди.

¹ Иблиссифат қанотли илоҳ.




XX

Гулхан ёниб битди. Юлдузлар аллақачон хира тортиб қолди. Шамол ҳамон тинмаган. Шамолнинг ҳам саҳрога айтмиш ўз ривояти бор. Мерган уйқусида ағанади ва яна тинчиб қолди. Унинг тушига ташналик кирарди. Зулумотда тоғлар кўринмасди. Айбдорлик ҳисси афсус-надоматга қўшилиб сусайди. Саҳро бу ҳисларни-да қовжиратиб, бир тутам хасга айлантирди. Мерган ўзига отиш сирларини ўргатган Корт ҳақида кўпроқ ўйлаётганини пайқаб қолди. Корт оқни қорадан ажрата оларди.

У тагин уйқусираб қимирлади ва уйғониб кетди. Ўчиб қолган гулханга кўзини қисиб қаради. У табиатан хаёлпараст. Бунини ўзи ҳам билади. Лекин сир сақларди. Бу сирини анча йиллар бурун бир-икки кишига очганди. Улар орасида межислик қиз Сюзан ҳам бор эди.

Яна ўз-ўзидан Корт ҳақида ўйлай кетди. Корт аллақачон рихлатга кетган. Уларнинг ҳаммаси ўлган. Мерган сўнггиси. Олам ўзгарган. Дунё ўз жойидан силжиган.

Мерган сафар халтасини елкасига ташлаб, йўлга тушди.



2 б о б

ЙЎЛДАГИ СТАНЦИЯ


I

Кун бўйи мясида болаларча бир шеър айланаверди. Бир-икки сатри мяннга ўрнашиб олади-да, онгингнинг бир бурчини кемириб, тинмай айланаверади. Шеър қуйидагича янграрди:

*Андалусда ёгади ёмғир,
Ёмғир ютар борлиқни ҳозир,
Изн бергин, имкон бер бир бор.
Унда бахт бор, йўқ эмас озор.
Аммо билки, ёгаётган ёмғир —
Ёмғир ютар борлиқни ҳозир.*

*Вақт бу — оқлик, оқ мато, бироқ
Ҳаёт унга келиб тушган доғ.
Дунё тентакнамо ва бироз сито,
Кун келиб бариси ўзгарар аммо.
Дунё гўзал, дунё бадбуруш,
Бариси қолгуси шундай, шу туриш.
Гарчи донишмандсан ва ёки аҳмоқ —
Андалусга ёмғир ёгади кўпроқ.
Ташнадирмиз ишқ парвозига —
Эвазига жафо йўлланур бизга.
Самолёт ёмғирда қолади —
Андалус устига қулади.*

У Андалусияга қулаган самолёт нималигини билмасди-ю, лекин нима учун айнан шу




шеър миясига туйқус келиб қолганини биларди. Охирги пайтларда фақат битта туш кўряпти: қалъадаги ўзининг хонаси. Турфа рангли ойналар ўрнатилган дераза ёнидаги каравотчасида жимитдайгина-ю, лекин жиддий қиёфада ётибди, онаси эса унга ушбу шеърни қўшиқ қилиб айтармиш. Онаси бу қўшиқни тунда ухлашдан олдин айтиб бермасди, чунки Олий лаҳжа учун туғилган болалар, ҳатто гўдаклар ҳам қоронғуликни ёлғиз қарши олишлари лозим. Онаизор уни пешин маҳалигина ухлашдан олдин аллаларди. Ўша, ёмғир қуйиб, деразалар ёмғир сувида пирпираётгандай рутубатли кун ҳали-хануз ёдида. Болалигидаги ўша салқин эпкин, оғир аёлнинг иссиғи, суюкли онасига бўлган меҳри, унинг қирмизи лаблари, болалар кўшиғини куйлагандаги элитадиган ёқимли овози ҳали-хамон ёдида.

Мана, энди ушбу қўшиқ хотирасида қайта тикланди ва ўз думини тишлайман деб айланаётган кўппак каби айланиб-буралиб миясида туриб қолди. Суви аллақачон тугаган. Тирик қоламан деб умид ҳам қилаётгани йўқ. Деярли мурдага айланган. Шунчалик ночор аҳволга тушаман деб ўйламаганди. Дили хуфтон. Пешиндан бери олдинга қарагани йўқ, шунчаки эринчоқлик билан оёқларидан кўзини узмай келяпти. Оёқ остида нимжон, сарғиш ажина-ўт. Текисликлар шамолда емирилавериб, тошлоққа айланган. Гарчанд анчайин ёш, сал тентакроғ-у, лекин тиниқ фикрлайдиган кўчманчининг (адашмаса, унинг қарғаси бор эди, лекин лақаби эсида йўқ)

сахро четидаги камтарона кулбасини тарк этганига ўн олти кун бўлган эса-да, тоғлар ҳеч яқинлашай демасди.

Мерган оёқлари қандай қўтарилиб, қандай из қолдираётганига анграйиб қарарди. Миясида ғужғон ўйнаётган қофияли сафсатага кулоқ тутар, бироқ барибир қачон ҳолдан тойиб йиқиларкинман, деб ўйларди. Бу фикр биринчи марта хаёлига келиши. Гарчи атрофида бирон зоғ бўлмаса-да, шармандагарчилигини биров кўрмаса-да, йиқилишни истамасди. Ҳамма гап ғурурда. Ҳар бир мерган биладики, ғурур бўйинни эгилишга қўймайдиган пинхоний суякдир. Мерган отасидан ўрганмаганларни Корт унинг миясига қуйганди. Ҳа, бу Корт эди. Бурни кип-қизил, юзлари чандиқли Корт.

Баногоҳ у тўхтаб, бошини азод кўтарди. Боши ғувиллаб кетди, бир зумга танаси қаёқларгадир сузиб кетаётгандай туюлди. Уфқда тоғлар сароб мисол пирпираб турибди. Бироқ олдинда яна нимадир бор. Анчайин яқинроқда. Бор-йўғи беш миля нарида. Кўзини қисиб қаради, аммо офтоб шамолу жазирамада яллиғланган кўзларини камаштирди. Бошини бир чайқаб, яна йўлида давом этди. Миясида ҳамон ўша шеър такрор ва такрор қайтарилади. Чамаси, бир соатлардан кейин у йиқилди ва қўлларини шилиб олди. Мерган терисидан оқиб чиқаётган қонни кўриб кўзларига ишонмади. Қони суюлиб, рангсиз бўлиб қолмабди. Ташқарига сизиб чиққандан сўнг қотиб қолган оддий қон. Сахро каби ўзига бино қўйган қон.



Мерган қизил қон томчиларини жирканиб силтаб ташлади. Ўзига бино қўйган? Бўлмасамчи! Ахир қон ташналикдан азоб чекмайдику. Қон ўз ишини бинойидай бажаради. Қон қурбонлик талаб қилади. Қондан талаб қилинадигани — оқиб, томчилаб туриш.

Мерган қизил томчилар томиб, қақроқ ер уларни ғайритабиий тезликда шимиб олганига қараб қолди. Қалай, қон сенга ёқяптими, сахро?

Эй, марҳаматли Исо, афтидан, мен ақлдан озяпман.

Мерган қўлини кўксига қисиб турди. Узоқдан кўрган нарсаси энди деярли бурнининг тагида эди. Мерган кўрққанидан қичқириб юборди — қарға қафиллашига ўхшаш нидо билан хайқирди. Бино кўринди. Йўқ, иккита экан, атрофи ерга ётиб қолган шохдевор билан ўралган. Иморатлардан бири бурунлари отхона вазифасини бажарган бўлса керак, чунки отхонага ўхшаб кўриняпти. Иккинчи иморат — турар-жой биноси ёки карвонсарой бўлиши керак. Қатновчи йўловчиларга мўлжалланган оралиқ станция. Омонат турган қумли уй (узоқ йиллар давомида шамол тахта-ёғочни қум совут билан қоплаган ва эндиликда уй денгиз бўйидаги нам қумдан ясалган ва офтобда қуриб, тобланган қалъани эслатарди) калта соя ташлаб турарди. Сояда кимдир деворга суяниб ўтирибди. Девор унинг вазнидан эгилиб қолгандай.

Ўша бўлса керак. Ва ниҳоят. Қора кийимли одам.

Мерган қўлини кўксига қисганча туриб қолди. У шу ҳолатида ўзининг сунъийлигини англамасди. Қутилган ҳаяжон (ёки кўрқув) ўрнига у ҳис этдики... агар ўз қонини кўриб илкис пайдо бўлган нафратию миясида такрорланаётган «*Андалусда ёгади ёмғир...*» деб бошланувчи ўша қўшиқ боис айбдорлик ҳиссини ҳисобга олмаганда, у умуман ҳеч нимани ҳис этмади.

Йўл-йўлакай револьверини қўлига олганча, олға кетаверди.

...Ёмғир ютар борлиқни ҳозир.


Охирги чорак миляни югуриб босиб ўтди. Ўзининг калта сояси кимўзарга чопди, гўё. Юзи аллақачонлар озиб-тўзиб, рангпар бўлиб қолганидан беҳабар. Сояда ўтирган одамдан бошқаси хаёлини банд қилмаганди. Охирги дақиқаларгача сояда ўтирган одам ўлиб-нетиб қолгандир, деган фикр хаёлига келмади.

Мерган қийшайиб қолган тахта деворнинг битта ёғочини оёғи билан тепиб синдириб, бўмбўш ҳовлига отилиб кирди.

– Сен менинг нишоним остидасан! Қўлингни кўтар, қанжиқнинг боласи...

Ҳалиги одам безовта бўлиб, қаддини ростлади. Мерган: «Э Худойим, ундан деярли ҳеч нарса қолмабди-ку... унга нима бўлдийкин ўзи?» деб ўйлади. Негаки қора кийимли одам нақ икки футга кичрайиб, сочлари оқариб қолганди.

Мерган ҳеч нарсага ақли етмай тўхтади. Боши ғувилларди. Юраги тинимсиз типирчилаб урарди. «Мен ўляпман, – деб ўйлади, – ҳозир шу ернинг ўзида ўлиб қоламан...»



Қизиб турган ҳаводан ўпкасини тўлдириб олиб, бошини эгди. Бир сониядан сўнг кўзини очганда, қора кийимли одамни эмас, сочлари офтобда куйган, ўзига лоқайд қараб турган болакайни кўрди. Мерган болага бақрайиб қараб, рўй бераётган воқеликни рад этаётгандай бошини чайқади. Лекин мавжуд воқелик қаршилик кўрсатаверди. Бола ҳеч қаёққа ғойиб бўлмади. Агар бу васваса бўлса, жудаям кучли васваса экан. Тиззаси ямоқ кўк жинси ва дағал матодан тикилган оддий жигарранг кўйлақдаги бола қаршисида турибди.

Мерган яна бошини чайқаб, оёқ остини пайпаслаб, қўлидан револьверини қўймай, отхона томон четланди. Ҳали ҳам фикрини жамлолмади. Бошида қаттиқ оғриқ турди.

Отхона қоронғу, тинч ва чидаб бўлмас даражада дим эди. Мерган аланглади. Яллиғланган кўзлари ачишиб кетди. Маст одамга ўхшаб чайкалиб ўгирилди. Эшик олдида ўзига тикилиб турган болага кўзи тушди. Бошида кучли санчиқ турди. Оғриқ миясини пармалади. Мерган револьверини қинига солиб, шайтон васвасини ҳайдамоқчи бўлгандай қўлларини силтаб гандираклади ва юзи билан ерга қулади.

II

У кўзини очганда, чалқанча ётар, бошининг тагида бир боғ пичан бор эди. Бола мерганни судрай олмаган, лекин қулайроқ ётқизиб қўйганди. Салқин шабада эсиб турибди. Мерган бошини кўтариб аланглаганди, қўйлагининг

қўкрак қисми ҳўллигини сизди. Лабини ялаб, сувнинг таъмини ҳис этди. Тили шишиб кетган, оғзига сифмасди, гўё.

Болакай ёнида чўнқайиб ўтирарди. Мерганнинг кўзини очганини кўргач, қирралари кертик консерва банкида сув тутди. Мерган қалтироқ қўллари билан банкани ушлаб, сувдан оз-оздан ҳўплади. Сув қултиллаб ошқозонига етиб боргач, тагин сипқорди. Қолганини ҳансираб бетига сочди. Боланинг чиройли лаблари кулгусини аранг тийиб, жиддийлашди.


– Ул-бул еб олмайсизми, жаноб?

– Кейинроқ, – деди мерган. Офтоб уришининг асорати бўлмиш бош оғриғи сал-пал босилгандай бўлди. Ошқозонидаги сув қаёққа боришини билмагандай кулдиарди. – Сен кимсан?

– Менинг исмим Жон Чеймберз. Мени Жейк деб аташингиз мумкин. Мен бир хола билан дўстман... қалин дўст эмасмиз-у, у бизда ишлайди... хуллас, ўша хола мени Бама деб чақиради, лекин сиз мени Жейк деб атайверинг.

Мерган ўтирди. Кўнгилни беҳузур қилар оғриқдан қайт қилиб юборай деди. Мерган букчайди. Аммо ошқозони барибир устун келди.

– Анов ерда яна бор, – деб Жейк банкани олиб, отхонанинг ичкарасига йўналди. Ярим йўлда тўхтаб ўтирилди ва истар-истамас мерганга кулиб қўйди. Мерган болага бош ирғаб қўйиб, иягини қўлига тираб бошини хам қилди. Бола истараси иссиқ, чиройли қоматли, ўн-ўн бир ёшларда эди. Сирасини айтганда, боладақа бола, фақат юзи... худди қўрқув кўланкаси би-



лан бекитилгандай. Лекин бу яхши. Агар бу кўрқув шарпаси бўлмаганда, мерган унга ишонмасди.

Отхонанинг ичкарасидаги нимқоронғудан бўғик, тушуниксиз шовқин келди. Мерган хавотирланиб бошини кўтарди, қўллари беихтиёр револьверларига югурди. Ғалати шовқин ўн беш сонияча давом этиб, тинчиб қолди. Бола лабигача сувга тўлдирилган тунука идиш билан қайтиб келди.

Мерган яна оз-оздан хўплади. Бу сафар аҳволи ўнглана бошлади. Бош оғриғи ҳам йўқолгандай бўлди.

– Ҳушингиздан кетиб қолганингизда нима қилишни билмай қолдим, – деди Жейк. – Бошида мени отмоқчисиз, шекилли, деб ўйлагандим.

– Бўлса бордир. Мен сени бошқа бировга ўхшатиб юборибман.

– Рухонийгами?

Мерган дарров хушёр тортди.

– У ҳовлида тўхтади. Мен уйга яшириниб олдим. Ёки омборга, хуллас, билмайман нималигини. У менга ёқмади. Шунга чиқмадим. У кечаси келиб, кундузи кетди. Сиздан ҳам яширинган бўлардим-у, лекин ўша пайти ухлаётгандим. – Мерганнинг елкаси оша қаёққадир қадалган боланинг нигоҳи маънос тортди. – Мен одамларни ёқтирмайман. Улар қачон қарама менга зиён етказишади.

– Ўша рухоний қанақа эди?

Бола кифтини учирди.

– Ҳамма рухонийлар каби қора кийимда эди.

– Қайтарма қалпоқли ридодами?

– Ридо нима дегани ўзи?

– Узун чакмонга ўхшаш. Кўйлак деса ҳам бўлади.

Бола бош ирғади.

– Қайтарма қалпоқли чакмонда эди.

Мерган илкис олдинга интилди. Бола унинг юзидаги ифодани кўриб четланди.

– Бу ердан ўтганига анча бўлдимми? Худо хайрингни берсин, айтақол.

– Мен... мен...

– Сенга ҳеч нарса қилмайман, – деди босиқлик билан мерган. – Сенга ёмонлигим йўқ.

– Билмасам. Вақтни эслаб қололмайман. Бу ерда кунлар бир хил.

Фақат шундан кейингина мерган бола бу тўрт томони минглаб чақиримларга чўзилган куш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган сахро билан ўралмиш ташландиқ ерга қандай келиб қолганини сўради. Гапнинг пўсткалла-сини айтганда, бу билан неча пуллик иши бор. Шундоғам ташвиши бошидан ошиб-тошиб ётибди.

– Барибир бир ҳисоблаб кўрайлик-чи. А-а-анча бўлдимми?

– Йўғ-е. Унчалик эмас. Ўзимам бу ердалигимга кўп бўлмади.

Мерган ичида лов этиб ўт ёнганини сезди. Тунука идишни юлқиб олиб, ютоқиб-ютоқиб сув ичди. Қўллари оз-моз қалтиради. Миясида яна тагин алла финфинлай бошлади, фақат бу сафар онасининг ўрнига чандиқли Элисининг юзи гавдаланди. Ўзининг маъшуқаси



бўлган Элис Талл деб аталмиш шаҳарчада ўлиб ётибди.

– Қанча бўлди? Бир ҳафтами? Ёки икки ҳафтами? Балки уч ҳафтадир?

Бола анграйиб унга тикилди.

– Ҳа.

– Нима «ҳа»?

– Бир ҳафта бўлди. Балки икки ҳафтадир. – Бола атрофга бир кўз югуртириб, қизариб кетди. – Ўшандан бери ҳожатхонага каттаси учун уч марта бордим. Энди вақтни шу тарзда ўлчаяпман. Бошқачасига иложи йўқ. У ҳатто сув ҳам ичмади. Мен уни руҳонийнинг арвоҳи бўлса керак, деб ўйладим. Зорро ҳақидаги фильмдагидек. Фақат унда арвоҳ ҳам, руҳоний ҳам бўлмайди. Ерни ўзига ўтказмоқчи бўлган ёмон банкир бўлади, нега десангиз, ўша ерда олтин бўлади-да. Миссис Шоу билан кинога борардик. Таймс-скверга.

Мерган бола нима деяётганини тушунмасди, шунинг учун индамай қўя қолди.

– Мен қўрқиб кетдим, – деб қўшимча қилди бола. – Ёмон қўрқдим. – Унинг юзи бирдан қалқиб кетди. – У ҳатто гулхан ҳам ёкмади. Ўтирди, холос. Ухладими-йўқми, бунисини ҳам билмайман.

Яқин қолибди-да! Ё, Раббим Худо! Шунчалик яқин қолибди-я... Танаси ташналикдан сувсизланиб қолган бўлса-да, мерганнинг қўллари нам. Ёпишқоқ бўлиб қолди.

– Озгина қуритилган гўшт бор, – деди унга бола.

– Яхши, – деб бош силкиди мерган. – Ажойиб.

Бола гўштни олиб келиш учун ўрнидан турди. Тиззалари енгил қирсиллаб кетди. Қадди шамшоддай. Сахро болани қовжиратиб, чўп-устихон қилишга улгурмабди. Қўллари озгинроқ, териси офтобда кизарган бўлса-да, дағаллашиб, ёрилмаганди. «Ўн гулидан бир гули очилмаган ҳали, – хаёлидан ўтказди мерган. – Эҳтимол, миясига қум тўлгандир. Бу ерда жазирамада ақлдан озаёзибди. Йўкса, ҳушсиз ётганимда, револьверимни олиб, шартта мени отиб ташлаган бўларди».

Шундай ҳам бўлиши мумкин эди, шунчаки бола бу ҳақда ўйлаб кўрмаганди.

Мерган сувдан ҳўплади. «Миясига қум тўлганми-йўкми, лекин бу ерлик эмас».

Жейк кичкина-кичкина бўлакларга бўлинган гўштни кўтариб келди. Гўшт чандир, обдон тузланган экан — мерганнинг ёрилган лаблари ачишди. У қорнига нима тушаётганини билмасди. Бола гўшtdан бир-бир чўкилаб кўярди.

Мерган диққат-ла Жейкни ўрганар, бола ҳам унинг синчков нигоҳига дош бериб ўтира-верарди.

– Қаердансан, Жейк? – сўради мерган.

– Билмадим. – Бола қовоғини уйди. – Билмайман. Бу ерга энди-энди келиб қолганимда билардим, лекин ҳозир эслолмайман. Худди ёмон туш кўриб уйғонганиндаги каби ҳаммаси чалкаш-чулкаш бўлиб кетди. Ўзи тез-тез алоқ-чалоқ тушлар кўриб тураман. Миссис Шоу бу ўн биринчи каналдан қўйиладиган даҳшатли фильмларни кўп кўрганингдан шундай бўлади, дейди.



– Канал нима? – Мерган ҳайрон бўлди. – Ёғдуга ўхшаган нарсами?

– Йўқ. Буни телик орқали кўрсатишади.

– Нима у телик?

– Им-мм... – Бола пешанасини қашиди. – Ҳар хил суратлар кўрсатади-да унда.

– Бу ёққа сени ким олиб келди? Миссис Шоуми?

– Йўқ. Шунчаки шу ерда пайдо бўлиб қолдим.

– Миссис Шоу деганинг ким?

– Билмайман.

– Нега у сени Бама деб атайди?

– Эсимда йўқ.

– Бемаънигарчилик-ку бу, – деди энсаси қотиб мерган.

Бола ҳозир йиғлаб юборадигандек туюлди мерганга.

– Ростданам ҳеч нимани билмайман. Шу ерда пайдо бўлиб қолдим, тамом. Агар кеча канал ва телик ҳақида сўраганингизда, ҳаммасини гапириб берардим. Эртага балки исмим Жейк эканлигини ҳам эслолмасман. Балки сиз менга шипшиб қўярсиз, аммо сиз бундай қилмайсиз. Чунки эртага бу ерда бўлмайсиз. Сиз кетасиз, мен эса очдан ўламан, чунки бор овқатимни еб қўйдингиз. Бу ерга келишни хоҳламагандим. Бу ерга олиб келишларини истамагандим. Бу ер менга ёқмайди. Бу ерлар жуда қўрқинчли.

– Бунчалик афсус-надомат чекиш ярамайди. Ўзингни қўлга ол.

– Бу ёққа келишни хоҳламагандим, – деб такрорлади болаларча хархаша билан.

Мерган яна бир тишлам гўшт чайнади. Узок чайнади, тузини шимиб-шимиб олди. Бола ҳам кўнглининг кемтик ерини тўлдириб, манзур бўла бошлади. Мерган боланинг рўй-рост гапираётганига ишонди. Бола бу ерга ўз хоҳиши билан келиб қолмаган. Бундай бўлишини хоҳламаган. Ёмон. Жуда ёмон. Мерган, фақат... унинг ўзи шуни хоҳлади. Лекин мерган ҳеч қачон қўлини қонга белашни, Таллда бировни ўлдиришни истамаганди. Бир замонлар ҳурлиқо бўлган, сирли парда ортига беркинган, аммо барибир сўнггида яшириб келган сирини, яъни *ўн тўққиз* сўзини айтиб, зилдай қулфга калит солган аёл — Эллини ўлдирмоқчи эмасди. Ўзини икки ўт орасида қолдиришларини истамаганди: ўз бурчини бажариши ёки шафқатсиз қотилга айланиши лозим эди. Бегуноҳ одамларни итариб-туртиб сахнага чиқариб, кейин уларни тушуниксиз, бегона спектаклда иштирок этишга мажбурлаш адолатдан эмас. «Элли, — деб ўйлади у, — ҳеч қурса, Элли пуч хаёлларга тўлган ўзининг ҳаётида яшаса бўларди. Бу бола эса... бу лаънати бола...»

— Ёдингда қолганларни гапириб бер, — деди у Жейкка.

— Кўп нарса эсимда йўқ. Эсимда қолганлари ҳам бориб турган бемаъни нарсалар. Бўлмағур гаплар.

— Барибир гапириб бер.

Бола гапни нимадан бошлашни билмай, узок ўйланиб қолди.

— Бу ерга келмасимдан олдин битта жой бор эди. Хоналари кўп катта уй, ёнида баланд-ба-



ланд бинолар ва сув кўриниб турадиган ховли. Сувда эса ҳайкал қаққайиб турарди.

– Сувда ҳайкал, дейсанми?

– Ҳа. Бошига тож кийган, маёқ кўтарган аёл... яна китоби ҳам бормиди-ей.

– Сен, нима, йўл-йўлакай тўқиб кетяпсанми?

– Балки, – деб жавоб қайтарди бола умидсизланиб. – У ерда яна кўчада миниб юрса бўладиган нарсалар бор эди. Катта ва кичкина. Катталари кўк-оқ, кичкиналари эса сариқ. Сариқлари кўп эди. Мен мактабга борардим. Кўча бўйлаб цемент ётқизилган йўллар бор эди. Тагин катта-катта ойналар, ойналарда кийим кийдирилган ҳайкаллар бўларди. Ҳайкаллар кийим-кечак сотишарди. Биладан, бу аҳмоқона бўлиб туюляпти-ю, лекин ўша ҳайкаллар чинданам кийим сотишарди.

Мерган бу гаплар ёлғон ё ростлигини билиш учун боланинг юзига синчиклаб назар солганча, бошини чайқади.

– Мен мактабга борардим, – гапида давом этди бола. – Менда... – у кўзини юмиб, керакли сўзни ўсмоқчилаб топмоқчи бўлиб, лабларини қимирлатди, – китоб солгани сумкам бўларди... жигарранг. Нонуштамни ҳам ўшанга солволардим. Бўйнимга... – бола яна керакли сўзни топишга қийналиб, тутилди, – бўйинбоғ такволардим.

– Нима?

– Мен билмайман. – Бола беихтиёр томоғини ушлади. Бу қилиқ мерганда ҳар доим осиб ўлдиришни эслатарди. – Билмайман. Ҳаммаси

хотирамдан кўтарилди. – Бола нигоҳини олиб қочди.

– Сени ухлатсам майлими? – сўради мерган.

– Ухлагим келмаяпти.

– Ёдингга тушиши учун сени ухлатиб қўяман. Тушингда кўрасан ҳаммасини.

Жейк иккиланиб сўради:

– Мени қандай қилиб ухлатасиз?

– Мана бундай қилиб.

Мерган патронташидан битта ўқ олиб, бармоқлари орасида айлантира бошлади. Бармоқлари эпчиллик билан бир текис ҳаракатланарди. Ўқ бошмалдоқдан кўрсаткич бармоққа, кўрсаткич бармоқдан ўрта бармоққа, ўрта бармоқдан номсиз бармоққа, номсиз бармоқдан чинчалоққа гўё сузиб ўтарди. Бир зумга йўқолиб, яна пайдо бўларди. Ўқ оний лаҳзага қимирламай қолди ва мерганнинг бармоқлари орасида сузиб, ҳаракатга тушди. Бола ундан кўзини узмасди. Юзидаги шубҳа чинакам ҳайрат билан алмашди, ҳайрат эса завқ-шавққа ўрин берди, кейин эса унинг нигоҳи лоқайдлашди. Бола ўчиб қолди. Кўзлари юмилди. Ўқ мерганнинг бармоқлари орасида рақсга тушаверди. Жейк кўзларини очди; яна ярим дақиқа ўқнинг равон рақсини томоша қилди-да, кўзларини юмди. Мерган ўқни айлантираверди, бироқ Жейк кўзини бошқа очмади. Боланинг нафас олиши бир маромга тушиб, секинлашди. Мерган яна-тагин онасининг қўшиқ куйлаётганини эшитаётгандай бўлди, фақат буниси Андалусия ҳақида аҳмоқона болалар қўшиғи эмасди, бу дилрабо қўшиқ энди пинакка кетаётганда, узоқ-узоқлардан эшитилгандай



*бўлди: Дехқончумчуқ, дехқончумчуқ, тезроқ
учиб кел, болагинамнинг саватини тезроқ олиб
кел.*

Мерганнинг кўнгли ғаш торта бошлади. Қўлидаги ўқнинг бирданига жони бордай туюлиб кетди. Кичкинагина, ялтироқ газанда. Мерган ўқни кафтига олиб, қўли оғримагунча сиқаверди. Агар ҳозир ўқ портлаб кетганда, мерган ўзида йўқ хурсанд бўларди. Қотилликдан ўзга маҳорати бўлмаган қўлидан айрилишидан боши осмонга етган бўларди. Дунё дунё бўлибдики, қотиллик мавжуд. Ҳа, дунёда кўплаб ёвузликлар бор. Қотиллик, зўравонлик ва ваҳшийлик. Ва буларнинг барчаси эзгулик номи ила амалга оширилади. Қонга ботган эзгулик номи ила. Қонли афсона номи ила, Муқаддас Граал номи ила, Қора Минора номи ила. Ҳа. Минора қаердадир турибди (айтганларидек, дунёнинг маркази бўлмиш Минора) — ўзининг қора маҳобати билан само тўшини тилиб турибди. Мерганнинг қулоқларига саҳронинг жазираси ичра онасининг мулойим, ёқимли овози етиб келди.

Мерган хира пашшадан қутулмоқчи бўлгандай қўлини силкитиб қўшиқни қувмоқчи бўлди ва:

– Қаердасан? – деб сўради.

III

Жейк Чеймберз — Бама — қўлида портфель билан зинапоядан тушмоқда. Портфелида табиатшунослик, жўрофия фанларидан

китоблари, қалам, ноҳуш ҳидларни ютиб юборадиган тинимсиз гўнгиллаб турувчи ҳавотозалағичли ошхонада ойисининг ошпази миссис Грета Шоу тайёрлаб берган нонуштаси бор. Нонуштаси учун пакетга биттасига ерэнгоқ мойи, мева қиёми, иккинчисига дудланган колбаса, салат ва пиёз солинган сэндвич ҳамда тўртта «Орео» кексини ўраб беришганди. Ота-онаси уни яхши кўришмайди эмас, ўз ўғилларини пайқамаётгандай эди. Жейкни репетиторга олиб боришни, Пайпер Мактабига (мактаб Хусусий, аммо жуда Яхши, энг асосийси эса, Фақатгина Оқ Танлиларга мўлжалланган) жўнатишни, умуман, боланинг ғамини ейишни миссис Грета Шоуга ишониб топширишганди. Юқоридагиларнинг биронтаси ўз ишидан бошқасига ярамасди. Бу одамлардан ҳеч қайсиси уни онаси ўқийдиган тарихий-ишқий романлардаги каби қайноқ бағрига босмаганди. Жейк бу китобларни «турли-туман номаъқулчиликлар» излаб тинҳона варақларди. Жазавали романлар, дерди отаси баъзида бу китобларни. Ёки «ярим-яланғоч» асарлар, дерди. Ойиси эса бунга жавобан: «Сен фақат лақиллашни биласан», дерди, Жейк буларнинг барчасини ётиқ эшик ортидан эшитиб ётарди. Дадаси телевидениеда ишлайди, Жейк бу билан фахрланса арзийди. Лекин булар унга чикора.

Жейк ҳали миссис Шоуни истисно қилган ҳолда барча профессионалларни кўришга кўзи йўқлигини билмайди. Одамлар уни ҳамшиша саросимага солишади. Уларнинг барчаси ғалати.



Озгиндан келган, жозибадор ойиси дўстлари билан кўпинча бир тўшакда ухлайди. Отаси гоҳида телевидениеда «кока-кола борасида ошириб юборишган» қандайдир одамларни эслаб қолади.

Алқисса, у уйдан чиқди. Жейк Чемберз кўчага чиқди. Намойишчилар ҳақида кўпинча: улар кўчага чиқишди, дейишади. Тоза-озода кийинган. Ўзини қандай тутишни билади. Истараси иссиқ, мўмин-қобил бола. Ҳафтада бир марта кегельбанга¹, «Мид-Таун Лейнс»га боради. Унинг дўстлари йўқ, фақат танишлари бор. Ўзи бу ҳақда бош қотирмаган эсада, барибир юраги эзилаверарди. Профессиналлар билан ҳадеб гаплашавергани боис уларнинг хусусиятлари ва одатларини ўзлаштириб олаётганини тушунмасди. Миссис Грета Шоу (ҳа, у бошқалардан зўр, аммо бу ҳам Жейкка тасалли бермайди) сэндвичларни қойилмақом қилиб тайёрлайди. Миссис Шоу нонни тўрт бўлак қилиб қаттиқ сиртини кесади, Жейк танаффусда бутербродларни паққос туширар экан, ўзини коктейлда ўтиргандай, қўлида мактаб кутубхонасидан олган китобларни эмас — Жейк спорт ёки Ёввойи Фарб ҳақидаги китобларни ўқишни ёқтирарди — бир бокал ўткир ичимлик ушлаб тургандай ҳис этарди. Отаси пул топишининг пири бўлиб кетган, чунки «томошабинни жойига михлаб қўйиш»нинг устаси, яъни рақобатдош канал орқали берилаётган

¹ Кегельбан — кегли (боулинг) ўйналадиган жой.

«бемаънидан бетаъсир кўрсатувлар»ни ортда қолдирувчи «сержанжал» шоуларни топиб, дастурга киритишни билади. Отаси кунига тўрт қути сигаретни чекиб тугатади. Жилла қурса, «ўх-ҳў, ўх-ҳў» деб ҳам қўймайди-ю, лекин оғир нафас олади, баъзида эса эски дамларни хотирлаб бир жуфт шиша кока-кола ичиб туради.

Ойиси таксига пул беради, бироқ ёмғир ёзмаган кунлари Жейк мактабга пиёда боради. Портфелини у ёқдан-бу ёққа силкитиб кетади. Миттигина болакай. Кўк кўзларига, малла сочларига қараганда юз фоиз америкалик. Қизлар унга эътибор қарата бошлашган (албатта, оналарининг рухсати ила), у ҳам олифталик қилмасдан қизларга бефарқ эмас. У қизлар билан ўзи билмаган ҳолда профессионалик билан мулоқотда бўладики, қизлар бундан довдираб қолишади. У жўгрофияга қизиқади, тушдан сўнг эса кегельбанга боради. Отаси кегельбанлар учун автоматик ускуналарни ишлаб чиқарувчи қандайдир компаниянинг акцияларига эгалик қилади, лекин Жейк қатнайдиган кегельбан ускуналарида негадир бошқа компания белгилари ёпиштирилган. Бу ҳақда сира ўйлаб кўрмагандай туюлади ўзига. Аслида эса... ўйлаб кўриш ҳам гапми?!

Кўча бўйлаб кетмоқда. Тайёр кўйлақлар сотиладиган «Блуми» дўкони пешойналарида мўйнали пальто ёки олтита тугмали расмий костюмлар кийдирилган манекенлар турибди, баъзилари эса ҳатто қип-яланғоч. Бу манекенлар ҳам ўта профессионаллардан, Жейк ҳар



қандай кўринишдаги профессионализмни жини суймайди. У ўзидан ҳам нафратланиш учун ҳали жуда ёш, аммо биринчи қадам аллақачон ташланган: бу аччиқ уруғ бемаза мева бериши учун биров вақт керак.

Муюлишга етиб бориб, қўлида портфелини ушлаганча чорраҳада қаққайиб турибди. Кўча бўйлаб машиналар ғизиллаб елмоқда — оқ-кўк автобуслар, сариқ таксилар, «фольксваген»лар, юк машиналари. У бор-йўзи оддий болакай, бироқ иқтидори ўртачадан хийла юқори; кўз қири билан ўзини ўлдирган одамни кўришга улгуради. У одам бошдан-оёқ қора кийимга бурканган, Жейк унинг юзини кўрмайди, фақат ҳилпираб турган чакмон ва ўзига узатилган қўл ҳамда профессионалларча дағал табассумни кўради. Жейк қўлидан портфелини қўймай, машина йўлига йиқилди. У ҳайдовчининг қўрқув тўла юзини кўришга улгурди. Ҳайдовчи пат қадалган қорамтир кўк шляпали бизнесмен экан. Кимнингдир машинасида рок-н-ролл янграмоқда. Йўлнинг нариги тарафидаги тротуарда ёши қайтиб қолган аёл дод солиб қичқирмоқда. Аёлнинг бошида ҳеч қандай нафосатдан асар ҳам бўлмаган тўрли шляпа — у кўпроқ мотам маросимларида юзга тортиладиган тўрға ўхшаб кетаркан. Жейк ҳайронлик ва ўзи кўникиб қолган парокандаликдан бошқа нарса сезмайди — наҳотки ҳаммаси мана шу тарзда тугайди? Энди ҳеч қачон боулингда ўз кўрсаткичларини яхшилай олмайдими? Демак, иккига етмиш тарздаги кўрсаткичи сўнги марра экан-да? Йўлга

йиқиларкан, ўзидан икки қадам нарида янги ётқизилган асфальтнинг ёриқларига кўзи тушди. Портфели қўлидан учиб кетди. Бояги бизнесмен машинасида босиб кетганда, тиззалари ёмон шиллиндими-йўқми, шу ҳақда ўйлади. «Фаерстоун» шиналари кийдирилган 76-йилнинг кўк «кадиллаки». Машинанинг ранги ҳам эгасининг шляпаси рангида. Машина Жейкнинг қорнини ерга чалпак қилиб, белини синдиради. Оғзидан қон фаввора бўлиб отилади. Жейк бошини буриб, машинанинг ёниб турган орқа фараларини кўради. «Кадиллак» тормоз беради, ғилдираклари остидан тутун кўтарилади. Машина қора из қолдириб, портфелни ҳам эзиб ўтибди. Жейк бошини бошқа тарафга буриб, ўзининг тана­сидан бир неча қадам нарида чийиллаб тўхтаган катта кулранг «форд»га нигоҳи тушади. Қандайдир қора танли йигит, бу ўша арава­чада тузланган ўрама нон ва газ­ли сув сотувчиси бўлса керагов, унга то­мон ҳаллослаб келади. Қон Жейкнинг ҳамма ёғидан: бурнидан, кўзларидан, қулоқларидан, тўғри ичакларидан оқмоқда. Ичак-чавоғи бўтқа бўлиб ётибди. У ҳали ҳам зарда­си қайнаб, тиззамни ёмон шилдиммикин, деб ўйламоқда. Мактабга кечикишдан қўрқяпти. Энди ҳайдовчи ҳам айтиниб йиғлаганча югу­риб келмоқда. Қаердандир овоз келяпти. Шафқатсиз тақдирнинг ваҳимали, равон овози.

– Мен руҳонийман. Ўтказиб юборинг. Ка­лимасини келтириб олсин...



У қора чакмонни кўриб, даҳшатдан қотиб қолади. Бу ўша. Қора кийимли одам. Сўнги кучларини тўплаб, Жейк кўзини ундан олиб қочади. Қаердадир радиода «Кисс» рок гуруҳининг қўшиғи янграмоқда. Жейк ўзининг оптоқ, кичкина, парвариш қилинган қўлчаларининг асфальтни тирнаётганига кўзи тушади. У ҳеч қачон тирноқларини тишламаган.

Жейк қўлларига қараганча жон беради.

IV

Мерган оғир ўйларга ботиб ўтирарди. У чарчаганди, бутун бадани зирқираб оғирди, фикрлар миясида тошбақа тезлигида пайдо бўларди. Ёнида тиззалари орасига қўлларини олганча ажойиб болакай ухляпти. Болакай ўз ўтмишини хотиржам сўзлаб берди, тўғри, охирига бориб, «руҳоний» ва «сўнги калима»га келганда, овози қалтираб чиқди. Албатта, у на оиласи, на ўзининг ҳардамхаёллиги ҳақида оғиз очди, лекин барибир боланинг ҳикоясидан мерган ўзига кераклигини олди. Болакай тасвирлаган шаҳар йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган (афсонавий Лудни ҳисобга олмаса, албатта), лекин бу энг ғалатиси эмас. Мерган ҳазилакам ваҳимага тушдимиз?! Бинобарин, ҳикоя бошдан оёқ ваҳимали эди. Мерган булар нимани англа тишини ўйлаб кўришдан ҳам ҳайиқарди.

– Жейк?

– Ҳа.

– Уйғонганингда, айтганларингни эслаб қолишни истайсанми? Ёки унутмоқчимисан?

– Унутмоқчиман, – деди бола дарров. – Мен қонга ботиб ётардим. Қон оғзимдан отилиб чиқарди, қоннинг таъми шунақанги... э, хуллас, нажас егандай эдим худди.

– Яхши. Ҳозир сен уйғонасан, тушунарлими? Кейин ростакамига ухлайсан. Қани, ёт-чи.

Жейк қулоқ солиб ётди. Кўринишидан бирам мўмин-қобил, қўй оғзидан чўп олмаган. Бироқ мерган боланинг беозорлигига кўпам ишонавермади. Болада машъум, фалокатга етаклайдиган недир бор. Гўё бу навбатдаги тузоқ эди. Мерганни юракни зиқ қиладиган ҳиссиёт эзарди, лекин болага меҳри тушаётганди.

– Жейк?

– Тс-с. Ухламоқчиман. Ухлаяпман.

– Ҳа. Уйғонганингда, менга гапириб берганларингнинг барини унутасан.

– О'кей. Яхши.

Бола яна уйқуга кетди, мерган эса унга қараб ўзининг болалигини хотирлади. Хаёлан ўтмишга қайтиб, буларнинг барчаси ўзи билан эмас, вақтни ўзгартирувчи афсонавий кристаллдан ўтган ва бошқа одамга айланган киши билан содир бўлгандек туюлаверарди мерганга. Болалиги қўл чўзса, етгудек масофада тургандек. Отхона лоҳас қиладиган даражада дим, мерган яна бир хўплам сув ичди. Кейин ўрнидан туриб, иморатнинг ичкарисига юрди. Тўхтаб, қўралардан бирига назар ташлади. Бурчакда пичан боғламлари ва тартиб билан тахланган от жуллари ётибди. Лекин отнинг хиди келмасди. Отхонадан умуман ҳеч нарса-



нинг ҳиди келмасди. Офтоб ҳамма ҳидларни куйдириб ташлаган. Ҳаво топ-тоза.

Отхонанинг орқа қисмида мерган мойжу-возга ўхшаш зангламас пўлатдан ясалган қандайдир машина турган кичкина, қоронғи хонани топди. Машинага занг тегмаган, яхши ҳолатда экан. Чапда хромланган труба, унинг тагида қувур тешиги чиқиб турибди. Мерган авваллари ҳам бошқа қакроқ ерларда бундай насосларни кўрганди-ю, аммо бунақанги катта хажмдагисига дуч келмаганди. Аллақачонлар бандаликни бажо келтирган одамлар саҳронинг тагидаги грунт сувларига етиб боришлари учун қанчалик бурғилаб кавлашларини ҳатто тасав-вур ҳам қилолмасди.

Станцияни тарк этишаётганда насосни нега қолдириб кетишдийкин?

Иблислар сабаб бўлса керак бунга.

Ногоҳ мерган сесканиб кетди. Этлари жи-мирлади. Электр токининг йўналишини ўзгар-тирувчи асбоб ёнига бориб, «Ёқиш» тугмаси-ни босди. Механизм гуриллаб ишга тушди. Ча-маси ярим дақиқалардан сўнг трубадан тиник, муздек сув чиқиб, қувурга қуйилди. Труба-дан уч галлонча¹ сув чиқиб, насос бир черт-ки билан ўчиб қолди. Ҳа, қиёмат қойим каби муқаррар бу замон ва маконга ёт ваҳший ма-шина дунё ҳали ўз жойидан силжимаган дам-ларни лом-мим демай эслатиб турарди. Маши-на атом энергиясида ишлайди, шекилли, негаки минг чақирим ён-верда электр токи учрамас,

¹ Галлон — 4,54 литрли ўлчов бирлиги.

қуруқ батареялар эса аллақачон «ўтириб» қолган бўларди. Машинани «Шимолый Позитроника Маркази» номли компанияда ишлаб чиқаришган. Мерганга бу умуман ёқмади.

Мерган орқага қайтиб, бир қўлини чаккасига тираб ухлаб ётган боланинг ёнига ўтирди. Ёқимтой болакай. Мерган сувдан симириб, чордона қуриб ўтирди. Болакай саҳронинг ҳув, ўша чеккасига жойлашган ва қарғаси бор (Золтан, мерган дафъатан қарғанинг лақабини эслади, Золтан эди қушнинг номи) кўчманчи каби вақт ҳиссини буткул йўқотганди, аммо қора кийимли одам, шак-шубҳасиз, яқин атрофда. Қора кийимли одамга энди етай-етай деганда, навбатдаги тузоқни қўйиб кетмадимикин, деган ўй-фикрга мерган биринчи марта келгани йўқ. Мерган фанимининг ногорасига ўйнаётгани тайин. Фанимлар юзма-юз учрашганда, нима бўлишини тасаввур қилишга уринди-ю, барибир эплолмади.

Мерган ўлгудай қизиб кетди, лекин қолганига чидаса бўлади. Унинг хаёлида бояги болалар қўшиғи янгради, бу сафар онаси ҳақида эмас, ўқ ва тоғу тошлардан юзлари чандик бўлган Корт ҳақида ўй суриб кетди. Чандиклар уруш ва ҳарбий ҳунарнинг тамғаларидир. «Қизик, – деб ўйлади мерган, – Кортнинг севгани бўлганмикин? Худди ўзининг чандикларига ўхшаш катта муҳаббати бормиди? Йўқ. Бу эхтимолдан холи». У Сюзан, онаси, саёқ, чаласавод сеҳргар Мартен ҳақида ўйлади.

Мерган ўтмиш хотираларига берилишни ҳуш кўрадиганлар тоифасидан эмасди; агар сал



камроқ хиссиётга берилиб, келажакни олдиндан кўра олмаганда эди, тепса-тебранмас тўнка бўларди-қоларди. Устига устак, жуда хавфли тўнка бўларди. Мана шунинг учун ҳам хаёлига қўққисдан келиб қоладиган фикрлардан ўзи ҳам хайратга тушарди. Хотирасида тикланган ҳар бир янги исм бошқасини эслатарди: Катберт, Алан, овози қалтироқ кекса Жонас ва тагин дераза ёнида турган Сюзан. Шу каби ўй-хаёллар уни Сюзанга, Қиялик номи билан машҳур бўлган ўнқир-чўнқир текисликка ҳамда Тоза дарё бўйларида сувга тўр ташлаган балиқчиларга етакларди.

Таллик тапёр (бошқа талликлар сингари у ҳам мерганнинг ўқидан ўлиб ётибди) ҳам Межисда эди. Шеб эски қўшиқларни жон-дилидан яхши кўрар, бир замонлар бу қўшиқларни «Йўловчилар қўналғаси» номли карвонсаройда куйлаб берганди. Мерган оҳангни бузиб хиргойи қилди:

*Муҳаббат, о беғам муҳаббат,
Қарагин, нималар қилиб қўйдинг сен.*

Сўнг ҳузурланиб табассум қилди. «Мен яшил водийлар, ёрқин ранглар дунёсидан бўлганларнинг сўнггисиман». У кадрдон эски дамларни кўмсади. Йўқ, у ўзига ачинмасди. Дунё тошбағирлик-ла жойидан қўзғалди, бироқ унинг оёқлари юришдан бош тортганича йўқ. Қора кийимли одамга ҳам яқинлашиб қолди. Мерган мудрай бошлади.

V

Кўзини очганда, қош қорайган, бола эса жойида йўқ эди.

Мерган ўрнидан тураётганди, бўғинлари қирсиллаб кетди. Отхонанинг эшиги ёнига келди. Қоронғуликда карвонсаройга кираверишдаги эшик тепасида ёруғлик милтиллайди. Мерган ўша ёққа йўналди. Унинг узун, қоп-қора сояси шафақнинг қизғиш нурларида яна-да чўзилиб кетди.

Жейк керосин лампани ёқиб ўтирарди.

– Уйнинг ичида қолган мойчироқларни ёқишга қўрқдим, – деди бола.

– Тўғри қилибсан. – Мерган ерга чўкди, тагидаги кўп йиллик чанга эътибор қилмади. Чироқнинг шуъласи боланинг юзига қизғиш тус бериб турарди. Мерган тамакидонини олиб, папирос ўради.

– Хангомалашиб олишимиз керак, – деди мерган.

Жейк бош ирғади, «хангомалашиш» сўзи кулгисини қистатди.

– Ҳойнаҳой, сен бу ерда кўрган ўша одамни қуваётганимни англагандирсан?

– Уни ўлдирмоқчимисиз?

– Билмадим. Унинг оғзидан бир гапни суғуриб олишим керак. Бир жойга мени олиб боришига мажбур қилишим ҳам керак.

– Қаёққа?

– Минорага, – деб жавоб берди мерган. У керосин чироқнинг очиқ жойига папиросини тикиб, чуқур тортди. Оқшомги елвизак тутунни бир тарафга олиб кетди. Жейк тутунга қараб



қолди. Боланинг юзида на қўрқув, на қизиқиш, на ҳайрат акс этарди.

– Эртага кетсам керак, – деди мерган. – Сен ҳам мен билан кетишинга тўғри келади. Гўштан яна борми?

– Оз-моз.

– Маккажўхори-чи?

– У ҳам оз қолган.

Мерган бош силкиб қўйди.

– Бу ерда ертўла борми?

– Ҳа. – Жейк мерганга боқди. Унинг кўз қорачиқлари катта-катта бўлиб кетди. – Ертўла очик, полдан ҳалқасини тортсангиз бас, лекин мен пастга тушмаганман. Пиллапоя синиб кетишидан қўрқдим, йўқса, қайтиб чиқолмайман-да. Ертўладан бадбўй хид келади.

– Эртага тонг азонлаб туриб, бир кунимизга яраши мумкин бўлган ашқол-дашқолларни қараб кўрамиз. Кейин аста йўлга чиқамиз.

– Яхши. – Бироз жим тургач, бола қўшимча қилди: – Ухлаётганингизда сизни ўлдирмасдан яхши иш қилибман. Бу ерда учли-учли паншахалар топилади... Аммо-лекин мен бу ишни қилмадим, энди қўрқмасдан ухлайвераман.

– Нимадан қўрқдинг?

Бола қовоғини уйиб мерганга қаради.

– Арвоҳдан. У яна тағин келиб қолишидан қўрқдим.

– Қора кийимли одам?

– Ҳа, ўшандан. У ёмонми?

– Бу қайси тарафдан қаралишига боғлиқ, – мерган туриб, папирос қолдиғини ерга ташлади. – Майли, бориб ухлай.

Бола уялинқираб бошини кўтарди.

– Сиз билан отхонада ётсам майлими?

– Албатта.

Мерган осмонга боққанча, зинапояда туриб қолди. Бола унинг ёнига келди. Ҳов, ана, Кекса Юлдуз, манавиниси Кўҳна Она. Дафъатан мерганга кўзларини юмса, кўкламги қурбақаларнинг илк қуриллашини эшитадигандай, ям-яшил майсаларнинг исини туядигандай, шом пайти бир сидра ҳарир кўйлак кийган аслзода хонимларнинг копток ўйнагани чим устига чиқишларини кўрадигандек туюлди. Шохдеворнинг тешигидан кириб, уни, яъни мерганни отда сайр қилишга чақираётган Катберт ва Жеймини яққол кўргандай бўлди...

Гапнинг ўфил боласини айтганда, ўтмиш хотираларига бунчалик кўп берилиш мерганга хос хусусият эмас.

Мерган ўгирилиб, чирокни олди.

– Юр, ухлаймиз, – деди у болага.

Улар икковлашиб отхонага киришди.

VI

Каллаи сахарлаб мерган ертўлани текширишга тушди.

Жейк ҳақ экан: ертўла кўнгилни ағдарар даражада сасирди. Ундан ботқоқнинг қўланса ҳиди келарди. Мерган ертўлани очганда, чириган карам, шолғом, картошканинг гуп этган бадбўй ҳидидан боши айланиб, қайт қилиб юборди. Пиллапоя мустаҳкам кўринди. Пастга тушди.

Ертўланинг шифти пастлигидан мерган бошини уриб олай деди. Пастда ҳали-ҳамон эшак-



дай-эшакдай улкан ўргимчаклар яшаркан. Бир хилларининг кўзлари оёқларида, бошқаларида ўн олтиадан оёқ.

Мерган кўзи қоронғуликка ўргангунча тек турди.

– Ҳаммаси жойидами? – деб қичқирди Жейк диққати ошиб.

– Ҳа. – Мерган диққатини ичкари бурчакка қаратди. – Бу ерда қанақадир банклар бор экан. Консервалар. Шошмай тур.

Мерган эгилиб, ўша томонга юрди. Бурчакда алмисоқдан қолган, гулқоғозлари юлиб олинган қутилар турар, уларнинг ичидан яшил ловия, нўхот ва димлаб консерваланган банклар чиқди.

Мерган қучоғига сиққанча банкани олиб, пиллапояга қайтди. Ўртасигача чиқиб, банкларни Жейкка узатди. Кейин қолганларини олиш учун ортга қайтди.

Учинчи марта бориб келаётганда, деворнинг ортидан аллақандай ингроқ овозни эшитди.

Мерган аланглаб, ваҳимага тушди. Бадани бўшашиб, саросималаниб қолди.

Ертўланинг деворлари қумтошлардан қилинганди, йиллар давомида бу қумтошлар айқашуйқаш бўлиб, текислашиб, қум блокларда аллатовур иероглифлар ҳосил бўлганди. Деворнинг бир жойидан қум шиғиллаб тўкилар, гўё нариги томондаги сахро ичкарига отилиб кирмоқчидай эди.

Ингроқ яна янгради. Бу сафар кучлироқ. Бутун ертўла ақл бовар қилмас, мудҳиш оғриқ ингроқларига тўлди.

– Тепага чиқинг! – деб бақирди Жейк. – Э, Худойим, жаноб, тезроқ чиқинг!

– Люкдан нари қоч, – деб буюрди иложи борича хотиржамлик билан мерган. – Ташқарига чиқиб, сана. Икки... йўқ, уч юзгача санагунинггача чиқмасам, орқангга қарамасдан қоч.

– Тезроқ тепага чиқинг! – тагин бақирди Жейк.

Бу сафар мерган жавоб бермади. Ўнг қўли билан тўппонча қинини ечди.

Девордаги тешик тангадек бўлди. Бостириб келаётган кўрқув ичра мерган Жейкнинг узоқлашаётган қадам товушларини илғади. Сўнгра кум тўкилиши тўхтади. Ингроқ ҳам тинди, аммо оғир-оғир нафас эшитилди.

– Кимсан? – деб сўради мерган.

Жавоб йўқ.

Роланд саволини Олий лаҳжада такрорлади – дадил овозида бурунги замонлардаги амр-фармо янгради:

– Кимсан, эй, иблис? Тилга кир. Вақтим зиқ, сабр-тоқатим ҳам дош бермайди.

– Шошилма, – девор ортидан оғир-босиқ садо янгради.

Мерган мудҳиш даҳшат ҳисси тобора қонқонига сингиётганини сизди. Овоз бир пайтлар Таллда бирга бўлган аёл – Элисники эди. Лекин Элис ўлган-ку. Уни ўз қўллари билан отиб ташлаганди. Пешанасидан дарча очилиб, ерга қулаганини ўз кўзлари билан кўрганди. Мерган ўзини тубсиз жарга қулаётгандек ҳис қилди.

– Шошилма, мерган, йўқса, излаётган одамнингнинг ёнгинасидан ўтиб кетиб, доғда қола-



сан. Тахиндан ҳам эҳтиёт бўл. Бола сен билан экан, қора кийимли одам сенинг жонингни қўлида чангаллаб туради.

– Бу билан нима демоқчисан? Тушунтир!

Нафас олиш тинди.

Мерган жойидан жилолмай, бир неча сония туриб қолди. Кулранг ўргимчаклардан бири мерганнинг қўлига тушди ва тезда елкасига ўрмалаб чиқди. Мерган беихтиёр бақириб юбориб, ўргимчакни қўлидан силкитиб туширди ва деворнинг ёнига борди. Бундай қилмоқчи эмасди-ю, лекин тарки одат – амримаҳол. Мархумнинг берганидан қайтма, дейилади қадимги мақолда. Фақатгина ўликлар ҳақиқий башоратни сўйлашади. Мерган тешикни муштлаб катталаштириб, қўлини ёриққа тикди.

Қўли қаттиқ бир нарсага тегди. Уни тортгани, суяк бўлиб чиқди. Пастки ва юқори қисмлари уланган жойи чирий бошлаган жаф суяги. Қийшиқ-сийшиқ тишлар ҳар томонга диккайиб турарди.

– Майли, – деганча мерган суякни орқа чўнтагига яшириб, пиллапоядан охирги консерва банкаларни қучоқлаб чиқди. Ертўла оғзини очиқ қолдирди. Офтоб тушиб, ўргимчакларни жизғанак қилсин.

Жейк уни ҳовли ўртасида кутиб турарди. Мерганни кўриб, икки қадам ортига тисарилди, кейин кўзларида ёш билан унга отилди.

– Ҳалиги нарса сизни... сизни тутиб олди, деб ўйлагандим...

– Йўқ, тутолмади. – Мерган болани маҳкам бағрига босди. Бағрида боланинг иссиқ юзини,

белидан маҳкам қучоқлаган қўллари тафтини ҳис этди. Кейинчалик мерган ушбу дамни эслаб, болага чинакамига меҳри тушганига иқроор бўлди. Ҳа-да, ҳаммаси шундай режалаштирилган. Ҳаммасини қора кийимли одам уюштирган. Меҳр-муҳаббат тузоғига тенг келадиган тузоқ борми аслида?

– Ҳалиги иблисмиди? – сўради бола.

– Ҳа. Гапирадиган иблис. Ертўлага бошқа тушмаймиз. Юр, тезроқ кетайлик.

Улар отхонага киришди. Мерган кеча топган от ёпинчиқларини бўҳча қилиб тугди. Жул иссиқ, қичиштирадиган эди, лекин на илож, бошқа ёпинчиқ йўқ-да. Сўнг мешларини сувга тўлдирди.

– Битта мешни сен кўтариб оласан, – деди у Жейкка. – Елкангга мана бундай қилиб иламуз. Кўрдингми?

– Ҳа. – Бола мерганга миннатдор кўзлари билан боқди, дарров елкасига мешни илиб олди.

– Оғирмасми?

– Йўқ. Бинойидай.

– Тўғриси айт. Ҳозирок. Агар офтоб уриб қўйса, сени опичлаб кетолмайман.

– Хотиржам бўлинг. Ҳаммаси о'кей бўлади.

Мерган «маъқул» дегандай бош ирғади.

– Биз ҳув, анави тоғлар томон кетамизми?

– Ҳа.

Улар ловуллаган иссиқда йўлга тушишди. Мерганнинг тирсагидан келадиган Жейк ўнг томондан, сал олдинда кетарди. Хом теридан ишланган қайиш билан боғланган меш боланинг болдиригача осилиб тушган. Мерган иккита



мешни елкасига чалиштириб осиб, озиқ-овқат захирасини қўлтиғига қистириб, ёпинчикни чап қўлида, ўнг қўлида эса ўқ-дори тўлдирилган йўлхалтасини кўтариб олганди.

Икковлон станциянинг орқа дарвозасидан ўтиб, катта йўлга чиқиб олишди. Ўн беш дақиқача йўл босишгач, Жейк ўгирилиб, тобора ортда қолаётган икки иморатга қўл силкиди. Иморатлар чексиз сахро бағрида бир-бирига интилаётгандек туюларди.

– Алвидо! – деб кичқирди Жейк. – Хуш қолинглар! – Кейин мерганга ўгирилиб: – Бизни кимдир кузаётгандек бўляпти.

– Эҳтимол, шундайдир.

– Орқада кимдир яшириниб олганми? Шу пайтгача ўша ердамиди?

– Билмасам. Э, йўқ, адашяпсан.

– Балки орқага қайтиб текшириб кўрармиз...

– Йўқ. Кетдикми – кетдик.

– Яхши, – деди бола.

Улар олға кетаверишди. Йўл четларида қум уюмлари дўмпайиб чиқиб қоларди. Мерган ортига ўгирилганда, станция кўздан ғойиб бўлганди. Чор атроф эса нуқул сахродан иборат эди.

VII

Станцияни тарк этишганидан буён уч кун ўтди. Пурвиқор тоғлар яқинлашиб қолгандай туюлар, олдинда сахро қир-адирга эврилиб бораётган эса-да, бу алдамчи тасаввур бўлиб чиқаверарди.

...Ниҳоят, илк яланғоч тоғ ёнбағирлари. Ер пўстлоғини ёриб чиққан улкан тоғ жинс-

лари. Сал тепароқда ер яна текислашди ва йиллар давомида бўлмаса-да, узоқ ойлардан сўнг мерган илк бор чинакам табиатнинг яшил мўъжизасига дуч келди. Майсалар, пастак қорақарағайлар, яна тагин толлар. Уларни тоғ чўққиларидаги музликлардан оқиб тушувчи сой озиқлантирарди. Бу ёғига яна учлари қорли қалпоқ кийган бахайбат қоялар савлат тўкиб турарди. Сўл томонда тоғнинг марказини дара кесиб ўтганди. Дара ясси тоғлар, адл тупроққўрғонларга олиб борарди. Бу тепаликлар устида ёмғир пардаси осилиб турарди. Кечқурун ухлашдан олдин Жейк йироқларда ярқ этган оқ ва бинафшаранг чақмоқларга маҳлиё бўлиб ўтирди.

Бола ўзини бардам тутди. У чидамли чиқиб қолди, аммо энг асосийси, у чарчоқни сабр-бардош ила енга оларкан; мерган боланинг бу қобилиятини яхши хислат сифатида қадрлади. Жейк кам гапирар ва сира савол бермасди. Ҳатто нафас ростлаш учун тўхтаб, мерган чўнтагидаги жағ суюгини қўлида айлантирганида ҳам бу ҳақда сўрамади. Мерганда уларнинг дўстлиги болага хуш келаётгандай тасаввур пайдо бўлди. Балки бу йигитчани завқлантираётгандир ҳам. Мерганни шу нарса хавотирга соларди. Бола унинг йўлида бекорга пайдо бўлмаган. Бу атайлаб уюштирилган. Бола ёнингда кетар экан, қора кийимли одам жонингни қўлида ушлаб туради — Жейкнинг мергандан қолишмай йўл босиши машъум келажак ҳақида ёмон хаёллар уйғотарди Роландда.

Улар олға йўл босишар, қора кийимли одам бир хил масофада қолдирган гул-



хан ўринларига дуч келишарди. Мерганда бу гулханлар яқиндагина ўчирилгандай тасаввур пайдо қилди. Учинчи тунда мерган узоқдан — тоғнинг илк камарида аланга ёлқинини кўрди. Бу дамни мерган қанчалик орзиқиб кутгани, лекин энди у негадир севинмасди. Бирданига хаёлига Кортнинг мақолларидан бири келди: «Оқсоқланаётгандан огоҳ бўл».

Тўртинчи куни чамаси соат иккиларда Жейк қоқилиб кетиб, сал қолса, йиқилиб тушай деди.

– Қани, кел, ўтирамиз, – деди мерган.

– Йўғ-е, ҳеч нарса бўлгани йўқ.

– Ўтир, дедим сенга.

Бола индамай ўтирди. Мерган болага соясини ташлаб чўккалади.

– Ич.

– Чанқаганим йўқ...

– Ич!

Бола уч хўплам ичди. Мерган жулнинг бир четини хўллаб, Жейкнинг қизиб турган пешанаси ва қўлларини артди.

– Энди ҳар куни шу вақтда дам олиш учун тўхтаймиз. Ўн беш дақиқага. Мизғиб олмайсанми?

– Йўқ.

Бола хижолат бўлиб мерганга қаради. Мерган унга майин табассум билан жавоб қилди. Мерган ўйлаб ўтирмай патронташидан битта ўқ олиб, бармоқлари орасида айлантира бошлади. Бола жоду қилингандай ўққа тикилди.

– Ажойиб, – деди бола.

Мерган бош силкиб қўйди.

– Бўлмасам-чи, – деди мерган. – Сендайлигимда атрофи девор билан ўралган шаҳарда яшардим. Сенга сўзлаб бермаганмидим?

Бола уйқусираб бош чайқади.

– Шундай қилиб, у ерда бир одам бор эди. Ёвуз одам...

– Ҳалиги рухонийми?

– Тўғриси айтсам, ўзимга ҳам шундай туюлади. Агар улар иккита бўлса, демак, улар ака-ука. Ёки эгизакдир. Лекин мен уларни сира бирга кўрмаганман. Хулласи калом, ўша ёвуз одам... ўша Мартен... Мерлинга ўхшаган афсунгар эди. Сен келган томонларда Мерлинни билишадими?

– Мерлин, кирол Артур ва Юмалоқ стол рицарлари, – деб бўлдиради Жейк.

Мерганнинг эти жимирлаб кетди.

– Ҳа, сен ҳақсан. Ҳақ гапни айтганинг учун раҳмат. Артур Эльд. Мен жуда-жуда ёш эдим...

Бироқ болакай қўлларини тиззасига қўйганча ухлаб қолганди.

– Жейк?

– Ҳа!

Гарчанд бола энг оддий сўзни айтган бўлсада, мерган бирдан ваҳимага тушди. Лекин кўрққанини билдирмади.

– Бармоғимни чертганимда, уйғонасан ва тетик-бардам бўласан. Тушундингми?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, ёт.

Мерган тамаки халтасини олиб, папирос ўради. Уни нимадир етишмаётгандай дилгир ҳис тарк этмасди. Нималигини англаш учун

роса ўйлади ва ниҳоят, англади: ҳар бир онда йўлдан адашиши, оқибатда узоқ вақт таъқиб қилган одами бутунлай ғойиб бўладигандай ва йўқликка олиб борувчи тобора хира тортаётган из қоладигандай ақлдан оздирмиш ҳовлиқиш ва ваҳима йўқолганди. Аста-секин мерганнинг қора кийимли одам унга етиб олишларини хоҳлаётганлигига бўлган ишончи орта борди. Ўзини чўлоқликка солаётгандан эҳтиёт бўл.

Энди нима бўлади?

Савол мерганда қизиқиш уйғотиши учун ўта мужмал эди. Мана, масалан, Катбертни бу савол ғоят қизиқтирган бўларди (мархум ҳатто бу ҳақда зўр латифа ҳам тўқиган бўлармиди), аммо Катберт йўқ, Тақдир Бурғуси ҳам йўқ. Мерганнинг олға юришдан бошқа иложи йўқ. Бошқа чорасини ҳам билмайди.

Мерган тутун бурқситиб, болага тикилганча, ҳамиша қувноқ Катбертни (бояқиш ҳатто ўлаётганида ҳам кулиб жон берди), умрида тишининг оқини кўрсатмаган Кортни, ахён-ахёнда юракка ғулғула солувчи табассум қиладиган Мартенни ёдга олди. Яна тагин лочинни эслади. Лочинни эски афсонадаги сопқон кўтарган йигитчанинг шарафига Давид деб аташганди. Давид юракка ваҳима солиб ўлдиришу тилкапора қилишдан ўзгасини билмасди, бунга мерган зигирча шубҳа қилмасди. Мерганнинг ўзи ҳам ўша лочиндан қолишмайди. Давид ҳаваскор эмасди: у марказий етакчи ўйинчилар каторида эди.

Лекин сўнгига келиб ундан ҳам ном-нишон қолмади.

Юрагига санчиқ кирди, аммо мерган ҳатто киприк қоқмади. Папиросидан чиқаётган тутун сахронинг жазирамасида тарқалиб кетишини кузатаркан, ўй-хаёллари ўтмиш пучмоқларига қайтди.

VIII

Оқ, тип-тиник оппоқ осмон, ҳавода ёмғир иси сузиб юрибди. Шохдевор барг ёзиб, тева-рак атрофга ёқимли ифор таратмоқда. Кўклам охири. Янги Ер фасли кириб келмоқда.

Давид Катбертнинг кўлида ўтирарди — тил-ларанг кўзлари бўшлиққа қадалган кичкина қирғин қуроли. Хом теридан ишланиб, лочин-нинг оёқларига боғланган қайиш Бертнинг кўлига сиртмоқ қилиб ўралган.

Корт иккала боладан чеккада ўтирарди — эғнида йиртиқ-ямоқ тери иштон, пахта кўйлак, белида кенг аскарча қайиш. Яшил кўйлаги шохдеворнинг яшил япроқлари ҳамда ҳали хонимчалар ўйинларига киришмаган орқа ҳовлидаги чимнинг яшиллиги ила бирлашиб кетганди.

– Шайлан, – деб шивирлади Роланд Катбертга.

– Биз тайёرمىз, – деди дадилланиб Катберт. – Тўғрими, Дэви?

Улар бир-бири билан қуйи лаҳжада — идиш юувчилар ва заминдорларнинг умумтилида гаплашишарди; бегоналарнинг қаршисида ўз тилларида сўзлашишларига ҳали-вери фурсат келмайди.

– Бунақанги иш учун жуда боп кун бўляпти-да. Ёмғир ҳидини сезяпсанми? Бу...



Корт қўлидаги қафасни бирдан очиб юборди. Каптар қафасдан питирлаб чиқиб самога кўтарилди. Катберт қайишни тортди, лекин шошиб қолди: лочин аллақачон ҳавога кўтарилганди, аммо-лекин парвози бироз ўхшамади. Қанотларини кескин силкитиб, лочин ўзини ўнглаб олди. Ўқдай тезлик-ла лочин кўтарилди бошлади. Мана, у каптарнинг тепасида.

Корт болалар ёнига илдам юриб келиб, Катбертнинг қулоғи тагида шўрва қайнатди. Бола лаблари буриша бошлаган бўлса-да, миқ этмади. Қулоғидан қон оқиб, майсаларга томди.

– Оғзинг анқайиб, писсайиб ўтираверасанми?!

Катберт ўрнидан туришга уринди.

– Афв этгайсиз, Корт. Мен шунчаки...

Корт яна мушт қўйди. Катберт йиқилди. Бу гал қон кўпроқ оқа бошлади.

– Олий лахжада гапир, – деди Корт. Унинг овози бироз равон, кекса пиёнистага хос хириллаб чиқди. – Ўз айбинга иқроп бўлиб, кечирим сўрамоқчи экансан, ўз жонларини қурбон қилган ва сен ҳеч қачон тенглашолмайдиган юртдошларинг тилида тавба қил, чурвақа.

Катберт ўрнидан турди. Кўзлари ёшланди, лекин лаблари пирпирамай, нафратни ифодалаб қимтилди.

– Мен чуқур афсусдаман, – деди Катберт иложи борича ўзини қўлга олиб. Нафаси бўғзига тиқилди. – Бир кун келиб револьверлари мақтовга савозор бўлгувчи отамнинг юзини шувут қилдим.

– Бу бошқа гап, мишиқи. Қилган хатоингни яхшилаб ўйлаб кўр ва фикрингни очлик билан тиниқлаштир. Кечлик ва нонушта бекор қилинади.

– Қаранглар! – деб кичқирди Роланд осмонга қўлини нуқиб.

Каптар узра парвоз қилаётган лочин баҳорнинг тип-тиниқ очик ҳавосида қотиб қолди. Кейин қанотларини йиғиштириб, пастга тош бўлиб қулади. Икки қушнинг танаси чирмашиб кетди ва Роланд сониялар ичида ҳавода қон рангини кўргандай бўлди. Лочин ғалаба қилганини ифодалаб қисқа қийқириб қўйди. Каптар типирчилаб ерга қулади. Роланд Кортни ҳам, Катбертни ҳам унутиб ярадор қушга отилди.

Лочин ўзидан мамнун бўлиб ўлжасининг ёнига қўнди ва каптарнинг оппоқ тўшини тилка-пора қилишга тушди. Бир неча патлар ҳавога учди ва секин майсага тушди.

– Давид! – деб кичқирди бола ва ов халтасидан бир бўлак қуён гўштини олиб, лочинга ирғитди. Лочин гўштни ҳавода илиб олди. Бошини орқага ташлаб, гўштни ютиб юборди. Роланд қайишни қушнинг оёғидаги тушовга уламоқчи бўлди.

Лочин эпчиллик билан чап бериб, Роланднинг қўлини ўйиб олди. Сўнгра ўлжасига ўгирилди.

Роланд қўлидаги ярасига эътибор бермай, чарм қўлқоп кийиб, лочиннинг ўткир тумшугига сиртмоқ солди. Роланд Давидга яна бир парча гўшт бериб, бошига қопчиқ кийгизди. Лочин итоаткорона унинг қўлига ўтирди.



Йигитча мағрурланиб, қаддини ростлади.

– Қўлингга нима қилди? – сўради Корт Роланднинг қўлидаги қон оқаётган ярага ишора қилиб. Роланд мушт ейишга тараддудланиб, додлаб юбормаслик учун тишини тишига босди. Бироқ Корт негадир уни урмади.

– Давид мени чўқиб олди, – деди Роланд.

– Жахлини чиқаргансандир-да, – деб тўнғиллади Корт. – Лочин сендан қўркмайди, йигитча. Лочин – бу Тангрим яратган мергандир.

Роланд жимгина Кортга боқди. У бой тасаввурга эга эмасди ва агарда Корт бу гапи билан қандайдир панд-насихат қилмоқчи бўлган эса, Роланд уни уқиб олмаганди. Йигитча воқеа-ходисаларга бармоқ орасидан қарар ва буниси ҳам Кортнинг навбатдаги аҳмоқона ҳикмати деб ўйлади.

Катберт уларга яқин келиб, устози тескари турганидан фойдаланиб, Кортга тилини кўрсатди. Роланд кулмади, шунчаки ошнасига секин бош ирғаб қўйди.

– Энди эса туёғингни шиқиллат. – Корт Роланддан лочинни олди ва Катбертга ўгирилди: – Сен эса, чурвақа, хатоларинг устида бош қотириб кўр. Рўзангни ҳам ёдда тут. Бугун кечқурундан то эртага тушгача.

– Ҳа, – деб жавоб қилди Катберт. – Ташаккур, устоз. Бугунги кун мен учун жуда ибратли бўлди.

– Ҳа, жуда ибратомуз, – деб тасдиқлади Корт. – Фақат тилинг негадир устозинг тескари қараши билан ташқарига чиқиб кетаради. Лекин мен бир кун келиб ҳаётда ўз

ўринларингни топишларингга бўлган умидни сўндирмайман.

Корт Катбертнинг қаншарига мушт туширди. Роланд зарбдан пақ этган товушни эшитди. Катберт майсазорга чалқанчасига йиқилди. Кўз олди қоронғилашиб, сўнг тез орада ўзига келди ва устозига хўмрайиб қаради. Ўт чақнаётган нигоҳидаги нафратни яшириб ўтирмади; кўз қорачиқлари иккита нишга айланди. Кейин Катберт бош ирғаб қўйди. Лабларида заҳарханда кулгу ўйноқлади.

– Нима ҳам дердим, сендан ҳали умид қилса бўлади, – деди Корт. – Фурсат етганини англаганингда, олдимга келасан, тирмизак.

– Буни қаёқдан билдингиз? – деб сўради Катберт тишлари орасидан.

Корт Роландга илқис бурилганди, бола сал қолса чўчиб тушарди. Яхшиямки, сапчиб тушмагани, йўқса, майсаларни қонга белаб, барра майсада дўстининг ёнида ётган бўларди.

– Сенинг кўзларингга манави мишиқининг аксини кўрдим, – деб тушунтирди Корт. – Ёдингда сақла, Катберт Оллгуд. Бу бугунги энг сўнгги сабоқ.

Катберт ҳамон юзидаги заҳархандалик билан бош силкиди.

– Чуқур афсусдаман, – деди у. – Мен унутибманки...

– Оғзингни юм! – деб унинг сўзини бўлди Корт. – Энди кетинглар. – Корт Роландга ўгирилди. – Икковларинг ҳам. Агар сенларнинг аҳмоқона башараларинг яна бир дақиқа кўз ол-



димда турадиган бўлса, шу ернинг ўзида қайт қилиб юбораман.

– Кетдик, – деди Роланд.

Катберт бошини чайқаб, ўрнидан турди. Корт кетиб бўлганди. Унда аллақандай ибтидоий одамнинг кучи бор эди. Қиртишлаб олинган кал боши офтобда ярқиради.

– Ифлосни ўлдираман, – деди Катберт нафрат билан. Пешанасида ғоз тухумидай шиш пайдо бўлганди.

– Йўқ. Сен уни ўлдирмайсан, мен ҳам, – деди Роланд бирдан тиржайиб. – Мен билан овқатланишни истайсанми? Ғарбий ошхонада. Ошпаз бизга ғажишга ул-бул берар.

– У Кортга айтиб беради.

– У Корт билан унчалик чиқишмайди. – Роланд кифтини учирди. – Айтганда ҳам нима?

Катберт жавобан мийиғида кулиб қўйди:


– Ҳай, майли. Кетдик. Биласанми, агар сенинг бўйнингни қайириб, каллангни тескари қилиб қўйишса, олам гулистон бўлармиди деб, ҳадеб ўйлайвераман.

Улар биргалашиб яшил майсазордан юришди. Икковлоннинг соялари охирлаб бораётган баҳор кунининг шаффоф нурида чўзилиб кетди.

IX

Ғарбий ошхонадаги ошпазни Хакс деб аташарди. У оппоқ пешбанди ифлос, башараси қоп-қора эркак эди. Унинг аждодлари ярми қора, ярми сариқ, яна бир қисми эндиликда

деярли унут бўлган қитъа (негаки, дунё ўз ўрнидан силжиди) — Жанубий ороллардан, яна бошқалари Худо билади қанақа қондан экан. Ошпаз ўзини жиддий тутар ва шошилмай баланд-баланд шифтлари ис ва тутунга тўлган ғарбий ошхонанинг учала биносида эртақларда халифалар кийиб юрадиган каттакон шиппакларини шип-шип қилиб, у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Хакс болалар билан тез тил топишадиган, худди бирон бир йирик битим қўл бериб сиқишиб кўришиш билан тугайдигандек, одамни маҳкам қучоқлаб оладиганлар тоифасидан эди. У ҳатто револьвер йўлини танлаган ва бошқа болалардан ажралиб турадиган — қайсидир маънода бераҳм, хавфли бўлган болаларни ҳам суйиб-эркаларди. Булар ҳам оддий болалар. Катберт Хакс ошхонасида зимдан қорнини тўйдирган Кортнинг биринчи шогирди эмасди. Айни дамда Хакс ўзининг улкан электрплитаси олдида турарди. Қалъада бошқа электр ускуналари бўлса-да, фақат олтитасигина ишларди. Ошхона Хакснинг қироллиги, ажралмас отамероси эди. У икки болакай гўштли қайлани пок-покиза туширишаётганини кузатганча, тўла ҳуқуқли хўжайиндек плита олдида турарди. Ошхонанинг учала биносида буғ ичра ошпаз аёллар ва болалар, қора ишчилар у ёқдан-бу ёққа зир югуришарди: қозон-товоқни тарақ-туруқ қилиб, жаркопни аралаштиришар, картошка ва бошқа сабзавотларни арчишарди. Хира ёритилган ошхонада юзлари салқиган, сочлари пала-партиш фаррош хотин хўл латтали полювгич билан судралиб юрарди.



Идиш ювадиган хонадан бир бола сарой қўриқчиси бўлмиш зобитни етаклаб, Хаксинг олдига югуриб келди.

– Мана шу сиз билан гурунглашмоқчи эди.

– Яхши. – Хакс қўриқчига бош ирғади, у ҳам жавобан бош силкиди. – Болалар, сизлар эса, – ошпаз Роланд ва Катбертга мурожат қилди, – Мэггининг олдига боринглар. У сизларга пирог беради. Кейин бу ерда арвоқларинг ҳам қолмасин, сизлар сабаб бошим балога қолишини истамайман.

Болалар унинг охирги гапини кейинроқ эслашади: «...сизлар сабаб бошим балога қолишини истамайман».

Болалар итоаткорона бош силкиб, Мэггининг олдига кетишди. Мэгги болаларга худди қутурган итларга суяк ташлагандай юрак ховучлаб ликопда пирог берди.

– Юр, зинапояга борамиз, – деб таклиф қилди Катберт.

– Кетдик.

Улар терчилаган тош устунларнинг ортига ўтиб, пирогни ошалаб ейишга тушишди. Бу томондан уларни ҳеч ким кўрмасди. Улар зинапоя устунлари орасига тушган кимларнингдир кўланкаларини дарров пайқашмади. Роланд Катбертнинг қўлидан ушлади.

– Бу ердан кетайлик. Кимдир келяпти.

Катберт бошини кўтарди. Мева шарбати чапланган юзида саросима аломатлари кўринди.

Соялар тек қотиб қолди, булар Хакс ва сарой соқчиси эди. Болалар жойларидан силжи-

май ўтираверишди. Агар сал қимирлашса, икковини ҳам пайқаб қолишлари мумкин.

– ... бизнинг марҳаматли дўстимиз, – деб гапини тугатди соқчи.

– Фарсонми?

– Икки ҳафтадан сўнг, – жавоб берди соқчи. – Балки, уч ҳафтадан кейиндир. Сен биз билан боришингга тўғри келади. Товар юк омборида... – Шу чоқ ошхонадан идиш-товоқнинг қасир-қусур синган товуши эшитилди, идиш-товоқни тушириб юборган қўпол дастёр болага лаънат ёмғири ёвилди. Шовқин соқчининг овозини ютиб юборди. Ёигитлар яримта-юримта гапни эшитиб қолишди: – ... захарланган гўшт.

– Жуда қалтис-ку.

– Марҳаматли дўстимиз эвазига сенга қандай хизмат кўрсатишини сўраб ўтирма... – деди соқчи.


– ... яхшиси сен унга қандай хизмат кўрсата олишингни сўра, – деб хўрсинди Хакс. – Ҳа, аскар, сўраб ўтирма.

– Нимани назарда тутаётганимни жуда яхши билиб турибсан.

– Ҳа. Ундан қарздорилигим ёдимда. Менга ўргатма. Сен каби мен ҳам уни хурмат қиламан. Унинг бир оғиз гапи билан, керак бўлса, ўзимни дарёга ҳам ташлайман.

– Жуда соз. Гўшт қисқа сақлаш муддатли маҳсулот сифатида тамғаланган бўлади. Сен шошилишинг керак. Ўзинг тушунасан-ку.

– Тоунтонда болалар борми? – сўради ошпаз.



– Болалар ҳамма ерда бор. Айнан болаларнинг гамини еяпмиз-да.

– Захарланган гўшт. Болалар учун жон куйдиришнинг жуда ғалати усули-ку. – Хакс чуқур хўрсиниб, хуштак чалиб қўйди. – Улар, нима, тиришиб-буришиб, қоринларини чангаллаб, ойижонларини ёрдамга чақиршадими? Ҳа, ростданам шунақага ўхшайди.

– Улар шунчаки ухлаб қолишади, – деди хотиржамлик ила соқчи.

– Ҳа, албатта. – Хакс қисқа хахолаб қўйди.

– «Аскар, сўраб ўтирма», деб ўзинг айтдинг-ку. Ахир, сен болаларга қурол ўқталиб, дўқпўписа қилишларини ёқтирмайсан. Дўстимизнинг раҳнамолигида болалар янги хаётга қадам қўйиб, янги дунё яратишса, маъқулроқ-ку.

Хакс мум тишлади.

– Йигирма дақиқадан сўнг постимда бўлишим лозим. Менга қўй гўштингдан аямай берчи. Яхшиси, бориб ошхонангдаги қизларни китиклай, бир маза қилиб хиринглашсин. Кейин кетаман...

– Мен берадиган қўй гўшти ошқозонингга юқ ҳам бўлмайди, Робсон.

– Сен хохламайсанки...

Шу чоғ қўланкалар узоқлашиб, овозлар ҳам тинди.

«Мен уларни ўлдириб ташлаган бўлардим, – деб ўйлади Роланд ичида. – Иккаласини ҳам мана шу қўлларим билан чавоқлаб ташлаган бўлардим». Роланд гўштли қайла, мева шарбати ва кундузги машғулотлардан ифлос бўлган қўлларига қаради.

– Роланд.

У бошини кўтариб, Катбертга боқди. Улар нимқоронғуда бир-бирига тикилишиб қолишди ва Роланд чорасизликнинг куйдиргувчи таъмини ҳис этди. Бўғзига тош қадалди. «Хакс? – ўйлади Роланд. – Оёқларимга малҳам қўйиб даволаган Хакс-а?» Оғир ўйлардан унинг боши ғовлаб кетди.

У ниманидир уқмоқчи бўлиб, Катбертнинг юзига тикилди ва дўстининг кўзларида жон таллашиб, ҳалок бўлаётган Хаксни кўрди. Хакс уларни едириб-ичирди, кейин икки дўст зинапоя томонга ўтишди. Шу пайт Хакс Робсон исмли соқчини хоинларча tkt-a-tkt¹ учун улар турган бурчакка бекор бошлаб борди. Бор-йўғи шу. Ка – бу ка. Баъзида ка тоғдан кўчган оғир тошга ўхшайди.

Буларнинг барчасини Роланд Катберт, қайсики мерган бўлмишнинг кўзларидан уқди.

X

Роланднинг отаси тоғдан қайтиб келди. Унинг афт-ангори ҳашаматли шифон пардалар тутилган қабулхонасига умуман мос тушмасди.

Ота қора жинси, кўк ишчи кийимда эди. Гард қўнган, кир, астарининг баъзи жойлари йиртилган плашини елкасига ташлаб олганди. У ўлгудай рамақижон, ўғлига баланддан қараганда, шопмўйловлари бошини ерга тортгандай бўларди. Белида устма-уст икки марта айлантириб тақилган қайишидаги револьвер-

¹ Холироқ жойда юзма-юз туриб гаплашиш.



ларининг сандал дарахтидан ясалган дастаси ишқаланаверганидан хонадаги хира чироқ нурида ўта ғарибона кўриниб кетди.

– Бош ошпаз, – деди паст овозда отаси. – Ким ўйлабди дейсан киши! Тоғ йўлидаги юк ортиладиган станция портлаган! Хендриксонда мол-ҳоллар ўлган! Балки, ҳатто... Ким ўйлабди дейсан! Ақлимга сиғдиролмаяпман!

Отаси жим қолиб, ўғлига диққат билан тикилди.

– Бу сени қийнамаяптими?

– Лочин ўлжасига азоб бергандек жоним қийналяпти, – деди Роланд. – Сизни ҳам қийналяпти бу.

Роланд жилмайиб қўйди. Бўлиб ўтган воқеа туфайли эмас – бунда ҳеч қандай кулгили нарсанинг ўзи йўқ – муқоясаси қанчалик кўрқинчли чиққанидан кулганди.

Отаси ҳам жилмайди.

– Ҳа, – деди Роланд. – Бу менга азоб бeryпти.

– Ёнингда Катберт ҳам бор эди. У ҳам отасига ҳамма гапни айтган бўлса керак?

– Ҳа.

– У сизларни овқатлантирган...

– Ҳа.

– Катбертнинг ҳам виждони қийналяпти, деб ўйлайсанми?

– Билмадим.

Аслида, Роланднинг бировнинг ҳис-туйғулари билан сариқ чақалик иши йўқ эди.

– Сен туфайли одам ўлса, бундан виждонинг қийналмайдими?

Роланд елкасини қисиб қўйди. Отаси унинг хулқ-атворини миридан сиригача сўраб-суриштираётгани ёқмади.

– Аммо-лекин барибир ҳаммасини менга айтиб бердинг. Хўш, нега?

Боланинг қўзлари катта-катта очилди.

– Бошқа нима қилишим керак эди? Ахир, хоинлик бу...

Отаси илкис қўл силтади.

– Агар мактаб дарсликларидан қаердаги йўқ фикрларни ўқиганинг сабаб шундай йўл тутган бўлсанг, ҳаммаси бекор. Чинданам шундай қилган бўлсанг, яхшиси, Тонтоундагилар оммавий равишда заҳарланишдан ўлиб кетишаверсин.

– Йўқ! – деб бақирди жон-пони чиқиб Роланд. – Бунинг учун эмас. Уларнинг иккаласини ҳам ўлдиргим келди! Хоинлар! Маразлар! Улар...

– Давом эт.

– Улар мени ранжитишди. Улар менга нимадир қилишди. Шу сабаб ичимда нимадир ўзгариш сездим. Шунинг учун ҳам уларни ўлдиргим келди.

Отаси бош ирғади:

– Бу бошқа гап. Қанчалик шафқатсизлик бўлмасин, сен ҳақсан. Бу хушахлоқликка тўғри келмаса-да, сен саховатпеша бўлишинг шарт эмас. Бу сен учун эмас. Аслини олганда... – ота ўғлига синчиклаб тикилди, – сен, афтидан, аллақандай одоб-ахлоқ мезонларидан устун турасан. Сен Катберт ёки Ваннининг ўғилчаси каби идрокли эмассан. Лекин бу яхшиликка. Шундайлигингча енгилмас бўласан.



Шунгача зардаси қайнаётган бола бирдан ўзини мамнун сизди, шу билан бирга сал-пал ташвишга тушди.

– Уни...

– Осишади.

Бола бош ирғади:

– Мен қатл маросимини ўз кўзларим билан кўрмоқчиман.

Катта Дискейн бошини орқага ташлаб хахолади.

– Енгилмас десам, қип-қизил жиннимисан ҳам дейман.

Ота бирдан кулгудан тўхтаб, шартта Роланднинг биллагидан ушлаб, бармоқларини ботирди. Боланинг юзи оғриқдан тиритиб кетди, аммо қилт этмади. Ота ўғлига узоқ ва диққат билан тикилди. Қанчалик оғир бўлмасин, Роланд ҳам кўзини олиб қочмади.

– Яхши, бориб кўришинг мумкин, – деб отаси кетишга чоғланди.

– Ота?

– Нима дейсан?

– Улар ким ҳақида гаплашишганини биласизми, «бизнинг содиқ дўстимиз» деганлари ким у?

Ота ўгирилиб, ўйчанлик билан ўғлига боқди.

– Ҳа. Афтидан, биламан, шекилли.

– Агар уни қўлга туширишса, ортиқ бошқа кишини дорга осишнинг ҳожати қолмайди...

Ота кулимсиради.

– Бирмунча фурсатга шундай бўлса керак. Аммо алалоқибат осилиши керак бўлган кимса

топилади. Одамлар бусиз яшашолмайди. Ҳатто хоин, сотқинлар бўлмаса ҳам, ернинг тагидан бўлса-да, излаб топишади. Одамлар тирноқ тагидан кир қидиришади.

– Ҳа. – Роланд дарров гап нима ҳақда кетаётганлигини англади. Отасининг гапларини қулоқларига қуйиб, бир умрга хоби хотирига михлаб қўйди. – Лекин сизлар ўша марҳаматли дўстни ушласанглар...

– Йўқ, – деб нуқта қўйди ота.

– Нега?

Бир зумга отаси ҳозир негалигини айтадигандек туюлди. Бироқ у бу ҳақда оғиз очмади.

– Менимча, бугун етарлича гурунглашдик. Мени холи қолдир.

Роланд отасига қатл маросимига боришга рухсат берганлиги ҳақидаги ваъдасини эслатмоқчи бўлди-ю, унинг авзойини кўриб тилини тишлади. Ўрил муштини пешанасига тираб, бир оёғини олдинга қўйиб, таъзим қилди. Кейин эшикни ёпиб ташқарилади. Отаси онасини қўмсаётганини тушунди. Бироқ бу ҳақда бош қотириб ўтирмади. У, шубҳасиз, бу жараён қандай амалга оширилишини билади. Бироқ хаёлида кўтарилган бу сахнанинг тасаввурлари уни ўнғайсиз аҳволга солар, қалбида тушуниксиз айбдорлик ҳисси пайдо бўларди. Кейинчалик, орадан йиллар ўтиб, Сюзан Эдип қиссасини унга айтиб беради. Роланд эса ҳикояни миқ этмай тинглайди ва ғаройиб, қонли севги учбурчаги ҳақида фикр юритади: ота, она ва Мартен, қайсики, тор давраларда бизнинг марҳаматли дўстимиз Фарсон деб ата-



лувчи «қоработир». Агар ўзини ҳам қўшадиган бўлса, бу учбурчак эмас, тўртбурчакка ҳам айланиб кетарди.

XI

Дорга Осилганлар тепалиги Тонтоун йўлида жойлашган. Бунда Катберт айтмиш ўзига хос нафислик бор. Дор Роландда бир умрлик таассурот қолдирди: очиқ осмон гумбазидаги ваҳимали қора устун.

Ўша куни Роланд ва Катбертни эрталаб-ки машғулотларгача озод этишди. Корт уларнинг отаси ёзиб юборган хатларни лабларини қимирлатиб, бошини ирғаб ўқиди. Бу сермашаққат ишни тугатиб, хатларни батартиб буклаб, чўнтагига яширди. Ҳатто бу ерда, Гилеадда ҳам қоғоз олтинга тенг. Сўнгра Корт тонгнинг бинафшаранг осмонига бир қараб қўйиб, яна бош ирғади.

– Шошманглар, – деб Корт ўзининг тош кулбасига йўналди. Қўлида хамиртуруш қўшилмаган нон бўлагини кўтариб дарҳол қайтиб келди. Кейин нонни иккига бўлиб, шогирдларига тутқазди. – Ҳаммаси тугаганидан сўнг икковларинг унинг оёқлари остига қўясизлар. Қаранглар лекин, айтганимдек қилиб бажармасанглар, бу ҳафтани ҳаётларингнинг «энг ширин дами»га айлантираман. Териларингни шилиб оламан.

Йигитлар Катбертнинг ахта отига мингашиб, воқеа жойига етиб келишмагунча ҳеч нарсага тушунишмади. Улар элдан бурун, икки соат олдин, қатл бошланишидан эса тўрт

соат аввал етиб келишди. Гўнқарғаларни ҳисобга олмаганда, Дорга Осилганлар тепалиги кимсасиз эди. Қарғалар кўндаланг қилиб ўрнатилган ажал дастгоҳида қалашиб ётишар, тинмай қағиллаб, жой таллашиб, бир-бирини чўқилашарди.

– Ўликларни қушларга қолдиришади, – деб шивирлади Катберт.

– Юр, тепага чиқамиз, – деди Роланд.

Катберт кўзлари ола-кула бўлиб дўстига қаради.

– Анов ёққами? Агар...

Роланд қўл силтаб, унинг гапини бўлди:

– Ҳаммадан аввал келдик-ку. Ҳеч ким кўрмайди.


– Ҳа, майли.

Болалар секин-аста дорга яқинлашишди. Қарғалар норози бўлиб қағиллаб, иссиқ ўринларини совутишди. Тонгги тип-тиниқ осмонда қушлар қора чизик тортишди.

Ана шундагина Роланд бўлғуси воқеага дахлдорлигини сизди. Бу ёғоч қурилмада ҳеч қандай салобат йўқ. Дор асрлар давомидаги тамаддун ютуқлари сирасига кирмасди. Қушлар нимтатир сиёҳранг тамғаларини қолдирган, ўрмондан кесиб келтирилган оддий қарағай ёғочи. Қушлар пиллапоя, тахтасупаларга «белги»ларини қўйиб ташлашган, кўнгилни алағда қилгудек сасирди.

Роланд Катбертга ўгирилиб, ўзи каби дўстининг юзида кўрқув, хаяжонни кўрди.

– Мен буни шунчаки томоша қилиб туролмайман, Ро, – деб пичирлади Катберт.



Роланд аста бош чайқади. Бу уларга дилни вайрон қилар сабоқ бўлади... Шу боис ҳам оталари қатл маросимига келишларига изн беришган. Роланд даҳшатли ўша «ненидир» қарши олмоқ учун ўзини қўлга олди.

– Қўлингдан келади, Берт.

– Кейин кечаси ухлолмасдан чиқаман.

– Демак, ухламай қўяверасан.

Катберт Роланднинг қўлидан ушлади ва унга оғриқли нигоҳ билан боқди. Роланд ўша оқшом ошхонага борганларидан афсусланди. Отаси ҳақ экан. Тонтоун аҳолиси ўлиб кетгани яхши экан. Бу манзарани кўрганларидан кўра, шуниси маъқулроқ.

Лекин барибир бу унга даҳшатли сабоқ бўлади ва Роланд бугунги сабоқни ўтказиб юборолмайди.

– Кел, яхшиси, тепага чикмаймиз, – деди Катберт. – Шундоғам кўп нарса кўрдик.

Роланд хохламайгина бош ирғади. Корт шу ерда бўлганидами, қулоқлари тагида яхшигина шўрва қайнатиб, хўриллатиб мишиқларини тортгизиб, тахтасупага чиқишга мажбурларди. Эҳтимол, Корт харига бир учи сиртмоқ қилиб тортилган каноп арқонни ўтказиб, ажал нафасини ўз танларида ҳис этиб кўришлари учун шогирдларининг бўйинларига галма-галдан сиртмоқ солган бўлармиди?! Мабодо биронтаси ҳиқиллаб, иштонини хўллаб қўйса, кулочкашлаб башарасига туширган бўларди. Шунда ҳам Корт ҳақ бўлиб чиқарди. Роланд ҳаётида илк марта тезроқ катта бўлишни хоҳлади.

Ёғоч тўсиқдан атайин пайраха юлиб олиб, кўкрак чўнтагига солди ва ортига бурилди.

– Нима қиялпсан? – сўради Катберт.

Роланд «*Шунчаки, омад келтириши учун*» қабилда бирон жўялироқ баҳона айтмоқчи бўлди-ю, лекин:

– Шунчаки, ҳар доим ёнимда бўлиши учун, – деди, холос.

Улар дордан нари кетиб, ерга чўкишди ва кута бошлашди. Чамаси бир соатлардан сўнг узокдан аксари бола-чақасини етаклаб олган томошаталаблар кўринди. Улар тўкилай-тўкилай деб турган араваларда келишди. Ўзлари билан егани ул-бул олишни ҳам унутмагандилар: саватларига ичига ёввойи реза мевалар мураббоси ва совиб қолган қуймоқ солволишганди. Роланднинг қорни очликдан ғуриллади. Ичида қани бу ерда инсон кадр-қиймати, виждон деганлари қаёққа йўқолди, деб қўйди. Инсон кадр-қиймати ва виждон катталар ўйлаб топган ёлғонлардан бири, деган хаёлга боришдан ўзини тиёлмади. Яна булар шундай хазинаки, уларга осонликча эришолмайсан. Ҳатто Хакс тутунга тўлган ошхонада кир-чир пешбандини таққанча дастёрларига бақириб-чақирганда ҳам инсон кадр-қиймати сақланиб қоладигандек туюларди. Роланд қўлидаги пайрахани сиқди. Ёнида, майсага бош қўйганча ёлғондакам лоқайд қиёфада Катберт ётарди.



XII

Шундай қилиб, томоша унчалик даҳшатли кечмади ва Роланд ичида: «Хайрият-ей», деди. Хаксни усти очик аравада олиб келишди, кўзлари кенг қора латта билан боғланган, аммо уни қучоққа сиғмас танасидан таниш мумкин эди. Битта-яримта унга тош отган бўлди, бироқ кўпчилик нонушталаридан бош кўтаришнисташмади.

Роланд танимайдиган қандайдир мерган хўп-пасемиз ошпазни тахтасупага чиқишига кўмаклашди. Назоратчи соқчилардан иккитаси олдинга ўтиб, люкнинг икки тарафига туришди. Хакс ва мерган тахтасупага кўтарилиб, мерган арқонни харидан ўтказиб, сиртмоқни ошпазнинг бўйнига солди ва қаттиқ силтаб тортиб қўйди. Қушлар ҳавога кўтарилди, аммо Роланд билардики, улар насибаларини кутмоқдалар.

– Тавба қилишни истайсанми? – деб сўради мерган.

– Тавба қиладиган гуноҳим йўқ. – Хаксининг сўзлари аниқ-тиниқ янгради, овозида қандайдир улуғворлик бор эди. Юзини бекитиб турган мато енгил шабадада ҳилпиради. – Камина отамнинг юзини унутгани йўқ, у ҳар доим мен билан бўлган.

Роланд камоли диққат-ла оломонга тикилди ва кўрган нарсаси уни ҳаяжонга солди. Нима бу – ачинишми? Балки, лолу хайронликдир? Отасидан сўраб олиши зарур. Модомики, хоинларни қахрамон деб аташар экан («Ёки қахрамонларни хоин», деб ўйлади нохушлик

ила Роланд), демак, разолат замони келибди. Афсуски, буларнинг барчасини тафаккур чифиригидан ўтказиб, тарози палласига қўйиб кўриши учун ақли қисқалик қилипти-да. Шу чоғ дабдурустдан Корт берган нон бўлаклари эсига тушиб қолди. Энди йигитча устозидан чинакамига ҳазар қила бошлади. Корт унга хизмат қиладиган кун яқин. Балки, ўшанда фақат Роланднинг хизматини жо-бажо келтирар, Катбертнинг эмас. Балки, Катберт устоз тинимсиз ёғдириб турган маломатларидан синиб, оддий отбоқар ёки маҳрам бўлиб қолар (ёки ундан ҳам баттари — қабулхоналарда сандироқлаб, шарти кетиб, парти қолган қирол ва шахзодалар билан биргаликда сохта биллур шарларга бақрайиб қаровчи атир-упага бурканган дипломатга айланар). Катбертдан кутса бўлади. Лекин Роланд... йўқ. У ҳад-худудсиз кенгликлар ва узоқ саёҳатлар учун яратилган. Кейинчалик, ўзининг ёлғизлигини ўйлаб, Роланд бундайин тақдир унга жозибадор туюлганлигидан таажжубланди.

– Роланд?

– Ҳа, шу ердан. – У Катбертнинг қўлидан тутди ва икки дўстнинг бармоқлари чирмашди.

– Жиноятга қасд қилмиш ва исён кўтаришда фитнага қўл урмиш айбдор, – деганча тахтасупадаги мерган баланд овозда нутқ ирод қилди, – сен нурдан юз бурдинг. Менким, Чарльз ўғли Чарльз сени абадий зулматга раво на этажакман.

Оломон бир гуриллаб олди, у ер-бу ерда ғазаб садолари ҳам эшитилди.



– Мен ҳеч қачон...

– Чўпчакларингни нариги дунёда жирканч курт-қумурскаларга айтаверасан, – деб Чарльз ўғли Чарльз дастакни туширди.

Люкнинг қопқоғи очилди. Хакс шалп этиб пастга тушди. У яна нимадир демоқчийди. Роланд буни бир умрга эслаб қолди. Ошпаз охирги сўзини якунлашга улгурмай ўлди. Қизик, бу дунёда бошлаган жумласини қаерда тугатаркин? Оғзидаги гапини қирсиллаган товуш босиб кетди – совуқ қишнинг тун узоғида қуруқ ёғоч шундай товуш чиқаради.

Аммо барибир қўрқинчли эмас. Ошпазнинг оёқлари қалтираб, «V» харфи шаклида тек қотди. Оломон мамнун бўлиб, чуқур «ух» тортди. Қатл вақтида «ғоз» қотган назорат соқчилари энди бўшашиб, лоқайд қиёфада тартиб ўрнатишга киришди. Мерган тахтасупадан тушиб, эгарга минди ва қуймоқларини анқовларча чайнаётган оломон орасидан беандишалик ила ўзига йўл очиб кетди. Имиллаганлар қамчи еб олди. Қолганлар саросималаниб, мерганга йўл беришди.

Ҳаммаси адо бўлгач, одамлар тарқала бошлашди. Оломон тез тарқади. Тахминан қирқ дақиқалардан сўнг икки йигит дўнгликда ёлғиз қолишди. Қушлар совиб улгурмаган ризқнасибаларидан қуруқ қолмаслик учун қайтиб келишди. Битта қарға Хакснинг елкасига бамайлихотир ўрнашиб, ошпазнинг ўнг қулоғидаги исирғани тортқилашга тушди.

– Қара, ошпаз ўзига ўхшамай қолибди, – деди Катберт.

– Э, қўйсанг-чи, ўхшаб турибди.

Улар қўлларидан нон билан дор тагига келишди. Катберт гангиб қолгандек кўринарди.

Улар жасад тебраниб турган хари тагига келишди. Катберт юнгдор тўпикқа тегинди. Жасад қаттиқроқ тебраниб, ўз ўқи атрофида айлана бошлади.

Кейин улар нонни бурдалаб, тебраниб турган оёқнинг тагига сепишди. Йўлда Роланд ортига ўгирилиб қаради. Энди минглаб қушлар чарх уришарди. «Афтидан, нон, – деб ўйлади Роланд, – шунчаки рамз, шекилли».

– Ёмон бўлмади-а?! – деди кутилмаганда Катберт. – Мен... менга ёқди. Чин сўзим.

Дўстининг сўзлари Роландни ларзага солмади, бинобарин, бу қатл ҳам унинг ўзида алоҳида таассурот қолдирмаганди. У фақат Катбертнинг тўла-тўқис тушунишини ўйлади. Ростдан ҳам, балки, Катбертдан хали умид қилса бўлар. Эҳтимол, у валакисаланг дипломат бўлмас келгусида.

– Қайдам, – деб жавоб берди Роланд. – Аммо кўришга арзигулик томоша.

Беш йилдан сўнг мамлакат «марҳаматли дўст»нинг қўлига ўтди. Бу вақтга келиб Роланд мерганлик мақомини олган, отаси қазо қилгани етмагандек тукқан онасининг қотилига айланганди. Илло, дунё ўз жойидан силжиди.

Алоҳа, узоқ сарсон-саргардонлик йиллари бошланганди.



XIII

– Қаранг. – Жейк юқорига ишора қилди.

Мерган бошини орқага ташлади, ўнг сонига каттиқ санчиқ кирди. Беихтиёр афтини буриштирди. Мана, икки кундирки, улар тоғ этакларидан юришмоқда. Мешлардаги сув охирлаб қолган эса-да, ташвишланишгани йўқ. Тез орада сув топилади. Бўккунларича ичишади ўшанда.

У Жейк ишора қилган тарафга: яшил текисликлар ёнидаги ясси тоғлар — яланғоч осилиб турган қоятошлар ва тор дараларга... ундан хам юқорирокқа, қорли чўққиларга кўз тикди.

Олис қора нуқтада мерган қора кийимли одамни таниди. У жуда катта тезликда тик ёнбағирга ўрмалаб чиқиб кетарди.

– Бу ўшами? – сўради Жейк.

Мерган акробатларча тоғ ўрқачига ўрмалаб чиқиб кетаётган қора нуқтага боқди, дилига фулғула тушди.

– Бу ўша, Жейк.

– Нима деб ўйлайсиз, биз унга етиб оламизми?

– Тоғдан ошиб ўтганимиздагина. Шунда хам лақиллаб, вақтни ҳавога совурмасак.

– Тоғлар бирам баландки, – деди Жейк. – Нариги томонда нима бор?

– Билмадим. Буни ҳеч ким билмаса керак. Илгарилари балки билишгандир. Қани, кетдик, болакай.

Улар тоғ ёнбағирлаб кўтарила бошлашди. Майда тошлар оёқлари тагидан сирғалиб

пастга думалар, қуйига, сўнгсиз сахро бағрига кум оқиб тушарди. Улардан баланд-баланд-да қора кийимли одам тиришқоқлик билан чўқкига кўтариларди. Бу ердан туриб у ортига қарадими-йўқми, билиб бўлмасди. У тубсиз жарликлардан енгил сакраб, ҳеч бир машаққатсиз тик қоятошлардан юқорилаётгандек туюларди. Бир-икки марта кўздан йўқолиб қолди, лекин то нимтатир кўкиш туман пардаси тушмагунча қайта-қайта пайдо бўлаверди. Ҳамроҳлар олов ёқиб, қўноқ қилишди. Бу вақт давомида бола миқ этмади. Мерган ўзи савқитабий равишда сезаётганини бола ҳам сезмаяптимикин, деган ўйга борди. Негадир Катбертнинг хаяжонга тўлган, даҳшат акс этиб турган юзини, нон увокларини, очофат қаргаларни хотирлади. «Ҳаммаси шу тарзда якун топади, – деб ўйлади мерган. – Ҳар сафар шундай якунланади. Барчаси олдинга ундовчи излаш ва биргина ўлим жазоси ёинки, бошқача айтганда, қотиллик билан тамом бўладиган жойга олиб борувчи йўлдан бошланади».

Минорага олиб борувчи йўлдан ташқари, қайсики, ка ўзининг асл башарасини кўрсатадиган йўл.

Қурбонликка маҳкум маъсум юзли болакай гулхан ёруғида ловия солинган идишга бошини қўйиб ухлаб қолди. Мерган унинг устига ёпинчиқ ташлаб, ўзи ҳам уйқуга кетди.



3 б о б

БАШОРАТГҮЙ ВА ТОҒЛАР

I

Бола сохибкаромат аёлни топди ва у сал қолса, болани ўлдириб қўяёзди.

Олтинчи туйғу мерганни тун қоронғусида уйғотиб юборди. Бу Жейк иккаласи тоғ ёнбағрининг ўт-ўланлар барқ уриб ўсган текис, теп-текис камарига етиб келишганда содир бўлди.

Бола хотиржамдек кўринарди — ташқаридан, албатта — бунинг учун мерган ундан фахрланиб қўярди. Бироқ Жейк худди узоқ ташналиқдан сўнг сувни кўриб қолиб қотиб қолган отники сингари кўзларидаги ёввойи ифодани яширолмади. Мерганга шундай туюлардики, гўё қўллари шилиниш учун ўз-ўзидан учли тошларни излаётгандек, тиззалари тилим-тилим кесилишга интилаётгандек эди.

Бутун йўл бўйи қуёш жазирама нурларини аямасдан сочди, ҳатто алвон тусга кириб, тоғлар ортига бош қўяётганда ҳам охирги нурларини қайноқ-қайноқ этиб, йўловчиларга сочаверди.

Кейин эса ўт-ўланлар пайдо бўлди: аввалига нимжон, сарғайган майсалар, сўнг қиялиқдан юқорилаганлари сари барқ уриб ўсиб ётган алвасти ўтлар кўринди. Ҳавода яшил майсалар-

нинг муаттар иси сузиб юарди. Буталар соясида мерган лип этиб ўтган долчинранг нимарсага кўзи тушди. Шартта револьверини чиқариб, бир маротаба ўқ узди. Жейк типирчилаётган ёввойи қуённи кўриб қичқириб юбормасидан аввал мерган қуролини қинига солди.

– Шу ерда тўхтаймиз, – деди мерган.

Қияликдан янада юқорироқда ям-яшил барг ёзган толлар бор экан. Ловуллама саҳродан кейин бу манзара кишининг кўзига нақ жаннатнинг ўзи бўлиб кўринади. Бу дарахтзорнинг ичкарироғида бир эмас, бир қанча булоқ оқиб ётгандир, суви ҳам муздек бўлса керак, лекин барибир шу ерда, очиқ сайхонликда қолганлари маъқул. Афтидан, бола мадордан қолган, билиб бўладими, яна тагин бундаин зулматда дарахтлар орасида қон сўрувчи кўршапалаклар писиб ётгандир. Ухлаётганларида ташланиб қолишса борми, иккаласи ҳам қайтиб уйғонмайди... ҳайтовур бу дунёда.

– Ўтин териб келай, – деди бола.

Мерган кулиб қўйди:

– Йўқ, ҳеч қаёққа бормайсан. Яхшиси, ўтир, Жейк. Ёнимга чўк.

Кимнинг гапи бу? Қандайдир аёлникими? Сюзаннаникими? Мерганнинг ёдида йўқ.

«Вақт хотирани ўғирлайди» дейишни ёқтирарди Ванни. Ҳа, Ванни хотирасидан кўтарилмабди.

Бола итоаткорлик ила ўтирди. Мерган қайтиб келганда, Жейк майсага бош қўйиб ухларди. Каттагина бешиктебратар йигитчанинг пешанасига тушиб турган кокилига бамайлихотир



жойлашиб олиб, ювиниб-таранарди. Мерган мийиғида кулиб қўйиб – ўзиям Худо биледи қачонлардан бери юзига табассум югурдийкин – гулхан ёқиб, сув олгани кетди.

Толзор илк кўринганидан анча қуюқ экан. Мерган қурбақалар «қўриқлаётган» булоқдан сув олди. Битта мешни тўлдирган ҳам эдики, бирдан... хода ютгандай қотди-қолди. Тун шивир-шивири мерганнинг вужудида хатто таллик Элли ҳам уйғотолмаган алланечук хисларни уйғотиб юборди. Аслида Эллидан мерганга бошқа нарса керак эди: Элли унга билиши керак бўлган барча маълумотни оқизмай-томизмай етказганди. Мерган бу ғалати хисни саҳродан кейин бирданига ўзгарган шароитдан деб билди. Минглаб чақиримларга чўзилган яланғоч сайхонликлардан сўнг кечки салқин ҳаво ношоён туюларди. Мерган гулхан ёнига қайтиб, қозончадаги сув қайнагунча, қуённинг терисини шилиб, нимталади. Охирги консерваланган сабзавотлар ва қуён гўштидан қулинг ўргилсин мазали шўрва чиқди. Мерган Жейкни уйғотди, кейин эса йигитча уйқуси очилмай, апил-тапил овқатланишини узоқ кузатиб ўтирди.

– Эртага ҳеч қаёққа бормаймиз. Шу ерда бўламиз, – деди мерган.

– Лекин сиз қувлаётган одам... ҳалиги рухоний...

– У рухоний эмас. Хавотирланма. Биздан қочиб қутулолмайди.

– Қаёқдан биласиз?

Мерган бош чайқаб қўйди. Шунчаки, у шундай бўлишини биларди.

Кечлик қилиб бўлиб, ту누ка идишларни ювди (сувни аямай ишлатаётганига ўзи ҳам ҳайрон эди), ортига ўгирилганди, Жейк яна ухлаб қолибди. Мерган тагин кўксида нимадир кўтарилиб-тушаётганини хис этди — буни Катберт билан боғлади. Улар тенгқур эдилар, аммо Катберт ёшроқ кўринарди.

Папироси ерга тушганди, этиги билан гулханга тепиб юборди. Сўнгра жилоланиб-жилоланиб ўйноқлаётган олов тилига узоқ тикилди. Ҳаво салқин. Мерган гулханга орқа ўгириб, ёнбошлади.

Олислардан, дара томондан момақалдироқ гумбурлаши эшитилди. Мерган уйқуга кетиб, туш кўрибди.

II

Сюзан Дельгадо, унинг суюклиси, кўз ўнгида ўлаётган эмиш.

У бўлса бақрайиб турармиш. Қўллари билан бўйнидаги занглаган ва зил-замбил темир бўйинбоғни олишга тиришарди. Аслида, бундай бўлмаётганди, ҳатто мерганнинг ўзи у ерда эмасди, лекин туш — бу туш, унинг ўз мантиғи, ўз қонун-қондаси бор.

Мерган Сюзаннинг жон беришини томоша қилиб турди. Ҳатто куйинар, тутун орасидан унинг сочлари ифорини фарқлаб олар, «Куйиб кул бўл!» деб бақираётган оломоннинг овозини эшитар ва ўзининг телбалиги сиёгини кўриб турарди. Дераза олдида турган нозик хилқат, йилқибоқарнинг қизи Сюзан. Тепаликдан шундай елиб тушардики, от ва чавандоз



қизнинг сояси билан бир бутун вужуд соя-сига эвриларди, гўё. Сюзан афсонадан чиқиб келган тийиқсиз, эмин-эркин соҳибжамол эди. Қўл ушлашиб маккажўхоризор оралаб шамолдай югуришиганлари-чи? Энди эса одамлар тах-тасуна атрофига йигилиб олишиб, Сюзанга маккажўхори пояларини иргитишар, поялар оловга етиб бормаёқ ёнишни бошларди. Нур ва муҳаббатнинг ашаддий душманлари қизни лаънатлаб, ҳақоратлашар, қаердадир баттол ялмоғиз ҳирингларди. Риа деб аташарди ўша қари қузгунни. Сюзан эса оловда куйиб кўмир-га айланар, териси торс-торс ёриларди ва...

Сюзан мерганга нимадир деб бақирмоқчи бўларди.

– Бола, – деб қичқирарди Сюзан. – Роланд, бола!

Мерган олдинга интилди. Лекин темир бўйинбоғ бўйнига санчилди. Тогойдан гижир-гижир, бўғиқ хириллаш отилиб чиқди. Ҳавода куйган гўштнинг кўнгилни айнитар ҳиди пай-до бўлди.

Бола қачонлардир Сюзан ўтирган дераза ол-дида туриб, «Ҳой, Жуд», «Катта йўлнинг из-мидаги тўлқинлар» ва «Бетавиши муҳаббат» каби эски қўшиқларни хиргойи қиларди. Бола ибодатхонадаги гипс ҳайкалдек қаққайиб ту-рарди. Кўзлари худди мрамрдан ясалгандек. Жейкнинг пешанасига учли тикан санчилган.

Мерган ичкарининг туб-тубидан бўғиқ, томоқни қирадиган, телбалик бошланганидан дарак берувчи фарёд чиқаётганини ҳис қилди.

– Н н н н н...

III

Роланд гулханнинг тафти баданини қиздириб юборганидан уйғониб кетиб, ирғиб ўрнидан турди. Хаёлида Межис ҳақидаги туши ғужғон ўйнаб, ўтириб олди. Тушида бўйинини қисган темир бўйинбоғ сингари туш ҳам мерганни бўғарди. Тушида Сюзанга интилганда, ўнгида кўлини бехосдан чўғга тикиб олибди. Кўлини кўзига яқинроқ олиб келиб, разм солди ва Жейкнинг бўрдек оппоқ сиймосини қолдириб, туш ўзини жисмонан тарк этаётганини ҳис этди.

– *Н н н н н н...*

Револьверларини шайлаб, толзор тарафга мўралади. Гулханнинг сўнгги шуълаларида кўзлари иккита туйнукдек кўринарди.

– *Н н н н н н...*

Жейк.

Мерган шартта оёққа туриб, югурди. Ой тун осмонида хира нур сочар, шабнамда Жейкнинг излари яққол кўришиб турарди. Мерган дарахтлар орасига кириб кетиб, сув сачратиб булоқлардан сакраб ўтди. Тол شوхлари хивчиндай мерганнинг юз-кўзига саваларди. Дарахтлар бу ерда қуюқ ўсган, ой нуруни ўтказишмасди. Тизза бўйи ўсган ўт-ўланлар мерганнинг оёғидан тортқилаб, ушлаб қолишга ҳаракат қиларди. У бир муддат тўхтаб, тева-рак-жавонибни ҳидлаб кўрди. Унга шамол елиши кўмак берди. Бола, албатта, ўзидан хид таратмасди. У тахир тер ҳидини сезди. Олга! Мерган бўронда синиб тушган شوх-шаб-



балардан ошиб ўтиб, юлдузлар чарақлаб турган очик майдонга чиқди.

Майдонда қора тошлардан ясалган доира бор экан. Ой нурида доира ёввойи ҳайвонларга қўйилган тузоққа ўхшаб кетарди. Доира ўртасида тош — қурбонлик қилинадиган базальт¹ ер тагидан туртиб чиққанди.

Бола тошнинг қаршисида титраб-қақшаб, тебраниб турар, қўллари электр токини ўтказётгандай қалтирарди. Мерган болани чақирди, Жейк эса тушуниксиз сўзлар билан уни инкор этди. Боланинг юзи оқ доғ тушгандай йилтирар, ҳам қўрқув, ҳам ҳайратни ифодаларди.

Мерган доира ичига кирди. Жейк ўзини орқага олиб, мерганга бақириб, қўлларини силкитиб ҳайдади. Мерган унинг юзида даҳшат, қўрқув ва азобли роҳатни аниқ-равшан кўрди.

Мерган болага башоратгўйнинг руҳи текканини пайқади. Суккуб². Мерган бел аралаш оёқларига илиқ харорат югургилаганини сезди. Боши айланиб, тили шишиб кетгандай бўлди.

Мерган шижоатини нима қўзғаганини билмай, чўнтагидан ярми чирий бошлаган жаф суягини чиқазди. Нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди, лекин бу уни қўрқитолмасди — ички сезгиларига ён беришга қўникиб қолганди. Савқитабийи шу пайтгача панд бермаган. Мерган бўш қўлининг кўрсаткич бармоғи ва ўрта бармоғини бало-қазолардан сақлайдиган белги қилиб бирлаштирди.

¹ *Базальт* — пайдо бўлишига кўра магматик, қорамтир-бўзранг, шишасимон тоғ жинси.

² *Ўрта аср афсоналарида: аёл қиёфасидаги иблис.*

Хиссиётлар тўлкини қайтди.

Жейк яна бақириб берди.

Мерган боланинг паришон кўзлари олдига жаф суягини яқинлаштирди.

– Бу ёққа қара, Жейк... Менга қара.

Бола инграб, нигоҳини олиб қочишга ҳаракат қилди, бироқ фойдаси бўлмади. Ҳозир унинг онги шуури парчаланиб кетадигандай туюлди мерганга. Кўзлари тепага тортиб, фақатгина оқи кўринди. Кейин Жейк ерга қулади. Шунда ҳам бир қўли тошга тегиб турарди. Мерган бир тиззасига чўккалаб, Жейкни кўтариб олди. Бола ҳайратланарли даражада енгил эди; узоқ йўлда у куз япроғидек қуриб қолибди.

Роланд тош доирадаги арвоҳ ўлжасини тортиб олишганидан ғазабланиб, безовталанаётганини сизди. Мерган доирадан чиқиши биланок руҳ безовталиги ҳам ўз-ўзидан ғойиб бўлди. Мерган болани гулхан ёнига олиб келди. Бу пайтга келиб боланинг беҳушлиги қаттиқ уйқуга айланганди.

Мерган боланинг муқаддас черковни эслатувчи маъсум юзига боқди. Жейкни яхши кўришини қалбан ҳис қилиб, маҳкам бағрига босди ва ёноғидан ўпиб қўйди. Балки, мерган болани илк маротаба кўргандаёқ яхши кўриб қолгандир (Сюзан Дельгадони ҳам бир кўришдаёқ севиб қолганди), фақат буни эндигина тан олди.

Шу асно тоғ чўққиларидан қора кийимли одамнинг кулгисини баралла эшитгандай бўлди.



IV

Жейк уни чақирди. Мерган уйғонди. Кеча тунда болани яқинроқдаги бутага маҳкам боғлаб-чирмаб ташлаганди. Афтидан, бола уйғониб қўрқиб кетган. Қорни ҳам очгандир. Қуёшга қараганда, соат тўққиз ярим бўлган.

– Нега мени боғлаб қўйдингиз? – деб сўради Жейк. – Сиздан қочиб кетмоқчи эмасдим!

– Тўғри-куя, барибир қочиб кетдинг-да. – Боланинг юзи хайратдан чўзилиб кетганини кўриб мерганнинг кулгиси қистади. – Орқангдан халлослаб югуришимга тўғри келди. Уйқунгда юрдинг.

– Ростданми? – ишонқирамай сўради Жейк. – Авваллари сира бундай бўлма...

Мерган бош ирғаб қўйиб, чўнтагидан жаф суягини олиб, Жейкнинг бурни тагига сукди. Бола бир сесканиб тушди.

– Ана кўрдингми?

Бола довдираб бош силкиди.

– Нима бўлди ўзи?

– Ҳозир лақиллашга вақтим йўқ. Кетишим керак. Кун бўйи келмасман. Шундай экан, кулок сол, болакай. Мабодо қуёш ботгунча келмасам...

Жейкнинг юзида даҳшат учқуни йилт этди.

– Мени ташлаб кетасизми?

Мерган синчковлик билан болага қаради.

– Йўқ, – деди Жейк. – Агар мени ташлаб кетмоқчи бўлганингизда аллақачон ташлаб кетган бўлардингиз.

– Ана, кўрдингми?! Ўзинг ҳаммасини тушунасан-ку. Энди эса диққат билан тингла. Мен

ҳозир кетаман, сен шу ерда қоласан. Ҳеч қаёққа кетиб қолма. Нима бўлишидан қатъи назар бу ялангликдан кетиб қолма. Мабодо бирон-бир ғайритабиий ёки шубҳали нарсани сезсанг, манави суякни олгин-да, қўлингдан қўймагин.

Жейкнинг юзидаги ҳайрат тушуниксиз эсанкираш билан аралашиб кетди.

– Йўқ, қўлимдан келмайди бу.

– Қўлингдан келади. Мажбурсан. Айниқса, чошгоҳдан кейин эҳтиёт бўл. Бу жуда муҳим. Суякни қўлингга олганингда, ўзингни ноҳуш сезишинг мумкин. Масалан, бошинг оғриб, кўнглинг айнаши мумкин. Лекин бу тезда ўтиб кетади. Уқдингми?

– Ҳа.

– Айтганимдек қиласанми?

– Ҳа, кетишингиз шартми? – деб ҳиқиллади Жейк.

– Кетишим керак-да.

Мерган Жейкнинг кўзларида йилт этган учқунни пайқади. Болакай мерганга Алан деган яна бир дўстини эслатиб юборди. Ҳазилкаш ва урушқоқ Катбертдан фарқли ўлароқ, Алан камтар ва «ичимдагини топ» хилидан эди. Унга ҳар вақт суянса бўларди. У ҳеч нарсадан қўрқмасди.

– Яхши, – деди Жейк.

Мерган жағ суягини сўниб қолган гулхан ёнига қўйди. Суяк куйдирган калладай тиржайиб қотиб қолганди. Жейк суякка қарамасликка ҳаракат қилди. Боланинг юзи бўздай оппоқ ва аянчли эди. Мерган, балки болани ухлатиб қўйиб, тош доира ичида нималар бўлганини сўраб қўрсаммикин, деб ўйлади, бироқ кейин



кўп нарсага эга бўлмаслигига ақли етди. Бундан ташқари, мерган тош доира ичидаги рух, шакл-шубҳасиз, иблис ёхуд башоратгўйлигини ҳам биларди. Келажакни кўра олиш қобилиятига эга, шакл ва жисмдан мосуво иблис. Дафъатан бу ўша Сильвия Питтстоннинг арвоҳи эмасмикин, деган ўйга ҳам борди. Э, йўқ. Бу Сильвия эмас. Доира тошларида қадимийлик акс этиб турар, улар бу дунё тарихи бошланмасидан анча илгари белгилаб қўйилган иблис маконини ўраб турибди. Доира ичидаги махлуқ кекса ва маккор. Шундай бўлса-да, мерган башоратгўй билан қандай гаплашиш кераклигини билар, бола суяк тумордан фойдаланишига ҳожат йўқлигига ишончи комил эди. Соҳиббашорат мерган билан овора бўлади. Хавф-хатарга қарамасдан мерган соҳиббашоратдан у-бу нарсаларни билиб олиши лозим... Хавф-хатар ҳам ҳазилакам эмас. Нима бўлишидан қатъи назар Жейк учун, ўзи учун баъзи бир маълумотларни иблиснинг оғзидан суғуриб олиши керак.

Мерган тамаки халтасини очиб, тамаки орасидан оқ қоғозга ўралган бир нимани чиқазди. Қоғознинг ичидан йиллар давомида ишқаланавериб четлари емирилган ҳаб дорини олди.

Жейк қизиқиб сўради:

– Бу нима?

Мерган енгил тиржайиб қўйди.

– Корт тез-тез бизга қадим илоҳлар сахрога пешоб қилишгани ва шу тариқа мескалин¹ пайдо бўлгани ҳақидаги ривоятни сўзлаб берарди.

¹ Галлюцинация ҳолатига туширувчи, фикрлаш суръатини тезлаштирувчи восита.

Жейкнинг қошлари чимирилди.

– Бу шунақа дармондори, – тушунтирди мерган. – Ухлатадиган эмас, аксинча, тетиклаштирадиган. Бироз вақтга.

– Худди LCD¹ каби экан.

– Униси нима эди?

– Билмадим, – деб жавоб берди Жейк. – Шунчаки оғзимдан чиқиб кетди. Бу хув, ўша, мен келган юртнинг асорати бўлса керак.

Мерган бош ирғаб қўйди-ю, аммо-лекин ба-рибир иккиланарди. У ҳеч қачон мескалинни LCD деб аташганини эшитмаганди. Бу ном ҳатто Мартеннинг қадим китобларида ҳам уч-рамасди.

– Бунинг сизга зарари йўқми? – сўради Жейк.

– Шу пайтгача зарарини қўрмадим, – муж-маллик билан жавоб берди мерган ва жавоби қониқарсиз чиққанини ўзи ҳам сизди.

– Бу менга ёқмаяпти.

– Эътибор берма.

Мерган чўккалаб, мешдан сув хўплаб, ҳаб дорини ютди. Кейин сўниқ гулхан ёнига ўтирди.

– Дори қачон таъсир қилади? – деб сўради Жейк.

– Дарров эмас. Бирпас жим тургин, хўпми?

Жейк мум тишлади. Боланинг бетоқат ниго-ҳидан ошқора шубҳа-гумонларни уқиш мумкин эди. Мерганнинг бамайлихотир револьверлари-ни тозалаётганини кузатиб ўтирди.

¹ LCD (нем. – Lysergsurediethylamid) – психоактив восита.



Мерган револьверларини қинига тикди.

– Қўйлагингни ечиб, менга бер, Жейк.

Жейк истар-истамас (эхтимол, санаш мумкин бўлган қовурғаларидан уялгандир) ўнгиб кетган қўйлагини ечиб, Роландга узатди.

Мерган шимининг почасида олиб юрадиган игнани ва патронташидан ип олиб, боланинг қўйлаги енгидаги каттагина йиртиқни тикишга тушди. Кейин қўйлакни Жейкка қайтариб, мескалин таъсир кўрсатаётганини сизди: ошқозонида қаттиқ санчиқ турди, бадани тиришиб кетаётгандай бўлди.

– Кетишим керак, – деди у оёққа туриб.

Бола ҳам қўзғалди; юзидаги хавотир қўланкаси ғойиб бўлганди, сўнг яна ўтириб олди.

– У ёқда эҳтиёт бўлинг, илтимос.

– Суяк ёдингдан чиқмасин.

Кетаётиб мерган Жейкнинг бошини силаб қўйди. Жейк унинг ортидан то дарахтлар орасига кириб кўздан ғойиб бўлмагунча синиқ табассум ила мўлтираб қолди.

V

Мерган тош доира томон йўналди. Булоқдан сув ичиш учунгина бир марта тўхтади. Сувга энгашиб, ўз аксини кўрди ва ўзига ўзи маҳлиё бўлиб тикилиб қолди. Онги шуури ўзгариб, фикрлар оқими секинлашди. Мерган яна бир зум туриб қолиб, бошини кўтариб, толзорга боқди. Шох-шаббалар орасидан қуёшнинг заррин нурлари тушиб турибди. Шундан кейин мерган қуёш нурида ўйноқлаётган чанг зарра-

ларига термулиб-термулиб, шахд билан ўрнидан турди-да, олға кетди.

Авваллари бу дармондори жиғибийрон қиларди: мерганнинг ирими (балки, ҳатто жуда жўндир) уни иккинчи даражага тушириб, энг жозибали ҳис-туйғулар учун нишонга айланганди, бу унинг қитиқ патига тегар, қонини қайнатарди. Лекин бу сафар ўзини хотиржам сезди.

Мерган очиқ майдонга чиқиб, доира ичига кирди ва фикрлари онгидан эркин сизиб ўтишига имкон яратиб, туриб қолди. Ўт-ўланлар яшил туси билан кўзини қувнатди; қўл теккизсанг, бас, қўлинг ҳам яшил рангга кирадигандай. Мерган ўтни еб кўришдан ўзини аранг тийди.

Башоратчи аёл руҳи ҳамон жим эди. Шаҳвоний кўзғалиш ҳам сезилмади.

Мерган қора тош олдига келиб, қотиб қолди. Ўй-фикрлари тўзғиб кетди. Оғзидаги тишлари ортиқчадек туюлди. Теварак-жавониб кўзни қамаштирувчи ёруғликка бурқанди. Мерган қора тошга чиқиб, чалқанчасига ётди. Унинг онги шуури қуюқ чангалзорга айланди, фикрлари эса мескалин оқувчи булоқ бўйидаги қалин толзорга эврилди. Само сувга айланди, мерган кўкка парвоз қилди. Биргина шу фикрдан унинг боши айланиб кетди, бироқ энди бу нарса уни ташвишга солмасди.

Туйқус эски бир шеърнинг мисралари мерганнинг ёдига тушди. Бу шеърни саҳродан шимол томондаги мэнни Бошпаналаридан бирида одамларни ямламай ютадиган механизмлар



қуршовида яшовчи қочоқлардан эшитганди. Шеър сатрлари шуурида чарх айланиб, ҳеч қандай сабабсиз (ўзи ҳар сафар мескалин қабул қилганида шундай бўлади) болалигидаги ичида қор парчалари учқунлайдиган сирли, эр-такнамо шарни эслатди:

*У ерда инсон-чун нажот эшиги.
Қора сувлар ортида, —
Дўзах тубида...*

Қурбонлик тоши узра кўкка бўй чўзган дарахтлар устида турли-туман афт-башаралар намён бўлди. Мерган жоду қилингандай уларга бақрайиб қолди: ана, яшил аждарҳо биланглаяпти, буниси афсонавий нимфа. Манавиниси куйдирган калла — бош суяги. Қиёфалар. Қиёфалар.

Баногоҳ ўт-ўланлар титраб, ерга бош эгишди.
*Мен боряпман.
Мен боряпман.*

Мерган баданининг ич-ичида алағда ҳаяжон сезди. «Ўта чуқурлашиб кетмадиммикин?» деб ўйлашга улгурди. Сюзан билан Қияликда ётишганда, гулларнинг муаттар хидидан ҳозиргидай энтикиб кетганди.

Соҳибқаромат мерганга ёпишди: шаббода-бадан, ямин, учқат ва атиргул ифорлари туташган сийна.

— Башорат қил, — деди мерган. Оғзида ёқимсиз қўрғошин таъмини сезди. — Билишим керак бўлганларнинг барчасини айт.

Чуқур хўрсиниш. Унсиз йиғи овози. Мерганнинг аъзои бадани зўриқиб, заранг бўлиб

қолди. Дарахт тепасида башаралар унга энгашишди, уларнинг ортидан чўққи тишларини яланғочлаб бешафқат тоғлар кўринди.

Бадан шаклига кирган рух мерганнинг устига чиқиб, ўзига бўйсундиришга уринди. Мерганнинг қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди. Соҳибкаромат мерганга Сюзан киёфасида намоён бўлди. Сюзан Дельгадо у билан ётарди шу дамда. Қияликдаги подачининг кулбаси деразасидан сочларини ёйиб мерганни кутган Сюзан. Мерган юзини терс ўгирди. Аммо унинг юзи мерганнинг кўз ўнгиди яна пайдо бўлаверди.

Атиргуллар, учқат ва ясмин, бултурги ничан... муҳаббат ифори.

Мени сев.

– Башорат қил, – деди мерган. – Фақат ростини айт.

– *Ўтинаман*, – деб кўзёш тўкарди соҳиббашорат аёл руҳи. – *Нега бунчалик совуқсан? Шундоғам бу ер ҳамиша совуқ...*

Соҳибкароматнинг қўллари мерганнинг баданини қиздириб, ўзига тортиб, эс-хушини оғдириб, силаб-сийпаларди.

Иссиқ, ёқимли қўллар.

Йўқ. Муздек, жонсиз қўллар.

– *Раҳминг келсин, мерган. О, илтимос. Ёлбораман сендан. Шафқат қил! Раҳминг келсин!*

– Сен ўзинг болага раҳминг келдими?

– *Яна қанақа бола?! Ҳеч қандай болани билмайман. Менга бола керак эмас. Илтимос. Ўтинаман.*



*Ясмин, атиргул, учқат. Ёзги йўнгицқа
уци таралувчи бултурги пичан. Қадим кўза-
чалардан қуйилувчи мой. Бадан исёни.*

– Буниси сал кейинроқ, – деди мерган. –
Агар менга асқотадиган нарсаларни айтиб бер-
санг, ана шунда.

– Ҳозир. Илтимос. Ҳозир.

Мерган ҳис-туйғуларининг тамоман қарама-
қаршиси бўлмиш онги шуурини соҳибкароматга
ошкор қилди. Устида осилиб турган бадан
бирдан тўхтаб, чинқириб юборгудай қиёфага
кирди. Мерганнинг мияси арқонга айланди
гўё – дам соҳибкаромат арқонни ўзига тортар,
дам мерган бунга имкон бермасди. Бир неча со-
ниялардан сўнг мерганнинг бир маромда нафас
олиши билан шох-шаббалардаги қиёфаларни
титратаётган енгил шабада эсишидан бошқа
ҳамма овозлар ўчди. Ҳатто қушлар ҳам сай-
рашдан тўхтади.

Соҳибкароматнинг сиқуви бўшашди. Яна
йиғи ва хўрсиниш бошланди. Тез ҳаракат
қилиб қолиш керак, йўқса, соҳибкаромат яна
танасиз руҳга айланади. Соҳибкаромат аста-
секин ўзини тортиб, тош доирадан сирғалиб
чиқаётганини сезгандай бўлди. Шамол майса-
ларни ерга ётқизиб, дилдиратди.

– Башорат қил, – деб мерган ғазаб билан
қўшимча қилди: – Фақат ростини гапир.

Оғир, хорғин хўрсиниш. Мерган ҳозирнинг
ўзидаёқ соҳибкароматга раҳм қилиб, илтимоси-
ни бажо келтирган бўларди-ю, лекин Жейкни
ўйлади. Агар кеча тунда бироз кечикканда бор-
ми, Жейк ё ўларди, ё ақдан озарди.

– *Ундай бўлса, ухла.*

– Йўқ.

– *Бўлмасам, чала уйқуга кет.*

Сохибкароматнинг сўраётгани хавфли, аммо зарур эди. Мерган нигоҳини шох-шаббалардаги киёфаларга қаратди. У ерда нақ бутун бошли томоша кетарди. Оламлар унинг кўз ўнгида яралиб, вайрон бўларди. Кўзни кўр қилар қум саҳроларда механизмлар электрон жазавада тинимсиз ишлаб турувчи салтанатлар ўсиб чиқиб, таназулга юз тутиб, кули кўкка созуриларди. Узлуксиз ва ортиқча шовқин-суронсиз айланиб турган филдираклар секинлашиб, гижирлаб, сўнгра абадий тўхтаб қоларди. Кўчалардаги ариқлар сув қолиб, қумга тўларди. Буларнинг барчаси аро долчин ва кеч кузак ҳидига тўйинган ўзгаришлар шамоли эсарди. Мерган чала уйқуда дунё ўзгариши, жойидан силжишини кузатиб ётди.

– *Уч. Тақдиринг рақами шулдир.*

– Уч?

– *Ҳа. Уч – мистик рақам. Қидиришларинг марказида учовлон турибди. Бошқа рақамлар кейинроқ бўлади. Ҳозирча улар уч киши.*

– Кимлар бу учовлон деганинг?

– *«Биз оз қисминигина кўрамиз, шу билан башорат кўзгусини туман қоплайди».*

– Кўраётганларингнинг ҳаммасини рўй-рост айт.

– *Биринчиси навқирон, қорасоч. Ҳозир у босқинчилик ва қотиллик ёқасида турибди. Иблис уни чулғаб оляпти. Иблиснинг номи – ГЕРОИН.*



– Қанақа иблис? Бунақасини билмайман.

– *«Биз оз қисминигина кўрамиз, шу билан башорат кўзгусини туман қоплайди».* Бошқа дунёлар ва бошқа иблислар ҳам бор, мерган. Улардаги сув туби чуқурроқдир. Диққат билан қара. Эшикларни ўтказиб юборма. Атиргул ва топилмаган эшикларни қидир.

– Иккинчиси ким?

– *Иккинчиси аёл киши. Аравада юради. Ортиқ бошқа нарса кўролмаяман.*

– Учинчиси-чи?

– *Ажал... лекин сеники эмас.*

– Қора кийимли одамми? Қаерда у?

– *У яқин атрофда. Тез орада у билан суҳбатлашасан.*

– Нима ҳақда гаплашамиз?

– *Минора ҳақида.*

– Бола-чи? Жейк?

– ...

– Бола ҳақида гапир!

– *Бола — қора кийимли одамга олиб борувчи дарвоза. Қора кийимли одам эса бояги учовлонга олиб борувчи дарвозадир. Учовлон эса — Қора Минора томон йўл.*

– Қандай қилиб? Бу қандай содир бўлади? Нега айнан шундай бўлиши керак?

– *«Биз оз қисминигина кўрамиз, шу билан башорат кўзгусини туман қоплайди...»*

– Худонинг қаҳрига учрагур, махлуқ!

– *Менга лаънат ёғдиришига қодир Худонинг ўзи йўқ.*

– Бу такаббуруна оҳангингни бас қил, баттол.

– ...

– Сени қандай атасам экан? Юлдузлар фоҳишасими? Шамоллар манжалақисими?

– *Кимдир қадимдан қолган муҳаббат ила яшайди... ҳатто ҳозирги зулмат ва ёвузликка тўла замонда ҳам. Кимлардир эса, мерган, қон сўриб яшайди. Ҳатто, тушунишимча, кичкина болаларнинг қони билан ҳам мавжуд бўла оладилар.*

– Болани қутқариш мумкинми?

– *Ҳа.*

– Қандай қилиб?

– *Чекин, мерган. Нарсаларингни йиғиштиргин-да, шимоли-ғарбга қараб отлан. У ерда моҳир мерганларга ҳали ҳам зарурат бор.*

– Мен қасам ичганман. Отамнинг револьверлари ва Мартеннинг хоинлиги ҳақи қасам ичганман.

– *Мартен энди йўқ. Қора кийимли одам унинг руҳини еб битирган. Бунга ўзинг ҳам биласан.*

– Мен қасам ичганман.

– *Демак, сенга лаънат теккан.*

– Энди мени хоҳлаган кўйингга сол, магазин.

VI

Жўшқин бетоқатлик.

Кўланка мерганни ўз комига тортди. Ногаҳоний жазава тутиб, қалбининг туб-тубидаги ҳислар балқиб чиқди, юраги уришдан тўхтаб қолаёзди. Жазаванинг энг юқори чўққисида мерганни турли қиёфалар қуршаб олди. Силь-

вия Питтстон. Таллик Элис. Сюзан ва ҳоказолар.

Ва ниҳоят, орадан гўё бир аср ўтгандан кейин мерганнинг хуши жойига келди, нафрати қўзғаб, соҳибкароматни ўзидан итариб юборди.

– *Йўқ! Бу кам! Бу...*

– Мени тинч қўй.

Мерган илкис қўзғалганди, тошнинг устидан йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Аста ўрnidан турди. Соҳибкаромат журъатсизлик билан мерганга ёпишди (*ясмин, учқат, пушти мой лаззати*), аммо мерган уни силтаб ташлади.

Мерган маст одамдай гандираклаб, доира ташқарисига йўналди. Кўринмас чегарани босиб ўтиши биланоқ елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Мерган титраб-қақшаб, тоза хаводан ютоқиб нафас олди. Мерган ўзини таҳқирлангандай ҳис қилди. Қизиқ, бу шунга арзирмикин? Ким билсин?! Аммо мерган тез орада билиб олади. Мерган доирадан узоқлашаркан, ортидан ўзига тикилиб турган нигоҳни ҳис қилди. Соҳибкаромат тош чегарадан мерганнинг кетаётганини кузатиб қолди. Энди яна кимдир саҳрони босиб ўтиб, зориққан, ёлғиз соҳибкароматни топиши учун қанча кутиши кераг-а! Мерган сон-саноксиз имкониятларга тўла вақт ҳайбати қаршисида ўзини ҳақир ҳис этди.

VII

– Нима, мазангиз қочдимиз?

Мерган аранг судралиб, буталар орасидан чиқиб келганда, Жейк шундай дея дик этиб

сакраб турди. Ўтган вақт давомида Жейк қўлида жаф суягини ушлаганча, сўниб қолган гулхан олдида ўтириб чикқанди. Мерганни кўрган заҳоти унга отилди.

– Йўқ. Бетоб эмасман. Шунчаки чарчадим. Тинкам қуриб қолди. – Мерган Жейкнинг қўлидаги суякка ишора қилиб: – Энди буни ташлаб юборсанг ҳам бўлади, – деди.

Жейк шу заҳоти суякни ташлаб юбориб, қўлини кўйлагига артди. Боланинг устки лаби билинар-билинемас қўтарилиб қолганди, бироқ бундан ўзининг хабари йўқ эди.

Мерган гурс этиб ерга чўкди. Бўғимлари оғриқдан зирқирарди. Мияси шишиб кетгандай. Оёқлари орасига сим-сим оғриқ ўрнашиб олганди. Мерган папиросини шошмасдан, аста ўради. Жейк ундан кўзини узмасди. Мерган соҳибкароматдан эшитганларини болага айтиб беришдан ўзини зўрға тийиб қолди. Кейин эҳушини йиғиб, бу фикрдан даҳшатга тушди. У ўзига ўзи бугун ўзимнинг бир қисмимни – онгимни ёки руҳимни йўқотмадиммикин, деб савол берди. Жейкка онги ва қалбини очсинми ёки боланинг хоҳиши бўйича иш тутсинми? Қандай бемаъни фикр.

– Шу ерда тунаймиз, – деди мерган бироз вақт ўтиб. – Эртага йўлга тушамиз. Сал кейинроқ кечликка бирон нима отиб келаман. Куч йиғиб олишимиз керак. Ҳозир эса бироз мизғиб олай. Хўпми?

– Албатта. Ўчиб қолсангиз ҳам майли, мен соқчилик қилиб тураман.

– Гапингни тушунмадим.



– Ухлайверинг, демоқчиман.

– Ҳа-а. – Мерган майсага бош қўйди. «Ўчиб қолинг», деб ичида такрорлади боланинг сўзини. Ўчиб қолинг – ўлиб қолинг, деганими?!

Уйғонганида дарахтлар сояси анча-мунча чўзилганди.

– Олов ёқ, – деб мерган Жейкка чакмоқтош ва пўлат парчасини узатди. – Қандай фойдаланишни биласанми?

– Ҳа, биламан.

Мерган толлар орасига қараб кетди, боланинг овозини эшитиб, ярим йўлда тўхтади.

– Зулмат учқуни, учқунжон, айтолмайсанми, қаерда менинг хожам? – деб бидирларди бола пўлатни чакмоқтошга уриб. *Чиқ-чиқ-чиқ* – худди мурватли механик қушчанинг чирқиллашига ўхшайди-я. – Бардошим етармикин? Уринишларим зое кетмасмикин? Туман ичра аланга олсин гулхан.

Мендан эшитиб олган, шекилли, деб ўйлади мерган. Ажин тушган қўлларига қараб сира ажабланмади. Сал қолса, сувга бўккан кўшпақдай қалтираб кетай деди. Ҳа, мендан бошқа кимдан ҳам эшитарди. Гулхан ёққанимда, овоз чиқариб айтганман, шекилли, лекин ўзим эслолмайман. Энди унга нисбатан хоинона иш тутайми? Мана шу раҳмдил болакайни бу ёвуз дунёда сотайми? Бу сотқинликни оқлайдиган бирон нима борми ўзи бу ёвуз дунёда?

Бу шунчаки сўзлар.

Ҳа, лекин яхши сўзлар. Қадимдан қолган хайрли сўзлар.

– Роланд? – деб чақирди уни бола. – Ҳаммаси жойидами?

– Ҳа. Гулхани ёқавер.

– Ҳа, ҳа.

Мерган бутазорнинг ичкарасига кириб ўтирмади. Ўт-ўлан қалин ўсган дўнгликка бориб, дарахт соясига ўтиб, тош қотди. Узоқдан гулханининг чирсиллаб ёнаётгани эшитилди. Мерган кулиб қўйди.

У қимир этмай ўн дақиқа турди. Ўн беш дақиқа. Йигирма дақиқа. Дўнгликка учта қуён чиқди. Мерган револьверларини чиқариб, қуёнларни отди ва ўша ернинг ўзидаёқ терисини шилиб олди. Кейин тайёр гўштни кўтариб келди. Жейк қозон осиб, сув қайнатишга улгурибди.

– Мақтовга арзигулик иш қилибсан-ку.

Мақтовдан ийиб кетган Жейк қизарганча чақмоқтошни мерганга қайтарди.

Гўшт пишгунча мерган толзорга қайтиб, тол новдаларидан қирқиб олди. Жейк ухлаб қолганда, бу новдалардан арқон эшиб олади, ахир бир корига яраб қолар.

Қуёш бош кўтаргани ҳамоно икковлон ҳам уйғониб, ярим соат ичида йўлга шайланиб бўлишди. Мерган тагин битта-яримта қуён-пуён отишни мўлжал қилганди, лекин вақт кутиб турмайди, шалпангулоқ ўлгурлар ҳам кўринавермайди. Озиқ-овқат солинган тугун шунчалик енгиллашиб қолибдики, ҳатто Жейк ҳам бемалол кўтара оляпти. Ҳа, болакай чиниқиб, тобланди.

Мерган мешларни кўтариб олди, белига озиқ-овқат солинган учта тугунни гир айлантти-



риб боғлади. Тош доирани айланиб ўтишлари учун йўлни каттароқ солишларига тўғри келди (мерган болани яна ваҳима босмасин деб хавотирланганди, башоратгўйнинг макони узра ўтишаётганда, Жейк қуйига бирровга назар ташлади-ю, кейин дарров кўзини кўкда чарх ураётган қушга бурди). Кўп ўтмай дарахтлар борган сари сийраклашиб, майдалашиб кетди. Қинғир-қийшиқ шох-буталар ерга тегай-тегай деб қолган, илдизлар эса жонлари борича намлик излаб тупроқ билан олишиб ётарди.

– Бу ерлар бирам тўзиган-ей, – деди Жейк ковоғи осилиб нафас ростлагани тўхташганда. – Наҳотки, бу дунёда ҳеч вақо қолмаган бўлса?

Мерган кулиб қўйиб, тирсаги билан Жейкнинг биқинига туртди.

– Масалан, сен борсан-ку.

Жейк кулиб қўйди.

– Тепага кўтарилиш қийин бўладими?

– Тоғлар жуда баланд. Ўзинг нима деб ўйлайсан?

Жейк ҳайрон бўлиб мерганга қаради.

– Йўқ, қийин бўлмайди.

Улар йўлда давом этишди.

VIII

Қуёш тиккага келди-да, оний фурсат ўша нуқтада туриб қолди, сўнгра бир зум ҳам кечиктирмай йўловчиларга сояларини қайтарди. Қояларнинг туртиб чиққан жойлари ерни ўйиб жойлаштирилган баҳайбат курсиларнинг тирсаққўйгичларини эслатиб кўкка бўй

чўзганди. Ўт-ўланлар яна тагин борган сари саргайиб, қуриб кетди. Юра-юра икковлон йўлни тўсиб қўйган тик қияликлардан иборат чуқур дарага бориб қолишди. Дарани яланғоч тепаликлардан айланиб ўтишларига тўғри келди. Тоғ қияликлари зинапояларга ўхшаш буришиқ-тиришиқ бурмалардан иборат эди. Улар юқорига кўтарилиш осон бўлмаслигини олдиндан сезишганди. Жуда бўлмаганда биринчи босқичда. Улар чўққига чиқишди. Тоғларга сариқ панжаларини ботиришга уриниб ҳужум қилаётган сахрога тикилганча, шапалоқдеккина қияликда тин олишди. У ёнига сахро кўзни олувчи оппоқ уфқ ортига югургилаб, осмону фалакка кўтарилаётган сароб ичра йўқолиб борарди. Мерганнинг хаёлидан сал қолса, сахро мени ҳалок қиларди-я, деган фикр лип этиб ўтди. Бироқ енгил шабада эсиб турган тоғ чўққисида сахро гарчи улкан кўринса-да, сира-сира даҳшатли — ажал келтирадигандек туюлмасди.

Чарчоқни чиқаргач, юқорилашда давом этишди. Тошлар қўл текканда, оғритмасди, аммо-лекин ҳаво аста-секин совий борди. Шомга яқин мерган узоқ-узоқлардан, тоғнинг нариги тарафида момақалдироқ гумбурлаганини эшитди, бироқ тоғнинг энг баланд чўққисида ҳам қора булутлар кўринмади.

Соялар тўқ қирмизи тусга кира бошлаганда, тош дўнгликда гулхан ёқишди. Мерган от ёпинчиғидан бостирмага ўхшаш қўлбола чодир ясади. Икковлон чодир ичида фалакдан заминга тушаётган тун пардасига кўз тикишди. Жейк



оёғини пастга осилтириб олди. Мерган тамаки-
сини бурқситиб, қувлик билан кўзини қисиб,
Жейкка боқди.

– Ухлаётганингда тўлғониб-нетмагин, йўқса,
нақ жаҳаннамда уйғонасан-а.

– Йўғ-е, – деди Жейк жиддий тусда. – Ойим
айтгандики... – шу жойида болакай тутилиб
колди.

– Хўш, ойинг нима деганди?

– Ўликдай донг қотиб ухлайсан, деганди.

Мерган унинг лаблари титраётганини
кўрди. Кўзёшларини аранг тийиб турибди.
Она сути оғзидан кетмаган болакай, деб
ўйлади мерган ва бошига оғриқ кирди. Муздек
сув ичишнинг оқибати шу. *Она сути оғзидан
кетмаган болакай. Нима учун?* Аҳмоқона
савол. Жисмонан ёки қалбан таҳқирланган
бирон-бир болакай юзларига чандиқ туш-
ган жанг машинаси, иши мерганларнинг
ўғлонларини ҳаётга тайёрлашдан иборат бўл-
ган Кортга ушбу саволни берганда, у шун-
дай жавоб берарди: «*Нима учун* – бу хунук
сўзлар, бу сўзларни ўнглаб бўлмайди... Шун-
дай экан, ҳеч қачон *нима учун* деб сўрамасдан
тур ўрнингдан, мишиқи! Тур! Олдинда бутун
бир кун турибди!»

– Нима учун мен бу ердман? – деб сўради
Жейк. – Нима учун шунгача бўлган барча нар-
сани унутдим?

– Чунки сени бу ёққа қора кийимли одам
олиб ўтган, – деди мерган, – ва яна қолаверса,
Минора туфайли. Минора... энергетик тугунга
ўхшаш нимададир турибди. Вақт тугунида.

– Мен тушунмайман бунақа гапларни.

– Мен ҳам, – деди мерган. – Лекин шунга ўхшаш нимадир рўй берган. Ҳали-ҳозиргача давом этапти. «Дунё жойидан силжиди»... Биз шундай деймиз. «Дунё силжиди»... Фақат у борган сари тезроқ ҳаракатланияпти. Вақтга нимадир бўлди. Мулойимлашиб қолганми-ей.

Кейин улар анчагача сукут сақлаб ўтиришди. Енгил, лекин этни жунжиктирадиган шабада оёқ тагида ўйноқлар, тоғ дарасида ғувилларди.

– Ўзингиз қаердансиз? – деб сўради Жейк.

– Эндиликда йўқ бўлган ўлкаларданман. Библияни биласанми?

– Исо ва Мусо. Бўлмасам-чи!

Мерган кулиб қўйди:

– Тўппа-тўғри. Менинг ўлкам библияча номланади — Янги Ханаан. Сут ва асал ўлкаси. Библиядаги Ханаанда бир шингил узум шунчалик улкан бўлганки, аравада ташишга тўғри келган экан. Бизда жуда бунчалик бўлмаган-куя, лекин ерларимиз ҳосилдор эди.

– Мен яна Одиссей¹ ҳақида биламан, – деди Жейк ўзига ишониб-ишонмай. – У ҳам Библияданми?

– Эҳтимол. Мен Библияни мук тушиб ўқи-маганман.

– Қолганларчи... Дўстларингиз?

– Бошқалар йўқ. Мен сўнгисиман.

Кўк юзида ярим ой ўроғи кўринди. Оймома гўё қоя тагида ўтирган мерган ва болакайга кўз қисиб қараётгандай туюларди.

¹ Хомернинг «Илиада» ва «Одиссей» дostonлари қаҳрамони.



– Ўлкангиз чиройлимиди?

– Жуда-жуда, – деди мерган паришонхотир. – Далалар, ўрмонлар, дарёлар, тонгги шабнамни айтмайсанми! Лекин онажоним ҳамиша, булар чиройли, холос, бу ёруғ дунёда уч нарса чинакамига гўзал, дерди. Булар: тартиб, мухаббат ва нур.

Жейк аллақандай англаб бўлмас товуш чиқарди.

Мерган жимгина чекиб, ўтмиш хотираларига берилди: маҳобатли Катта Залдаги тунлар, пўрим кийиниб олган, сокин, офир-вазмин вальс ёки жадал полькага рақс тушаётган юзлаб одамлар. Эйлин Риттер уни қўлидан ушлайди. Бу қизни, ўзининг сезишича, ота-онаси ўғиллари учун танлашган. Қизнинг кўзлари энг яркироқ зумраддан-да чакноқ. Электр кандилларнинг плафонидан¹ қуйилаётган шуълалар сарой амалдорларининг гажакдор соч турмакларига ҳамда уларнинг сурбетларча нозу ишваларига нур сочиб турибди. Зал қадим замонларда юзлаб тошлардан қад ростлаган Марказий қаср сингари улкан эди. Роланд сўнгги марта Марказий қасрни кўрганию ортига қарамасдан, фам-алам ила туғилиб-ўсган юртидан кўнгил узиб, қора кийимли одамнинг изига тушганидан буюн неча-неча сувлар оқиб ўтганини ҳисобламай ҳам қўйганди. Ўшандаёқ кўплаб деворлар қулаб тушган, ховлиларда ёввойи ўтлар ўсиб чиққан, асосий залнинг шифтлари-

¹ *Плафон* – одатда шифтга ёки деворга ўрнатиладиган чироқ қопқовининг бир тури.

га кўршапалаклар ин қуриб олган, галереялар¹ ичра қалдирғочларнинг қанотлари пириллашидан акс садо келиб турарди. Корт болаларга камон ва револьвердан ўқ узишни, лочин ови ва бошқа сир-синоатларни ўргатадиган майдонни ажриқбош ва печаклар қоплаганди. Бир замонлар Хакс хўжайинлик қилган улкан ва янгроқ акс садо берадиган ошхонага эси йўқ дурагайлар тўдаси ўрнашиб олганди. Улар мерганга омборхонанинг нимқоронғисидан мўралашар ёки устунлар кўланкасига яширинишарди. Қовурилган мол ва чўчка гўшти хиди билан тўйинган иссиқ буғ рутубатли намлик хиди билан алишган, ҳатто эси йўқ дурагайлар ҳам киришга ботинмайдиган энг қоронғи бурчакларда қурбақасаллар² ўсиб чиққанди. Ертўланинг эман ёғочидан ясалган зил-замбил эшиги ланг очиқ турар, ичкаридан чидаб бўлмас қўланса хид келарди. Бадбўй хид гўёки ялпи таназзул ва вайронагарчиликнинг тимсоли эди. Шундай экан, мерганнинг ортига қарамай жануб томон бош олиб кетишдан ўзга йўли қолмаганди. У ҳеч иккиланмай кетди, бироқ юрагига тош ботди.

– Нима, уруш бўлдимиз? – сўради Жейк.

– Унданам баттар. – Мерган папирос қолдиргани ерга ташлади. – Инқилоб юз берди. Биз барча курашларда енгдик, аммо урушни бой бердик. Ўша урушда ҳеч ким ғолиб бўлмади, қора

¹ *Галерея* — биноларни бирлаштирувчи узун, тор йўлак; бино олдидаги узун айвон.

² *Қурбақасалла* — захарли замбуруғ.



кузғунларни ҳисобга олмаганда, албатта. Улар кўп йиллик текин ўлжаларга эга бўлишганди.

– Мен ҳам ўша ерда яшашни истардим, – деди Жейк орзу-хаёлларга берилиб.

– Ростданми?

– Ҳа.

– Ҳай, майли, Жейк, ухлайдиган пайт бўлди.

Болакай жулни устига тортиб, ёнбошлаб, гужанак бўлиб олди. Мерганнинг ўзи хадеганда ётавермади. У ўй-хаёллар чангалзорида кезиниб, бир соатча ўтирди. Бу ички хотиржамлик, чуқур ўй-хаёлларга берилиш унинг учун янгилик, ўзининг шу ғам-ғуссага ботиб ўтириши ёқимли эди-ю, лекин барибир ҳеч қандай амалий аҳамиятга эга эмасди: Жейк масаласини башоратгўй айтганидек ўзга йўл билан ҳал этиб бўлмайди, қидирувдан бош тортиб, ортга кетишнинг эса сира-сира иложи йўқ. Аҳвол чатоқ, аммо мерган буни пайқамасди; у ҳар доимгидек ҳаммасини олдиндан сезарди. У тўхтовсиз ўйларди... Алалоқибат, чарчоқ устунлик қилиб, кўзи илинди. Қаттиқ уйқуга кетди, ҳатто туш ҳам кўрмабди.

IX

Эртасига йўлни айланасига давом эттираётганларида, дара бурчида тепалик янаям тиккалашиб кетди. Мерган шошмасди: шошилишга хозирча ҳожат йўқ. Оёқ тагидаги жонсиз тошларда қора кийимли одамнинг изи кўринмас, шундай бўлса-да, мерган у шу йўлдан ўтганлигини аниқ биларди. Жейк иккалови унинг кумурсқадек ўрмалаётганини кўришгани учун эмас. Унинг мойсимон, адоват сингган, ажина-

ўт сингари ачқимтир иси изғирин хавонинг ҳар бир эсишида мухрланиб қолибди.

Жейкнинг сочлари ўсиб, қорайиб кетган бўйнига тушганди. Болакай дадиллик билан кўтарилар, жарлик узра юришганда ёки қояларга ўрлашганда, ҳеч қандай тепаликдан қўрқиб белгиларини кўрсатмади. Икки марта ҳатто мерган ёлғиз ўзи ўтолмайдиган жойдан ўтишга муваффақ бўлди. Жейк тошларга арқонни боғлар, мерган эса унга осилиб чиқарди.

Эртаси кун тонгда пастда қолаётган тоғ ёнбағрини қоплаб бораётган совуқ ва нам булутлар ичра улар янада юқорирокқа кўтарилишди. Тошлар орасидаги чуқурчаларда майда-майда, қотиб қолган қор уюмлари учрай бошлади. Қор шишадай ялтирар, қумдай қуруқ эди. Ўша кун оқшомга яқин улар биргина изга йўлиқишди — оёқ изи қор устида қолганди. Жейк сеҳрлангандай изга анграйиб қараб қолди, сўнг қора кийимли одам ўзининг изидан чиқиб келадигандек қўриқиб кўзларини олиб қочди. Мерган боланинг елкасига қоқиб қўйиб, олдинга ишора қилди:

– Юрақол. Кун ботиб боряпти.

Тоғ ортига ёнбошлаётган қуёшнинг сўнгги нурлари остида олов ёқишди. Ҳаво хийла сови. Нафас олишганда, оғизларидан паға-паға буғ чиқар, момақалдироқнинг «йўталиши» ҳам бегона, ҳатто телбанамо туюларди.

Мерган боланинг савол беришини кутди, лекин у миқ этмади. Жейк дарров ухлаб қолди. Мерган ҳам кўзини юмди. Тушига тагин гипсдан ясалган, манглайига миҳ қоқилган черков



хайкаллари сиймосидаги Жейк кирибди. Мерган муздек тоғ ҳавосини кашпа-кашпа ютганча, уйғониб кетди. Жейк ёнида безовталаниб ухларди: болакай тушуниксиз сўзларни айтиб гўлдирар, афтидан, тушига кирган шарпаларни хайдарди. Қўнгли ваҳимали ўйларга тўлганча, мерган нариги ёнбошига ағдарилиб, яна уйқуга кетди.

Х

Жейк қордаги изни кўрганидан бери роп-па-роса бир ҳафта ўтиб, улар бир зумга қора кийимли одам билан юзма-юз келишди. Айни шу дамда мерган Миноранинг маъно-моҳиятига етадигандек туюлди, негаки шу бир оний фурсат мангуга чўзилди.

Улар жануби-шарқий йўналишда йўлни давом эттиришди: азим тоғ тизмасининг ярмига етишганда, биринчи марта юқорилаш чинакамига машаққатли тус олди (олдиларида чўққиларини муз қоплаган қоялар пайдо бўлди; юқорига қарашнинг ўзидаёқ мерганнинг боши айланиб кетаверди), улар иложи бори-ча қулайроқ ердан юқорилайверишди. Илангбиланг сўқмоқ кўз илғамас чўққилардан оқиб тушмиш саркаш тоғ сели айқираётган дара тубигача тушиб борганди.

Қош қораяётганда болакай бирдан тўхтади-да, юзини яхдек сувга чаяётган мерганга қаради.

– Сезиб турибман, у шу яқин-атрофда, – деди Жейк.

– Мен ҳам сезяпман.

Айни чоғ уларнинг қаршисида кўринишидан ошиб бўлмас гранит¹ палахсалари чиқиб қолди. Мерган ҳар дақиқа тоғ дарёсининг навбатдаги бурлишида улар шаршара ёки силлиқ гранит девори, бир сўз билан айтганда, боши берк кўчага дуч келишларидан хавфсирарди. Аммо бу ерларнинг ҳавоси ҳар қандай баланд тоғларга хос бўлган катталаштириб кўрсатиш хусусиятига эга эди. Болакай иккалови ҳайбатли гранит ғовга етиб олишгунча яна бир кун ортда қолди.

Узоқ вақт интилгани нақ бурнининг тагида чиқиб қолиши мерганнинг сал қолса чопиб кетишига сабаб бўлди.

– Шошманг! – Болакай таққа тўхтади. Улар сойнинг кескин бурилишида қотиб қолишди. Сел кўпириб, шарқирар, дара борган сари тораярди. Эрталабдан буён тоғ соясида кетиб боришяпти.

Жейк қалт-қалт титради. Юзи докадек оқариб кетганди.

– Нима гап?

– Орқага қайтайлик, – шивирлади Жейк.

– Орқага қайтайлик. Тезроқ.

Мерганнинг юзи тош қотди.

– Илтимос!

Болакай сўшайиб қолди. Тоғлар ортидан ҳамон ер тагига яшириб қўйилган механизмлар ғувиллашидек момақалдироқ гумбурлаши эшитилиб турарди.

– Илтимос, *илтимос!*

¹ *Гранит* – рангдор, каттиқ тоғ жинси.



Болакай мерганни урмоқчи бўлгандек мушт кўтарди.

– Йўқ.

Бола хайрон бўлиб мерганга тикилди.

– Сиз мени ҳалок қиласиз! У мени бир марта ўлдирди, энди сиз ўлдирмоқчисиз. Сезишимча, ўзингиз ҳам шуни билиб турибсиз.

Мерган лабларида аччиқ ёлғон таъмини сезди, шундай эса-да, ёлғонни тилига кўчирди:

– Ҳаммаси яхши бўлади.

Сўнг ундан ҳам баттарроқ ёлғон янгради:

– Мен сени ҳимоя қиламан.

Жейкнинг ранги бўзариб кетди ва ортиқ овиз очмади. Истар-истамас қўлини мерганга узатди. Улар шу тарзда қўл ушлашиб, тоғ сойининг бурилишидан ўтиб олишди ва тик гранит деворга чиқишди. Шу ерда улар қора кийимли одам билан юзма-юз келишди.

У йигирма футча юқорида, қоянинг кертик тешигидан шовуллаб оқаётган шаршаранинг ўнг тарафида турарди. Шамол унинг қора ридоси барини ҳилпиратарди. Бир қўлида ҳасса, иккинчи қўлини уларни қаршилагандек ҳазилнамо ишора қилиб кўтариб олган. Харсангтош устида, яна тагин авзойи бузук осмон остида у ўлим авлиёсини эслатар, овози эса Йирмеяху оҳангидек янгради:

– Мерган! Кўриб турибманки, сен қадимий башоратни амалга оширяпсан! Хайрли кун, хайрли кун, хайрли кун! – У хахолаб, таъзим қилди, қаҳ-қаҳ товуши ҳатто шаршара шовуллашини ҳам босиб кетиб, қояларга урилиб, акс садо қайтарди.

Мерган пайсалга солмай револьверини чиқазди. Орқасида турган болакай гужанак бўлиб олди.

Учинчи ўқдан кейингина Роланд ўзини қўлга олди. Ўқлар тошларга урилиб, акс садо тартди.

Гранит парчалари қора кийимли одамнинг устига ёғилди; иккинчи ўқ қора қайтарма қалпоғининг чап тарафини, учинчиси ўнг тарафини тешиб ўтди. Мерган учинчи мартада ҳам нишонга теккизолмади.

Қора кийимли одам тиржайди. Унинг кулгуси худди ўқ узаётган мерганни курашга чорлаётгандек эди.

– Жавоб излаяпсанми, мерган? Жавоб топиш ўқ узишдек осон деб ўйлайсанми?

– Пастга туш, – деди мерган. – Айганимни қил, жавобини оласан.

Яна тагин тахкиромуз, гулдурос кулгу янгради.

– Мен ўқларингдан қўрқмайман, Роланд. Мени жавоб топишга муккасидан кетганинг кўрқувга солади.


– Туш пастга.

– Нариги тарафда, мерган. Нариги тарафда иккаламиз гаплашиб оламиз. Узоқ, муфассал гаплашамиз.

Жейкка бир қараб қўйиб, қора кийимли одам қўшимча қилди:

– Фақат иккаламиз.

Жейк хазин инграб, орқага чекинди. Қора кийимли одам илкис бурилди — қора ридоси кўршапалак қанотларидек шиддат билан кўта-



рилди — сув шовуллаб отилиб чиқаётган ёрикка кириб кетиб, яширинди. Мерган бор иродасини тўплаб, унинг ортидан ўқ узмади. *Жавоб из-лаяпсанми, мерган? Жавоб топиш ўқ узишдек осон деб ўйлайсанми?*

Фақатгина шамолнинг ҳуштагию сувнинг шовуллаши — минг йиллардан бери маънос ва ёлғиз қоялар ичра янграётган овоз эшитиларди. Аммо барибир қора кийимли одам шу яқин-атрофда-ку. Нақ ўн икки йил ўтиб, Роланд уни яна яқиндан кўришга муваффақ бўлди. Хатто бир-икки оғиз бўлса ҳам сўзлашишди ва қора кийимли одам бу сафар ҳам унинг устидан кулди.

Нариги тарафда иккаламиз гаплашиб оламиз. Узоқ, муфассал гаплашамиз.

Бола титраб-қақшаб мерганга қараб турарди. Бир зумга болакайнинг ўрнида Эллинг юзи — хув, ўша, пешанасида чандиғи бор таллик аёл кўриниб кетди. Чандиқ гўё сўзсиз айблов эди. Туйқус мерганни иккаловига нисбатан тийиқсиз нафрат қамраб олди (анча фурсат ўтгандан кейингина мерган Эллинг пешанасидаги чандиқ ўзининг даҳшатли тушларида кўрганидек Жейкнинг манглайини миҳ тешиб ўтган ерда жойлашганини пайқаб қолди). Жейк унинг фикрларини ўқирмиди ёхуд мерганнинг кайфиятини англади, лабларидан оғир ингроқ отилиб чиқди. Болакай дархол лабини тишлади. Болада ҳақиқий эр йигит, хатто агар ҳақ-ҳуқуқи бунга йўл берса, мерган бўлиб етишиши учун барча имконият мавжуд. Фақатгина унинг ўсиб-униши учун имкон беришмади.

Фақат иккаламиз.

Мерган тўсатдан дилни ўртовчи соғинчни, вужуднинг туб-тубига жойлашиб олган, на сув, на май билан қондириб бўладиган бетавфик ташналикни туйди. Совуққон ақли ила мерган бу ички ғалаёни бостиришга уринди, лекин яхши англаб турардики, барчаси бекор. Охир-оқибат биргина ка қолади.

Чошгоҳ. Мерган қуёш ҳиммат қилиб, охирги хира нурлари юзига тушиши учун бошини орқага ташлади. «Хоинликни кумуш билан оқлаб бўлмайди, – деб ўйлади мерган. – Ҳар қандай хоинликнинг баҳоси – кимнингдир ҳаёти».


– Мен билан кетишинг ёки қолишинг мумкин, – деди мерган.

Болакай синиқ табассум билан жавоб қайтарди.

– Агар мен шу ерда, тоғлар орасида якка ўзим қолсам, – деди болакай, – менга ҳеч нима бўлмайди. Кимдир мени, албатта, қутқаради. Менга бўғирсоқ ва сэндвич олиб келади. Шундайми?

– Мен билан кетишинг ёки қолишинг мумкин, – такрорлади мерган. Унинг бошида нимадир кўзғалди. Бу узилиш эди. Ушбу дамда унинг қаршисида турган манави кичкина одамча Жейк эмас, шунчаки болакай – жойидан силжитиш ва фойдаланиш мумкин бўлган қиёфасиз пиёдага айланди.

Шамолнинг увиллаши аралаш кимнингдир қулоқни батанг қиладиган қичқириғи эшитилди.



СТИВЕН КИНГ

Биринчи бўлиб мерган йўлга тушди. Жейк унинг изидан эргашди. Улар биргаликда қора кийимли одам турган харсангтош устига чиқишди ва у яширинган тешикка киришди. Уларни зулмат ютиб кетди.



4 б о б

ЭСИ ЙЎҚ ДУРАГАЙЛАР

I

Мерган худди уйқусираб гапиргандек шошмасдан, чалкаш-чулкаш сўзларди:

– Биз уч киши эдик: Катберт, Алан ва мен. Тўғрисини айтсам, ўша тунда у ерга бормаслигимиз керак эди. Ахир биз, катталар айтганидек, ҳали бола ёшида эдик. Мабодо қўлга тушадиган бўлсак, Корт теримизга сомон тикарди. Лекин қўлга тушмадик. Гапнинг пўсткалласини айтганда, йўлимизда битта-яримта учрамади. Болалар яшириқча оталарининг иштонларини кийиб, ўзларига ўлчаб кўришади: ўзларини ойнага солиб, иштонни шкафга қайтариб илиб қўйишади. Бизнинг ҳолатимизда ҳам худди шундай эди. Ота эса иштони ўз жойига илинмаганини кўрмагандек ўзини гўлликка солади, ўғлининг бурни тагида эса этикмой билан ёпиштирилган мўйлов излари қолган. Нимани назарда тутаётганимни тушуняпсанми?

Бола оғзига толқон солгандек финг демасди. Қуёш нурларини ортда қолдириб, ичкарилашганидан бери у юрак ютиб оғиз жуфтламади. Мерган эса, аксинча, сукунатни тўлдириш учун куйиб-пишиб гапирарди. Тоғ ичига киришганидан бери мерган бирон мар-

та ортига ўғирилмади. Бола эса ҳадеб ортига қарайверарди. Мерган Жейкнинг дам қизғиш, дам сутранг, дам нуқра тусга қираётган ёноқларидан кун ботаётганини кўриб турарди. Мерган машъала ёқди ва улар олға юришди.

Ниҳоят, тўхташди. Ҳатто қора кийимли одамнинг қадам товушлари акс садоси ҳам эшитилмаётган овлоқда гулхан ёқишди.

Балки, у ҳам тин олгани тўхтагандир. Ёки бўлмаса, мангу тун қасри аро оловсиз олға кетиб борётгандир.

– Бу йилда бир марта илк уруғ қадаш пайтида бўларди, – сўзида давом этди мерган. – Илк уруғ қадаш оқшомидаги Котильон ёки Каммала, кексаларимиз уни шундай деб аташарди, «гуруч» деган маънони англатувчи сўздан олинган. Катта Залдаги катта бал. Ҳақиқий номи — Аждодлар Зали. Бироқ у биз учун шунчаки Катта Зал эди.

Уларга сувнинг томчилаётгани эшитилди.

– Сарой маросими. – Мерган ўзи истамай хохлади, бўғиқ акс садо жонсиз тошларга урилиб, телбанамо қаҳ-қаҳа бўлиб қайтди. – Китобларда битилганидек, қадим замонларда кўклам ташрифини ана шундай тантана билан кутиб олишган. Гоҳида уни Янги Замин ёки Ёш Каммала деб аташарди. Лекин, биласанми, тараққиёт...

У ўзгаришлар маъно-моҳиятини қандай ифодалашни билмай, мум тишлаб қолди: сурурнинг халокати, бир тийинга қиммат дабдаба ва маросимларнинг сунъий нашидасигина мавжуд бўлган дунё; илк уруғ қадаш оқшомида ракс

тушаётган сарой амалдорларининг па¹даги геометрик қотиб қолишлари. Қачонлардир одамларнинг қалбини ўртаган нозик, асов ва кучли ҳис-туйғулар ўрнини қоплаган усти ялтироқ, ичи қалтироқ ҳашамат. Мерганнинг ўзи ҳам бу ширин изтироб таъмини татиб кўрганди. Межисда Сюзан Дельгадо билан бирга. У ўзининг чин муҳаббатини топди-ю, йўқотди. «Қадим-қадим замонларда буюк қирол яшаб ўтган экан». Мерган болага шуни айтиши мумкин эди. «Томирларимда унинг қони оқаётган буюк Эльд. Лекин қироллар ўтмишда қолган, болакай. Ҳайтовур, бу ёруғ дунёда улар аллақачонлар йўқ бўлиб кетишган.

Улар бундан ўзларига турган-битгани мўрт томошаю ўйин ясаб олишганди».

Мерганнинг овозида бу дунёдан ҳафсаласи пир бўлган гўшанишин одамнинг зоҳидона нафрати баралла янгради. Агар ҳозир қўлларида чироқ бўлганидайди, унинг юзларидан ички туғён нишонларини пайқаш мумкин эди.

– Лекин бу бал... – деб хўрсинди мерган.

Бола ҳамон жим ўтирарди.

– Бутун зал биллур қандиллардан ёғилаётган ёруғликдан жилоланарди. У ерни нур ороли деса ҳам муболаға бўлмасди.

Учовлон болалар учун тақиқланган эски пешайвонга писиб чиқиб олдик.

Биз ҳали гўр бола эдик. Бола барибир бола-да. Биз учун ҳар бир нарсада хавф-хатар мавжуд эди, хўш, бу билан осмон узилиб,

¹ Па – рақсда оёқ ёки гавданинг алоҳида бир ҳаракати.



ерга тушармиди?! Ахир, биз мангу яшаймиз. Ҳатто қаҳрамонларча ўлиб кетишимизни бот-бот қулоғимизга қўйишса-да, бу дунёга устун бўлишимизга заррача шубҳа қилмасдик. Йўқса, ҳаётга муҳаббатдан илинж ҳам қолмайди.

Юқорига чиқиб олиб, бир оғиз сўз қотмасдан, соатлаб тубандагиларни томоша қилардик.

Тош стол атрофида мерганлар аёллари билан жойлашволиб, рақс тушаётганлардан кўз узишмасди. Унда-бунда ёшроқ мерганлар ҳам рақс тушарди. Эсимда, раққослар орасида Хаксни қатл этган ўша навқирон мерган ҳам бор эди. Ёрқин чироқ нурлари остида ўтирган кекса мерганлар ўзларини ноқулай сезишарди. Уларни қаттиқ ҳурмат қилишар, ҳатто ҳайиқиб туришарди. Негаки улар ватан соқчилари эдилар. Бироқ катта тўралару оқбилақойимлар орасида улар отбоқардан фарқ қилмасди...

У ерда яна ноз-неъматларга тўла тўртта доира стол ҳам бўлиб, тўхтовсиз айланиб турарди. Дастёр болалар кеч соат еттидан тунги учгача у ёқдан-бу ёққа зир югуриб хизмат қилишарди. Қовурилган чўчка, мол гўшти, қисқичбақа, жўжа ҳамда пиширилган олма исидан сўлакларимиз оқиб кетарди, бундан ташқари, дастурхонда музқаймоқ, қанд-қурслар, қулинг ўргилсин кабоб хўрандаларга интиқ эди.

Мартен ота-онамнинг ёнида кўр тўкиб ўтирарди. Мен уларни дарров танидим. Мартен онам билан рақс тушди. Аста-аста айланишди, қолганлар ўртани бўшатиб беришди. Рақс ниҳояланганда, қарсақ чалиб олқишлашди. Мерганлар, албатта, қўлларининг учини ҳам

қимирлатиб қўйишмади. Отам эса офиркар-вонлик билан ўрнидан туриб, онамга қўл узатди, онам ҳам унинг қўлини олиб, табассум ҳадя қилди.

Ҳа, бу тантанали онлар эди. Бу вақтга келиб отам ўзининг катети — Тет Револьверни жамлаб бўлганди. Тез орада отамни Дин, яъни Гилеад Сардори деб эълон қилишлари керак эди. Ҳамма буни биларди. Агар Габриэль Веррисс ҳисобга олинмаса, айниқса, Мартен жуда яхши биларди.

Бола ниҳоят тилга кириб, савол берди:

– Габриэль деганингиз онангизми?


– Ҳа. Аланнинг қизи, Стивеннинг рафиқаси, Роланднинг волидаи мухтарамаси, Азим Сувлар сулоласидан бўлмиш Габриэль. — Мерган «Мана қаршингда ўша буюк сулоланинг вакили ўтирибди, хўш, шунинг учун менга тавалло қилиш керакми?» дегандай истехзоли кулимираб қўйди. — Отам ҳукмдорларнинг сўнгисиди.

Мерган бошини ҳам қилиб, қўлларига тикилиб қолди.

– Онам мерганлар маслаҳатчиси Мартен билан муқом қилиб, рақс тушганини сира-сирани унутолмайман.

У болага назар ташлаб, синиқ қулди.

– Аммо бу ҳеч нимани англатмасди, тушуняпсанми? Чунки салтанат ҳукмдори ўзгарганди. Биров бу ўзгаришни сезмаётган бўлса-да, содир бўлаётган бошқа нарсаларни яхши англаб туришарди. Онам салтанат тепасига ким келган бўлса, ўшанинг инон-ихтиёрида эди. Шундай



эмасми, ахир? Рақс тугаганда, онам отамнинг қошига борди-ку, тўғрими? Унга қўл узатди. Бутун зал — хотинчалишлару нозикойимлар уларни олқишлади. Шундай эмасми, ахир? Онам Мартен билан муқом қилиб рақс тушганини сира-сира унутолмайман, — такрорлади гапини мерган.

У ўт чакнаб турган кўзларини тошларга қадади: хозирнинг ўзидаёқ наъра тортиб, лаънатлар ёғдириб, ҳиссиз тошларни майда бўлақларга парчалаб ташлашга тайёрдек туюларди.

— Отамнинг умрига зомин бўлган пичоқ кимнинг қўлида эди?

— Билмадим. Мен чарчадим, — деди бола хорғин.

Мерган жим қолди. Болакай яланғоч тошларга бош қўйиб, мудрай бошлади. Машъала ҳам ўчиб борарди. Мерган тамаки ўради. Унинг хотираларида ҳали-ҳамон ярқ-юрқ нурлар жилваланар, ночорлашиб бораётган халойиқнинг тантанали тож кийдириш маросимидаги ҳайқириқлари тинмай қулоқлари остида жарангларди. Мерган вақтни орқага қайтариб, ўша нур оролини кўрмаслик, отасига хиёнат қилишаётганига гувоҳ бўлмаслик учун ҳаётидан ҳам воз кечишга тайёр эди.

У бурнидан тутун чиқариб, болага қарангача: «Ер тагида яна қанча тентирашимиз керак экан? Тентираб-тентираб, шубҳасиз, дастлабки нуқтага келиб қоламиз ва яна ҳаммаси бошқатдан бошланади. Чархи кажрафторнинг лаънати шу бўлса керак-да.

Қачон ёруғ дунёни кўраркинмиз?»

Мерганнинг кўзи илинди.


У бир маромда хуррак отиб, уйқуни ураётганда, бола уйғониб унга ачиниб қаради. Ёниб битаётган машъаланинг сўнгги шуъласи боланинг қорачиқларида аксланиб, зулматга ғарк бўлди.

II

Жазирама саҳрода мерган вақтни хис қилмай қолганди, зимистон тоғу тошлар орасида эса умуман замон тушунчасини англамай қолди. На мерганда, на болада вақтни ўлчовчи асбоб бор эди. Қисқаси, улар учун соат ва дақиқалар ўз кучини йўқотганди. Улар вақтдан ташқарида эдилар. Кун ҳафтага чўзилиши, ҳафта бир кундек туюлиши ҳеч гап эмас. Қиладиган ишлари йўл босиш, ухлаш, чалақурсоқ бўлиб қорин тўйдиришдан иборат. Ягона йўлдош — тошлар орасидан ўзига йўл очган сувнинг шовуллаши эди. Саёзроқ ҳавза ёқалаб кетишаркан, заҳарланиб қолишдан юрак ҳовучлаб минерал тузларга бой сувдан ичишарди. Дамо-дам мерганга шундай туюлардики, сув тагида ҳам лип-лип ёниб-ўчаётган алангани кўраётгандай бўлар, бироқ ҳар гал бу қуёш нури нима эканлигини унутган қувваи ҳофизасининг нотўғри ҳосилалари, дея ўзини чалғитишга уринарди. Шундай эса-да, болага «Сувга асло туша кўрма», дея тайинларди.

Мерганнинг савқитабий уларни олға ундарди.

Кичик дарё ёқасидаги сўкмоқ дарё ирмоғига олиб борарди. Дам-бадам сўкмоқ ўртасида лоп этиб тош устунлар қаққайиб чиқиб қоларди.



Устун асосларида темир ҳалқалар — афтидан, қачонлардир хўкиз ёки ишчи отларни боғлашган кўринади. Ҳар бир устуннинг тепасига электр машъалалар учун патронлар ўрнатилган, лекин уларда нурдан асар ҳам қолмаганди.

Мизғиб олиш учун учинчи марта тўхтаганларида, болакай бироз айланиб келмоқчи бўлди.

— Эҳтиёт бўлгин, — деб огоҳлантирди мерган. — Шундоғам ҳеч бало кўринмаяпти.

— Хавотирланманг... Бу ерда... Ё тавба!

— Нима бор экан?

Мерган қўлини беихтиёр револьверларига олиб бориб, ўрнидан сапчиб турди.

Оний сукунат. Мерган зимистонда бирон нимани илғаш учун кўзларини мошдек-мошдек очди.

— Менимча, бу темир йўл, — деди бола.

Мерган Жейкнинг овози келаётган томонга ерни пайпаслаб бораверди.

— Мен бу ердаман.

Тим қороғида мерганнинг юзига қўл тегди. Болакай мерганга қараганда қоронғуликка дурустгина мослашолганди. Мерган Жейкнинг мушукникидек кўзларини кўриб, машъаладан қолган таёқни ёқди. Бу жаҳаннам зулматида ёқадиган нарсанинг ўзи қолмаганди. Баъзан олов ёқиш шунчалик душвор бўлиб кетардики, мерган одам нафақат овқатсиз, балки ёруғликсиз ҳам яшолмаслигига амин бўларди.

Бола эгри-бугри тош девор устида турар, уларга мувозий равишда темир йўл чўзилиб кетганди; темир йўлга эса сим уланганди,

бир пайтлар бу симлардан электр токи оққан бўлса керак. Ердан бир неча қарич кўтарилган тошларга темир йўл ётқизилганди. Илгарилари бу йўлдан нима юрган экан-а? Мерганнинг кўз ўнгида мангу зулмат пардасини йиртиб, елиб бораётган чироқ нурлари пайдо бўлди. У бунақасига умри бино бўлиб дуч келмаганди. Бироқ дунёда ҳали ўтмиш қолдиқлари мавжуд экан. Бир замонлар якка ўзи эски бензоколонкага эгалик қилгани учун бир тўда ночору нотавагон чорвадорлар устидан диний ҳукмронлик асосини ўйнатиб ўтган зоҳидни танирди. Зоҳид ерга ўтирволиб, бир қўли билан хўжайинларча бензоколонкани ушлаганча, мурдор, машъум сўзлар ила ваъз ўқирди. Колонкага занг босган ҳарфлар билан тушуниксиз сўз битилганди: АМОКО¹. *Қўрғошинсиз*. Амоко уларнинг тотемига, Момақалди роқ илоҳи рамзига айланди ва улар зоҳидга қурбонлик сифатида қўй-қўзилар ҳамда мотор гуриллашларини келтиришарди: *Prrrrrrrrrr! Prrrrr! Prrrr-rrrrrrrr!*

«Ҳалокатга учраган кемаларнинг ўзгинаси, – деб ўйлади мерган. – Бир замонлар денгиз бўлган саҳродаги хароба кемаларнинг қолдиқлари».

– Йўлни мана шу матоҳда давом эттирамиз, – деди мерган.

Мерган машъалани ўчирди. Ухлагани ётишди.

Роланд уйғонганда, бола темир йўл рельсига ўтирволиб, гарчи аниқ-тиниқ кўринмасида, мерганга термулгани термулган эди. Улар

¹ АҚШнинг 1889 йили асос солинган нефть компанияси.



олдинма-кетин икки сўқир каби туртиниб-суртиниб юришди. Уч бора тўхтаб, тин олиб, миқ этмай кетишди. Мерганнинг хатто бу ёғига нима қилиш кераклиги ҳақида ҳам бош қотириб ўтиришга чоғи келмасди. Ухлагандаям туш кўрмай ухлади.

Тўртинчи марта дам олиб, йўлга тушганларида ташландиқ вагон-аравага урилиб кетишди.

Мерган кўкраги билан, бола пешанаси билан дўкиллаб урилди. Бола бир чинқириб, йиқилди.

Мерган дарҳол машғала ёқди.

– Соғ-омонмисан?

Унинг товуши ўлик сукунатни ўқдай кесиб ўтди. Ҳатто мерган ўзининг овозидан бир сесканиб тушди.

– Ҳа.

Бола бошини ушлаб, силкиди. Ҳаммаси жойидалигига ишонч ҳосил қилгач, нимага урилганларини билиш учун пайпаслаб кўришди.

Фов рельс устида турган ясси вагон-арава бўлиб чиқди. Вагон-араванинг ўртасида дастак диккайиб турарди. Бунақа нарсалар мерганнинг тушига ҳам кириб чиқмаганди, лекин болакай бу нима эканлигини дарров англади:

– Вагон-арава-ку.

– Нима?

– Вагон-арава, – шошқалоқлик билан такрорлади бола. – Худди эски мультфильмлардагидек. Қаранг.

Болакай вагон-аравага чиқиб, бутун гавдасини ташлаб дастакни пастга туширди. Вагон-арава рельс бўйлаб сассиз сал олдинга юрди.

– Яхши, – деди жозибасиз механик овоз. Мерган ҳам, болакай ҳам ҳе йўқ, бе йўқ таралган овоздан чўчиб тушишди. – Яхши, кел, яна бир мар... – Шу билан механик овоз ўчиб қолди.

– Ишлаяпти, фақат сал оғирроқ юряпти, – деди болакай хижолатпазлик билан.

Мерган ҳам вагон-аравага чиқиб, дастакни тортди. Вагон-арава силтаниб, бироз олдинга юриб, тўхтади.

– Яхши, кел, яна бир марта, – деди механик овоз.


Мерган оёғи остида етакловчи вал айланаётганини сизди. Бу матоҳ унга ёқиб тушди. Механик овоз ҳам чакки эмас. Бу ҳув, ўша йўлдаги станцияда учратган насосни ҳисобга олмаганда, неча йиллардан бери мерган энди дуч келган қадимий механизм эди. Бу вагон-арава деганлари уларни белгиланган жойларига тезроқ етказиб олиб боради. Бу ажабтовур машинани ҳам қора кийимли одам тайинлаб қўйганига мерган заррача шубҳа қилмади.

– Сиз нариги тарафда, мен бу тарафда турай, – деди Жейк. – Керакли тезликни олмагунча, бир ўзингиз итаришингизга тўғри келади. Кейин мен ёрдамлашвораман. Бир сиз, бир мен итараман. Шунақа қилиб, физиллаб кетаверамиз.

– Тушунарли.

– Лекин аввалига тезликни оширмагунча бир ўзингиз итариб кўрасиз.

Ногаҳон мерганнинг кўз ўнгида жонли манзаралар сузиб ўтди: баҳорги балдан кейинги Катта Зал. Эндиликда Аждодлар Зали исён,



фуқаролар уруши ва душман ҳужумларидан вайрона бўлиб, мунғайиб ётарди. Булар таллик чандикли аёл Элли ҳақидаги хотираларга ула-ниб кетди — мана, у, бояқиш аёл мерганнинг револьверидан ёғилаётган ўқлардан жон таслим қилиб, ерга қулаяпти. Агар қўлларининг реф-лексини баҳонаи сабаб деб олмаса, Элдини ҳе йўқ, бе йўқ ўлдирганди. Кейин хотира чангал-зоридан Катберт Олгуднинг сиймоси намоён бўлди. Катберт ўшанда тепаликдан хахолаб, лаънати бурғуни чалганча, ўз ажалига пеш-воз чиқиб, югуриб тушганди... Роланд унинг ва йиғидан бўғриқиб кетган Сюзаннинг юзи-ни яққол кўргандек бўлди. «Ҳаммаси қадрон дўстларим-а», деб ўйлади мерган ва ваҳимали тарзда кулиб қўйди.

— Ҳай, майли, итарсак, итараверамиз-да, — деди у.

Мерган ишга киришди. Механик овоз тагин сайрашни бошлагач («Яхши, яна бир мар-та! Яхши, яна бир марта!»), Роланд дастак ўрнатилган темир устунчани пайпаслаб, тугма-чани топди ва уни босди.

— Ҳайр, оғайни! Тез орада кўришгунча! — деди қувноқ механик овоз. Сўнг яна жимлик чўкди.

III


Улар зимистонда физиллаб боришарди. Ме-ханик овоз икки марта янгради: биринчисида «Crisp-A-La» чипсларини таклиф этган бўлса, иккинчи мартасида оғир, тинкани қуритадиган кундан кейин бир қути «Larchies» печенье-сидан

яхшироғи топилмаслигини айтиш учун сайради. Бундайин бебаҳо маслаҳатни етказиб бўлиб, овоз батамом ўчди.

Аста-секин вагон-арава аввалбошда имиллаб, сўнгра бир қизиб олиб, силлиқ ела кетди. Болакай тек туролмай, типирчилаб, ёрдам бермоқчи бўлаверганидан мерган бир-икки бор унга ён берди, лекин асосан бир ўзи дастакни тепага-пастга ҳаракатлантириб, тер тўкарди. Ерости дарёси дам яқинлашиб, дам узоқлашиб, уларнинг содиқ йўлдоши бўлиб қолаверди. Бир сафар дарё қулоқни батанг қилар даражада шовуллаб, йўловчиларни қўрқитди.

Вагон-араванинг елиши ва юзларига урилаётган шамол замон ва макон ҳиссини қайтаргандек бўлди. Мерганнинг хомчўтича, улар соатига ўн-ўн беш чақирим йўл босишарди. Йўл бора-бора қиялаб, билинар-билимас кўтарилаверди. Дам олиш учун тўхташганда, мерган ўликдек қотиб ухлаб қолди. Озиқ-овқат ҳам деярли қолмаганди, аммо бу на мерганни, на Жейкни ташвишга солди.

Мерган ҳал қилувчи палла яқинлигини пайқамаётган, ич-ичини ҳаяжон аралаш асабийлик қамраб олмаётган бўлса-да, тинка-мадори қуриётганини сезарди. Улар аллақачон интиҳонинг биринчи босқичида эдилар... нима бўлган тақдирда ҳам интихо яқинлашмоқда. Мерган ўзини парда кўтарилишидан бир дақиқа аввал маҳобатли сахна ўртасида турган ва керакли ҳолатни олган, миясида ғужғон ўйнаётган илк сўзларини айтишга шай турган актёрдек ҳис қилди: парда ортидаги томоша-



бинларнинг шивири-шивири ва жойларини топиб ўтиришлари унга бемалол эшитилиб турибди. Энди мерган ич-ичида содир бўлажак воқеа-ходисаларни олдиндан сезар, жисмоний толиқиш ухлаб қолишига ёрдам бераётганидан хурсанд эди.

Болакай тамоман тилини «ютиб» юборганди. Бироқ эси йўқ дурагайлар уларга хужум қилишидан олдинроқ дам олиш учун тўхтаганларида, болакай мергандан қандай қилиб улғайиб қолгани ҳақида тортинибгина сўради.

– Билишим керак, – деди болакай.

Мерган дастакка суяниб, оғзида папирос билан ўтирарди. (Дарвоқе, тамакининг ҳам таги кўриниб қолганди.) Бола савол берганда, у мудрай бошлаганди.

– Билиб нима қиласан?

– Менга қизиқ-да. – Боланинг овози худди хижолатпазлигини яширишга уринаётгандек қатъий чиқди. Бирпас жим туриб, Жейк кўшимча қилди: – Одамлар қандай қилиб катта бўлиб қолганликлари менга ҳар доим қизиқ бўлган. Бу ҳақда қачон катталардан сўрасанг, доим қулоғингга лағмон илишади.

– Баъзи бир нарсаларни шундоғам биласан, – деди мерган. – Лекин айтганларимнинг ҳаммаси ҳам улғайиш билан боғлиқ эмас. Балки мен... ўша... ҳалиги... сенга айтган ҳикоямдан кейин эр йигит бўла бошлагандирман...

– Устозингизни қандай қилиб яккама-якка олишувга чақирганингизни гапириб беринг, – деб илтимос қилди Жейк.

Роланд бош ирғади. Тўғри-да, ҳар қандай ёш бола учун бундайин ҳикояни тинглаш мароқли.

– Шу десанг, отам мени саёҳатга жўнатгандаёқ суягим қота бошлаган. Саёҳатнинг манзиллари ҳам улғайишимнинг босқичларига айланди. – Мерган гапни айлантиришга ўтди. – Бир куни мавжуд бўлмаган одамни дорга осиаётганига гувоҳ бўлганман.

– Мавжуд бўлмаган одамни? Бу қанақаси бўлди?

– Уни ушласа бўларди-ю, кўриб бўлмасди.

Жейк тушунгандек бош силкиб қўйди.

– У кўринмас одам экан-да.

Роланд ҳайрон бўлиб қошларини чимирди. Илгарилари мавжуд бўлмаган одамларни бундай аташларини билмаган экан.


– Йўғ-е, ростданми?

– Ҳа-да.

– Ҳа, майли, кўринмас бўлса, кўринмас-да. Аммо нима бўлган тақирда ҳам у ерда бу томошани кўришимга қарши бўлган одамлар йўқ эмасди. Ўша одамлар агар бу томошага гувоҳ бўлсам, уларга лаънат тегишини айтишганди, бироқ ўша одам... кўринмас одам... аёлларнинг номусига текканди. Бу нималигини биласанми?

– Ҳа, – деди Жейк. – Башарти кўринмас экан, бу ишни роса дўндирган бўлса керак? Уни тутиш осон бўлмагандир?

– Бу ҳақда бошқа сафар айтиб берман. – Роланд ҳам, бола ҳам «кейинги сафар» бўлмаслигини билиб туришарди. – Ўшандан кейин икки йил ўтиб севган қизимни ташлаб кет-



дим. Бу Қироллик ер-суви деган жойда юз берганди. Ташлаб кетишни истамагандим-у, лекин шунақа бўп қолганди-да...

– Йўқ, сиз шу нарсани ўзингиз хоҳлагансиз, – деди бола чўрт кесиб. – Чунки сиз Минорани излаб топишингиз керак эди. Хеч нарсага қарамасдан, ҳаммасига қўл силтаб кетишингиз керак эди... худди дадам кўрадиган телеканаллардаги ковбойларга ўхшаб.

Роланд қони қайнаб кетганини сезди-ю, бироқ мулойим оҳангда гапини давом эттирди:

– Бу улғайишимнинг сўнгги босқичи бўлган бўлса, ажаб эмас. Шунақа, туртиниб-суртиниб катта бўлганман. Лекин кейин нимадир бўлди-ю (буни дарров англамадим), воқеаларнинг туб моҳияти сал кечроқ аён бўлди.

Мерган саволга аниқ жавоб беришдан ўзини олиб қочаётганлигини сезиб қолиб, хижолат чекди.

– Балоғатга етиш расм-русуми ҳам бир босқичда ўтган бўлса керак, – деди истар-истамас мерган. – Сийқаси чиққан расмий услубда ўтказилганки, бадинга уради. – Мерган совуқ илжайиб қўйди.

Бола эса жимгина тингларди.

– Эркак бўлганингни исботлашинг шарт эди. Яккама-якка жангда исботлаш керак эди, – деб ҳикоясини бошлади мерган.

IV

Жазирама ёз.

Қуёш қонхўр вампир сингари шундоғам чарчаган ўлкага ташланиб, жазавали жазирамаси билан тупроққа қўшиб фермерларнинг экин-ти-

кинини ҳам «ўлдириш»га тушди. Шаҳар-қалъа Гилеаднинг чор атрофидаги далалар тап-тақир ерга айланди. Ғарб томонда, маданий ҳаётдан ном-нишон қолмаган нақ чегара остонасида аллақачонлар уруш бошланиб кетган. Жанг майдонидан келаётган хабарлар ҳам, турган гап, нохуш эди. Шундай эса-да, шумхабарлар ҳам тўзонли жазирама қаршисида ип эшолмасди. Қўтондаги мол-холлар ҳам кимирлашга эриниб, бақрайиб қараб тураверишарди. Чўчқалар нафақат куз кириб келиши биланок ўткирланадиган пичоқлар ҳақида, ҳатто бола-лаш ҳақида ҳам унутиб қўйишганди. Одамлар ҳар доимгидек ҳаётларидан нолишар, ҳарбий чакирувга қўшиб солиқларни лаънатлашар, лекин қўзбўямачиликка қилинаётган сиёсий ўйиннинг таги пуч эди. Марказ юз марта ювилавериб-ювилавериб, кейин оёқости қилиниб, қуритиш учун офтобга осиб қўйилган эски гилам сингари пугурдан кетганди. Оламнинг гуллаб-яшнаётган тамаддунини ушлаб турган иплар аллақачон узилиб кетганди. Ҳамма нарсага пугур етди. Таназул писиб яқинлашаётган ўша ёзда замин нафасини ичига ютди.

Йигитча уй вазифасини ўтаётган тош сахнинг юқори даҳлизи бўйлаб бемақсад санғиб юрар, недир бир нохушлик яқинлашаётганини ич-ичидан сезар, лекин аслида нима юз бераётганини тушунмасди. Қалби ҳувиллаб ётар, мана шу ички бўшлиқни тўлдирувчи ўша «не»нидир кутарди.

Хув, ўша, очикқан болакайлар учун ҳаммаша бирон бир ширин егулик топиб берувчи ош-



паз Хаксни дорга осишганидан бери уч йил ҳам шувиллаб ўтиб кетди. Шу вақт давомида болакай тўлишиб, балоғатга етди. Мана, энди пахта матодан тикилган ва ранги уникқан иштон кийиб олган, бўйи чўзилиб, яғриндор ўн тўрт ёшли бу йигитча қадди қоматидан кун келиб до-вюррак ҳамда кучли эркак бўлиб етиши қараган кўзга маълум бўларди. Ҳозирча у бўз йигит, аммо Фарбий шаҳарлик савдогарнинг икки шаддод кизи йигитчага кўз солиб юришибди. У ҳам кизларга бефарқ эмас, бу майл борган сари авж олмоқда. Ҳатто салқин тош даҳлизда ҳам унинг бутун баданини тер қоплади.

Даҳлизнинг ичкарасида онасининг хобхонаси жойлашганди, бироқ ҳозир у ерга киришни эмас, енгил шабада эсиб турган томга кўтарилишни кўзларди.

Эшик ёнидан ўтиб кетаётганди, кимдир уни чақирди:

– Хой, бола!

Бу маслаҳатчи Мартен эди. Кишида шубҳа уйғотадиган даражада пала-партиш кийиниб олибди: оёқларига чиппа ёпишган қора иштон, эғнида тугмалари ечилиб ётган оқ кўйлак. Сочлари ҳурпайиб кетган.

Йигитча жимгина унга қараб қолди.

– Кир, киравер! Даҳлизда турма. Ойинг сен билан гаплашмоқчи. – Мартен иршайиб турар, кўзларида ҳам захарханда кулгининг аломатлари ўйноқлар ва бу захархандалик ортида совуқлик яширинганди.

Лекин она кўпам ўғлини кўриш илинжида ёнаётгандай кўринмасди. У ички ҳовлида-

ги қуёшдан қизиб ётган тош кўприкка олиб чиқадиган марказий меҳмонхонага туташ дераза ёнидаги оромқурсига чўкканди. Эғнида оддий уй кўйлаги, қачон қарама бир елкасидан сирпаниб тушиб кетаверади, оқаётган сувда акс этган қуёш шуъласи сингари она ўз ўғлига бир бора ялт этиб қаради, холос. Кейин кўзини ерга қадади ва бутун суҳбат давомида диққатла қўлларида кўзини узмади.

Она-бола охирги пайтларда камдан-кам кўришишар, онасининг ширин аллалари энди унинг хотира пучмоқларидан аста-секин ўчиб борарди. Онаси борган сайин бегоналашиб борса-да, ҳамон суюкли эди. Йигитча ғалаёнли кўркүвни туйди, қалбида эса Мартенга нисбатан чексиз нафрат ортиб бораверди.

– Омонмисан, Ро, болагинам? – деб ҳол-аҳвол сўради онаси. Мартен онасининг ёнига келиб туриб олди. Унинг манфур қўллари онасининг яланғоч елкаларига тушди. Тиржайишига ўласанми?! Кулганда жигарранг кўзлари қорайиб кетаркан.

– Яхшиман, – жавоб берди йигитча қуруққина қилиб.

– Ўқишинг-чи? Ванни сендан мамнунми? Корт-чи? – Онаси Кортнинг исмини тилга олганда, худди бемаза овқат егандай беихтиёр юзларини бужмайтирди.

– Ҳаракат қиляпман.

Она-бола иккалови ҳам билишардики, Роланд Катбертдай ақли эмас, Жеймига ўхшаб ўткир зеҳли эмас. Узоқни кўзлаб иш тутмаса-да, тиришқоқ эди. Ҳатто Алан ҳам ундан яхши ўқирди.



– Давид қалай? – Онаси ўғлининг лочинга боғланиб қолганини биларди.

Ўйигитча ўткир нигоҳини Мартенга бурди. У халиям ўша-ўша иршайиб турарди.

– Кучга тўлган даври ўтиб кетди.

Онаси юзини буриштиргандай кўринди; оний фурсатга Мартеннинг башараси қорайиб кетди ва у йигитчанинг онаси елкаларини қаттиқроқ сикди. Сўнгра онаси бошини дераза орти манзаралари – ловуллаётган кун саробларига бурди.

«Бу шунчаки жумбоқ, – ўйлади йигитча. – Ўйин. Лекин ким ким билан ўйнашяптийкин?»

– Пешананг шилинибди, – деб Мартен қўполлик билан йигитчанинг манглайида Кортнинг сўнгги тарбиявий соатидан қолган қашқасига (*сабоқ учун ташшаккур, устоз*) бармоғи билан нукди. – Сен, нима, отанга ўхшаб жангчи бўласанми ёки итнинг кейинги оёғи бўлиб судралиб юраверасанми?

– Унисиям, бунисиям, – деди йигитча ва Мартеннинг кўзига тик қараб табассум қилишга уринди.

Мартен бирдан қовоғини уйди.

– Энди томга чиқаверсанг бўлади, мишики. У ерда баъзи бир ишларинг бор, шекилли?

– Онам менга ҳали рухсат бергани йўқ, қул!

Мартеннинг юзи қамчи билан савалагандай бужмайиб кетди. Ўйигитча онасининг оғир хўрсинганини яққол эшитди. Онаси уни «Роланд!» деб тартибга чақирди.

Лекин зўрама-зўраки, аламли қулги йигитчанинг юзида қотиб қолаверди ва у олдинга бир кадам ташлади.

– Билишимча, сен хозир содиқлигинг белгиси сифатида отамнинг номи ила менга таъзим бажо келтиришинг лозим, қул.

Мартен кулоқларига ишонмай анграйиб қолди.

– Жўна бу ердан, – деди у иложи бори-ча юмшоқлик билан. – Жўна. Бориб қўлингни банд қил.

Йигитча тиржайганча хонадан чиқиб кетди.

Эшикни ёпар экан, онасининг бақирганини эшитди. Бу худди ўлимдан дарак берувчи айюҳаннос янглиғ янгради. Кейин эса – йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас – тарсаки товуши эшитилди. Отасининг хизматкори овозини ўчириши учун унинг волидасига қўл кўтарди-я!


Овозини ўчириши учун!

Шундан сўнг Мартеннинг қаҳ-қаҳ уриб кулгани янгради.

Йигитча лабларида қотиб қолган ясама кулги билан синовга йўл олди.

V

Жейми шаллақи чайқовчи хотинлардан бўлар-бўлмас гапларни эшитиб, шаҳардан қайтди. Машғулот майдончасидан келаётган Роландни кўриши биланоқ фарбда ёмғирдан кейин бодраб чиққан қўзикориндек тарқалган хунрезлигу ғалаён ҳақидаги сўнгги миш-мишларни етказиш учун дўстининг истиқболига шошилди. Бироқ кўзи Роланднинг юзига тушиши ҳамано индамай қўя қолди. Негаки дўстининг феълени биларди: Роланд иккалови



гўдаклигидан бир-бирини ҳар хил шўхликларга гиж-гижлашар, қалъанинг яширин бурчларининг тит-питини чиқаришарди.

Роланд дўстига ҳатто кўз қирини ташла-масдан, тўғрига боққанча, лабларида ўша-ўша аччиқ кулги ўйноқлаб ўтиб кетди. У Кортнинг уйи томон юрди. Уйнинг деразаларига қуёш нурларидан сақлаш учун қалин пардалар илинганди. Корт шом маҳали қуйи шаҳарнинг ковоқхоналарида обдон тентираш учун тушликдан сўнг мизғиб олиш учун оёқ чўзганди.

Жейми ҳозир нима бўлишини тушуниб, баданига титроқ оралади. Нима қилишни билмай тараддудланиб қолди: дарҳол Роландга эргашсинми ёки аввал қолганларни чақирсинми?

Кейин ўй-фикрларини йиғиб олиб, йўл-йўлакай дўстларини чақирганча, бош бино томон оёғини қўлга олиб югурди:

– Катберт! Алан! Томас!

Жазирама иссиқ унинг овозини ютиб юборди. Дўстлари Роланднинг биринчилардан бўлиб сабр косаси тўлиб, портлашини жуда яхши билишарди. Аммо бирданига... Ҳали вақтли эмасмикин?

Ҳеч қандай исён, уруш ва қора афсунгарлик ҳақидаги миш-мишлар Роланднинг юзидаги одамни чўчитадиған заҳарханда кулгудек Жеймининг қалбини жунбишга келтиролмасди. Бу бозорга олиб чиққан кўкатларига пашшалар ўтириб кетган кўкатфуруш кемшиқ қишлоқи хотинларнинг ёлғон-яшиқ ғийбатларидан-да жиддий эди.

Роланд устозининг уйига яқинлашиб, эшикни тепди. Эшик шарақлаб очилиб, қўл учида сувоқ қилинган деворга урилиб қайтди.

Роланд устозининг уйига илк бора остона ҳатлаб кирди. Кўча эшиги тўппа-тўғри спарталиклар услубида қурилган ошхонага олиб кирди. Стол. Иккита қўполдан қўпол стул. Иккита ошхона шкафи. Полга ертўла қопқоғидан қурол-яроққа ишлов бериладиган столгача чўзилган ҳамда ўнгиб кетган линолеум ёзиб қўйилибди. Ўзи одамлар орасидаю, лекин ёлғиз яшайдиган одамнинг кулбаси бор-йўғи шугина ашқол-дашқолдан иборат эди. Кечалари сандироқлаб юрувчи майхўрнинг тўкилай-тўкилай деб турган кулбаси эди бу, шундай бўлса-да, у қанчалик қўпол бўлмасин, ўзича болаларни яхши кўрар ва шогирдлари орасидан баъзи бирлари чинакам мерган бўлиб етишганди.


– Корт!

Роланд столни ҳам тепиб ўтиб, пичоқлар санчилиб турган устунга урилиб кетди.

Кўшни хонада кимдир қимирлаб, уйқу аралаш йўтал овози эшитилди. Роланд нариги хонага ўтмади, билардики, бу ҳийла-найранг, эшикдан бўрондек отилиб кириши биланок Корт уйғонган ва эшик ортида чақирилмаган меҳмоннинг бошини сапчадай узишга шай бўлиб писиб турибди.

– Корт, тухум босиб ётавермай, чиқ бу ёққа, қарол!

У устозини Олий лаҳжада чақирди, чорловни эшитган Корт бир силтов билан эшикни



ланг очиб, ярим яланғоч ҳолда остонада пайдо бўлди. Роланднинг қаршисида чорпахил, тўладан келган, қийшиқ оёқ, бутун баданини чандиқ қоплаб, шишиб кетган, қорни қапайганча устози хезланиб турарди. Бироқ йигитча устози шалвираб кўрингани билан ўзи пўлатдек бақувват эканини биларди. Корт ягона соғ кўзи билан Роландга тикилди.

Таомил бўйича шогирд устозига таъзим қилди.

– Сен менга ортиқ панд-насихат ўқиёлмайсан. Бугун мен сенга дарс бераман.

– Муддатдан аввал келибсан, мишиқи, – деди менсимай устоз ҳам ўз навбатида Олий лаҳжада. – Чамамда, камида икки йил бор. Фақат бир марта сўрайман: балки, ҳали кеч бўлмасидан фикрингдан қайтарсан?

Йигитча мийғида кулиб қўйди. Қирмизи осмон остида шон-шараф учун қон кечиби жанг қилган Корт учун шу биргина истехзонинг ўзи жавоб ўрнида эди.

– Ҳа, аҳвол чатоқ, – деди устоз хаёли қочиби. – Сен менинг келажаги порлоқ шогирдим эдинг. Сўнгги йигирма йил ичида энг яхши шогирдим, десам ҳам муболаға бўлмайди. Қаддинг букилиб, синиб, жаҳолат йўлидан кетганингда, сенга ачинаман. Лекин дунё изидан чиққан. Жаҳолат яқин.

Йигитча оғзига талқон солгандек жим тураверди (агар ҳозир ундан устозининг фикрлари ҳақида нима дейиши мумкинлигини сўрашганда, оғиз жуфтлаб жавоб бериши амримаҳол эди), бироқ шунча вақт ичида унинг

одамни чўчитадиған захарханда кулгиси юмшагандек кўринди.

– Фарбдаги исёнлару қора афсунгарликларга қарамасдан, барибир хун олиш ҳуқуқи мавжуд, – сўзида давом этди Корт. – Қонга қон, жонга жон, дейдилар ахир. Мен сенга тобеман, йигитча. Сенинг ҳақ-ҳуқуқингни жон деб тан оламан ва ҳатто охирги марта бўлса ҳам амрингни бажо келтиришга шайман.

Шогирдини уриб, тепиб, оғзига келган сўзлар билан ҳақоратлаган, бўжама-захм, деб устидан кулган Корт унинг қаршисида тиз чўкиб, бошини ҳам қилди.

Йигитча эса тонг қолиб, устозининг бошига кўлини қўйди.

– Тур ўрнингдан, қарол. Кел, бир-биримизни кечириб, муросага келайлик.

Корт аста ўрнидан турди. Йигитча қаршисидаги одамнинг ҳозирги устозлик ниқоби остида чинакам ранж-алам яширинганини сезди.

– Беҳудага вақт сарфлаяпсан. Сени йўқотиш менга оғир. Чекин, аҳмоқ бола. Ваъдамдан қайтиб қолишим мумкин. Чекин ва сабр қил!

Йигитча индамай тураверди.

– Яхши. Сен айтганча бўла қолсин. – Кортнинг овози қуруқ эшитилди. – Сенга роппа-роса бир соат вақт бераман. Қурол танлаш сенинг ихтиёрингда.

– Ҳассанг билан келасанми?

– Бўлмасам-чи.

– Сендан нечта ҳассани тортиб олишган ўзи, Корт? – Бу «Шогирдларингнинг нечтаси Кат-



та Залнинг ҳовлисига кириб, у ердан мерган бўлиб чиққан?» деб сўраш билан баробар эди.

– Бугун мендан ҳассамни тортиб олишолмайди, – деди Корт. – Таассуфдаманки, бундай имконият фақат бир марта берилади, йигитча. Фақат бир марта. Ортиқча чиранишнинг жазо-си ночорликка маҳкумлик билан баробар. Кутсанг, бўйнинг узилиб тушадими?

Болакай Мартеннинг қаҳ-қаҳ уриб кулгани, ўзини ҳаммадан устун қўйгани ва эшик ортидан эшитилган тарсаки овозини эслади.

– Йўқ, мумкин эмас.

– Яхши. Қандай қуролни танлайсан?

Йигитча миқ этмади.

Корт тишининг оқини кўрсатди.

– Бошланиши ёмон эмас. Хўп, айтайлик, бир соатдан кейин. Сен ўзи тез орада на отангни, на онангни, на биродарлигингни кўролмаслигингни тушуняпсанми?

– Бадарғалик нима эканлигини сендан яхши биламан, – деди хотиржамлик билан йигитча.

– Ундай бўлса, бор. Яхшилаб ўйлаб кўр. Отангнинг қаҳр-ғазабга тўлган юзини эшлашни ҳам унутма. Барибир бу сенга энди ёрдам бермайди.

Йигитча ортига ўгирилмай кулбани тарк этди.

VI

Омбор тагидаги ертўла салқин ва зах эди. Кўпчиб-кўпчиб турган нам тупроқ ҳиди димокқа гуп этиб уриларди. Қуёш нурла-

ри чанг босган дарчалардан бу ерга ҳам тушиб турарди, аммо кишини лоҳас қиладиган жазирама ертўлада сезилмасди. Роланд Давидни шу ертўлада боқар, қушни ҳам рутубат кониқтирарди, чоғи.

Эндиликда Давид қариб қолган, осмонга учиб ов қилмасди. Қушнинг қанотлари бурунги жилвасини йўқотганди — уч йил аввал қандай жилоланарди-я — лекин нигоҳлари ҳамон ўткир эди. Айтишларича, агар ўзинг чала-ярим лочин бўлмасанг, ёлғизликни севмасанг, дўстларга муҳтожлик сезмасанг, лочин билан дўстлашиш амримаҳол эмиш. Негаки лочин ҳеч қандай тартиб-қондани, меҳр-муҳаббатни писанд қилмас экан.

Йигитча кекса Давиднинг ёнида ўзининг лочин эканлигига умид боғлар, фақат навқирон лочин бўлишни истарди.

– Салом, Давид, – Роланд лочин ўтирган қўноққа қўлини чўзди. Давид йигитчанинг қўлига ўрнашиб, тағин тек қотди. Йигитча бўш қўлини чўнтагига тиқиб, сур гўшт олди. Лочин йигитчанинг қўлидан емакни бир чўқишда юлиб олиб, очкўзлик билан ютиб юборди.

Йигитча Давидни эҳтиёткорлик билан силади. Корт Роланд қушни қўлига ўргатганлигини ўз кўзлари билан кўрган бўлса-да, бунга ишонмаган бўларди. Бироқ у айна дамда Роланднинг фурсати етганлигига ишонмади-ку, буни-сига йўл бўлсин.

– Ҳойнаҳой, бугун ҳаёт билан видолашасан, – деди у лочинни силаб-сийпаркан. – Сени қурбон қилишимга тўғри келади, худди ўзинг



ов қилиб, ўлдирган қушчалар каби. Эсингдами? Йўқми? Ха, майли, аҳамияти йўқ. Эртага мен лочинга айланаман ва ҳар йили айнан шу куни сенинг шарафингга осмонга ўқ узаман.

Давид ўлимига ҳам, яшашига ҳам бефарқ-дек йигитчанинг қўлида қилт этмай ўтирарди.

– Қариб қолдинг, – деди ўйлаиб йигитча. – Балки ортиқ менга дўст эмасдирсан. Бир йил олдин ҳозир ўзинг ликқа-ликқа ютаётган гўштнинг ўрнига кўзларимни маъқул кўрардинг, тўғрими? Ўшанда Корт қотиб-қотиб қулган бўларди. Агар биз унга писиб яқинлашолсанг-у, у ҳеч нарсани сезмаса... сен нимани танлайсан, Давид? Сокинликдаги кексаликними ёки дўстликними?

Давид жавоб бермади.

Роланд лочиннинг бошига кулоҳ ташлаб, боғични тортди. Йигитча ва қуш ертўладан кўтарилиб, ёруғликка чиқишди.

VII

Катта Залнинг ортидаги ҳовли аслида ҳовли эмас, икки қатор бўлиб ўсган шохдевор ўртасидаги тор, яшил йўлак эди. Йигитчаларнинг эркакликка ўтиш маросими бу ерда қадим замонлардан буён, Кортдан ва ҳатто унинг ўтмишдоши, худди шу ерда тўқмоқ зарбидан жон берган Маркдан ҳам илгари ўтказиб келинарди. Қанчадан-қанча йигитчалар бу йўлакдан ўтиб, устозлар учун аталган шарқий дарвозадан эр йигит бўлиб чиқишган. Йўлакнинг шарқий поёни Катта Залга, тамаддун ва маданият ола-

мига олиб чиқарди. Энг ёмони, қонга беланган, дўппосланавериб абжағи чиқиб кетган болалар ғарбий дарвозадан чиқиб кетишар ва бутун умр мишиқи болаликларича қолишарди. Йўлакнинг бу учи тоғлар ва бадарға қилинганларнинг кулбалари ортида олис-олисларга чўзилиб кетган қуюқ чангалзорларга олиб чиқади; чангалзор ортида Гарлан, унинг ортида эса Моҳане саҳроси. Эр йигитга айланган болалар зулмат ва жаҳолатдан нурга ўтиб, бошқалар учун масъулиятни бўйинларига олишади. Синовдан ўтолмаганлар эса бир умрга бадарға қилинадилар. Йўлак ям-яшил ва теп-текис, худди ўйин учун ажратилган майдонни эслатади. Узунлиги нақ эллик ярд¹. Ўртада қупқуруқ ер. Бу болалар ва эркакларни ажратиб турувчи чегара эди.

Хар бир дарвоза олдида ҳаяжондан энтиккан томошатаалаблар, хавотирдан юракларини ҳовучлаган қариндош-уруғлар тўпланиб туришарди, илло, синов куни олдиндан эълон қилинади. Ўн саккиз ёш — бу синовдан ўтувчилар учун жуда боп ёш эди («бўлса бўлди, бўлмаса, говлаб кетар», дея таваккал қилишга юраги дов бермаганлар, йигирма беш ёшгача синовдан ўтишга жазм қилолмаганлар эса оддий ер-мулк эгасига айланар ва тез орада унут бўлишарди). Лекин ўша куни дарвозалар олди хувиллаган, Жейми Де Карри, Катберт Оллгуд, Алан Жонс ва Томас Уитмендан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Тўртовлон болалар учун аталган ғарбий дар-

¹ *Ярд* — 91,44 см.га тенг узунлик ўлчови.



воза олдида нафасларини ичига ютиб, афгангорларида кўрқув ифодаси намоён бўлиб, бетоқатланишарди.

– Қурол-чи, аҳмоқ?! – шивирлади дўстига юраги ачишиб Катберт. – Қуролни унутибсан-ку!

– Унутганим йўқ, – деди Роланд. «Қизиқ, – ўйлади у ўзича, – асосий бинодагиларнинг хабари бормикин? Онам билармикин? Мартенчи?» Отаси ҳозир овда, ҳали-вери қайтмайди. Келса ҳам бир неча кундан кейин келади. Падари бузрукворини кутмаганлиги учун Роланд ўзидан уялди. Гарчи отаси ўғлининг қарорини қўллаб-қувватламаса-да, жилла қурса, ўғлининг ичида кечаётганларини тушунади.

– Корт келдими?

– Корт аллақачон шу ерда, – деган қалдирок овоз келди йўлакнинг қарама-қарши тарафидан ва Корт олдинга чиқди. Эгнида калта жангчилар фуфайкаси, тер оқиб кўзини ачиштирмаслиги учун пешанасига тери тасма тақиб олибди. Қўлида бир томони учқир, бир томони эшкакнинг кафтини эслатувчи жанговар асо. Вақтни ҳавога совурмай, у Эльд замонларидан бери танланганлар болаликлариданоқ ёд олган жанговар қўшиқни (бу қўшиқни бир кун келиб болалар чинакам эркак бўлганликлари шарафи учун ўргатишади) куйлай бошлади.

– Бу ерга нима учун келганингни биласанми, тирранча?

– Нима учун келганимни сендан яхши билман.

– Сен отангнинг уйдан сургунди бўлиб келдингми?

– Сургунди бўлиб келдим.

Роланд токи Кортни енгмас экан, сургунди бўлиб қолаверади. Мабодо Корт уни мағлуб этса, бутун умрга сургунди бўлиб қолади.

– Ўзингга қурол танладингми?

– Танладим.

– Хўш, билсак бўладими, қайси қуролни танладинг?

Бу устознинг азалдан қолган ҳуқуқи, шогирди қандай қурол танлаганлиги, соққонми, найзами, тўрми ёки камонми, шунга қараб жангга тайёрланиши учун имконият эди.

– Менинг қуролим — Давид.

Корт бир зумга тили калимага келмай қолди. Нима бўлганда ҳам хайратда қолди-ку! Чунки буни шогирдидан кутмаганди. Лекин барибир бу айни муддао.

– Менга қарши чиқишга тайёرمىсан, болакай?

– Тайёрман.

– Кимнинг номи ила?

– Отамнинг номи ила.

– Отангнинг исмини айт.

– Эльд сулоласидан бўлмиш Стивен Дискейн.

– Энди эса жангга!

Корт асосини у қўлидан бу қўлига олиб, йўлак бўйлаб шогирдига хезланиб кела бошлади. Болалар катта оғалари бўлмиш Роланд Кортни қаршилаб, олдинга қадам ташлаганда, ҳуркиб кетган қушлар галаси сингари чўчиб тушишди.

Менинг қуролим — Давид, устоз.

Корт тушундимикин? Агар тушунган бўлса, ҳаммаси қўлдан кетди. Энди ҳаммаси кутилмаганда зарба бериш ва лочин ўзини қандай тутишига боғлиқ. Корт миясининг қатигини чиқариб уни дўппослаётганда, Давид қўлида бепарво ўтираверса-чи? Ундан ҳам ёмони, эгасининг аҳволига эътибор ҳам бермай кўкка парвоз қилиб қолса-чи?

Улар юзма-юз келишди. Йигитча лочиннинг бошидан кулоҳни ечиб, ерга ташлади. Корт кадам олишда хатога йўл қўйди. Шогирд устозининг қушга тез назар ташлаганини, ҳайрат ва кечикиб англаганликдан ягона кўзи мошдек очилиб кетганлигини кўриб турарди. Ҳа, мана, энди Корт ҳаммасини тушунди.

– Ҳап, сеними, ярамас! – Корт шундай деганди ҳамки, Роланднинг фигони фалакка чиқди.

– Ол, киш, уни! – деб Роланд қўлини азот кўтарди.

Давид тилсиз жонли снаряд мисол ҳавога кўтарилди; калта қанотларини бир-икки қоқдида, тирноқлари ва тумшугини Кортнинг юзига санчди. Шариллаб қон оқа бошлади.

– Қани, Роланд! Бўш келма! – деб бақирди Катберт қаттиқ ҳаяжонда. – Биринчи қон! Биринчи қон менинг кўксимда! – У кўкрагига шундай зарб билан урдик, кўқарган жойи бир ҳафта деганда кетди.

Корт чайқалиб, мувозанатини йўқотди ва йиқилди. Қўлидаги оғир асо шиддат билан ҳавони кесиб ўтди. Лочин ҳурпайиб олиб, ваҳший қуролга айланганди.

Йигитча тор-мор бўлган устозининг устига ташланди. Бу унинг ягона имконияти эди.

Корт чап беришга улгурмай қолди. Лочин унинг кўз олдини тўсиб қўйди, аммо оғир асонинг тўмтоқ учи кўтарилиб, Корт уч маротаба қушга кетма-кет зарба берди.


Давид абжағи чиқиб қулади. Бир қаноти талваса билан ерга урилди. Йиртқичнинг совуқ, қилт этмас нигоҳлари Кортнинг қонга бўялган юзига ғазаб-ла қадалди.

Йигитча бор кучи билан Кортнинг чаккасига тепди. Шу билан ҳаммаси тугаши керак эди, лекин қаёқда дейсиз?! Оний фурсатга Кортнинг юзи шалвираб қолди, сўнгра у бирдан қўзғалди-да, йигитчанинг оёғини чангаллаб олди.

Йигитча силтанди, ўзини орқага олди ва гурсиллаб йиқилди. Қаёқдандир Жеймининг даҳшат-ла бақиргани эшитилди.

Корт гавдаси билан Роланднинг устига ташланиб, олишувга нуқта қўйиш учун ўрндан туришга улгурди. Йигитча устунлигини йўқотди, буни иккаласи ҳам билиб турарди. Бир сонияга улар бир-бирининг кўзларига тикилиб қолишди: ерда чўзилиб ётган шогирд ва унинг тепасида қад кўтариб турган устоз. Кортнинг чап юзи нақ қонли балчиққа айланганди; сўқир кўзи шишиб кетибди. Бугун Корт қовоқхонама-қовоқхона юрмаслиги тайин.

Йигитчанинг қўлига нимадир тегди. Лочин! Давид тирноқлари билан эгасига интиларди. Иккала қаноти ҳам синган. Ҳануз тириклигига ақл бовар қилмайди.



Лочин тирноқларию тумшуғи билан билагининг терисини тимдалаётганлигига ҳам қарамай, йигитча уни маҳкам ушлади. Корт йигитчага ташланиши биланоқ лочинни ҳавога учирди.

– Ол уни! Давид! Ўлдир!

Кейин эса Корт қуёшни гавдаси билан тўсиб, унинг устига қулади.

VIII

Лочин рақиблар ўртасида ялпайиб ётарди. Йигитча қадоқ босган қўллар юзини тирнаб, кўзлари косасини пайпаслаётганини сизди. Роланд илкис бошини ўгирди, бир вақтнинг ўзида Кортнинг тиззасидан хотини ҳимоялаш учун оёқларини жуфтлаштириб олди ва уч марта кафтининг қирраси билан устозининг бўйнига зарба берди.

Туйқус Корт инграб юборди. Унинг танаси қалтирай бошлади. Йигитча Кортнинг ерни пайпаслаб, асосини излаётганини тушунди. Бор кучини тўплаб, Роланд асони қўл етмас ерга тепиб юборди. Давид Кортнинг ўнг қулоғини тирноқлари билан чангаллаб, башарасини чўқилаб лахтак-лахтак гўштини чиқариб юбораёзди. Йигитчанинг юзига қайноққина қон сачради.

Корт лочинни муштлаб, белини синдирди. Давиднинг калласи шилқ этиб тушди. Лекин тирноқлари ҳамон рақибнинг қулоғини чангаллаганча қолаверди. Энди Кортнинг қулоғи ўрнида қонга ботган тешик пайдо бўлганди. Учинчи зарбадан лочин нарига учиб тушди.

Йигитча вужудидаги бор кучни билагига тўплаб, кафтининг қирраси билан Кортнинг қаншаридаги тоғайларни узиб юборар даражада кучли зарба берди.

Корт тусмоллаб йигитчанинг оёқлари чалишиб кетиши учун иштонини ечишга ҳаракат қилди. Роланд йиқилиб, думалаб кетди. Баногоҳ Кортнинг асоси қўлига тушиб, яна ўрнидан сакраб турди.

Корт ҳам ўрнидан турди ва қонли никоб орасидан беўхшов тиржайди. Рақиблар юзма-юз туриб қолишди. Уларни ўртадаги чизиқ ажаратиб турар, фақат Корт Роланд келган томонга ўтиб қолганди. Кортнинг ягона кўзи косаси ичида ғазабнок жавдирарди. Бурни пачоқланиб, қийшайиб қолган, юз терилари шилиниб, гўшти титилиб кетганди.


Йигитча тагин жангга шайланиб, асони қўлида маҳкам тутди.

Корт ёлғондакам ҳужум қилиб, рақибига ташланди.

Лекин йигитча ҳушёр эди. Устига-устак, Кортнинг ҳамласи ўта ночор эди. Заранг асо ҳавода калта ёй шаклини ясаб, қарсиллаганча Кортнинг бошига тушди: «зинггг-қарсс!» Кортнинг кўз олди қоронғилашиб, ёнбошига ағдарилди. Оғзи кўпириб, сўлак оқди.

– Таслим бўл ёки ҳаёт билан видолаш, – деб огоҳлантирди йигитча. Негадир оғзида увада пахта бордай туюлди.

Кортнинг қонга ботган лаблари ёйилиб, тиржайди. Қарийб ҳушсиз. Кейин у бир ҳафтача қора кўрпасига ўраниб, тўшакдан туролмайди.



Лекин ҳозирча ўзини бардам тутарди. У йигитчанинг кўзларида жавобни эшитишга бўлган истакни кўрди. Гарчи устоз-шогирдни қон пардаси ажратиб турган бўлса-да, Корт Роланднинг кўзларидаги истак нақадар ёндиргувчи эканлигини пайқамасди.

– Таслимман, мерган. Мен юзимда табасум билан таслим бўламан. Бугун сен отаннинг ва барча жасур аждодларингнинг ёрқин киёфасини ёдга олдинг. Сен мардона олишиб, фолиб бўлдинг.

Кортнинг ягона соғ кўзи юмилди.

Мерган уни елкасидан аста, лекин қатъиятла силкиди. Йигитлар уларни ўраб олиб, Роланднинг елкасига қоқиб қўйиш ишқида эдилар. Лекин ботинолмадилар. Энди Роланд ва уларнинг ўртасида жарлик пайдо бўлганди. Шундоқ эса-да, бу ваҳимали эмас, негаки Роланд билан бошқаларнинг ўртасида ҳамиша жарлик бўлган.

Корт кўзларини очди.

– Калит, – дея мурожаат қилди унга мерган. – Туғилганимданоқ менга тегишли бўлган нарсани олмоқчиман, устоз. Менга калит керак.

У бу билан ўзига наслан тегишли бўлган револьверларни назарда тутганди. Отасининг оғир, сандал дастали револьвери каби бўлмаса-да, барибир револьвер-да. Қолганлар учун ман этилган, фақатгина танланганларга аталган револьверлар. Казарма остидаги харсангтошлардан ясалган ертўлада (ўтмиш қонунларига кўра, энди у туғилган уйдан узоқда, шу ертўлага жойлашиши керак) унга аталган ўқув

қуроллари осилиб турибди. Пўлат ва никелдан ясалган бесўнақай матох. Бу қуроллар бир замонлар отасига хизмат қилганди. Энди эса отаси ҳоким. Фақат номигагина, холос.

– Мана, энди ниятингни тушундим, – шивирлади Корт. – Сабр қилолмадингми? Ўзимам шундан кўрқувдим. Сабр қилсанг, гўрадан ҳолва битар, бесабрлар ўз оёғидан йитар. Лекин барибир енгдинг.

– Калит!

– Лочин... ўта удабурон усул. Қуролни яхши танлабсан. Бу суллоҳни узоқ тайёрладингми?

– Мен Давидни ўргатмадим. Аксинча, у билан дўст тутиндим. Хўш, калит?

– Камаримга осиглик, мерган.

Биркўз яна юмилди.

Мерган кўлини Кортнинг камарига югуртириб, устозининг оғир-оғир нафас олаётганини хис қилди. Калит мис халқага осилганди. Роланд калитни чангаллаб тортиб олди. Сал қолса, болаларча ғалаба қувончидан ўлжасини осмонга улоқтираёзди.

Ўрнидан туриб, дўстларига ўгирилган ҳам эдики, Корт бирдан унинг тўпигидан ушлади. Енгилган курашга тўймас деганларидек, бу ҳам ерпарчин бўлган устозининг олишувдаги сўнги бор ғолиб бўлиш илинжи эканлигидан хавфсираб, мерган бир зумга зўриқди. Бироқ Корт унга ер тагидан қараб, дағал бармоқлари билан имлади.

– Ҳозир кўзимни юмаман, – деб шивирлади Корт осуда. – Балки, мангугадир. Энди мен



сенга ортиқ устоз эмасман, мерган. Сен мендан устун келдинг, буни қара-я, отанг синовдан ўтган ёшидан сен икки йилга кичиксан, ўшанда отанг шогирдлар орасида энг ёши эди. Сенга бир маслаҳат беришга изн бер.

– Яна нима дейсиз? – деди Роланд жиғибийрон бўлиб.

– Афти башарангни тўғрилаб ол, мишиқи.

Роланд каловланиб, Кортнинг айтганини қилди (аслида, юзига нима қилганини у билмасди).

Корт бош ирғаб, тагин офиз жуфтлади:

– Шошма.

– Нима?

Корт аранг сўзлар, ҳар бир сўзга зўр бериб гапиришидан унинг нутқи маънодор ва оташин тус оларди:

– Довруғу афсона сендан ўзиб кетсин. Бу ерларда миш-миш тарқатадиганлар озмунчами?! Эҳтимол, улар эсини егандирлар. Аммо миш-мишлардан орқада бўл. Кўланканг юзида соқол ўссин. Қора тус олиб, қуюқлашсин. – Корт зўрама-зўраки илжайди. – Сабр қил, овозаю миш-мишлар афсунгарни ўзини-да жодулаб қўяди. Нима деяётганимни тушуняпсанми, мерган?

– Ҳа, тушуняпман, шекилли.

– Сўнгги маслаҳатимни устознинг сабоғи сифатида қабул қиласанми?

Мерган чайқалай-чайқалай деб турса-да, хаёлчан ва турғун ҳолатини ўзгартирмади, оддий ўсмирдан эр йигитга айлаётганини ўзи ҳам сезиб турарди. Кўкка тикилди. Уфқ аллақачон қонталаш тусга кириб улгурибди. Кун иссиғи қайта бошлаган, уфқ ортидан югургилаб ке-

лаётган қора булутлар лашкари эса ёмғир ёғишидан дарак берарди. Минглаб чақиримлар олисда кўзни қамаштирувчи чакмоқ найзалари хотиржам ухлаб ётган пурвиқор тоғлар бағрига санчилди. Шунда ёш мерган товонидан тортиб сочининг учигача итдай чарчаганини ҳис қилди.

У Кортга нигоҳ бурди.

– Мен ҳозир лочинимни жойига қўймоқчиман, устоз. Кечроқ Қуйи Шаҳарга тушиб, қовоқхоналарда, мабодо сўраб-негиб қолишса, қаерда ва қай ҳолатдалигингизни айтаман. Келолмаслигингиздан дили сиёҳ тортмиш жазманларингизга ҳам тасалли берарман.

Кортнинг лабларида аламли кулги пайдо бўлди ва у уйқуга кетди. Мерган ўрнидан туриб, атрофидагиларга мурожаат қилди:

– Замбил олиб келиб, уни уйига элтинглар. Бир эмас, иккита ҳамшира ёлланглар. Хўпми?

Қолганлар машаққат ила қўлга киритилган ғалаба оғушида ҳамон офизлари ланг очилиб, мерганга анграйиб туришаверди. Уларнинг тасавурида ҳозир Роланднинг боши узра оловли нурчамбар пайдо бўлиши ёки унинг ўзи ваҳший йиртқичга айланиб қоладигандек эди.

– Эҳ, сени қара-ю, молбоқар! – деди бирдан Катберт кўзлари табассумдан ёнганча. – Бизга суякдан бошқа ҳеч нарса қолдирмабсан-ку!

– Омон бўлсак, кўраверамиз, – деди мерган, – Алан, нега лаллайиб турибсан? Қани, бир кетингни қимирлат-чи.

Алан замбилнинг ҳаракатига тушди; Томас билан Жейми эса олдин Катта Залга, кейин лазаретга чошиб кетишди.



Мерган ва Катберт эса қоққан қозикдай тураверишди. Бу икки дўст ҳамиша бир-бирига яқин бўлишган. Катбертнинг кўзларида миясида чарх ураётган ёндиргувчи ўй-фикрлари манаман деб турар, мерган дўстига синовдан ўтишни яна бир-бир ярим йилга қолдиришни, йўқса, бошини ҳам қилиб гарбий дарвозадан ўтишига тўғри келишини айтиб маслаҳат беришдан ўзини аранг тийиб турарди. Икковлон жуда кўп қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтишди. Аммо ҳозир мерган нима деб маслаҳат бермасин, калондимоғлик бўлиб туюлишини жуда яхши биларди. «Мана, энди дўстларимдан узоқлашадиган фурсат ҳам етиб келди», деб ўйлади мерган ва ўзини ёлғиз сеза бошлади. Кейин яна Мартен, волидаи мухтарамаси ҳақида ўй суриб кетди.

«Биринчи бўлишим шарт. Фаҳмимча, биринчи бўлишга улгурдим».

– Юр, кетдик, – деди у дўстига.

– Хўп, кетдик. Нима десанг, шу-да, мерган.

Улар яшил йўлакдан юриб, шарқий дарвозадан чиқишди; Томас ва Жейми аллақачон ҳамшираларни бошлаб келишди. Оппоқ, кенг кўйлак кийиб, бўйинларига хоч осиб олган ҳамшираларнинг арвоҳдан фарқлари йўқ эди.

– Лочинни кўмишда кўмаклашсам майлими? – дея ижозат сўради Катберт.

– Ҳа, албатта, – деди мерган. – Мен ўзим сендан ёрдам сўрамоқчийдим.

Атрофга тун пардаси ёйилиб, момақалди роқ гумбурлаганда, ёмғир жамики тирик жонзотни аямай савалаётганда, Қуйи Шаҳарнинг иланг-

биланг тор кўчаларини чақмоқ лашкарлари ёритганда, отлар отхонада бошларини эгиб, баданларини узиб-узиб олаётган сўналарни думлари билан савалашаётган бир пайтда мерган узоқлардан эшитилаётган «Хой, Жуд» кўшиғига ҳамоҳанг дўлнинг тасир-тусирига қулоқ осганча, оғир ўйларга берилди. Ахийри, кўзи илинаётганда, биринчи бўлишим билан бир қаторда охирги бўлишим ҳам мумкин-ку, деган фикр миясига лоп этиб урилди.

IX

Мерган, турган гап, болага барчасини сўзлаб ўтирмади, лекин барибир тилини тийиб гапирмаганлари унинг ҳикоясида озми-кўпми маълум бўлди. Мерган аллақачон тушунгандики, болакай ўз ёшига нисбатан ҳайрон қоларли даражада зийрак, бу жиҳати билан у қисман ҳамдард бўла олиш, қисман бировнинг фикрини ўқий олишдан иборат одамлар билан тез тил топа оладиган қобилиятга эга Аланга ўхшаб кетади.

– Ухлаяпсанми? – деб сўради мерган.

– Йўқ.

– Гапларимни тушундингми?

– Мени шунчалик бефаҳм деб ўйлаяпсизми? – сўради болакай истехзо билан. – Нима, куляпсизми?

– Асло.

Мерган ич-ичидан ҳимояланишга ўтди. У ҳали ҳеч кимга қандай қилиб эр йигит бўлганини сўзлаб бермаганди, чунки буларни эслаши биланоқ уни бир-бирига қарама-қарши ўй-кечинмалар эзарди. Албатта, лочин ҳаққоний



қурол, ҳар жихатдан бенуқсон, аммо шу билан бирга бу алдамчилик йўли ҳам эди. Хийлагарлик ва хоинлик. Биринчи галдаги хоинлик қуйидаги фикрданоқ маълум эди: *Наҳотки, чинданам бу болакайни қора кийимли одамнинг қўлига топширсам?*

– Тушундим, – деди болакай. – Бу ўйин эди, шундайми? Нега одамлар улғайгач ҳам ўйин ўйнашда давом этишади? Нимагаки қўл урмагин, бу янги ўйин учун баҳона бўлиб чиқаверади? Ўзи одамлар улғайишадими? Ёки шунчаки бўйлари чўзилиб қолаверадими?

– Ҳали кўп нарсаларга ақлинг етмайди, – деди мерган ичидан қайнаб чиқаётган ғазабни босишга ҳаракат қилиб. – Ёшлиқ қиласан.

– Ҳа. Бироқ мен сиз учун кимлигимни биламан.

– Шунақами? Хўш, ким экансан? – Мерганнинг асаблари таранглашди.

– Ўйиндаги соққа.

Бирдан мерган оғирроқ тошни шартта олиб, боланинг бошини мажағлаб ташлагиси келди, лекин бунинг ўрнига мулойимлик билан:

– Кел, ухлайлик. Болакайлар тўйиб ухлашлари керак, – деганча дилдорлик қилди.

Ўзининг хаёлларида эса Мартеннинг азалги сўзларининг акс садоси гужғон ўйнарди: *Жўна. Бориб қўлингни банд қил.*

Мерган зулмат қоронғисида вужудини чулғаб олган қўрқувдан серрайиб узоқ ўтирди. У ҳеч нарсадан қўрқмасди, ҳаётида илк бора қўрқув хиссини туйдики, ўзидан нафратланишни бошласа гўрғайди! Шундай бўлиши тайин.

Х

Учинчи бор ухлаб туришганида, темир йўл кескин бурилиб, ерости дарёсига тегар-тегмас даражада яқин келишди ва улар эси йўқ дурагайларга дуч келишди.

Биринчисини кўрибок Жейк чинқириб юбораёзди.

Мерган илкис бошини ўнгга буриб, узоқдан хира, кўкиш тусда йилтираётган шарга кўзи тушди. Қўланса ҳид ҳам ўша шардан таралаяпти, чоғи.

Бу кўкимтир хамирсимон бўтқа, таъбир жоиз бўлса, аллатовур башарани эслатарди. Пучуқ бурун устида фақатгина ҳашаротлардагина бўладиган совуқ, ифодасиз кўзлар жимилларди. Мерганнинг кўнгли алағда бўлиб, қайт қилиб юборай деди. Қўлидаги дастак чиқиб кетиб, вагон-арава секинлашди. Кейин ҳалиги башара қаёққадир ғойиб бўлди.

– Бу нимаиди? – деб сўради бола мерганнинг пинжигга тиқилиб.

Боланинг гапи оғзида қолди: мерган иккалови ерости дарёси устида муаллақ турганча, хира милтираётган эси йўқ дурагайлар ёнидан визиллаб ўтиб кетишди.

– Эси йўқ дурагайлар, – деди мерган. – Улар бизга хавф солмаса кераг-ов. Биз улардан кўрққандек улар ҳам биздан кўрқиб кетишди, назаримда.

Эси йўқ дурагайлардан бири ўрнидан кўзғалиб, бесўнақай оёқларини судраганча, улар томонга юра бошлади. Эси йўқ дурагайнинг афти оч қолган савдойининг башарасидай беўх-



шов эди. Ориқ-тирик тана ғадир-будурлашиб, учларида тирик жонни сўриб олувчи сўрғичли қисқичлар ўсиб чиқди.

Боланинг қути ўчиб, мерганга чиппа ёпишиб олди.

Махлуқ тўппа-тўғри вагон-аравага судралиб келаверди. Мерган шартта револьверини кинидан суғуриб, эси йўқ дурагайнинг нақ пешанасига ўқ қадади. Атрофга бўтқа сачради. Мерган ва бола кўзларини қисиб олишди. Револьвердан чиққан учқундан иккаласининг кўзи анчагача қамашиб турди. Тош зиндон ичра порохнинг аччиқ ҳиди таралиб турди.

Яна тагин эси йўқ дурагайлар чиқиб келаверди. Йўловчиларга очикчасига ташланишмаса-да, аста-секин меровсираб яқинлашишди.

– Мабодо зарур бўлса, менинг ўрнимга пишанглайсан, – деди мерган. – Қўлингдан келади-ми?

– Ха.

– Ҳазир бўл.

Болакай яхшилаб ўрнашиб олди. Кўзларини зулумот ичра судралаётган эси йўқ дурагайлардан узмади. Дахшат ва қўрқувдан иштонини хўллаб қўяй деса-да, ўзини дадил тутди.

Мерган эса бир маромда пишанглаб бораверди, эси йўқ дурагайлар қўрқув исини хитлаб қолишлари мумкин-да. Лекин эси йўқ дурагайларнинг иштаҳаси очилиши учун биргина қўрқув сабаб бўлолмайди. Зеро, мерган ва болакай нур оламидан эдилар. «Биздан ғоят нафратланаётганликлари тайин, – деб ўйлади мерган. – Қора кийимли одамдан-чи? Буниси даргу-

мон. У, эҳтимолки, шарпа мисол сирғалиб ўтиб кетган».

Шу маҳал Жейк бўғиқ қичқирди. Мерган шошиб ўгирилди. Тўртта эси йўқ дурагай қоқиниб-нетиб уларга яқин келиб қолишганди. Ҳатто биттаси қўл чўзиб, чанг солишига бир баҳя қолди.

Мерган дастакни бўшатиб, варанглатиб ўқ узди. Энг яқин турган эси йўқ дурагайнинг пешанасидан дарча очилиб, оғир хўрсиниқ чиқарди ва башарасида кишининг юрагига қўрқув соладиган кулги пайдо бўлди. Эси йўқ дурагайнинг қўллари шалпайиб, боланинг оёғини чангаллади ва пастга торта бошлади.

Болакай жони борича бақирди.

Мерган эси йўқ дурагайнинг кўкрагини нишонга олиб, яна битта ўқ узди. Эси йўқ дурагай эса вишиллаб, оғзидан сўлак оқди. Жейк вагон-аравадан пастга сирғалиб туша бошлаганди, мерган унинг қўлидан маҳкам ушлаб қолди, аммо эси йўқ дурагай зилдай экан, сал қолса мерганнинг ўзини ҳам тортиб кетай деди. Шунда мерган ўйлаб ўтирмай баттолнинг калласига яна бир ўқ жойлади. Бироқ эси йўқ дурагай пастга тортаверди. Ахир, ярамас эси йўқ дурагай қорин дардида эди-да.

Вагон-арава секинлашаверди. Қолган эси йўқ дурагайлар ҳам яқин келиб қолишди.

«Ҳаммаси тамом. Болакайнинг куни битди», деб ўйлади мерган. Тек қўйиб берса, шундай бўлиши ҳам тайин. Иккита йўл бор: болани ташлаб, шартта дастакни босиш ёки охиригача курашиб, Жейк билан бирга ҳалок бўлиш.



Ҳар икки ҳолатда ҳам болакайнинг ажали етган.

У амал-тақал қилиб, револьверини ўқладида, махлуқнинг қорнига қаратиб отди. Сониянинг улушида эси йўқ дурагай боланинг оёғига баттарроқ ёпишди-да, кейин илвираган қўл бўшашиб, бўтқасимон мавжудот рельслар орасига юзтубан йиқилди.

– Мени ташлаб, қочиб қоласиз деб ўйлагандим, – дея ҳиқиллади болакай. – Мен... мен... яна... ўйладимки...

– Камаримдан маҳкам ушла, – деди мерган қисқагина қилиб.

Болакай мерганнинг айтганини қилиб, саросимада ҳаводан каппа-каппа юта бошлади.

Мерган яна дастакни ушлаб, дам беришга тушди; вагон-арава аста-секин тезлашди. Эси йўқ дурагайлар илвираб-шалвираб, сасиб-бижиб орқада қолишди. Уларнинг ғайриинсоний турқларидан чуқур сув ҳавзаларида яшайдиган балиқлардан тараладиган хира нур сочилиб турарди. Бу афт-башараларда на ғазаб, на нафрат зухур бўлганди. Маъносиз чақчайган кўзларда нимтелба ўкинч ялт этиб кўрингандай бўлди.

– Улар ҳолдан тойишди, – деди мерган сал хотиржам тортиб. – Улар...

Энди эси йўқ дурагайлар рельсга тошлар отишга ўтишди, йўл тўсилиб қолди. Албатта, тошларни олиб ташлаш атиги бир дақиқа вақтни олади, лекин барибир тўхташга тўғри келди. Кимдир пастга тушиши керак. Болакай бўғиқ инграб, мерганга ёпишиб олди. Мерган

дастакни бўшатди. Вагон-арава тўғри тош уюмига урилиб тўхтади.

Бир тўда лаънат теккан эси йўқ дурагайлар сўнгсиз давом этаётган тушда тентираб юрган-дек сурилиб келаверишди.

– Бизни ушлаб олишадими? – деб сўради болакай.

– Йўқ. Бирпас жим тургин, хўпми?

Мерган атрофни кўздан кечирди. Хўш, демак, эси йўқ дурагайлар оч қолган, йўлни батамом тўсиб қўядиган харсангтошларга кучлари етмайди.

– Пастга туш, – деди мерган болага. – Тошларни олиб ташла. Мен эса сени пана қилиб тураман.

– Йўқ, илтимос. Тушишни истамайман.

– Қўлингга револьверни бериб қўёлмайман. Бир вақтнинг ўзида тошларни олиб, қурол ишлатолмайман-ку. Шундай экан, бошқа чорамиз йўқ.

Жейкнинг кўзлари ола-кула бўлиб, бир зум каловланиб, тараддудланди-да, кейин секин пастга тушиб, тошларни йўлдан олиб ташлашга киришди.

Мерган эса револьверларини шай қилиб, сергак бўлиб турди.

Иккита эси йўқ дурагай қўлларини олдинга чўзиб, тўғри болага ташлангудек келаверишди. Револьверлар ишга киришди: оқиш-қизил учкун мерганнинг кўзларига игна санчгандек оғриқ бериб, зулматни ёриб ўтди. Болакай жонҳолатда бақириб юборди, бироқ ишини тўхтатмади. Мерганнинг кўз олди жимирлаб, ҳеч вақони кўрмай қолди.



Дафъатан башарасининг нақ ярмини эгаллаган кўзлари ёниб, эси йўқ дурагайлардан бири боланинг оёқларига кўл чўзди. Болакай жон аччиғида кичкириб, ўзини ҳимоялаш учун ўгирилди.

Мерган ўйлаб ўтирмасдан, овоз келаётган томонга пақа-пақ ўқ узди. Эси йўқ дурагай билкиллаб ерга қулади.

Жейк жазавада олди-орқасига қарамай, тошларни тўғри келган томонга отаверди. Сал нарида тўпланиб қолган эси йўқ дурагайлар борган сари кўпаяверди.

– Бўлди, – деди мерган болага. – Чик тепага! Тезроқ!

Бола жойидан қимирлаши билан эси йўқ дурагайлар унга ташланишди. Бир сакраб вагон-аравага чикиб олди. Мерган дастакка ётиб олди. Қуроллар кинида, вақт тифиз, оёқни кўлга олиш керак.

Жирканч кўллар вагон бортига урилди. Болакай мерганга ёпишиб, юзини беркитиб олди.

Мерганнинг қони қайнаб, дастакни икки баравар тезроқ тебрата бошлади. Вагон-арава зулмат ичра елиб кетди. Йўлга чикиб олган тўрт-бешта эси йўқ дурагайлар вагон-аравага урилиб, атрофга чириган бананлардек сочилиб кетди.

Даҳшатли зулмат ичра вагон-арава фириллаб учаверди.

Бирмунча фурсатдан сўнг болакай қаддини ростлаб, юзини қулоғи остида шовуллаётган ҳаво оқимига тутди. Баданини ҳамон калтироқ тарк этмаган, ўқ узилгандаги учқун

шуълаларидан кўзлари ҳалигача қамашарди. У зимистондан бошқасини кўрмас, ёнларидан оқаётган дарёнинг бўкиришидан ўзга товушни эшитмасди.

– Орқада қолишди, – деди болакай ва тўсатдан ҳозир йўл тугаб қолиб, вагон-арава рельсдан чиқиб кетиб, зулмат қаърига қулаб чилпарчин бўладигандек юрагини ваҳм босди.


Қачонлардир Жейк машинада сайр қилганди; бир кун отаси машинани Нью-Жерси магистралада соатига тўқсон миля тезликда ҳайдагани учун тезликни оширганликда айблаб тўхтатишганди. (Дарвоқе, полициячи отаси машина ҳужжатлари орасига қистириб берган йигирматаликни олмаган ва жарима қвитанциясини ёзиб берганди.) Лекин Жейк умри бино бўлиб бундайин тезликда, юзингни шамол савалаб, орқа-олдингда нима борлигини кўрмасдан, дарё шовуллаши қулоғинга совуқ кулгидай эшитилиб елмаганди. Худди қора кийимли одамнинг беҳосият қаҳқаҳи-я!

– Орқада қолишди, – деди яна бола ўзига ишонмай. Шамол унинг сўзларини совуриб олиб кетди. – Энди секинроқ кетсак ҳам бўлади. Қутулдик, шекилли.

Аммо мерган уни эшитмасди. Улар олдинга — зулмат аро номаълумлик томон елдек учишди.

XI

Улар қаторасига уч кун тинчгина йўл бошишди.



XII

Тўртинчи бедорликда вагон-араванинг тагига нимадир урилиб, силкиниб-силкиниб қўйди.

Олдинда ёруғлик, хира нур йилг этди — шунчалик ғайритабиийки, на тупроқ, на ҳаво, на сув ва на олов, аллатовур сирли унсур нур таратаётгандек туюлди. Йўловчиларнинг кўзлари шунчалик ёруғликни қўмсагандики, бу заиф шуълани манбаига беш миля қолгандаёқ пайқашганди.

— Чиқиш йўли, — деди бола хириллаб ҳаяжонланганидан. — Чиқиш йўли!

— Йўк, — деди мерган ғайриоддий ишончла. — Ҳали бор.

Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Ёруғликка яқинлашишганда, қуёшнинг нури эмаслиги маълум бўлди.

Нурланиш манбаига яқинлашиб, йўлнинг сўл тарафидаги тошдевор йўқолиб боргани, уларнинг рельслари ёнида эса бошқа рельслар бир-бирига ўргимчак инидай чатишиб кетганига гувоҳ бўлишди. Баъзи йўлларда қора рангдаги товар вагончалари, рельсда юришга мўлжалланган йўловчи кареталари турарди. Мерган ўзини ёмон ҳис қилди. Бу ташландиқ кареталар Саргассово ерости денгизи ютиб юборган кемалар янглиғ жонсиз эди.

Ёруғлик янада равшанлашди. Аввалига йўловчиларнинг кўзлари ачишди, бироқ бора-бора ёруғликка ўрганишди. Улар денгиз тубидан аста-секин юқорига кўтарилган ғаввослардек зулматдан нурга чиқишди.

Олдинда қоронғулик томон улкан ангар чўзилиб ётарди. Аввалбошда ўйинчоқ уйнинг дарчасидек кўринган дарвоза вагон-арава тақалиб келганда нақ ўн газга чўзилиб бўй кўрсатди. Мерган бола билан дарвозадан ичкарига кирди. У ерга нотаниш харфлар билан алланималар ёзилганди. Мерганга бу турли тиллардаги бир хил маънони англатувчи битик бўлиб туюлди. Ўзи ҳам бениҳоя хайрон бўлиб, охирги жумлани ҳижжалаб ўқий олди. Аждодлар тилининг Олий лаҳжасида ёзилган битик қуйидагича янграрди:

...

*10-ЙЎЛ. ТАШҚАРИГА.
ҒАРБИЙ ЙЎНАЛИШГА ЎТИШ*

Ичкари янада ёруғ-равшан экан. Рельслар бир-бири билан кесишиб, бирлашиб кетибди. Бу ерда ҳатто қизил, яшил ва сариқ рангдаги ўша азалий чироқлар ўчиб-ёниб, бир нечта огоҳлантирувчи фонарлар ҳам ишларкан.

Улар ёнлари юзлаб вагон-аравалар ўтавериб қорайиб кетган пирсмонанд¹ икки тош супа ўртасидан ўтишди ва баайни вокзалга кириб қолишди. Мерган дастакдан қўлини олди. Вагон-арава секин тўхтади. Атрофга аланглашди.

– Биздаги ерости йўлига ўхшаркан, – деди бола.

– Нимага ўхшайди, дейсан?

– Ҳа, ўзим, айтдим-қўйдим-да. Барибир тунунмайсиз. Нима деяётганимни ўзим ҳам тунунмай қоляпман.

¹ *Пирс* — кемалар боғлаб қўйиладиган махсус жой.



Бола бетон платформага чикди. Мерган иккалови бир замонлар газета ва китоблар сотилган ташландиқ матбуот дўконлари, хароба оёқ кийимлари пештахтаси, қурол-яроғ дўкончасини (мерган туйқус қони қайнаб, пешойнага териб қўйилган милтиқ ва тўппончаларга суқланиб тикилди, бироқ яхшилаб қараб қуролларнинг найлари кўрғошиндан қуйилганини кўриб, хафсаласи пир бўлди. Шундай бўлса-да, умуман ҳеч нарсага арзимаё қолган камон ва садок, қийшайиб кетган ўкни қўлига олиб кўрди.) бир-бир кўздан кечиришди. Бу ерда аёллар кўйлаги сотиладиган дўкончаям бор экан. Қаердадир чамаси бир неча минг йиллардан бери хавони ичкари ва ташқарига ҳайдаб, кондиционер ғўнғиллаб ишлаб турибди, бу матохниям умри тугаб бормоқда, чоғи. Инсоннинг абадий двигатель ҳақидаги орзуси барибир тентакнинг хомхаёли бўлиб қолаверишини ваъда қилган ҳолда матохнинг ичиём зириллаб қолибди. Ҳавода аллатовур металл таъми сезилади. Қадам товушлари бўғиқ акс садо қайтаради.

– Хой! – деб бақирди болакай. – Бу ёкка қаранг...

Мерган ўгирилиб, боланинг ёнига келди. Бола китоб дўконининг ойнасидан ичкарига қараб афсунлангандай бақрайиб қолганди. Дўконнинг энг бурчагида мўмиё ўтирарди. Эғнида зар уқали форма, афтидан, чиптачи ёки назоратчи бўлиб ишлаган кўринади. Тиззасида эски, аммо яхши сақланган газета. Шундай бўлса-да, мерган ичкарилаб, газетага қўл

теккизганди, уқаланиб кетди. Мўмиёнинг афти буришиб-тиришган олмани эсалатарди. Мерган қовжираб, чўп-устихонга айланган юзни эҳтиёткорлик билан ушлаб кўрди. Шунда мўмиёнинг юзи ҳам уқаланиб, тешикча пайдо бўлди ва унинг оғзида тилла тиш ярқираб кўринди.

– Газ, – минғиллади мерган. – Аваллари шунақа таъсир кўрсатадиган газ ишлаб чиқаришарди. Тўғрироғи, Ванни шундай дерди.

– Сизни китоб бўйича ўқитган устозми?

– Ҳа, ўша.

– Улар жанг қилишиб, – сўз қотди бола маъюсланиб, – мана шу газ билан бир-бирларини ўлдиришган.

– Ҳа, шунақага ўхшайди.

Бошқа мўмиёлар ҳам бор экан. Кўп эмас-у, ҳайтовур... ўн иккитача. Икки-учтасидан ташқари барчасининг эғнида зар безакли кўк форма. Мерган станцияда йўловчи вагонлар йўқлигида газ сепишган, деган тахминга борди. Эҳтимол, қадим замонларда бу станцияга бирон-бир армия томонидан зарба берилгандир. Нима бўлган тақдирда ҳам бу бошқотирмаларнинг сабаб-боиси ўтмишнинг сирли саҳифасида қолиб кетган.

Бу оғир ўй-хаёллардан мерган эзилди.

– Кел, яхшиси, бу ердан кетамиз. – Мерган ўнинчи йўлда турган вагон-аравалари томон йўналди. Бу сафар бола унга қулоқ солмай, ўрнида қоққан қозикдай тураверди.

– Мен ҳеч қаяққа бормаيمان.

Мерган ҳайрон бўлиб ўтирилди.



Боланинг юзи бужмайиб, лаблари пир-пир учди.

– Токи мен тирик эканман, сиз излаётганингизни қўлга киритолмайсиз. Шундай экан, яхшиси, шу ерда қоламан. Ўзим бир иложини қиларман.

Мерган иккиланиб бош ирғади. Айни дамда у ўзидан нафратланиб кетди.

– Майли, Жейк, – деди у охиста. – Кунларинг узун, тунларинг хайрли бўлсин.

У шахд билан бурилди-да, платформанинг четига бориб, вагон-аравага енгил сакраб чиқиб олди.

– Биламан, сиз ким биландир тил бириктиргансиз! – деб қичқирди бола унинг ортидан.

Мерган лом-мим демай елкасидан камонни олиб, вагон-араванинг «Т» шаклидаги бўртик жойига илиб қўйди.

Болакай қўлларини мушт қилиб тугди, юзлари аламдан қизариб-бўзариб кетди.

«Ҳа, болапақирни алдаш осон, – деб ўйлади мерган ичи хувиллаб. – Неча марта ички савқитабиййиси худди шу фикрни шипшиган, лекин сен доим унинг миясини гангититиб келдинг. Ахир, унинг сендан бошқа суянадиган одами йўқ».

Дафъатан мерганнинг миясига ярқ этиб оддий бир фикр келди: хаммасига қўл силтаб, болани ўзи билан олиб, ортга қайтсамикин?! Болани янги куч-қудрат манбаига айлантисамикин?! Минорага бундай хўрлик йўлидан бориб бўлмайди. Болакай улғайсин, эр йигитга айлансин, ана ўшанда сафарни янгитдан бошлаш, ик-

ковлон қора кийимли одамни йўлларида хас-дек улоқтириб ташлашлари мумкин бўлади.

«Бекорларнинг бештасини ебсан. Туя ҳаммомни орзу қилибди-да!» деб ичида ўзини ўзи койиди мерган.

Мерган ногаҳоний совуққонлик-ла ҳозир ортга қайтиш иккаласи учун ҳам ҳалокатга элтувчи йўл эканлигини англади. Ёки ундан ҳам баттари бўлиши мумкин: пурвиқор тоғлар остида, эси йўқ дурагайлар даврасида тириклайин кўмилиб кетишлари турган гап. Ҳам ақлан, ҳам жисмонан аста-секин куч-қувватдан қолишади. Ёки бўлмасам, отасининг револьверлари уларни бирмунча муддат омон сақлаб тотемга айланиб қолар.

«Жасурлигинг қаёқда қолди?»

Мерган дастакни пишанглашга тушди. Вагон-арава ҳаракатга келди.

Болакай «*Тўхтанг!*» деб бакирганча, вагон-арава тагин туннел қаърига кириб кетадиган жойгача чопиб бориб, йўлни кесиб чиқди. Мерган тезликни ошириб, болани танҳоликда қолдириб кетишига бир баҳя қолди.

Лекин бунинг ўрнига вагон-аравага сакраган болакайни ҳавода ушлаб олди. Жейк жонжаҳди билан унга ёпишди. Болакайнинг юраги кинидан чиқиб кетар даражада дукурларди.

Қўпи кетиб, ози қолди.

Йўлнинг поёни яқин.



XIII

Дарёнинг хайқириги баттар авж олиб, ҳатто икки йўловчининг тушлари ҳам шовулларди. Дамо-дам мерган дастакни болага топшириб, ўзи зулумот кўйнига камондан ип бойланган ўк отарди.

Камон умуман яроқсиз экан. Кўринишидан яхши сақлангандек туюлса-да, камон ипи ўғник-куруқ тортилмас, мўлжал хато кетарди. Мерган камон бобида кўлидан ҳеч нарса келмаслигини тушунди. Ип тортилганда ҳам чириб кетган ёғочни янгилашнинг имкони йўқ-ку! Ўқлар узоққа учиб бормасди, лекин охиргисини тортиб олганда, хўл ҳолда қайтиб келди. Бола сувгача қанча масофа борлигини сўрагани, мерган елка қисиб кўяқолди, аммо ичида агар камондан чинакамига ўк узилса, олтмиш қадамча масофани ўлчаш мумкинлигини чамалади.

Дарё наъраси борган сари кучаяверди.

Станция ортда қолгандан кейин олдинда яна хира ёруғлик кўринди. Улар харсангтошлар қатлами ўйиб очилган туннелга кириб боришди. Туннелнинг нам деворлари митти юлдузчалар жилвасидан йилтиларди. Теварак-атрофни худди аттракционлар хиёбонидаги даҳшатлар хонасида бўлагидандек алланечук ваҳимали ғайритабиийлик эгаллади.

Ерости дарёсининг шиддатли ўкириги тош туннел ичра йўловчиларга юракка ваҳм солиб яқинлашаверди. Шуниси ғалатики, ҳатто мерган олдинда жарлик бор деб тамин қилган нуқтага яқинлашаверишганда ҳам шовуллаш

сира ўзгармай қолаверди. Йўл тикка кўтарилиб бораверди.

Темир йўл сира тугамас, гўё чексизлик қаърига сингиб кетгандек эди. Нариги томонда, тасаввурга сиғмас олисда увокдай ёруғлик нуқтаси йилт этди: хира нотабийй ёруғлик эмас, қора матога қадалган игнатугма тешигидек келадиган чинакам қуёш нури.

– Тўхтатинг, – деб ялинди бола. – Илтимос, тўхтатинг. Бир дақиқага, холос.

Мерган ҳеч бир гап-сўзсиз дастакни қўйиб юборди. Вагон-арава тўхтади. Дарё шовқини сира тинай демасди. Табийй нурни кўришгандан сўнг тош деворлардан таралаётган сунъий жилва ёқимсиз туюла бошлади. Шунда мерган илк бор вужудида клаустрофобиянинг¹ жирканч панжаларини ҳис этди ва бу тош гўристондан тезроқ чиқиб кетгиси келди.

– Шу ердан ўтишимизга тўғри келади, – деди бола. – У шуни хохлаяптими? Вагон-аравада шу ердан ўтиб, тубсизликка қулашимизни истаяпти, тўғрими?

Мерган аниқ жавобни билса-да:

– У нимани хохлаётгани менга қоронғу, – деди.

Иккови ҳам вагон-аравадан тушиб, эҳтиёткорлик билан жарлик ёқасига келишди. Жарлик тубанга тик тушганди. Рельслар эса зулмат салтанати томон югургилаб кетганди.

Мерган тиззалаб, пастга қаради ва қуйида бир-бирига чатишиб кетган, қарийб ақл бовар

¹ *Клаустрофобия* – ёпик ва тор макондан қўрқиш.



қилмас пўлат ҳамда ёғоч тўсинлар дарё шидда- тига дош бериб, темир йўлни кўтариб турганига гувоҳ бўлди. Бу тўсинлар кўприкнинг тиргову- чи бўлиб хизмат қиларди.

Мерган сув ва бешафқат вақт пўлатни қай ҳолатга олиб келганини ўзича тасаввур қилиб кўрди. Ўзи мустаҳкам тиргаклар қолдимикин? Ёки умуман емирилиб кетдимикин? Унинг кўз ўнгида, ҳув, ўша станциядаги мўмиёнинг қўл тегиши билан чанг бўлиб сочилиб кетган баша- раси пайдо бўлди.

– Бу ёғига пиёда кетамиз, – деди мерган ичи- дан боланинг яна қайсарлик қилишига тайёр- ланиб, лекин бола олдинга тушиб, кўприкнинг пўлат плиталаридан шахдам-шахдам юриб кета бошлади. Мерган иложи борича бола қоқиниб кетмасин деб унга қапишиб юришга ҳаракат қилди.

Мерганнинг аъзойи баданини ёпишқоқ тер қоплади. Кўприк аллақачонлар чириб улгу- рибди. Оёқ остидаги ёғоч тўсинларғижир- лар, тубанда айқириб оқаётган дарё оқимидан чайқаларди. «Биз акробатлармиз, – деб ўйлади мерган. – Қаранг, онажон, қуласак, пастда ту- тиб қолувчи тўрлар ҳам йўқ. Қаранг, мен учяп- ман».

Бир марта ҳатто чўнқайиб, шпалларни синчиклаб кўздан кечирди. Шпаллар чириб, рельслар занг босиб, ейилиб кетганди (саба- би ҳам маълум: эндиликда мерганнинг юзига ҳатто темирни ҳам емиришга қодир тоза ҳаво оқими урилаётганини сизди. Демак, ер сиртига чиқишга оз қолибди-да). Мерган рельсни мушт-

лаб кўрди, занглаган металл силкинди. Бир-мунча муддат оёқ остида шикоятмуз гичирлаш эшитилди. Гўёки мана, хозир темир қоплама ёрилиб кетадигандек эди. Аммо мерган хавфли жойдан ўтишга улгурганди.

Ўз-ўзидан маълумки, болакай мерганга нисбатан вазни нақ юз қадоқ енгил эди, хавфли жойдан ўтиб олиш унинг учун чўт эмас.


Вагон-арава аллақачон қоронғулик қаърига сингиб, ортда қолди. Чап тарафдаги тошсупа ўнгдагисига нисбатан яна тагин йигирма футга чўзилганди. Лекин ўша ҳам тугаб қолиб, энди икковлон ҳеч бир ён тўсиқларсиз жарлик узра кета бошлашди.

Авалбошда, хув, олдиндаги жимирлаётган ёруғлик ҳамон жимитдеклигича қолаётгандек туюлаверди, бироқ бориб-бориб нур катталашиб, кенгайди.

Дабдурустан болакай қўлларини силкиб-силкиб, ўзини ортга олди. Сониянинг қанчадир улушида йўлнинг, рельснинг четида мувозанатини йўқотмасликка интилиб, туриб қолди. Мерганга эса шу оний фурсат асрга татигулик туюлди.

– Қулаб тушишимга бир баҳя қолди, – деди болакай гўё ҳеч нима бўлмагандек ўзини хотиржам тутиб. – Анови ерда ёриқ бор экан. Пастга йиқилиб тушишни истамасангиз, дадил сакраб ўтинг. Саймон «йирикроқ қадам ташла», дейди.

Бу ўйин мерганга ёт эмасди, фақат бошқача аталарди: «Ойижоним айтади». Болалигида Катберт, Жейми ва Алан билан тез-тез шу ўйинни ўйнашарди. Мерган миқ этмай, шартта сакраб ўтди.



– Орқага қайтинг, – деди Жейк жиддий туриб. – «Сакрасам, майлими?» дейишни унутдингиз.

– Э, кечирасан, хаёлимга келмабди.

Болакай ортга чекинди, оёғини қўйган шпал чиқиб кетиб, михпарчин осилиб қолди.

Йўл сира тугай демас, худди алоқ-чалок, дахшатли тушга ўхшарди. Ҳатто ҳаво ҳам қуюқлашиб қолгандай. Мерган ўзини сузаётгандек ҳис этди. Чириб битаётган кўприк ва тубандаги дарё ўрталигидаги ваҳимали бўшлиқ дам-бадам уни таъқиб қиларди. Онги шуурини бўлғуси мудхиш воқеа пармалайверди: оёқ тойиб, темир жаранглайди, гавда ёнга оғади, қўллар кўринмас тўсикни ушлашга ҳаракат қилади, кейин эса пастга парвоз этиб қулайди, шу асно умбалоқ ошишга-да улгуради. Шамол шундай савалайдики, ҳатто кўзингни юмолмайсан. Тимқора сув томон елдек учиб боради... ўзининг дод-фарёдидан ўзиб, тезлик ила учиб боради...

Оёқ остида темир вижирлади, мерган йўлнинг қанчасини босиб ўтишди-ю, тагин қанчаси олдинда кутиб тургани, жарлик ҳақида ўйламасликка тиришиб, одимини жадаллатмай, дадил сакради. Болани қурбон қилишига тўғри келиши ҳамда унинг кадр-қиммати белгиланганлигини хаёлидан қувиб солди. Битим ўз ниҳоясига етмоқда, ҳаммаси тезроқ ҳал бўлсайди!

– Манов ерда учта шпал етишмаяпти, – деди бола бамайлихотир. – Мен сакрайман. Қани, Жеронимо¹! Олға!

¹ 25 йил давомида босқинчиларга қарши курашган хиндуларнинг афсонавий раҳнамоси.

Мерган тўғридан тушаётган қуёш нурида Жейкнинг ҳавода қовушмаган ҳолатда бир зумга қотиб қолган гавдасини, икки ёнга ёзилган кўлларини кўрди. Худдики болакай мабодо сакраёлмаса, учишга шайланаётгандай. Жейк ерга тушди ва бутун кўприк тебраниб кетди. Темир кўприк шикоятомуз гийқиллади, кейин жарликнинг туб-тубидан сувнинг шалоплагани эшитилди.

– Ҳа, нима гап? Сакрадингми? – сўради мерган.

– Ҳа, – деди бола. – Бироқ бу ер батамом чириб битибди. Мени-ку кўтаради, аммо сизни кўтариши даргумон. Қайтинг! Орқага қайтинг, майли, мени ташлаб кетаверинг!

Боланинг овози совуққон эди, шундай эсада, асабий оҳанг ҳам йўқ эмасди.

Мерган ёриқдан енгилгина сакраб ўтди. Шунчаки одимни каттароқ олди, тамом-вассалом. Йирикроқ қадам ташлади. *Ойижон, майлими? Ҳа, ҳа, майли.*


Болани асабий титроқ босди.

– Қайтинг. Мени ўлдиришингизни хоҳламайман.

– Ҳой, Исонинг суйган бандаси, тўхтама, – хайқирди мерган. – Юрақол! Шу ерда гап таллашиб, қоққан қозикдек тураверсак, лаънати кўприк аниқ қулайди.

Улар яна юқорилашди.

Ҳа, бу тараф баттар занглаб кетибди. Ёриқлар кўпайиб, шпаллар камайиб бораверди. Мерган, охир-оқибат ё ортга қайтмасак, ё бошни айлантирадиган баландликда алпанг-



талпанг мувозанат сақлаб қил устида юрмасак, гўргайди, деб ташвишга тушди.

Ёруғликка яқинлашишгани сари нур мовий тус ола бошлади. Яна қанча юришлари керак экан? Эллик қадамми? Балки, юздир? Билиб бўлмайди.

Мерган шпалдан шпалга сакраб, олдига караганди, нуқтадай ёруғлик манбаи туйнукка айланди: энди бу гардиш ёруғлик эмас, чиқиш йўли эди. Улар деярли етиб келишди.

Ўттиз ярд, ундан ортиқ эмас. Калта-калта тўксон қадам. Демак, ҳали ҳаммаси қўлдан бой берилмабди-да. Эҳтимол, улар ҳали қора кийимли одамга етиб олишар. Балки, чарақлаган қуёшда унинг хаёлларига чирмашиб олган ёвузлик чирмовуқлари хазонга айланар.

Нимадир ёруғликни тўсиб қўйди.

Мерган сапчиб тушиб, бошини кўтарганди, нурни ютиб юбормиш қора шарпага кўзи тушди.

– Салом, йигитлар!

Қора кийимли одамнинг баралла қўйиб юборган қаҳ-қаҳидан тоғу тошлар гумбурлаб кетди. Мерган кўр-кўрона қўлини чўнтагига тикиб, жағ суягини излади. Тополмади. Афтидан, қаердадир тушиб қолган.

Қора кийимли одамнинг ғорни тўлдирган қаҳ-қаҳи уларнинг устига нақ қирғоққа урилган тўлқинлар мисол келиб урилди. Болакай чинқириб, чайқалиб кетди.

Оёқ остидаги темир-терсак дириллаб, букилди ва аста-секин рельслар тўнкарила бошлади. Болакай ўзини тутолмай, йиқилди. Худди қоронғулик ичидаги оқчарлоқ янглиф қўлларини

ҳавода силкиди. Сўнг жарлик узра осилиб қолди, тимқора нигоҳлари мерганга қадалди.

– Ёрдам беринг.

Кейин эса гулдурак овоз янгради:

– Бас, ҳазилни йиғиштиринглар. Ўйин-пўйинни қўйинглар, етар. Қани, мерган, юра қол. Йўқса, мени ҳеч қачон қўлга туширолмайсан!

Бор соққалар столда. Ҳамма қарталар очилган. Фақат биттаси очилмаган. Бола жарлик узра осилиб турибди, худди жон кирган Таро қартаси сингари: дорга осилган, финикиялик денгизчи, айбсиз айбдор, дўзах олов денгизида адои тамом бўлган рух. Ҳозирча тўлқинлар узра турибди, аммо тез орада денгиз тубига чўқади.

Тўхта, шошма.

– Нима қилай, кетаверайми?

Товуши намуноча гулдурак бўлмаса? Фикрни бир жойга жамлаб бўлмайди-я.

Ҳеч нарсага зиён-заҳмат етказмасликка ҳаракат қил. Бемаъни қўшиқни олгин-да, ёқимли қилиб куйла...


– Ёрдам беринг! Ёрдам беринг, Роланд!

Кўприк оғаверди. Мерганнинг кўз ўнгида кўприк дош беролмай, ғижирлаб, бириккан жойлари тарс-турс узилиб, қулайверди...

– Кетаман, шекилли. Яхши қолинглар.

– *Йўқ! Шошма!*

Мерган сакради. Оёқларининг ўзи мурдадек қотиб қолган танасини қаро тусда дилига жо бўлмиш Минора томон йўлни кўрсатишни ваъда қилган жарлик узра осилиб турган боланинг устидан олиб ўтди...



Ёруғликни тўсиб турган шарпа ғойиб бўлди. Кўприк тиргаклари синиб, чирпирак бўлиб жарликка қулаган замон мерганнинг юраги уришдан тўхтаб қолди. Мерган нур ёғилиб турган тошнинг қиррасидан ушлаб қолишга улгурди. Ортида, узоқ-узоқдан, ваҳимали сукунат аро боланинг янгроқ овози эшитилди:

– Борверинг! Бунисидан ташқари бошқа оламлар ҳам бор-ку!

Кўприк энди йўқ. Тепага – нурга, сабо ва янги ка томон интилиб тирмашар экан, мерган ортига ўгирилиб, қутулиб бўлмас оғриқ хуружида иккиюзлама Янус эмаслигига ўқинди. Аммо орқада энди юракни зиқ қиладиган сукунатдан ўзгаси йўқ. Болакай жарликка қулар экан, ҳатто дод ҳам солмади.

Кейин эса Роланд ташқарига чиқди. У турган ёнбағир этагида ям-яшил майсазор ястаниб ётар, калин ўсган ўт-ўланлар орасида қора кийимли одам оёғини кериб, қўлларини кўксига чалиштириб турарди.

Мерган маст одамдай гандираклар, базўр оёқда турарди. Арвохдай оқариб, қуёш нуридан кўзлари ёшланди.

Итифоқо, англадики, бу бошланиши – олдинда уни қалбнинг бўлғуси таназули кутиб турибди, бугунги қабихона иши арзимас бир хатти-ҳаракатдек бўлиб туюлади, лекин барибир бу пасткашлиги бутун умр йўлма-йўл, шаҳарма-шаҳар таъқиб этади. У болакайнинг «Гуноҳим не эди?» деган маъно зухур маъсум чехрасидан қочиб юради. Ушбу чехра ёдини тийиқсиз разолат ва қотиллик қабрига дафн этишга уринади,

шунинг учунки, сўнги хужрага бостириб кирганда, ўзига шам ёлқини ичра кўз тикмиш бола ни топади. У болага эврилди, бола эса унга. У ўзини ўзи алвастига айлангирди. Минбаъд чуқур уйқуга кетиб, туш кўрганида, қайта-қайта болакайга айланади ҳамда ўша болакай ташриф буюриш шаҳарликлар тилида сўзлайди.

Бу ўлим. Йўғ-е? Ўлимми?

Мерган чайқалиб-гандираклаб, қора кийимли одам кутиб турган жойга, пастга эна бошлади. Ёруғ дунёга чиққанидан сўнг рельслар ўз-ўзидан ёниб, кулга айланди.

Қора кийимли одам қайтарма қалпоғини туширди.

– Ҳали шунақами?! – бақирди у. – Бу хали ҳаммаси эмас, бор-йўғи ибтидонинг интиҳосидир?! Сен улкан муваффақиятларга эришяпсан! Сенга тан бердим!


Мерган шахд билан револьверини чиқазиб, қаторасига ўн иккита ўқ узди. Револьвернинг оғзидан чиққан учқунлар узоқ вақт туриб қолди, пақа-пақ ўқ овози эса анчагача қулоқ остида жаранглаб турди.

– Вой-бўй, – устидан кулди қора кийимли одам. – Биласанми, иккаламиз биргаликда яхлит сеҳрли қудратмиз. Сен ва мен. Сен менга қарата ўқ уздингми, демакки, бу ўқлар ўзингга ҳам аталган, мана шунинг учун ҳам мени махв этолмайсан.

У ортига тисланди-да, мерганга кулимсираб:

– Кетдик. Кетдик. Ойижон, майлими? Ҳа-ҳа, майли, – деди.

Мерган ҳар қадамда қоқиниб-суриниб, ниҳоят, иккалови суҳбатлашиб оладиган ерга қора кийимли одамнинг изидан эргашди.



5 б о б

МЕРГАН ВА ҚОРА КИЙИМЛИ ОДАМ

I

Қора кийимли одам мерганни мусохаба учун қадимий қатл маросими ўтказиладиган жойга бошлаб келди. Мерган уюм-уюм чириган суяклардан бу жойни дарров таниди: маҳкумлар қатл этилмиш Гўлгота. Ҳамма ёқда бош чаноқлари оқариб кўриниб турибди: буйвол, чиябўри, буғу, қуён ва ишқалчи-шалпанг-қулоқларники. Ҳов, ана, донлаётган пайтда калласи узилган қирғовулнинг чанг босган суякчалари; ановиниси эрмак учун ёввойи ит томонидан ўлдирилган кўрсичқоннинг ингичка суяклари.

Гўлгота. Тоғ ёнбағридаги чаноқсимон ўра. Сал нарироқда пакана қорақарағайлар, юккалар¹. Само мовий тусда. Мерган бундайин тиниқ осмонни кўрмаганига бир йил бўлди-ёв. Ҳавода денгиз яқинлигидан дарак берувчи сабо елиб турибди.

Ниҳоят, мана, мен мағрибдаман, Катберт, ажабланиб ўйлади мерган. Бу Оралик дунё бўлмаса-да, хайтовур, яқин қолибди-ку.

Қора кийимли одам қандайдир қадимий дарахт тўнкасига чўқди. Унинг этиклари чанг

¹ *Юкка* — агавасимонлар оиласига мансуб яшил ўсимлик.

ва суяк қириндиларидан оқшаб кетганди. Яна тагин қайтарма қалпоғини бошига ташлади. Тиржайган лаблари буришиб кетди.

– Ўтин териб кел, мерган. Тоғ ҳавоси салқин, бундай баландликда совуқ жон-жонингдан ўтиб кетади. Устига-устак, биз ҳозир ажал ҳукмидамиз, тўғрими?

– Мен сени ўлдираман, – деди мерган.

– Йўқ, ўлдиролмайсан. Қўлингдан келмайди. Лекин Исҳоқнинг хотирасини эсга олиш учун ўтин териб келишинг мумкин.

Мерган нозик шамани англамади, бироқ дастёрдек миқ этмай ўтин теришга кетиб, озмоз олиб келди. Ажина ўт бу ерларда умуман ўсмас, оғочлар эса деярли тошга айланган, энди ёнмасди. Тергани ҳам бор-йўғи бир қучоқ тарашасифат хас-чўп бўлди. Қуёш энг баланд дарахтлар ортига яширинишга ўтди ва алвон тусли чақага айланди.

– Ажойиб! Жуда камдан-кам учрайдиган одамсан-да! Ноёб одамсан, мен сенга айтсам! Шундай бамаънисанки, асти қўяверасан! Тадбиркорлигинг-чи?! Сенинг қаршингда таъзим бажо айлайман, – деди қора кийимли одам хахолаб. Мерган ўтинларни унинг оёғи остига бетакаллуфлик ила ташлади.

Қора кийимли одам пинагини ҳам бузмай, гулхан ёқишга киришди. Қўлини баландга кўтариб, силкиганди, кенг енги пастга тушди, сўнг ёмон кўздан сақлаш маъносида ўрта бармоғини кўрсаткич бармоғига қўйиб, бир силтади. Кўкиш-қизғиш учқун чақнаб, олов ёнди.



– Гугуртим бор, – ўзича қувноқлик билан тушунтирмоқчи бўлди қора кийимли одам, – лекин сенга бир сеҳр-жоду кўрсатай дедим-да. Кўнглингни хушлай дедим, мерган. Энди бир уриниб кечлик тайёрлаймиз.

Қора кийимли одам ридосидан янги сўйилган, териси шилинган қуённи олди.

Мерган жимгина нимта гўштни сихга ўтказиб, оловга тутди. Иштаха китиқловчи хид таралди. Кун бўйи еру кўкни жизғанак қилиб қуйдирган қуёш ботишига сал бор. Уфқ қонталашиб, яллиғланган қизғиш ранг олди; пурвиқор қорли тоғларнинг чўққиларигина нилий рангда товланади. Мерганнинг қорни қуриллади, лекин гўшт товланиб пишгач, бир сўз демай, сихни қора кийимли одамга узатди, ўзи эса салмоғи камайиб қолган юк халтасидан тузланган гўшт олди. Гўшт кўз ёшлари каби шўр, овизни шилиб юборарди.

– Бундай илтифотнинг сира хожати йўқ эди, – деди қора кийимли одам кесатиб. У мерганнинг устидан қулаётганлиги кўриниб турса-да, ўзини аразлагандек тутишга уринди.

– Сенга нима фарқи бор?! – деб кулишга ҳаракат қилди мерган, аммо кулгиси, тузланган гўшт овиз ярасига теккан бўлса керак, аламлироқ чиқди.

– Нима, дам солинган гўшtdан юрак олдириб қўйганмисан?

– Ҳа. Қўрқаман.

Қора кийимли одам бошидан қайтарма қалпоғини ечди.

Мерган унинг юзига нигоҳ ташлади-ю, тарвузи қўлтиғидан тушди. Қора кийимли одам-

нинг юзи хушбичим, ҳеч қанақанги белгитамға, яъниким, инсоннинг офир замонларни бошидан кечиргани ёки ўзини буюк синоатларга бағишлаганлигини фош этувчи ажинлари кўринмасди. Узун қора сочлари тутам-тутам бўлиб елкаларига осилиб тушган. Кенг пешана, қора кўзлари чакноқ, кичик бурун, қалин лаблари пирпираб туради, териси эса худди мерганникидек оқ экан.

– Мен ёшинг каттароқ деб ўйлагандим, – деди ниҳоят мерган.

– Нечук? Хонаси келганда айтишим керакки, Роланд, мен ҳам сен каби қарийб умри боқийман, жуда бўлмаганда, айни дамда. Албатта, мен сен кўришни истаган қиёфада намоён бўлишим мумкин эди, аммо мен, нима десам экан... ҳм-м... қандай қиёфада туғилган бўлсам, ўша юз билан кўринишга аҳд қилдим. Қара, мерган, қандай ажабтовур шафақ!

Қуёш уфқ ортига беркиниб, мағриб осмони заъфарон тусга кирганди.


– Тўйиб-тўйиб қараб ол, мерган. Бундан бу ёғига ҳали-вери қуёшни кўрмайсан, – деди қора кийимли одам.

Мерган тоғ тизмаси остидаги жарликни эслади ва сон-саноксиз юлдузлар сочилиб ётган самога кўз тикди.

– Айни дамда бунинг зиғирча аҳамияти йўқ, – деди хотиржамлик ила.

II

Қора кийимли одам қарталарни равон ва тез-тез чийлади. Қарталарнинг орқа тарафини гажакдор нақшлар безаб турарди.



– Бу Таро қарталари, – тушунтирди қора кийимли одам. – Фақат ўзим ихтиро қилган учтасини қўшдим. Энди эса, мерган, диққат билан қара.

– Нега?

– Мен сенинг келажагингни башорат қиламан. Кетма-кет еттита қартани очиш ва улар бир-бирига қай тарзда дахлдор эканлигини аниқлаш керак. Фол очиш билан шуғулланмаганимга ҳам не замонлар бўлди, у пайтларда Гилеад ҳали ўз жойида эди. Сеникидай қисматни эшитмаганман ҳам, кўрмаганман ҳам. Сен бу дунёдаги энг сўнгги таваккалчи, салбчисан. Бундайин дарбадарлик ўзинга ёқади, шундай эмасми, Роланд? Лекин излашларингни янгитдан бошлаган бир пайтда Минорага қанчалик яқин турганингни ўзинг билмайсан. Оламлар бошинг узра чарх уриб айланмоқда.

– Янгитдан бошладинг, деганинг нимаси? Мен излашдан тўхтаганим йўқ.

Қора кийимли одам қаҳ-қаҳ отиб кулди.

– Ундай бўлса, тақдиримдан сўйла, – деди хириллаб мерган.

Биринчи қарта очилди.

– Дорга осилган одам, – деди қора кийимли одам. Зулмат унинг юзини тўсди. – Аммо бошқа қарталарсиз бу ўлимни эмас, аксинча, куч-қувватни англатади. Дорга осилган одам – бу сенсан, мерган. Тубсиз жарлик узра битта-битта қадам ташлаб бораётган, дарди-фикри ўз мақсадига эришмоқ бўлган одам. Ҳамроҳларингдан бирини жарга итардинг, тўғрими?

Мерган чурқ этмади. Қора кийимли одам иккинчи қартани очди.

– Денгизчи. Эътибор қил: яланг пешана, тиф тегмаган ёноқлар. Нигоҳларда дард ва ранж-алам. У чўкяпти, мерган. Хеч ким унга арқон ташламайди. Болакай Жейк.

Мерган афтини буриштирди, бироқ индамади.

Учинчи қарта ҳам очилди. Тишларининг оқини кўрсатиб, жирканч бабуин бир йигитнинг елкасида ўтирибди. Йигитнинг юзи даҳшатдан қотиб қолган. Мерган синчиклаб тикилиб, маймуннинг қўлида қамчи кўрди.

– Маҳбус, – деди қора кийимли одам.

Гулхан ёлқини безовта липиллаб, қартадаги одамнинг юзига соя ташлади, шунда мерганга тасвирдаги юз жимирлаб, тилсиз даҳшатдан баттар қийшайиб кетгандай туюлди. Мерган нигоҳини четга олиб қочди.

– Унда юракни эзадиган недир бор, тўғрими? – Қора кийимли одам ўзини аранг кулгидан тутиб турарди чоғи.

Тўртинчи қарта очилди. Бошини шолрўмол билан ўраб олган аёл чарх йигириб ўтирибди. Гулханнинг ўйноқлаётган ёлқинида мерган аёлнинг бир вақтнинг ўзида ҳам кулиб, ҳам йиғлаётганини кўрди.

– Кўланкалар Бекаси, – деди қора кийимли одам. – У сенга икки юзли бўлиб кўринмаяптими, мерган? Шундай. Камида икки юзли. У кўк ликопни синдириб қўйди!

– Бу нимани англатади?

– Бу ёғи менга қоронғу.



Мерган бу сафар негадир унга ишонди, қора кийимли одам чиндан ҳам алдамаётганди.

– Нега буларнинг барини менга қўрсатяпсан?

– Сўрама! – деб мерганнинг оғзидан гапини олди қора кийимли одам. – Сўрама. Шунчаки кузат. Буни бор-йўғи бемаъни маросим деб хисобла. Агар шундан енгил тортсанг, хотиржам бўлавер.

Қора кийимли одам хиринглаб қўйиб, бешинчи қартани очди.

Ориқ қўлларида белўроқ тутган аёл тиржайиб турибди.

– Ажал, – деди қора кийимли одам. – Лекин сеники эмас.

Олтинчи қарта.

Мерган қартага қараб, вужудини ўзгача, олдиндан лаззатланиш хиссининг ваҳимаси чулғаб олаётганини сизди. Дахшат шод-хуррам билан алмашди, лекин буни хиссиёт деб аташ учун сўз топилмасди. Мерган қайт қилиб юборай деди, шу билан бирга шартта рақсга тушиб кетгиси келди.

– Минора, – деди аста қора кийимли одам. – Мана, ўша Минора.

Бу қарта очилган қарталарнинг ўртасида ётарди, қолган қарталар эса бир юлдуз атрофида айланувчи йўлдош-сайёралар сингари терилганди.

– Буниси қаёққа? – сўради мерган.

Қора кийимли одам Минора акс этган қартани дорга осилган одам тасвири туширилган қартанинг устига қўйди.

– Бу нимани англатади? – деб сўради мерган.
Қора кийимли одам миқ этмади.

– Бу нимани англатади, деб сўраяпман сендан!
Қора кийимли одам оғзига толқон солгандай
ўтираверди.

– Лаънат бўлсин сенга!

Сукут.

– Ер ютсин сени! Ҳа, майли, қани, еттинчи
қартани оч-чи!

Қора кийимли одам еттинчи қартани ҳам
очди. Қуёш тип-тиниқ мовий осмонда нур со-
чиб турибди. Муҳаббат илоҳчалари ҳамда
эльфлар кўм-кўк самода ўйноқлашмоқда.
Қуёшнинг остида қонталаш тусдаги бепоён
дала. Лолазормикин ё қон? Мерган тушунмади.
Балки, униси ҳам, буниси ҳамдир, деб ўйлади.


– Еттинчи қарта – Ҳаёт, – деди аста қора
кийимли одам. – Лекин сеники эмас.

– Бу қартанинг жойи қаерда?

– Айни дамда буни билиш сенга ато этил-
маган, – деди қора кийимли одам. – Менга
ҳам. Мен сен излаётган буюк ва қудратли зот
эмасман. Мен бор-йўғи унинг жосусиман. – У
қўлидаги қартани бепарволик билан гулханга
тушириб юборди. Қарта куйиб, найча шаклига
кирди, сўнгра гур этиб ёниб, кулга айланди.
Мерган даҳшатга тушди, юрагини муз қоплади.

– Энди эса ухла, – деди ҳамон ўша бе-
парволик-ла қора кийимли одам. – «Ухлаб, ши-
рин тушлар кўр...» қабалида.

– Мен сени бўғиб ўлдираман! – пўписа қилди
мерган. – Ўқлар қилолмаган ишни, балки,
қўлларим амалга оширар.



Мерганнинг оёқлари ўз-ўзидан ердан узилиб, шаҳд ила гулхандан сакраб ўтди ва қора кийимли одамга қўл югуртирди. Қора кийимли одам эса тиржайиб қўйди-да, аста-секин акс садо берадиган узун йўлак бўйлаб ичкарига чекинди. Бутун дунё захарханда кулгуга тўлиб-тошгандай бўлди. Мерган эса номаълум тубсизлик томон қулади ва уйқуга кетди.

Илло, туш кўрибди.

III

Бўм-бўш коинот. Қилт этган ҳаракат йўқ. Умуман ҳеч нарса йўқ.

Шу тубсизликда ҳайратга тушган мерган сузиб юрибди.

– Ёруғлик бўлсин, – қора кийимли одамнинг локайд овози янгради ва ёруғлик пайдо бўлди. Мерган беихтиёр ёруғлик яхши, деб ўйлади.

– Энди – қоронғулик, қоронғулик ичра эса юлдузлар ва само остида сув яралсин.

Шундай ҳам бўлди. У поёнсиз денгиз узра парвоз этарди. Боши узра сон-саноксиз юлдузлар милтиллар, бироқ биронта бурж йўқ эдики, унинг ҳаёт йўлини кўрсата олсин.

– Куруқлик яралсин, – буюрди қора кийимли одам. Шундай ҳам бўлди. Кучли тебранишлар ҳосил бўлиб, сувдан куруқлик ўсиб чиқди: қўнғир ва унумсиз, ёриқлар ила қопланган, ҳосил беришга ноқобил ер вужудга келди. Вулқонлар ер юзасига битмас-туганмас магмалар оқимини отарди.

– Жуда соз, – деди қора кийимли одам. – Бошланиши ёмон эмас. Ер ўсимлик кўкартирсин: уруғ

берадиган ўт-ўланлар, мевасида уруғи бор турли-туман мевали дарахтлар ер юзида униб-ўссин.

Шундай ҳам бўлди. Ер юзида динозаврлар бўғиқ наъра тортиб кезиб юришарди; улар бир-бирларини ғажишар, билқиллаб турган ва бадбўй ботқоқликларга ботишарди. Ибтидоий тропик ўрмонлар ҳар ёққа кенг ёйилди. Баҳайбат қирққулоқлар устида икки каллали қўнғизлар ўрмалаб юрган, пардадек юпка баргларини кўкка чўзишарди. Мерган буларнинг ҳаммасини кўриб турарди. Онгининг бир бурчида ҳис этардики, бу ҳали ҳаммаси эмас.

– Энди одам бунёд бўлсин, – деди аста қора кийимли одам, аммо мерган тубсиз фалакка кулайверди. Поёнсиз ва ҳосилдор ер бирдан қийшая бошлади. Ҳа, ҳамма ер майишқоқ эканини тасдиқларди, муаллими Ванни эса буни дунё жойидан силжишидан бурунроқ исботланганини айтганди. Аммо бунақасини илк бора ўз кўзи билан кўриши...

Пар булутлар ила чулғанган қитъалар унинг маҳлиё чехраси қаршисида тугал кўринишга келди. Атмосфера, баайни йўлдош, туғилажак сайёрани эҳтиёт қилади. Замин узра бош кўтараётган қуёш ҳам...

Мерган бақириб, қўллари билан кўзларини тўсди.

– Ёруғлик бўлсин!

Ёруғликни чақиргувчи овоз энди қора кийимли одамники эмасди. Бу овоз борлик узра улкан акс садо бўлиб янгради, бу дунёнинг барча маконларини, оламлар орасидаги барча маконларни эгаллади.



– Ёруғлик!

Нур ёғилаверди, ёғилаверди.

Қуёш милтиллаб турувчи нуқтага айланиб, шитоб-ла йироқлашди. Катта-кичик каналлар билан қопланган қизил сайёра унинг кўз ўнгидан сузиб ўтди. Қизил сайёранинг атрофида икки йўлдош шиддат билан айланиб турибди. Олисроқда — гирдобли белбоғ ҳамда газ билан ўралган, ўзининг яхлитлигини сақлаб туриши учун ўта улкан ва шу боис қутбларга ажралган баҳайбат сайёра. Янада олисроқда муз парчаларидан иборат ҳалқа ичидаги чақнаб турмиш олам.

– Ёруғлик бўлсин...

Яна тагин оламлар яралаверди. Бу оламлар ташқарисидаги йироқларда ўлик зулмат ичра ишқаланавериб, ейилиб кетган чақаданда хирароқ йилтировчи қуёш атрофида айланиб турмиш тош ва муздан иборат сўнгги танхо шар кўринди.

Ундан кейин эса — зулумот.

– Йўк, – деди мерган, унинг овозини зулмат салтанати ютиб кетди. – Ортиқ керак эмас. Керак эмас, илтимос...

– ЁРУҒЛИК!

– Бас, етар. Керак эмас... илтимос...

Юлдузлар кичрайиб, ўчди. Бутун бошли юлдузлар туркуми бир-бирлари ила қўшилиб, аралаш-қуралаш доғлар тўпига айланди. Коинот худдики тиришиб-буришиб, қисмларга ажраларди.

– Ўтинаман, бас, етар, керак эмас, керак эмас, керак эмас...

Қора кийимли одамнинг мунофиқона овози мерганнинг қулоғи остида шивирлади:

– У ҳолда чекин. Минора ҳақидаги ўй-хаёллардан воз кеч. Ўз йўлингдан қолма, мерган, жонингни сақлаб қол.

Жонни сақлаб қолиш — ҳазилакам иш эмас.

Дард-дунёси қоронғу мерган ҳайрат ва танҳоликка чулғаниб, кўз ўнгида оний фурсатда намоён бўлмиш сир-синоат маъно-моҳиятидан даҳшатга тушиб, ўзини қўлга олди ва сўнгги жавобини берди:

– ҲЕЧ ҚАЧОН!


– У ҲОЛДА — ЁРУҒЛИК БЎЛСИН!

Ва ёруғлик пайдо бўлди. Энг азалий ча-роғон нур мерганга шиддат-ла ёғилди. Кейин эса онги шуури шуълага эврилиб, ўчди. Аммо бундан олдин мерган чуқур маънога эга бир нарсага разм солишга улгурди. Мана шу ал-ланимарсага чаёндек ёпишди ҳамда ўткир нур кўзларини кўр қилиб, онги шуурини куйди-риб юбормасидан аввал паноҳ излаб ўз қалбига яширинди.

У ёруғлик ва шу ёруғликни ўз ичига ол-ган билимдан қочди, кейин эса ҳушига келиб, ўзлигига қайтди. Худди бизким, оддий банда-лар сингари.

IV

Тун. Ўшами ёки бошқасими, билиб бўл-майди. Мерган қора кийимли одамнинг ибли-сона макри чорлаган гирдобсимон зулумотдан халос бўлиб, Уолтер о’Дим (баъзида уни шун-



дай аташарди) ўтирган дарахт тўнкасига боқди. Лекин у ерда ҳеч ким йўқ эди.

Уни ҳаддан зиёд тушқунлик ҳисси эгаллади — ё тавба, яна ҳаммаси бошидан бошландими? — шу чоғ орқа томондан қора кийимли одамнинг овози келди:

— Мен бу ердан, мерган. Шунчаки яқин йўласанг, менга ёқмайди. Сен тушингда алжираркансан. — Қора кийимли одам хандон отиб кулди.

Мерган гандираклаб, тиззалади ва ўгирилди. Ловуллаётган гулхандан бир тутам кул қолибди, холос. Қора кийимли одам лабларини чалпиллатиб, қуён гўштининг қолган-қутганини еб ўтирарди.

— Ўзингни анча бардам тутдинг, — хитоб қилди қора кийимли одам. — Мана, масалан, отанга ҳеч нимани кўрсатмаган бўлардим. У ақлдан озган бўларди.

— Бу нима эди? — сўради мерган. Овози қалтираб, минғир-минғир қилди, холос. Агар ҳозир ўрнидан туришга уринса, чоғи келмаслигини сезди.

— Коинот, — деди бепарво оҳангда қора кийимли одам ва нашъа билан кекириб, қуён суякларини гулханга ирғитди. Суяклар куйиндилар орасида оқариб турди-да, бирдан қорайди. Гўлгота узра шамол зорланиб ув соларди.

— Коинот? — анқовлик билан қайта сўради мерган. Бу сўз унга ёт-бегона эди. Аввалига у қора кийимли одам шоирона тарзда сўзлади, деган хаёлга борди.

— Сенга Минора керак, — деди қора кийимли одам.

– Ҳа.

– Лекин сен унга муяссар бўлмайсан, – деди қора кийимли одам ва қахрла кулди. – Сенинг жонинг билан буюкларнинг неча пуллик иши бор, Роланд! Жонингни гаровга қўясанми ёки дарров сотасанми, уларга барибир. Минора сени жарлик ёқасига олиб келганини биламан. Дунёнинг ярми сизларни ажратиб турганда, Минора сени маҳв этади.

– Сен мени билмас экансан, – деди хотиржамгина мерган. Қора кийимли одамнинг лабларидаги кулги ғойиб бўлди.

– Мен отанг қандай бўлса, ўшандай бўлишига қўмак бердим. Уни мен йўқ қилдим, – писанда қилди қора кийимли одам хўмрайиб. – Онангнинг олдига Мартен сифатида бордим ва уни ишғол қилдим, ўзинг ҳам мендан, қачон қарама, гумонсираб юрардинг, гапим тўғрими? У остимда мажнунтол мисол эгилди-ю, хайриятки, бахтингга синмади. Нима бўлган тақдирда ҳам ҳаммаси олдиндан белгилаб қўйилганди. Бўлгани бўлди, бўёғи синди. Мен – эндиликда Қора Минорани бошқариб турадиган ноибларнинг сўнггисиман ва Замин мазкур қиролнинг алвон қўлига ўтган.

– Алвон қўлига? Нега у алвон?

– Кел, ҳозир бу ҳақда гаплашмайлик. Шундай бўлса ҳам, агар сўзингда қаттиқ туриб олсанг, кўпроқ нарсани билиб оласан. Лекин билиб оладиганларинг сенга хуш келмайди. Бир марта яраланган нарса, сени иккинчи марта ҳам яралайди. Бу бошланиши эмас. Бу интихонинг аввали. Шунини ёдингда сақласанг



бўлармиди... лекин сен ҳеч қачон хотирангга жойлаёлмайсан буни.

– Мен тушунмаяпман.

– Тўппа-тўғри. Тушунмайсан-да. Ҳеч қачон тушунмагансан, бундан буён ҳам тушунмайсан. Сенда бир мисқол ҳам тасаввур деганлари топилмайди. Шу маънода сен сўқирсан.

– Мен нимани кўрдим ўзи? – сўради мерган. – Энг охирида. У нимаиди?

– Хўш, аввал кўрганингни айт-чи.

Мерган чуқур ўйга толиб жим қолди. Тамаки халтасига қўл югуртирди, лекин тамаки аллақачон тамом бўлганди. Қора кийимли одам унинг заҳирасини ҳеч бир йўл: на сеҳр-жоду, на дуоғўйлик билан тўлдириб беришни таклиф қилиб ўтирмади. Балки, мерган кейинроқ юкхалтасидан ул-бул топар, аммо айна дамда мана шу «кейинроқ» жуда узоқ туюлиб кетди.

– Нур пайдо бўлди, – ниҳоят оғиз очди мерган. – Ёрқин нур. Оппоқ. Кейин эса... – У тилиб қолиб, қора кийимли одамга тикилди. Қора кийимли одам олдинга энгашиброқ ўтирди, юзига умуман ўзига хос бўлмаган ҳиссиёт акс этди: у лолу хайрон эди. Эҳтимол, буни иззат-икром деб аташ керакдир. Иккиси ҳам бир гўр эмасми?!

– Сен билмайсан, – деди кулиб мерган. – Ў, ўликларни тирилтирувчи буюк афсунгар. Сен билмайсан. Сен фирибгарсан!

– Биламан, – деди қора кийимли одам. – Фақат шуни билмайманки...

– Оппоқ нур, – деди мерган. – Кейин эса бир туп майса. Яккаю ягона майса, лекин унда

борлиқ намоён. Мен эса шундай миттиманки, нақчанг зарраси.

– Майса. – Қора кийимли одам кўзларини юмди. Юзлари бир зумда сўппайиб, мадордан қолгандай кўринди. – Майса. Ишончинг комилми?

– Ҳа. – Мерганнинг қошлари чимирилди. – Фақат у кизил эди.

– Энди эса менга қулоқ бер, Стивен ўғли Роланд. Мени эшитасанми?

– Ҳа.


Шундай қилиб, қора кийимли одам яна тилга кирди.

V

Коинот (деб ҳикоя қилди қора кийимли одам) Буюкларнинг Буюгидир ва у чегараланган онгимиз тушуниши душвор файримантикларни тақдим этади. Тирик онг жонсиз онг моҳиятини тушуниб етолмаганидек чегараланган онг ҳам чексизликни англашга калталиқ қилади.

Коинот мавжуд, деган оддий далилнинг ўзи ҳар қандай прагматикни¹ ҳам, хаёлпараст-романтикни ҳам тор-мор келтиради. Дунё силжишидан илгари, юзлаб авлодлардан илгари, башарият техник ва илмий чўққиларни эгаллаган бир замонда кишилар ҳақиқат деб аталмиш тош устуннинг бир бўлагини ўйиб олишга муваффақ

¹ *Прагматик* – тарихдаги объектив тараққиёт қонунларини очиб бермасдан, воқеаларни фақат ташқи боғланиши ва изчиллигига қараб тасвирловчи оқим вакили.



бўлишган. Аммо ўшанда ҳам фаннинг (ёки таъбир жоиз бўлса, билимнинг) ёлғондакам нури юқори даражада ривожланган саноқли мамлакатлардагина зиё сочди. «Позитрониканинг Шимолий Маркази» деб аталмиш бир компания (ёки гуруҳ) шу маънода етакчилик қилган. Шундай эса-да, уларнинг ихтиёрида кўплаб илмий-техник маълумотлар бўлишига қарамай, чин маънодаги билимлар ниҳоятда оз эди.

– Аждодларимиз, мерган, баданни тирик-лайн еб битирадиган касалликдан устун келишди. Уни саратон деб аташган. Кексаликни деярли енгишди, Ойга қадам босишди...

– Бунга сира ишонмайман, – деди мерган.

Қора кийимли одам эса мийиғида кулиб қўя колди.

– Ишонмасанг, ишонма. Лекин бу ҳақиқат. Бундан ташқари, улар яна юзлаб ажойибу фаройиб ихтиролар кашф этишди. Лекин бу ахборот мўллиги билан ҳеч қандай негизга чуқур кириб борилмади. Ҳеч ким сунъий урчитиш, яъни аёл киши музлатилган манийдан ҳомиладор бўлиши, қуёш энергиясида ишлайдиган ўзиюрар машиналар шарафига тантанавор қасида тўқиб ўтирмади. Жуда озчилик, агар улар чиндан яшаб ўтишган бўлишса, Ҳақиқатнинг бош мезонини англай олдилар: янги билимлар ҳар доим янада ҳайратланарли янги сир-синоатларга олиб боради. Рухиятшунослар мия қобилияти ҳақида қанчалик кўп билиб боришгани сайин шубҳали, аммо мавжудлик эҳтимоли бор, дея қаралган рухни англаш янада жиддий ҳамда мушкул

тус олди. Тушуняпсанми? Албатта, тушунмайсан. Сен аллақачон тушуниш қобилиятингни йўқотгансан. Лекин буниси муҳим эмас..

– Унда нима муҳим?

– Коинотнинг буюк сири — бу ҳаёт эмас, ўлчамдир. Ўлчам ҳаёт демакдир, ўз навбатида, ҳаёт Минорани ўз ичига олади. Барча мўъжизалар унинг учун очиқ бўлган болакай отасидан: «Дада, осмоннинг ортида нима бор?» деб сўрайди. Ота: «Зулмат ва фазо», деб жавоб беради. Бола тагин савол беради: «Уларнинг ортидачи?» Ота: «Галактика», деган жавоб қилади. «Галактиканинг ортида нима бор?» «Бошқа галактика». «Бошқа галактикаларнинг ортидачи?» Ота шундай жавоб беради: «Буни ҳеч ким билмайди».

Тушуняпсанми? Ўлчам барчамизнинг устимиздан ҳукмрон. Балиқ учун борлиқ бу ўзи яшаётган қўлдан иборатдир. Ўша балиқ оғзидан илиниб, ҳаво унинг учун қотил, нур эса мовий талваса бўлмиш янги оламга тортиб чиқарилганда, нима деб ўйлайди? Уни дим қутига солиб, зичлаб ёпиб ҳалок қиладиган ойқулоқсиз аллақандай икки оёқли девкоматлар қаёқда қолди?

Ёки бўлмасам, қаламнинг учини олайлик ва уни катталаштирайлик. Бир зумга қалам учи зич эмас, деган хулосага келинади. У миллионлаб сайёралар айланиб турувчи атомлардан иборат. Бизнинг назаримизда зич ва яхлит бўлиб кўринувчи нарса аслида тортишиш кучи туфайли бир бутун бўлган сийрак зарралар тармоғидир. Улар беҳад кичкина, агар бу атом-



лар ўртасидаги масофа уларнинг ўлчамига муносиб бўлса, биз учун одатий ўлчов система-сида бу бутун бошли эралардан иборат бўлиши мумкин, бунинг ер билан осмонча фарқи бор. Атомларнинг ўзи ядролар ва айланиб турувчи заррачалар — потон ва электронлардан иборат. Янада ичкарироқ, субатом бўлиниш даражасига-ча кириш мумкин. Хўш, у ерда нима бор? Тахион¹ларми? Балки, ҳеч нарса йўқдир? Албатта, йўқ-да. Коинотдаги жамики нарсалар мутлақ бўшлиқни рад этади. Интихо, поён — йўқлик демакдир, демакки, Коинот чексиздир.

Фараз қилайлик, сен Коинотнинг чек-чегарасидасан. У ерда нима бўлиши мумкин? Қалин, баланд девор ва «Йўл йўқ» деган белгими? Асло. Эҳтимол, у ерда ҳали ёриб чиқмаган жўжа кўриниб турган тухумга ўхшаш қаттиқ ва думалоқ алланима бордир? Башарти ўша қобикни ёриш (ёки эшикни топиш)га муяссар бўлсанг, қандай қудратли нур коинот чеккасидан оқиб киришини бир тасаввур қилиб кўр. Балки, сен бизнинг Коинот бирон бир нозик алаф атомининг зарраси эканлигига шохид бўларсан? Эҳтимолки, ана ўшанда гулхан оловида битта шохни ёқиш билан сон-саноксиз оламларни кулга айлантирганингни тушуниб етарсан? Коинот — бу биргина чексизлик эмас, кўпдан-кўп чексизликлар эканлигини фаҳмларсан?


Балки, сен Коинотимиз борлиқнинг умумий тузилишидаги ўрни майсанинг тўқимасидаги

¹ *Тахион* — ёруғлик тезлигида ҳаракатланувчи гипотезик зарра.

алоҳида атомнинг ўрнидан катта эмаслигини кўришга мушарраф бўлгандирсан? Эҳтимол, ақли шууримиз етиши мумкин бўлгани — зиғирдеккина вирусдан тортиб то От Калласи туманлигигача — алланечук ўзга вақт оқимида атиги бир фасл ўсиб-униб, кейин қовжираб, йўқ бўлиб кетадиган майсага жо бўлар? Мабодо шу майсани ўроқ билан ўриб ташлашса-чи? Майса чирий бошлаб, бу чиркинлик Коинотимизга ҳам дахл этиб, ҳаётимизга кириб келмайдими? Бизнинг олашимиз сарғайиб-сўлиб, қуриб қолмайдими? Балки, бу жараён аллақачон содир бўлаётгандир. Биз дунё жойидан силжиди, деймиз, аслида у қуриётгандир?

Ўзинг ўйла, мерган, башарти дунё ҳақидаги тасаввурларимиз чин бўлса, биз нақадар ҳақирмиз! Агар Тангри таоло чиндан ҳам ҳамма нарсани кўриб, илохий адолат ўрнатар экан, У биргина чивин галасини бошқа беҳисоб галалардан ажрата олармикин? Унинг кўзи коинот қаърида ёлғиз ўзи санғиб юрмиш водород атомидан ҳам кичик бўлган чумчукни фарқлай оладими? Агар У барча мавжудотни кўра олса... У қандайин Худо экан?! Унинг илохий табиати не? У қаерда ўзи? Чексизликдан ташқарида қандай қилиб мавжуд бўлиш мумкин?

Мени топиш учун ўзинг кесиб ўтган Моҳане саҳросининг жами қумларини ҳамда миллионлаб коинотларни — эътибор бер: оламларни эмас, коинотларни — саҳронинг ҳар бир қум заррасига жо бўлмиш коинотларни тасав-



вур эт; мана шу ҳар бир коинот бошқа коинотларнинг беҳисоб тўпламидир. Ва биз уларнинг қаршисида эришиб бўлмас даражада юксаламиз; биргина қадам қўйишимиз ила, эҳтимолки, миллиардлаб оламларни зулматга гирифтор қиламиз ва улар сира узилмас занжирга эврилади.

Ўлчам, мерган... ўлчам...

Кел, барча оламлар, барча коинотлар бир нуқтада, бир ядрога, бир ўзакда, Минорада, эҳтимолки, Тангри ҳузурига олиб чиқувчи пиллапояда кесишади, деб фараз қилайлик. Хўш, сен шу пиллапоядан кўтарилишга журъат қила оласанми, мерган? Баногоҳ чексиз ҳақиқат узра шундай ҳужра мавжуддирки...

Йўқ, мерган, сен журъат қилолмайсан.

Бу сўзлар мерганнинг миясида чарх ураверди: *Сен журъат қилолмайсан.*

VI

– Аммо журъат қиладиган Зот мавжуд, – деди мерган.

– Хўш, ким экан?

– Яратган Эгам. – Мерганнинг кўзлари порлаб кетди. – Раббим журъат этган... ёки сен айтган ўша кирол... Балки, ЎЗИнинг даргоҳи бўм-бўшдир?

– Билмайман. – Қора кийимли одамнинг юзида қўрқув шарпаси йилт этди. – Қолаверса, жавобдан умид ҳам қилмайман. Бу бориб турган бемаънилик.

– Сени яшин уриб, маҳв этишларидан қўрқяпсанми?

– Эҳтимол... жавобгарликдан қўрқаётгандирман, – деб жавоб берди қора кийимли одам ва жим қолди. Мерган ҳам миқ этмади. Тун узоққа чўзилди. Сомон йўли ўзининг азалий савлати ила уларнинг устида чексизликлар томон ястаниб ётар, юлдузлар орасидаги бўшлиқда одамнинг юрагига ваҳима соладиган алланечук недир бор эди. Мерган башарти баноғоҳ зангори осмон чоки йиртилиб, заминга кўзни қамаштирувчи нур ёғилса, не аҳволга тушишини тасаввур этишга уринди.

– Гулхан, – деди у. – Гулхан сўняпти. Совкотиб кетяпман.

– Хўш, гулханигни ёқ бўлмаса, – деди мерган. – Бош хизматкор бугун дам олади.

VII

Мерган пинакка кетди, уйғонганида, қора кийимли одам унга қандайдир куйиниб, суқ билан тикилиб турганини кўрди.

– Ҳа, нега бақрайиб қолдинг? – Мерган Кортнинг жумлаларидан бирини эслади. – Нима, очиб қўйибдимиз?

– Йўғ-е, шунчаки сенга қараб ўтирибман.

– Менга тикилма. – Мерган гулханни косов билан титкилаб, ловуллаб турган нақшларни бузиб ташлади. – Ёқмаяпти. – У тонг ёришмаяптимикин деб шарққа қаради, бироқ тун чўзилгандан чўзилди.

– Тонгни қаршилаяпсанми? Каллаи сахарлаб-а?

– Ахир, мен нур учун яратилганман.



– Э, ха! Сал қолса, ёдимдан кўтарилибди. Қандай одобсизлик? Аммо биз сен билан кўп нарсалар ҳақида гаплашишимиз, яна кўп нарсаларни ўйлашиб кўрмоғимиз лозим. Менинг қиролим ва ҳожам шундай қарорга келган.

– Қанақа қирол?

Қора кийимли одам илжайди.

– У ҳолда, кел, бир-биримизга бор ҳақиқатни айтамыз. Шунда очикчасига гаплашиб олармидик? Ортиқ ҳеч қандай ёлғон аралаштирмаймиз, хўпми?

– Мен шундоғам ҳақиқатни сўзлаяпмиз деб ўйлагандим.

Аммо қора кийимли одам ўзини эшитмаётганликка солди.

– Балки, бир-биримизга бор ҳақиқатни айтармиз? – деди қора кийимли одам. – Эркакчасига гаплашамиз. Дўст сифатида эмас-у, баб-баравар туриб гаплашамиз. Бунақа таклиф ҳар доим ҳам бўлавермайди, Роланд. Фикри ожизимча, фақат тенг ҳуқуқлиларгина бир-бирига ҳақиқатни сўйлашади. Дўст-биродар ва суюқлилар бир-бирини авайлаб, ёлғон гирдобига тушиб қолишади. Бундан шундай зада бўласанки!

– Нима ҳам дердим, ҳақиқат бўлса, ҳақиқатда. – Шуниси ҳам борки, бу кеча мерган бир оғиз ҳам ёлғон сўзламаганди. – Сени зада қилиб ўлибманми!? Гапни сеҳр-жоду деб нимани назарда тутганингдан бошла.

– Сеҳр-жоду ўз номи билан сеҳргарлик-да, мерган. Менинг қиролим сеҳргарлик кучи билан бу тунни шундай узайтирдик, бу тун токи

гап-сўзларимиз ниҳоясига етмагунча давом эта-
веради.

– Тез орада тугатамизми, ишқилиб?

– Ҳали-вери эмас. Аниқ айтолмайман. Чунки қанча чўзилишини ўзим ҳам билмайман. – Қора кийимли одамнинг юзида тутаб-бурқсиб ёнаётган гулхан шуълалари ёлқинланди. – Сўрайвер. Билганларимни оқизмай-томизмай гапириб бераман. Ахир, мени қувиб етдинг. Илло, бунга ҳақкинг бор. Гапнинг пўсткалласини айтсам, менга етиб оласан деб ўйламагандим. Лекин барибир сафаринг энди бошланмоқда. Сўра. Шундай қилсак, асосий мавзуга тезроқ ўтамиз.

– Қиролинг ким?

– Мен уни бирор марта ҳам кўрмаганман. Лекин сен кўрасан. Шуни билиб қўйки, у билан учрашишдан аввал Вақтдан Ташқаридаги Нотаниш билан учрашишинг керак. – Қора кийимли одам кулиб қўйди. – Сен уни ўлдиришингга тўғри келади, мерган. Лекин билишимча, сен ҳозир бошқа нарсани сўрамоқчисан.

– Агар сен ўз қиролингни кўрмаган бўлсанг, уни қаёқдан танийсан?

– У менинг тушларимга киради. Биринчи марта уни тушимда кўрганимда, мўйлови сабза урмаган ўсмир эдим, ночорликда, олис ўлкада кун кечирардим. Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Ўшанда, яъни юз йиллар бурун у менга бурч-вазифамни юклади, эвазига мукофот ваъда қилди. Шу йиллар давомида мен унга хизмат қилиб келяпман. Инчунун,



асосий вазифамни яқинда англаб етдим. Менинг вазифам, асосий мақсадим — сенсан, мерган. — Қора кийимли одам масхараомуз илжайди. — Кўрдингми, кимдир сени жиддий қабул қияпти.

— Ўша Нотанишнинг исми борми?

— Ў, бўлмасам-чи.

— Хўш?

— Унинг исми беҳисоб, — деди секин қора кийимли одам. Шунда само тўшини тилиб турмиш машриқ тоғларида кўчки тушиб, унинг сўзларини тасдиқлагандай бўлди. Аллақаерда ёввойи мушук аёл кишининг чинқириғи янглиғ миёвлади. Мерганни қалтироқ босди. Ҳатто қора кийимли одам ҳам беихтиёр сесканиб кетди. — Назаримда, сен бу ҳақда сўрамоқчимасдинг. Масалага бунчалик чуқур ёндашиш сенга хос эмас.

Мерган нимани сўрамоқчилигини билиб турарди. Бу савол уни нафақат тун бўйи, балки узоқ йиллар мобайнида қийнаб келди. Савол тилининг учида турган эса-да, мерган сўрашга ботинмади... ҳали вақт бор.

— Ўша Нотаниш ҳам сенга ўхшаб Миноранинг ноибими?

— Унингдек бўлишимга анча бор. У дам хиралашиб, дам намоён бўлади. У ҳамма вақт мавжуд бўлган. Лекин ундан-да баландда бўлмиш кимдир бор.

— Ким?

— Ортиқ савол берма! — дея бирдан бақирди қора кийимли одам. Кейин илтижо оҳангига ўтди. — Билмайман! Билишни ҳам истамайман!

Дорулбақо ишларидан сўз очиш бандасининг иши эмас.

– Ўша Вақтдан ташқаридаги Нотаниш узра турган Минора бор-йўғи шуми? Унинг нима каромати бор экан?

– Шундай, – деб пичирлади қора кийимли одам. – Лекин барибир бошқа нарсани сўрамоқчисан-ку.

– Ҳа, майли, – деди мерган, сўнгра азалги саволни тилга олди. – Кўнглимга тугиб қўйганларимни амалга ошироламанми? Охиригача бороламанми?

– Агар бу саволингга жавоб берсам, ўйлаб ҳам ўтирмай, мени маҳв этасан.

– Мен сени ҳар қандай ҳолатда ҳам ўлдираман. Сени ўлдириш керак. – Мерганнинг қўли ўз-ўзидан тўппонча қинини пайпаслади.

– Бу йўл билан эшикларни очолмайсан, аксинча, батамом ёпиб қўясан, мерган.

– Хўш, қаёққа борай унда?

– Ғарбга, нақ денгиз бошланган жойга. Дунё ниҳоясига етган жойда сен ўз йўлингни бошлашинг даркор. Узоқ йиллар илгари бир киши яшаб ўтганди, ўша одам сенга маслаҳат берганди. Олишувда уни енггансан ўша олис замон...

– Ҳа, Корт, – дея шошқалоқлик билан унинг гапини бўлди мерган.

– Қисқаси, у сенга сабр қилишни маслаҳат берган. Бу бир пулга қиммат маслаҳат. Чунки ўшандаёқ отанга қарши режаларим амалга ошаётганди. Отанг сенга топшириқ берганди, қайтиб келганигда эса...

– Эшитишням истамайман, – деди мерган.



– Унда бошқасини эшит: қайтиб келганинг-да, Мартен исёнчиларга қўшилиш учун ғарбга кетганди. Бу гапга ҳамма чиппа-чин ишонган, жумладан, сен ҳам. Аммо Мартен билан бир ялмоғиз сенга тузоқ қўйишди. Сен ҳам тузоққа лаққа илина қолдинг. Ақлли бола, хех! Гарчи Мартен ўша ерда бўлмаса ҳам, унга ўхшаб кетадиган бир одам бор эди, эслайсанми? Роҳиблар либосида... сочи тап-тақир қилиб олинган, худди тавба қилаётган осий каби...

– Уолтер, – шивирлади мерган. Аллақачон шундай хулосага келган эса-да, очиқ ҳақиқат уни тонг қолдирди. – Яъни сен. Аслида, Мартен ҳеч қаерга кетмаган экан-да.

Қора кийимли одам хиринглади.

– Амрингизга мунтазирман.

– Ҳозир жонингни суғуриб оламан.

– Э, йўқ, бу адолатдан эмас. Устига устак, бунга аллазамонлар бўлди. Энди эса баб-баравар туриб гаплашиш фурсати етди. Сирларни ошкор қилиш вақти келди.

– Сен ҳеч қаёққа кетмаган экансан-да, – деди эсанкираб қолган мерган. – Сен шунчаки бошқа тусга киргансан.

– Ўтир, – такаллуф қилди қора кийимли одам. – Сенга кўп нарсаларни гапириб бераман. Сабринг етганича эшит. Ўтмишинг ҳақидаги хикоя, ўйлашимча, кўпроқ чўзилади.

– Мен ҳеч қачон ҳеч кимга ўзим ҳақимда гапирмайман, – тўнғиллади мерган.

– Лекин мана шу тунда сўзлаб берасан. Мажбурсан. Ойдинлик киритиб, тушуниб олиш учун...

– Тушуниб олиш учун? Менинг мақсадим-ними? Шундоғам биласан-ку. Мақсадим — Минора. Тамом-вассалом. Уни, албатта, топаман деб онт ичганман.

– Мақсадингни эмас, мерган, ақл-идрокингни. Сенинг тўхталиб қолган, лекин ўжар ва ўткир ақлингни. Сеникидек ақл-идрок, чоғимда, бутун тарих давомида бўлмагандир-ов. Афтидан, бутун борлиқ тарихида учрамагандир. Оқиқчасига гаплашиб олиш фурсати етди. Мозийга қайтиб иш кўрмоқлик фурсати келди.

– Қани, сўйла.

Қора кийимли одам кенг енгини силкиганди, зарқоғозга ўралган бир нима тап этиб ерга тушди.

– Тамаки, мерган. Чекасанми?

Мерган бундай такаллуфни рад этолмади. У ўрамни юлқиб олиб, шоша-пиша очди. Обдон майдаланган ва яшил тамаки. Бунақасини кўрмаганига ўн йил бўлди-ёв.

Мерган иккита папирос ўраб, биттасини қора кийимли одамга узатди. У ҳам мерганнинг қўлини қайтармади. Сўхта ўтин олиб, тугатишди.

Мерган жимгина кўзини юмиб, тамакини ичига чуқур тортганча, ҳузурланди.

– Қалай, яхшими? – сўради қора кийимли одам.

– Зўр.

– Ундай бўлса, тортиб-тортиб чекиб ол. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, яқин орада бемалол чеколмай қоласан.

Мерган пинагини бузмади.



– Жуда соз, – сўзида давом этди қора кийимли одам, – қани, бошладик бўлмаса. Сен бир нарсани тушунишинг керак: Минора ҳамиша мавжуд бўлган ва уни билган, ҳукмронлик, бойлигу ҳар қандай кўнгилхушликдан кўра кўпроқ унинг орзуларига берилган болалар ҳар доим топилган... Болалар минорага олиб чиқувчи эшикларни излаб, сафарга чиқишган...

VIII

Алқисса, тун узоғи давом этмиш суҳбат бўлди (яна қанча давом этганию қанчаси ҳақиқатга яқинлигини ёлғиз Худо билади), бироқ кейинроқ мерган ўша суҳбатнинг жуда оз қисминигина эслай олди. Бу суҳбатдаги кўп гаплар унга сафсата, аҳамият беришга арзимасдек бўлиб туюлди. Қора кийимли одам яна мерган денгизга етиб олиши зарурлигини айтди – мағриб томон нари борса йигирма миля йўл. Ўша ерда *чақириқ-чорлов кучи* ато этилади. Халос этиш учун куч-қувват.

– Мен фикримни нотўғри ифодаладим, чоғи, – деди қора кийимли одам ва папирос қолдигини ёниб битаёзган гулханга ташлади. – Ҳеч ким сенга ҳеч нима инъом этмайди, нега десанг, ўша ҳадя, яъни куч-қудрат ўзингда, ичингдадур. Сенга шуни айтишим керакки, бу қисман болани қурбон қилишга жазм қилганингдан, қисман тартиб шундайлигидан, қолаверса, бу табиий жараёнлигидандир. Билишимча, сен учовлонни ўзингга чорлаб оласан... Сирасини айтганда, менга барибир. Ҳеч нарса ни билишни истамайман..

– Учовлонни, – минфиллаб қўйди мерган соҳибкаронатнинг башоратларини эслаб.

– Ана ўшанда чинакам кўнгилхушлик бошланади. Афсус, у пайтда мен бўлмайман-да. Алвидо, мерган. Мен ўз бурчимни бажардим. Занжир ўз қўлларингда. Қара лекин, занжир яна ўзингнинг бўйнингга сиртмоқ солмасин.

Аллақандай ташқи куч Роландни савол беришга ундади:

– Ҳали бу ҳаммаси эмас, шундайми?

– Ҳа. – Қора кийимли одам тубсиз кўзлари билан мерганга кулиб қаради-да, қўлини узатди. – Ёруғлик бўлсин.

Ва ёруғлик пайдо бўлди. Бу сафар ёруғлик яхши эди.

IX

Роланд сўниб қолган гулхан ёнида уйғониб, ўн йилга кексайганини пайқади. Чаккаларидаги тимқора сочлари сийраклашиб, самода йилтиловчи мезонлар янглиғ оқ оралабди. Юзидаги ажинлар ниҳояти чуқурлашган, териси баттар дағаллашибди.

Кеча гулхан учун терган ўтинлари тошга айланибди, қора кийимли одамдан эса чириб битган қора ридодаги скелет қолибди, холос. Бу лаънат теккан Гўлготада бир уюм суягу яна битта бош чаноғи пайдо бўлибди-да.

– *Наҳотки, шу сен бўлсанг?* – ўйлади мерган. – *Кўзларимга ишонмаяпман, Уолтер о'Дим... ишонмаяпман, Мартен.*

Ўрнидан туриб, атроф-жавонибга назар ташлади. Сўнгра энгашиб, кеча тун узоғи, қайсики



нақ ўн йилга чўзилмиш тунда суҳбатдошининг қолган-қутганига қўл узатиб (агар бу чиндан ҳам Уолтернинг жасади бўлса), тиржайиб турган бош чаноғидан пастки жағни синдириб олди-да, шимининг чап чўнтагига солиб қўйди. Ҳув, ўша, тоғларда қолдириб келган суякнинг ўрнига.

– Сўзларингнинг қай бири ҳақиқат эди?

Ҳақиқатнинг улуши оз, аммо ширин ёлғон дилга малҳам бўла олади. Аввало, бу ёлғон ҳақиқат билан қоришиб кетади, айнан шунинг учун-да ширин.

Замон ва ўлчам маркази бўлмиш Минора каердадир мерганни кутяпти.

Мерган умрининг бутун бир қисми ниҳоясига етганини тан олиб, уммон томон юз буриб, ғарбга йўл олди.

– Мен сени жонимдан ҳам ортиқ кўрардим, Жейк, – деди мерган овоз чиқариб.

Увишиб қолган баданига яна жон кириб, кадамини илдамлатди ва кечқурун ернинг бир чеккасига бориб қолди. Ўнгу сўлга чўзилган овлоқ соҳилга чўкди. Ўркач-ўркач тўлқинлар кирғокни тинимсиз ялаб турар, ботиб бораётган қуёш сувни сохта тилларанга бўярди.

Мерган юзини сўниб бораётган кун тарафга ўгирганча ўтирарди. У юлдузлар милтиллай бошлаган кўкка тикилганча, ўй-хаёллар гирдобида қолди; унинг қатъияти зиғирча-да сусайгани йўқ, юраги ҳам гупурламасдан, бир маромда уриб турибди. Шамол унинг сийраклашиб, чаккаларига оқ оралаган сочларини тўзғитди; рақибларни шафқатсиз маҳв этувчи

МЕРГАН

отасининг сандал дастали револьверлари бе-
лида тинчгина осилиб турибди. У якка-ёлғиз,
аммо танҳоликни айб ҳам санамас, уятли деб
ҳам ҳисобламасди. Дунёни зулмат эгалла-
ди ва дунё жойидан силжиди. Мерган учов-
лонни қутқариш фурсати келишини кутганча,
қачонлардир мисли кўрилмаган сўнгги жангда
курашиш учун зулмат остонасида бурғу чалиб
унинг қаршисига борғувчи Қора Миноранинг
аллаловчи орзуларига берилди.



Мундарижа

Кириш.....	3
Сўзбоши.....	17

19 Янгиланиш

1 боб. Мерган.....	28
2 боб. Йўлдаги станция.....	121
3 боб. Башоратгўй ва тоғлар.....	184
4 боб. Эси йўқ дурагайлар.....	223
5 боб. Мерган ва қора кийимли одам.....	288

Адабий-бадиий нашр

СТИВЕН КИНГ

МЕРГАН

Роман

Рус тилидан **Саиджалол Саидмуродов** таржимаси

Мухаррир Жамшид Матёқубов

Рассом-дизайнер Дилмурод Мулла-Ахунов

Техник муҳаррир Лина Хижова

Кичик муҳаррир Гулбайра Ералиева

Мусаххих Зухриддин Қудратов

Компьютерда саҳифаловчи Гулмира Қулназарова

Наشريёт лицензияси АИ №158, 14.08.2009.

Босишга 2017 йил 24 февралда рухсат этилди.

Бичими 80x100¹/₃₂. «Газетная пухлая».

«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет

усулида босилди. Шартли босма табоғи 14,8.

Нашр табоғи 11,42. Нусхаси 3000. Буюртма №17-72.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz